

Ўзбекистон ШАРҚини ЮЛДУЗИдир

# Шарқ юлдузи

Адабий-ижтимоий журнал

2005

Биринчи фасл



## ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Абдулла Орипов—  
таҳрир хайъати раиси  
Бобур Алимов  
Эркин Воҳидов  
Хуршид Дўстмуҳаммад  
Жуманиёз Жабборов  
Тўлан Низом  
Хайриддин Султонов  
Сироҳиддин Саййид  
Александр Файнберг  
Ибройим Юсупов  
Пиримқул Қодиров  
Рустам Қосимов  
Уткир Ҳошимов

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Абдулазиз Абдуқаҳҳоров  
Туробжон Жўраев  
Нурбой Жабборов  
Фатҳиддин Муҳиддинов  
Файзулла Муллажонов  
Омон Мухтор  
Ботир Парпиев  
Бахтиёр Сайфуллаев  
Неъматилло Худойберганов  
Омонулла Юнусов  
Ғайрат Шоумаров  
Ислом Шоғуломов  
Ашур Қодиров  
Қаҳрамон Қуронбоев

## БОШ МУҲАРРИР МИНҲОЖИДДИН МИРЗО

Бахтиёр Карим  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Юсуф Файзулло  
(Масъул котиб)

Икром Отамурод  
(Назм ва адабиётшунослик  
бўлими мудири)  
Баҳодир Мурод Али  
(Навр ва мақоланавислик  
бўлими мудири)

## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

*Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.*

**А.Навоий**

Саховатнинг энг буюк жасурликлари ватанга муҳаббат туфайли юзага келган.

**Ж.Ж.Руссо**

*Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,  
Инсон ҳаётида қолур бемазмун.*

**М.Салмон**

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

**Ж.Байрон**

*Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр,  
У қалбан шикаста, у қалбан мажруҳ.*

**Т.Г.Шевченко**

Муносиб яшалган ҳаётни йиллар билан эмас, балки бажарилган ишлар билан ўлчамоқ зарур.

**Р.Шеридан**

*Кимки курашса гар эрк ва ҳаёт деб,  
Ушанга лойиқдир эрк ҳам, ҳаёт ҳам.*

**И.Гёте**

Яшаш кураш демакдир; кураш яшандир.

**П.Бомарше**

Киши ўз бахтини бошқаларга келтирган бахтига қараб ўлчайди.

**И.Бентам**



## ШОИРНИНГ ДАЪВАТНОМАСИ

Бир одамнинг бошқа биров билан ёвлашиб умр бўйи ёқалашиб юрганларини эшитганмиз. Давлатлар орасидаги низолар ҳам янгилик эмас. Бироқ, терроризм балоси кейинги даврда Ер юзида гўёки бир иллат каби пайдо бўлди ва тарқай бошлади. Ҳозирги кунда ундан озми-кўпми талофат кўрмаган мамлакат йўқ, деса бўлади. Бу кулфат илдиз отаётган дастлабки йиллардаёқ Президентимиз Ислом Каримов жаҳон жамоатчилигини огоҳ бўлишга чақирган эдилар. Бироқ, инсон болаларининг феълида ғалати бир манманлик, гофиллик устувор бўлиб келаверар экан. Афсуски, бу балонинг ўз вақтида олди олинмагани учун Ер юзини чулғаб ола бошлади. Ҳақиқатан ҳам уларнинг на дини, на мазҳаби, на миллати бор. Уларнинг асосий мақсади энг муттаҳам ва разил услублар воситасида ҳокимиятни эгаллаш ҳамда ўз қонун-қоидаларини юргизиш. Бунга Афғонистондаги толибонлар ҳаракати яққол мисол бўла олади. Уларнинг бир қисми халифалик даъвосида юрибдилар. Ўзбек тилида бунингдек ибора учраган эмас ва бундай давлатчиликни биз билмаймиз. Инсоният тоққа чиққан сайёҳ эмаски, ўзига ёқиб қолган бирор ғорда бир кеча тунаса-ю, эртаси куни бутун Ер юзи халқларини шу ғорга чорлай бошласа. Бугун инсон қадами чексиз коинот қаърига бориб етди.

Таниқли шоиримиз Маҳмуд Тоиров ушбу мавзуга мурожаат этар экан, воқеалар тасвир доирасини наинки бизнинг юртимиз, балки дунё миқёсида белгилайди. Муаллиф дилидан отилиб чиққан туғёнлар, даъватларни ўзингизникидек ҳис этасиз. Шунингдек, дoston шакли-шамоили ҳам ўзига хосдир. Дostonда юксак сиёсий даъватлар ҳам, терроризм туфайли одамлар бошига тушган фожиалар ҳам, барча-барчаси самимий бир равишда ўз ифодасини топа олган. Биз бадий асарни кўпинча ижодкорнинг навбатдаги туҳфаси дея, қабул қилишга ўрганиб қолганмиз. Бу дoston эса, терроризм туфайли одамзод бошига тушган фожиаларнинг кичик бир хужжати сифатида ўқувчини огоҳликка чорлаб турадиган даъватномадир.

Абдулла Орипов,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири



Маҳмуд Тоиров

## ОГОҲ БЎЛ, ДУНЁ!

Достон

«Огоҳ бўлинг, одамлар!» — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар, фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг.

Ислом КАРИМОВ

### МУҚАДДИМА

*Бугун тонгда хуш турдим жуда,  
Дунё гўзал, олам осуда.*

*Осмон тиниқ, осмон беғубор,  
Тиниқликда ажиб ҳикмат бор.*

*Жилмайиб нур сочади қуёш,  
Бахтга эшик очади қуёш.*

*Салом олиб келган саболар,  
Бошим узра тўкар дуолар.*

*Орзудайин кўз очган куртак,  
У тонгдаги тотли бир тилак.*

*Қуш тилини қушлар билса ҳам,  
«Қушлар тили» кўнгилга малҳам.*

*Оллоҳ тутган гултож гўзаллик,  
Мусаввирга муҳтож гўзаллик.*

*Кўзларимга сифмаса нетай,  
О, она юрт, садағанг кетай.*

*Сен ҳақингда ўйламоқ шараф,  
Мадҳинг ёниб қуйламоқ шараф.*

*Хурликда сен кўтарилган тахт —  
Абадият осмонида бахт.*

*Дарди дунё заҳматкаш, элим,  
Меҳри дарё меҳнаткаш, элим.*

**Бирда қувнаб, бирда ўқиндим,  
Бугун дилдан келди тўкилгим.**

**Ўтмишдаги уволинг ҳаққи,  
Қонли кечмиш, заволинг ҳаққи.**

**Тилдан, дилдан тўкилган армон,  
Балки бўлар муъжаз бир дoston.**

**Авлодларга ва ё бир мактуб,  
Неки бўлса, бўлолсин матлуб.**

### **ЯШАШ БАХТ**

Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бои, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилишлари учун биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Ислом КАРИМОВ**

**Ҳар дилда ҳикматнинг хазинаси бор,  
Ҳар тилда ҳурматнинг ганжинаси бор.**

**Вале, ҳар сўздан ҳам ҳикмат яралмас,  
Ҳар хусни соҳибдан хуш нур таралмас.**

**Ҳар ботир майдонда ғолиб бўлолмас,  
Ҳурматни талаб-ла олиб бўлолмас.**

**Яшашнинг шарти бор, одамлик шарти,  
Ўздан кечиб яшар миллатнинг марди.**

**Аё дўст, кун келди, келди хўп замон,  
Она юрт бўлмоқда кўп дориламон.**

**Ҳар дилда жаранглар ҳурлик хитоби,  
Вафодан бошланар тақдир китоби.**

**Момолар тилида шукрона оят,  
Боболар тилида ҳикмат, ҳикоят.**

**Йигитлар очмоқда ишқнинг эшигин,  
Келинлар қучмоқда бахтнинг бешигин.**

**Фарзандлар баҳордек балқиб яшарлар,  
Дилида қувончи қалқиб яшарлар.**

**Навоий назмидек тотли бир калом,  
Дунёни забт этар ўзбек деган ном.**

**Мустақил давлатнинг жавоҳирлари,  
Алпомиш келбатли баҳодирлари,**

**Ўзбек доврўғини дoston қилгувси,  
Мингларнинг мушқулин осон қилгувси.**

**Жаннатий диёрнинг жамолидек хуш,  
Ҳазрат Амир Темур камолидек хуш.**

**Дилларда юз очар инжа бир савол:  
«Бу юртни ким қурган? Болам, ёдга ол!**

**Хурликнинг илк гиштин кимлар қўйишган,  
Ватанни ҳар недан ортиқ суюшган?**

**Кимлар у, жонини ўққа тик тутган,  
Озодлик йўлида ўзни унутган?»**

**Не ўйлар, билмадим, дилдан ўтади,  
Не номлар неча бир тилдан ўтади.**

**Шу боис, ушбу кун қўлимда қалам,  
Оқ қоғоз устида қувончим, нолам.**

**Умидим, бизни ҳам келгувси авлод,  
Эҳтиром, эъзозда этишгайлар ёд.**

**Ва билгай озодлик тушмас осмондан,  
Уни деб кечишган не мардлар жондан...**

\* \* \*

**Кеча яралмаган бу кўҳна дунё,  
Эрта тугамайди оламда ҳаёт.  
Инсонга қалб ато этганда Худо,  
Не олдин юз очган, қувонч ё фарёд?**

**Ҳақ қачон яратган Одам Атони,  
Бу савол йилларга сизмайди ҳамон?!  
Одам Ато қилган битта хатони,  
Минг бир хил усулда такрорлар инсон.**

**Бахт бермас, аслида, Оллоҳ одамга,  
Бахтли яшаш учун бергайдир имкон.  
Келибсан, хуш келдинг, ёруғ оламга,  
Бахтли яшолдингми, айтгин, эй инсон?**

**Умр-ку, бандага ўлчаб берилган,  
Ҳою ҳавасини бўлурми ўлчаб?  
Қани у — жисмига сизмай керилган,  
Қайга етиб борди тулпорин қистаб?**

**Кимга озор берди, кимни асради,  
Ортида қолдими бир парча боғи?  
Ёки талвасада руҳи, жасади  
Қабрида қорайиб ётарми доғи?**

Оиланг осмонида сўнмасми нуринг,  
Отанга, онангга бўлдингми, фидо?  
Фарзандинг қалбида ўчмасми кўринг,  
Айт, элинг ортингдан қилгайми дуо?

Орзу аримайди тирик одамда,  
Вале, ҳар саволга топилмас жавоб.  
Яшаш ўзи бахт-ку ёруғ оламда,  
Изингда қолса гар ташаккур, савоб.

\* \* \*

**Ҳар кўнгилнинг тиниқ кўзгуси,  
Боболарнинг асрий орзуси.**

**Озодликнинг ороми ширин,  
Озод инсон каломи ширин.**

**Хурликни Ҳақ хуш кўрар азал,  
Хурриятнинг бекати гўзал.**

**Гўзалликни асраш шарти бор —  
Яшаш керак ҳамиша бедор.**

\* \* \*

Айтилган сўз - отилган ўқдир,  
Шу ўқлардан озорда дунё.  
Кимлар учун мазорда маҳзун,  
Кимлар учун бозорда дунё.

Айтилган сўз - отилган ўқдир,  
Гап отгани қалам тутмадим.  
Юрагимда ловуллар бир чўғ,  
Сўз сотгани қалам тутмадим.

Бу дунёнинг тош экан боши,  
Лек, қартайган қайғу дастидан.  
Ўлмай туриб гоҳи бандаси  
Жой оларкан дўзах остидан.

Бу дostonнинг сўзлари ғамли,  
Андуҳида элнинг ори бор.  
Увол кетган не-не жонларнинг  
Яратганга қилган зори бор.

Ҳар инсоннинг бошида осмон,  
Ҳар инсоннинг пойида ер бор.  
Ўзгаларнинг ризқини олиб  
Ким яшабди оламда такрор?

Кимдир бугун бешик эгаси,  
Эрта бир кун елкада тобут.  
Қувонч қирқ йил яшамас, ахир,  
Бошинг эгар лаҳзалик сукут.

Хур ва бахтли яшашга асли  
Ҳақ олдида ҳақли ҳар банда.  
Яхши кунга ярашмас лекин,  
Қизитмайин чалган чирманда.

Уйғоқ одам увол кетмагай,  
Ғафлат унинг барин тутмагай,  
Ёвузликни у енгиб яшар,  
Ғофил муродига етмагай.

Огоҳларда ором йўқ, чиндан,  
Огоҳларга ёрдир Оллоҳим.  
Огоҳликка чорлаб дунёни  
Оқ қоғозга тўкилди оҳим.

## ХУРЛИК ЙЎЛИ

Тарихий хотираси бор бўлган инсон иродали инсон. Тахрор айтаман, иродали инсондир. Ким булишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, оундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Ислом КАРИМОВ

**Аё дўст, бу дунё азал демишлар,  
Хотира уйгонса гўзал демишлар.**

**Хотира уйгонса дардлар ҳам дарё,  
Сабрлар, тўзимлар бераркан садо.**

**Хотира уйгонса ўзни танийсан,  
Ҳам оппоқ, ҳам қаро юзни танийсан.**

**Кўзингга кўринар сонсиэ қабрлар,  
Жонингни оғритар зулм, жабрлар.**

**Ёлгоннинг, риёнинг бошлари хамдир,  
Ҳақиқат ҳайқирмас, ҳамон кўркамдир.**

**Хотира уйгонса ҳайрат уйғонар,  
Сувратлар жим турар, сийрат уйғонар.**

**Уйғонар жисму жон, уйғонар иймон,  
Нечун уйғонмайсан, ахир, сен инсон?!**

**Бошингга қандайин тўфонлар келмиш,  
Қайгудан, қаҳрдан уммонлар келмиш?!**

**Тарих тўкар дема кўҳна дардларин,  
Тарих соғинаркан асил мардларин.**

\* \* \*

Яшаётган одам учун  
Жон бир тараф, шон бир тараф.  
Адолатнинг туғин ҳар кун  
Темур каби тутмоқ шараф!

Гоҳи дунё, гоҳ дард бериб  
Оллоҳ ўзи кўргай синаб.  
Эл-юрт учун кўксин кериб  
Кубро каби кетмоқ шараф!

Бу дунёда икки эшик,  
Ҳеч ким қолмас абад яшаб.  
Мангуберди каби мангу  
Ватан учун ўлмоқ шараф!

Бу Ватаннинг аёли ҳам  
Орлик т:Армон кучган кўп бўлган.  
Жон чир:Озодликни сўраб чиқиб,  
Тумарис:Ўққа учган кўп бўлган.

\* \* \*

Хурлик йўли узун йўлдир  
Сўқмоғи кўп, тоши кўп.  
Юзлардаги кулгусидан,  
Хурлик йўли узун йўлдир  
Сўқмоғи кўп, тоши кўп.  
Юзлардаги кулгусидан, йўк,  
Кўзлардаги ёши кўп. 2.  
Бу йўлларнинг гадоси кўп,  
Бу йўлларнинг беки бор.

Бу йўлларда бахтин эмас,  
Армон кучган кўп бўлган.  
Озодликни сўраб чиқиб,  
Ўққа учган кўп бўлган.

Изтиробнинг иситмаси  
Чирмашган не жонларга.  
Бу йўлларнинг ҳар қадами  
Қабрдир қурбонларга.

Узоқ тарих, узоқ ўтмиш  
Қатларида қайғуси.  
Янги тарих — энг гўзал ҳис,  
Бу — ҳуррият туйғуси!

\* \* \*

**Биз яхшилик ярашган халқмиз,  
Майдонда ор талашган халқмиз.**

**Наманганда низо чиқарган,  
Фарғонада қазо чиқарган.**

**Ғаним қувнар қилсанг хатолар,  
Ўйлаб топса ички низолар.**

**Ғадддор душман ўйинлари кўп,  
Паркентда ҳам кўзга солди чўп.**

**Ўшда увол кетганлар билмас,  
Ўзганда қон ютганлар билмас.**

**Аммо, Худо яхшига ёрдир,  
Мардларига ўзи ҳамкордир.**

\* \* \*

Яхши одам номин айтиб  
Не-не авлод яйрайди.  
Худо берса минглаб жонни  
Битта одам асрайди.

Бўқадаги бўронлар,  
Нола қўшган нолангга.  
Шунда кўзинг тушганми,  
Оқ от минган болангга?

Янги тарих-ўтмишингда,  
Фарёд бордир, дод бордир.  
Лек, дардингга малҳам бўлган  
Жони фидо зот бордир.

Оломонни оралаб,  
Тинчликка тумор бўлган.  
От устида куёшдек,  
Миллат учун ор бўлган.

Сени талаган тузум,  
Қип-қизил байроқ эди.  
Айбинг фақат, жон элим,  
Қўлларинг қадоқ эди.

Чиққан кам, тушган кўпдир,  
Риёнинг тушовига.  
Наманганда ким кирган  
Ёлғиз, ёв қуршовига?

Отанг пахтакор эди,  
Онанг пахтакор эди,  
Эгатларда эзилган,  
Боланг пахтакор эди.

Не азоблар кўрмадинг,  
Минг оху фарёд бўлдинг?!  
Оллоҳ мададкор бўлиб,  
Кун келди, озод бўлдинг.

Пахтасин териб бердинг,  
Чаноғида тилдилар.  
Пешонангнинг шўридан  
Шарбат талаб қилдилар.

Вале, айтгин, жон элим,  
Давлатинг ким тиклади?  
Бугун дунё тан олган  
Шавкатинг ким тиклади?

Қалбинг ўртаб ётса ҳам  
Тишлагандинг тилингни.  
«Пахта иши» занжиридан  
Ким бўшатди кўлингни?

Дилинг ҳамон қон бўлар,  
Боқсанг босган изингга.  
Тилинг, дининг, Наврўзинг,  
Ким қайтарди ўзингга?

Улуғларнинг руҳини  
Ким уволдан асради?  
Бу миллат, бу Ватанни  
Ким заволдан асради?..

\* \* \*

Айтилган сўз - отилган ўқдир,  
Меҳринг меҳроб, жонимда чўғдир,  
Сендек суюк суянчим йўқдир,  
Отингдан айланай, элим-ов!

Кўзгу синса кўзлар кулмаган,  
Ёт тупроқда излар кулмаган,  
Гинада ҳам тилингдан томган,  
Тотингдан айланай, элим-ов!

Сен қўлласанг қоқилмас ҳеч ким,  
Асли сендек оқилмас ҳеч ким,  
Топган гапим, айтарим шулким,  
Зотингдан айланай, элим-ов!

Сен тупроққа тилмоч бўлган эл,  
Она Ерга оқсоч бўлган эл,  
Қуюнчагим, куёш бўлган эл,  
Ёдингдан айланай, элим-ов!

\* \* \*

**Ҳақиқат оддийдир, ҳикмати буюк,  
Шошмаган шод яшар, ҳурмати буюк.**

**Ўзбекка ўргатма, кўп қилма гина,  
Томга ҳам чиқарлар зинама-зина.**

**Ўн тўрт йил бўйладик дунё бўйига,  
Кут-барака кирди ўзбек уйига.**

**Ғалласи беминнат, нефти беминнат,  
Юзин ёруғ қилган бу ҳалол меҳнат.**

**Ҳеч кимдан ҳеч нарса тилаб олмадик,  
Ё биров нонини тунаб олмадик.**

**Машаққат чекапмиз, яширмоқ нечун,  
Йўқни йўндирдик, деб оширмоқ нечун.**

**Биз ҳурлик йўлида метин сафдамиз,  
Ким тинчлик истаса у тарафдамиз.**

\* \* \*

Сўзлар ичра нурли сўзлар бор,  
Тилга олсанг яйрар жону тан.  
Дилда, тилда айтаман такрор,  
Сенсиз яшаб бўлмайди, Ватан!

Ғоз учолмас овчи бор кўлда,  
Ўзни эҳтиёт қилар яхшилар.  
Алпомиши ўлмаган элда,  
Юзи ёруғ куйлар бахшилар.

Момо ернинг юраги тинчлик,  
Момо ерга кераги тинчлик.  
Худойим ҳам тўйган урушдан,  
Худойимнинг тилаги тинчлик.

Болдек ширин тинчликнинг тоти,  
Элим, ҳурлик бахтнинг баёти.  
Бошинг узра соябон бўлсин,  
Оқ каптарнинг оппоқ қаноти.

\* \* \*

Хуш ниятлар дилларга малҳам,  
Юрт тинчлиги-энг олий тилак.  
Кўкдан тушмас аммо тинчлик ҳам,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Майдон доим мардники бўлган,  
Кўрқоқ қақшаб панада ўлган,  
Тинчи борнинг толеи кулган,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Тўйлар тўйга улансин, десанг,  
Бешикка бек белансин, десанг,  
Изингдан бахт элансин, десанг,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Дема, бугун ошим ёвғондир,  
Шукур қилгин — жонинг омондир,  
Бир кун ғалва-қирқ кун ёмондир,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Момоларнинг дуоси тилло,  
Боболардан дуо ол, илло,  
Ғафлатни хуш кўрмайди Худо,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

\* \* \*

Ўзбекистон--кўзимдаги нур,  
Кафтинг очсанг жонимни тутгум.  
Бу дунёга сенда келдим мен,  
Бу дунёдан сени деб ўтгум.

Ҳурлик қучган озода диёр,  
Йўқ эмасдир озорларинг ҳам.  
Шаҳид кетган ўғлонлар ётган,  
Бордир маънос мазорларинг ҳам.

Кўлда қалам, уйга толаман,  
Қандай куйлай қувонч, дардларинг?  
Минг дostonга мазмун бергувси,  
Сен деб жонни тиккан мардларинг.

Минг қўшчига бир бошчи бўлган,  
Тўрт тарафга тентак тортади.  
Бир жон бўлиб бирлашса гар эл,  
Юртда гузал тонглари отади.

Кимки нени ўрганмоқ бўлса,  
Улуғларнинг мероси бисёр.  
Она замин топталмаса, бас,  
Рухлар бунда чекмасин озор.

Айтилган гап — отилган ўқдир,  
Кўзгу тутар кўнглим ўзимга.  
Жоним Ватан, нур берар Оллоҳ,  
Сен деб айтган ҳар бир сўзимга.

\* \* \*

**Дил кўзин очмоққа ҳидоят керак,  
Ватан учун ҳар вақт ҳимоят керак.**

**Ватан у жисмингдир, Ватан жонингдир,  
Қонингда қалқиган асл шонингдир.**

**Фам-андуҳ сўрамай тушар бошингга,  
Оғулар кўшилар зумда ошингга.**

**Балки у отангдир, балки болангдир,  
Ватан деб жон берган мангу нолангдир.**

**Қадим Тошкент, дардларинг ҳам кўп қадим,  
Сени тинчлик бешиги деб атадим.**

**Кўзин тиккан сенга жуда кўп эрур,  
Узин тиккан сенга жуда кўп эрур.**

**Разил тўда тинчлигингга кўйди чоҳ,  
Тупроғингда ётар неча бегуноҳ.**

**Бурчимулла, Янгиобод тоғлари,  
Кўнгилларни ўртар армон доғлари.**

**Сизда оқди не мардларнинг қонлари,  
Эл-юрт учун фидо бўлиб жонлари.**

**Юртим деган эрлар элда бор бўлсин,  
Рухларига мангу ором ёр бўлсин!**

### **АСРАЙ БИЛГИН**

Матбуот орқали ҳам, хориж сафар-ларисида ҳам доимо такрорлайман — террорга қарши курашиш керак. Биринчи галда, террорчиларни тайёрлайдиган заминга, ғояга, мафкурага эътибор бериш, шуларга қарши курашиш керак.

**Ислом КАРИМОВ**

**Орзуси йўқ кўкда учолмас,  
Курашмаган қувонч қучолмас,**

**Тонг отмаса, кун ҳам ботмагай,  
Яхшилик ҳам ерда ётмагай.**

**Ҳурлик учун курашдингми, айт,  
Оринг учун талашдингми, айт?..**

**Баҳор ҳар йил қайтиб келади,  
Кўҳна кўшиқ айтиб келади.**

**Келмас экан ҳар ўтган кунинг,  
Қайтмас ҳатто чеккан ҳар унинг.**

**Биздан қолсин шу озод Ватан,  
Авлодларга энг обод Ватан!**

**Гул юзида шабнамлар қолсин,  
Қолсин, яхши одамлар қолсин.**

**Яхши мингта бўлса ҳам камдир,  
Битта ёмон-мингта мотамдир.**

\* \* \*

Огоҳмисан, айт, дунё,  
Огоҳмисан, эй одам?  
Нечун унда кўзинг ёш,  
Нечун унда бошинг ҳам?

Огоҳмисан, сен ўзи,  
Гумроҳмисан, сен ўзи?  
Тонг сен учун отмоқда,  
Сен деб кулар кун кўзи!

Содда дунё, гўр дунё,  
Пешонаси шўр дунё!  
Тирик туриб ўзингга  
Қазийдирсан гўр дунё!

Нечун, ахир, бир-биринг  
Тиглашни хуш кўрасан?  
Гул бўлганда сўлдириб,  
Йиглашни хуш кўрасан?

Содда одам, гўр одам,  
Кўзи очиқ, кўр одам!  
Ғафлат бешиги ҳаром,  
Уйғон энди, тур, одам!

\* \* \*

Тоғни талқон қилар бўлсанг ҳам,  
Қилни арқон қилар бўлсанг ҳам,  
Илоҳдан бол тилар бўлсанг ҳам,  
Куч — аслида адолатдадир!

Ҳеч ким йўқдан бор қилган эмас,  
Кенг дунёни тор қилган эмас,  
Офтоб ойдан ор қилган эмас,  
Куч — инсофу диёнатдадир!

Болтам бор деб жаллод бўлмагин,  
Кувонч боқса фарёд бўлмагин,  
Минг йил яша, майли ўлмагин,  
Куч — тафаккур, маърифатдадир!

Навниҳолда чинорни кўргин,  
Қаро тунда бедорни кўргин,  
Кўрсанг-Парвардигорни кўргин,  
Куч — меҳрда, муҳаббатдадир!

Умринг йўли кўп узун эмас,  
Шукри борлар ҳеч маҳзун эмас,  
Яшаш асли бу афсун эмас,  
Куч — севгида, садоқатдадир!

\* \* \*

Бугун қайғу бошимда ботмон,  
Эрта шамол сенга кўчирар.  
Террор-асли шафқатсиз тўфон,  
Тинч уйингда чироқ ўчирар.

Мағрибдами ва ё Машрикда,  
Озор топса одам боласи.  
Қулоғингни солар қоматга,  
Етиб келган оху ноласи.

Дерлар, бўлсин умринг зиёда,  
Кимга ёқмас хуш орзу, ният.  
Томошага ўч бу дунёда  
Томошабин бўлмоқ жиноят.

\* \* \*

**Хавотир ҳар куни, ҳар жонда яшар,  
Юзлардан, кўзлардан қайғулар тошар.**

**Ногаҳон портлаган бомба овози,  
Самода яна бир мотам парвози.**

**Кўнгилга ҳаттоки, сигмас экан қил,  
16 февраль... 1999 йил...**

**Дунёга тарқатди не шум хабарлар,  
Кўллари, диллари, тили заҳарлар.**

**Амалга ошмади шум ниятлари,  
Омондир, омондир, юртнинг сарвари!..**

\* \* \*

Элим деган юрт саркорин,  
Эл дуоси асрагайдир.  
Ҳақ йўлинда жон нисорин,  
Ҳақ нидоси асрагайдир.

Илон кирар, чаён кирар,  
Билиб-билмай очсанг бағир.  
Кўлламаса Худо агар,  
Эл олдида юрмоқ оғир.

Бахт этагин тутқазгунча,  
Ойлар ўтар, йиллар ўтар.  
Ғам қувлаган ожиз одам,  
Қочиб қанча қонлар ютар.

Эл корига елка тутган,  
Юрт ёвига кўкси қалқон.  
Бу ҳикматни ким унутган,  
Кўқдан тушмас яхши инсон.

Отам дерди: -очгил кўзни,  
Ерни кўргин, пастга тушгил.  
Турт одамга тўғри сўзни,  
Топиб айтмоқ ўзи мушкул.

Сен деб куйса, ёнгин сен ҳам,  
Қарсак, ахир, қўш қўлниги.  
Паноҳингда асра эгам,  
Ўзбекистон ҳур элники!

\* \* \*

Азал ҳикмат, гўзал ҳикмат,  
Бизлардан кўп яшар ҳикмат,  
Одам бўлсанг олгин ибрат,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

Тупроқ сира тоғ бўлмагай,  
Боғбонсиз ҳеч боғ бўлмагай,  
Ёлғон мақтов ёғ бўлмагай,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

Қозон тўкмас куясини,  
Қуш асрайди уясини,  
Тулпор кўрир биясини,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

Ўргимчакнинг тўри бўлма,  
Очиқ кўзнинг кўри бўлма,  
Одамзотнинг ғури бўлма,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

Ерни асрар осмони бор,  
Ҳар жонзотнинг макони бор,  
Асрамоққа имкони бор,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

Остонангга оринг посбон,  
Бўлсин танда боринг посбон,  
Бу Яратган ҳукми, инсон,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

\* \* \*

Ҳар кимнинг ҳаваси, орзуси бисёр,  
Не бўлса мўл бўлсин, бари сизники.  
Бир сўз бор барчамиз айтайлик тақрор,  
Ушбу азиз Ватан барчамизники!

Жаннатий боғлари боғбони билан,  
Чўлу саҳролари карвони билан,  
Қувонч, қайғулари, армони билан,  
Ушбу азиз Ватан барчамизники!

Турфа тил, турфа дин, турфа миллати,  
Бирликда, хурликда улар зийнати,  
Бор бўлсин шарқона қадри, қиммати,  
Ушбу азиз Ватан барчамизники!

Йўл равон, дил ёруғ яхши ҳамроҳдан,  
Биз уни асрайлик, ёвдан, гумроҳдан,  
Тинчлигин тилайлик қодир Оллоҳдан,  
Ушбу азиз Ватан барчамизники!

\* \* \*

**2001 йил, 11 сентябрь...**  
**Дунё шум хабардан титради зир-зир.**

**Нью-Йорк ва Вашингтон,**  
**Жаҳаннам ўтида қолди ногаҳон.**

**4613 киши...**  
**80 мамлакатнинг фуқаролари.**

**Оҳ, бошдан учди-ку, одамзот ҳуши,**  
**80 мамлакатнинг ғам, нидолари.**

\* \* \*

**Умринг яшаб ўтсанг, ўлим меҳмондир,**  
**Дунёга келдингми, кетмоқ аёндир.**

**Тақдирга тан берар, дилбандларинг ҳам,**  
**Мотамга кўникар фарзандларинг ҳам.**

**Ёш кетсанг, ногаҳон кетсанг қийиндир,**  
**Террор бу қабоҳат, ёвуз ўйиндир.**

**Бир кун яшамайди бу дунё оҳсиз,**  
**Унинг азияти сонсиз, саноксиз.**

**Гоҳи ерда изғир, гоҳи осмонда,**  
**Террор хавфи бугун бутун жаҳонда.**

**Эрта кимни нима кутмоқда, нима?..**  
**Ҳеч нима деёлмас, ҳеч ким, ҳеч нима?..**

### **АРМОН**

2004 йилнинг 29-30 март ва 1 апрел кунлари Ўзбекистонимизда 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро террор аталмиш жаҳолатнинг қурбони бўлгани ҳам шу ҳақда изтироб билан ўйлашга даъват этади.

**Ислом КАРИМОВ**

Қуёш сиз учун ҳам кулиб чиқарди,  
Ой ҳам тунингизга чироқ тутарди,  
Уйда жондек ширин жонлар кутарди,  
Ҳақингиз бор эди бахтли яшашга.

Бирингиз Касбида туғилган Эркин,  
Муҳиддинсиз қолган Сурхон не деркин,  
Кўхна Шош соғинар Қодирдек ўғлин,  
Ҳақингиз бор эди бахтли яшашга.

Самарқанд кўкидан уч юлдуз учди,  
Фахриддин, Отабек, Мансур ер қучди,  
Уч бахтнинг кўзига ногоҳ чўп тушди,  
Ҳаққингиз бор эди бахтли яшашга.

Ваҳобиддин Паркент ўғлони эди,  
Заитбек Қибрайнинг қалқони эди,  
Азизжон Янгийўл достони эди,  
Ҳаққингиз бор эди бахтли яшашга.

Сиз йўқ остоналар охи ўртайди,  
Қайғулар қон қусиб, қувонч қорайди,  
Қабрингиз қошида осмон торайди,  
Ҳаққингиз бор эди бахтли яшашга.

Сиз Ватан кўкида сўнмас қуёшсиз,  
Элнинг ёдидасиз, руҳан дилдошсиз,  
Соғинчсиз, армонсиз, битмас кўз ёшсиз,  
Ҳаққингиз бор эди бахтли яшашга.

\* \* \*

Тўққиз уйда тўққиз она,  
Тўққиз ўглин йўқлайди.  
Бағри бутун одамлар,  
Бу йўқловни укмайди.

\* \* \*

Ўққа учган болам-ов,  
Йўққа кўчган болам-ов!  
Юрагимнинг ёнига  
Чикди чипқон болам-ов!

Сенинг ўлганинг ёлғон,  
Менинг қолганим ёлғон,  
Сенга теккан ўқ, болам,  
Менинг жонимни олғон!

Ўглинг ўрмалаб келар,  
Қизинг юмалаб келар,

Кўзларимнинг қонлари  
Юздан думалаб келар.

Йўқлаб борсам қабрингга,  
Қайрилмайсан, болам-ов!  
Тупроқ онанг бўлдим,  
Айрилмайсан, болам-ов!

Жон болам, жоним болам,  
Мангу армоним болам!  
Қонимла қирқ йил ёзсам  
Битмас дostonим, болам!

\* \* \*

Сенинг дардинг ботмон, оҳларинг ботмон,  
Юзингдаги ажин ғамнинг шонаси.  
Жонингни қамчилар минг битта армон,  
Муштипар, мунисам, Ўзбек онаси!

Меҳринг-ла ийланган айтган ҳар сўзинг,  
Сен эмасми, эзгулик парвонаси?  
Табиатнинг мўъжизаси сен ўзинг,  
Сен нурнинг чашмаси — Ўзбек онаси!

Ҳар ишда Ҳақ деган, ҳақгўй, художўй,  
Софлик садафида дурнинг донаси.  
Улуғ йўл бошида турган дуогўй,  
Меҳрибон, дарёдил Ўзбек онаси!

Кўз ёшларинг артгин, бир бора жилмай,  
Эй, меҳри уммоним, дил дурдонаси.  
Хурликда энди мен бахтингни куйлай,  
Миллатим онаси — Ўзбек онаси!

\* \* \*

Айтилган гап — отилган ўқдир,  
Майда гаплар сизмас дилимга.  
Айбсиз кетган руҳлар чорлади,  
Қалам олдим ногоҳ кўлимга.

Деманг тилдан дoston тўкилди,  
Дилдан оғриқ, хазон тўкилди.  
Қирқта эмас, бир эди жоним,  
Вале, қирқ минг жойдан сўкилди.

Ер юзида лоақал бир кун,  
Одам ноҳақ ўлмаган кун йўқ.  
Кўхна дунё кўхна ярангни,  
Нахот бир кун тилмаган кун йўқ?

Қодир Оллоҳ, бандалар ожиз,  
Узинг кўлла, яхшига наф қил!  
Ер юзидан, кўкнинг кўзидан  
Террор деган балони даф қил.

Тинч тонгларнинг тоза юзидан  
Сен уйғониб, нур тергин, инсон.  
Куюшга боқ, ўтли кўзидан  
Қалбинг учун кўр тергин, инсон!

Ўтган кунинг- ўтган умрингдир,  
Омонлигинг шукрин қилсанг-чи!  
Хатто куш ҳам уясин асрар,  
Одамлигинг фикрин қилсанг-чи!

\* \* \*

Қордан қадр сўрама-эриб кетар,  
Хазон болиш бўлмайди, чириб кетар,  
Фаним уйдан қувончинг териб кетар,  
Худо берган бахтингни асрай билгин!

Ҳақдан сўра, мушкулинг осон бўлсин,  
Дарвозанг оч, уйингда меҳмон бўлсин,  
Остонамда орият посбон бўлсин,  
Худо берган тахтингни асрай билгин!

Тошдан меҳр тиланма, дил тўкилар,  
Бевафонинг бағрида бахт ўкинар,  
Оқилга ҳам, одилга ҳам эл юкинар,  
Эл ўғлисан, аҳдингни асрай билгин!

Асрай билгин, осмонингни асрай билгин!  
Боғинг гўзал, боғбонингни асрай билгин.  
Хуш ниятли ҳар миллат сиққан бу юрт,  
Карвон бўлсанг, сорбонингни асрай билгин!

Бўлар-бўлмас одамга бўзлайверма,  
Ҳақиқатни ҳар дилдан излайверма,  
Кўлинг етмас манзилни кўзлайверма,  
Худо берган нақдингни асрай билгин!

Бу дунёнинг белига белбоғ етмас,  
Биз кетамиз дунёдан, дунё кетмас,  
Мудраб қолсанг отар тонг, сени кутмас,  
Элим, сафда шаҳдингни асрай билгин,  
Худо берган бахтингни асрай билгин!

Не қирғин-баротни кўрмади дунё,  
Турфа разолатлар тигин қайради.  
Тарих кўксин тилар ўтли бир нидо,  
Қонни дарё қилиб Чингиз яйради.

Салиб юришларнинг ҳадсиз жанглари,  
Бегуноҳ элларни қилдилар қурбон.  
Бугун черков инквизициясин,  
Башар хотираси лаънатлар ҳамон.

Фашизм балосин қурбони бўлди,  
Миллион-миллион одам, бу ер, бу осмон.  
Боғлар хазон бўлди, орзулар сўлди,  
Қалбларнинг яраси битмаган ҳамон.

Илашиб хаёлнинг аравасига,  
Сўнгра Коммунизм ўйнатди қамчи.  
Олам кулоқ солди таралласига,  
Бари сароб экан, бари алдамчи...

Динни ниқоб қилган ғаразгўйлар ҳам  
Шубҳа йўқ қулайди ўзин чоҳига.  
Келажак олдида, тарих олдида  
Ҳали жавоб берар уз гуноҳига.

Хуш тилак хуш ёқар, ҳамиша матлуб,  
Мардлар майдон ичра тўкмайди кўз ёш.  
Кун келар, террор ҳам бўлади мағлуб,  
Эзгулик боқийдир, боқийдир қуёш.

## ХОТИМА

Менинг ҳаётим — иш, уй. Шу халқ, шу  
миллат ташвиши. Менда яна нима бор?  
Ўйлайман. Кўп ўйлайман. Кечалари  
ўхлолмасдан чиқаман. Менинг ҳам  
болаларим, набираларим бор. Мен ҳам  
болаларимнинг бахтини кўрмоқчиман.  
Набираларимни уйлантирмоқчиман.

Ислом КАРИМОВ

Бу дунёга биз ҳаммамиз меҳмонмиз,  
Ҳар бир одам яхши фикр, ўй қилсин.  
Шоҳ, фуқаро — орзуси бор инсонмиз,  
Дуо қилинг, ҳар бир банда тўй қилсин.

Фарзанд берса, бўй қўшилсин бўйига,  
Тўй ярашар ҳар ўзбекнинг уйига.  
Яхши ният, ярим давлат, омин денг,  
Тўйлар қилсин, эл-юрт борсин тўйига.

Дерлар умр — бу Оллоҳнинг инъоми,  
Набиралар инсон умрин давоми.  
Хуш кунларнинг садосидир, аслида,  
Яхшиларга яхшиларнинг саломи.

Набирасин қўлларидадан етаклаб,  
Ўзи юрган йўлларидадан етаклаб,  
Гижинглаган тулпорларга миндирсин,  
Ҳақ йўлида дилларидадан етаклаб.

Эл дардидан ортармикан ўзи ҳеч,  
Ортишига етармикан кўзи ҳеч?  
Эл дардига жони фидо инсонни,  
Қодир Худо, мушкулини осон еч.

Набираси умрининг хуш навоси,  
Армон отлиқ ширин дарднинг давоси,  
Дуо қилинг, подшолар ҳам тўй қилсин,  
Ниятига етсин Ислом бобоси!

\* \* \*

**Йўл юрсанг ҳар йўлнинг поёни бўлгай,  
Ҳар ишнинг якуни, аёни бўлгай.**

**Дилнинг изҳорига сўз керак доим,  
Сўзнинг меъёрига туз керак доим.**

**Айтайин фаҳримни қўймасдан нуқта,  
Жонимиз, шонимиз, эл тутган тўғда.**

**Тафаккур тоғлари элнинг таянчи,  
Ҳикмат боғларида бордир суянчи.**

**Ҳурлигин асрайди жисму жонида,  
Фурур бор, ҳурмат бор, ўзбек шонида.**

**Майли, бир бор айтай, айтайин минг бор,  
Авлодлар биз билан қилгай ифтихор.**

**Ҳурлик эшигини очган, деб айтар,  
Қуллик занжирини янчган, деб айтар.**

**Оллоҳ улуғлаган ўзбек номини,  
Огоҳлари қўрир эл оромини.**

\* \* \*

Сен ортимдан таъна тошин отма, фаним,  
Номард азал мардларга тик йўлиқмайди.  
Оллоҳ шохид, билгил, халқим, жон Ватаним,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Одам яшар, сўз яшайди армон деган,  
Шу ўғлингдек бўлур асли султон деган,  
Жон керакми, жоним сенга қурбон деган,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Ўзбекистон кўзимизда ёнган шамдир,  
Фидоларинг киприклардан тушмас намдир,  
У отамдир, у онамдир, у боламдир,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Нони қаттиқ, майли, оши ёвғон бўлган,  
Мардлар доим юрти учун қалқон бўлган,  
Ким айтибди, сотқин каслар инсон бўлган,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Жоним Ватан-жонимизнинг чашмасисан,  
Сен онамнинг оппоқ сочи, кўз қошисан.  
Миллатимнинг энг кексаси, энг ёшисан,  
Оромингни огоҳларинг кўриқлайди.

Биз бир эмас, бизлар юз минг, биз миллионмиз,  
Биз ўзбекмиз, биз Темурий Туркистонмиз,  
Бизлар ҳам ҳур туғилгонмиз, биз инсонмиз,  
Оромингни огоҳларинг кўриқлайди.

\* \* \*

**Достон умри инсон умрига ўхшар,  
Бир сатри жилмайса, бир сатри қақшар.**

**Достон ҳам тушмайди асли осмондан,  
Дарддан тўкилади, тўкилар жондан.**

**Ўйлаб топилган деб ўқиманг, албат,  
Ўйлатган дардларим битдим мен фақат.**

**Бори шу, қоғозда, бандаман ожиз,  
Энди бу дафтарни ёпмоғим жоиз.**

**Ўқиб уққанларга раҳматим бисёр,  
Ҳам омон бўлсинлар, бўлсин Худо ёр!**





**Жуманиёз Жабборов,**  
Ўзбекистон халқ шоири

НЕЧА МАНЗИЛАРУ БЕРКАШАЛАР  
УШИБ...

### Чинор

Ёшлиқда, навбахор хушбўйдан маст,  
Салқин адирларда кезардим бир пайт,  
Қаршимда бир Чинор қалқди забардаст —  
Чинорким, ҳар барги мисли олтин байт.

Адабиёт эди у Чинор номи,  
Бағрида минг зотлар улғайган маъво.  
Қондаги жўшқинлик — унинг илҳоми,  
Бир гузал навоким, минг дардга даво.

Ундан баҳра олиб, мен ҳам бир неча  
Гулдасталар туздим оддий ва камтар.  
Унинг меҳри билан кундузи кеча  
Тўлдирдим шеър тўла неча бир дафтар.

Яшайман бир орзу — ишқ илинжида,  
Шу Чинор этмаса асло мени тарк.  
Ҳамиша барҳаёт кўрки ичинда  
Қола билсам эди бўлиб оддий барг.

### Олтин беланчак

Ернинг кўкрак сути — Сир билан Аму,  
Кўш олтин беланчак, дарёи шариф,  
Улар ризқу рўзим, уй тўла ёғду,  
Меҳрибон, меҳнаткаш, улуғвор, зариф.

Замонлар қаъридан келурлар йўлдош,  
Лоқайд фарзандларни севиб ё койиб,  
Оролга дард айтиб, урай деса бош,  
У ҳам кўринар, гоҳида ғойиб.

## Икки ақида

— Интилиш ва изланиш — инсон учун қурку зеб,  
Бу йўлда бор манзилга бир-бир бориб қайтилди.  
Ўзингни кўп ёндирма мўъжиза сўз айтгум деб,  
Дунёдаги бор ҳикмат такрор-такрор айтилди.

— Бу фикрингга, дўстгинам, қўшилиб бўлмас зинҳор,  
Билим йўллари сўнгсиз ўнгу терсу — чапи кўп.  
Милёндан биригина балки этилди изҳор,  
Дунёнинг айтилгандан айтилмаган гапи кўп.

## Мўъжиза

Ич-ичимга шўнғиб кетмоқ истадим,  
Истадим, шўнғисам қалбим қаърига.  
Хаёлим отини неча қистадим,  
Вале, ўтолмадим сендан нарига.

Етти мўъжиза бор, дерлар, жаҳонда,  
Ким билсин еттидир, ё балки етмиш.  
Фақат сен барқарор эурсан жонда,  
Оллоҳ сени менга мўъжиза этмиш.

## Изланиш

Донолар китобини кўп ўқиб чиқдим,  
Дилбар ўлкаларни этдим томоша.  
Хайрат манзиллари ичра чиниқдим,  
Сенга етмоқ бўлдим тоғма-тоғ оша.

Сен ҳамон олисда, ҳамон олдинда,  
Неча юрган сарим бўлурсан йироқ.  
Гоҳо қоронғуда, гоҳо ойдинда  
Сени кидиришдан толмасдим бироқ...

\*\*\*

«Ватанда сафар эт», демиш улуғ зот,  
Саёҳат тозалар виждону онгни.  
Сирларинг очгайдир буткул коинот,  
Сафарда қутласанг оқшому тонгни.

Неча манзиллару бекатлар утиб,  
Неча ҳикматларнинг очурсан тахин.  
Хизр бобо ўзи кўлингдан тутиб,  
Сенга ҳадя этур англамоқ бахтин.

Демакки, борлигинг чулғаб сирли нур,  
Кўп сирру асрорни билдинг мустақил.  
Сафар — бу қалбингга шўнғимоқ чуқур,  
Сафар — ўз-ўзингни кашф этган ақл.

## Сенинг васлинг

Сенинг васлингга, эй дилбар, қалам етмас, қоғоз етмас,  
Тараннум этгали мадҳингни соз етмас, овоз етмас.

Ширин ҳусн ичра Лайлодек сенга шогирд бўлур балким,  
Уларда сен каби аммо таманно бирла ноз етмас.

Гўзал ёр ҳолига Ҳофиз берибдир икки шаҳримни,  
Сенга беш юз диёру олти қитъа — барча оз, етмас.

Сенинг ақлу камолинг ўлчамоққа, сарвноз дилдор,  
Донишмандлар аро асло бирор тошу тароз етмас.

Сенга етмоққа интилгай жаҳон Фарҳодлари юзлаб  
Ва лекин бўлмасин ҳар қанчалик дасти дароз, етмас.

Ки ўзбек кўркини акс айлаган бир нозанин гулсан,  
Мукамал тасвиринг айтмоққа минг шоир Ниёз етмас.

## **Инсон олами**

*Инсон олами, дерлар, аён акс этур кўзда,  
Одобу ақли яна намоён бўлур сўзда.*

*Йилнинг файзу фароғин илк қадамидан билдим,  
Тонг чехрасин ол этган сафоли шўх наврўзда.*

*Сийнангга олам завқин ола бил лаҳза-лаҳза,  
Эрка шамол садосин жаранглат талаффузда.*

*Ассалом, эй офтоб, ташрифингга садқа дил,  
Чаманзор силсиласин яратгил дашту тузда.*

*Шу юрт, шу чаман учун, азизим, жонни бахш эт,  
Олам саховатини кўрмоқ истасанг кузда.*

*О, ҳофизим, сен ҳаёт маъносин изҳор айла,  
Умрлар фалсафасин ёритиб юз «Феруз» да.*

*Қалбларга жунбуш солур навбахорий ҳарорат,  
Барокати барқ уриб инсоний ризқ-рўзда.*

## **Айланур**

*Токи, ўз меҳворидан бул чархи гардун айланур,  
Вақту соат ўзгариб, кундуз билан тун айланур.*

*Ўзгарур меҳру муҳаббат, ўзгарур дарду алам,  
Ўзгарур тахту итоб, ошкору макнун айланур.*

*Неки тингай бу жаҳонда, унга ўлмақдир насиб,  
Чарх уриб лош устина, шул лаҳза кузгун айланур.*

*Эй тириклик, минг ташаккур севги иқболинг учун,  
Севги борким, товланиб минг тусли очун айланур.*

*Гоҳ висолу гоҳ фироқнинг ўртасинда ўртаниб,  
Қалбим ичра ишқ деган тугёнли мазмун айланур.*

*Сухбатингда бир нафас бўлмоқ буюк орзум эрур,  
Бул жасорат қошида минг битта Мажнун айланур.*

*Икки сочинким, уриб тўлқин, оқар елканг уза,  
Бирда Сайхун мавж отиб, ул бирда Жайхун айланур.*

*Кўзларингда бул жаҳоннинг кўрки яққолдир аён,  
Шул сабаб дунё ўзи бошингда мафтун айланур.*

*Сен омон бўл, сен абад бўл, бул жаҳон гулзорида,  
Боқошингда боғ ўзи минг рангда гулгун айланур.*

## **Бўлажаксан**

*Дарёга зуғум қилсанг агар, фарқ бўлажаксан,  
Яхши ё ёмон бўлса феълинг, фарқ бўлажаксан.*

Алданма, унинг ҳам тили йўқ, ҳам дили йўқ деб,  
Қатрани қадр айлаки, барҳақ бўлажаксан.

Юз йил яшагил ўзни дебон, захр тутунсан,  
Бир лаҳза кўрин халқни дебон, барқ бўлажаксан.

Эй ақл, сени мен демагум асло қуёшим,  
Тафтсиз нечаким шуълада ярқ-ярқ бўлажаксан.

Фарб бирла Жануб, Шарқу Шимол — барча баробар,  
Кўнглим, шу сифат шарҳинг эса, Шарқ бўлажаксан.

Сирлашмоқ ила олам уйи сенга мунаввар,  
Бирлашмоқ ила халқ эдинг, халқ бўлажаксан.

### **Ёнма-ён**

Бул ҳаёт бағринда шодлик бирла қайғу ёнма-ён,  
Худди юргандек азал зулмат ва ёғду ёнма-ён.

Мен олис умрим йўлин кўздан кечирдим неча бор,  
Ким ўшал сўқмоқда армон бирла орзу ёнма-ён.

Қайда мардлик бор, анга кўрқинч ҳамиша ҳамқадам,  
Чун тўқай ичра кезар шер бирла оху ёнма-ён.

Меҳру қаҳринг сўзларингдан англай олмасман, гўзал,  
Чунки бозор ичра шаккар бирла оғу ёнма-ён.

Кўп ўқиб ҳасратли ошиқлар китобин, билганим —  
Неча минг йилки келур кўз ёш-ла кулгу ёнма-ён.

Икки қудрат бир қўшилса, очилур асрори ғайб,  
Бил, вужудинг ичра доим ақлу туйғу ёнма-ён.

Мен хаёл кўзгусида ҳар лаҳза кўргумдир сени,  
Ўтру келгандек гўё офтоб ва кўзгу ёнма-ён.

Мен Ниёз аҳли, дилимда сенга етмоқ орзуси,  
Ҳайрат этмас эл, агар тош бирла инжу ёнма-ён.

### **Муҳаббат чоғи**

Кўзларим лол айлаган гулнинг нафис япроғидур,  
Чунки ул гул маскани соҳибжамол ёр боғидур.

Сўрмангиз мендан, нечун жисмингда мундоқ изтироб,  
Чунки бу ишқ отли бир дарднинг ширин титроғидур.

Кўзларингдан ёш келур, дардингни айт, деб қистаманг,  
Бу неча минглаб севишганлар дилин ирмоғидур.

Бир маҳоратли, улуғ уммон вужудда чайқалур,  
Қалб бечора шунча қудратнинг ожиз қирғоғидур.

Бир кўриш нурли жамолин менга орзудир мудом,  
Дилда бор орзуларим шул орзунинг тирноғидур.

Бўлди бас, энди севишмоқ қайда, деб жеркманг мени,  
«То тирикдурман менга ишқу муҳаббат чоғидур».

### Сенингдек...

Қай кунки кўрдим сени оинайи жаҳонда,  
Хайрат, ифтихор ўти ялт этди жисму жонда.

Беҳад эди кунгилда ошуфталиқ, шайдолик,  
Мингдан бирин деюрга сўз йўқ эди забонда.

Қайси даврда ўтмиш сенингдек бир дилором,  
Сендек париваш келди ё қайси бир замонда?

Қайси раъно сенингдек бўстонда жилва этди,  
Ё қайси юлдуз сендек порлади қаҳқашонда?

Жавҳари ақлу мантиқ жилоланур сўзингда,  
Сўзлар эди кўзинг ҳам лутф ила шўх лисонда.

Гўзаллар-ку жаҳонда кўпдир, бу гап ҳақиқат,  
Сендек жонон тугилгай ёлғиз Ўзбекистонда!

### Тўртликлар

\*\*\*

Ватандир қалбингга абадий гурур,  
Дилингга қуввату кўзларингга нур.  
Демакки, заррада акс этди замин,  
Қатрада кўринди чашмайи биллур.

\*\*\*

Қоғоз чехрасида олам акс этар,  
Олам ҳақиқатин қалам акс этар.  
Олис умринг йўлин буткул мазмунин  
Илк бор рост қўйилган қадам акс этар.

\*\*\*

Инсонга абадий шараф ва қувват —  
Камолоти мезони меҳру мурувват.  
У бахтга инсонни муяссар этар,  
Яхшилик тахтида музаффар этар.

\*\*\*

Биров меҳнат қилиб хазина очди,  
Саховат уруғин элига сочди.  
Меҳру муҳаббатнинг олтин нақшидек  
Эгасига қайтди минг бир яхшилик.

\*\*\*

Саҳрода баногоҳ сароб кўринди.  
Олам гармселдан хароб кўринди.  
Кимдир шу таппотда тутди, қултум сув,  
Қултум сув, жаннатий шароб кўринди.

\* \* \*

*Бу дунёда номардлар кўп, мардлар кўп,  
Севинчлар кўп, аламлар кўп, дардлар кўп.  
Чала қолган аҳду паймон беҳисоб,  
Бажарилмай қолиб кетган шартлар кўп.*

\* \* \*

*Сенга бегонамас Ишқнинг лаҳжаси,  
Майин жилвалари, ширин ларзаси.  
Агар шу хислатдан маҳрум бўлса дил,  
Жаҳолат асридир ҳар бир лаҳзаси.*

## **«Ён дафтар»дан қайдлар**

Рубоий — тўрт сатрга беркитилган дунёвий хулоса. У томчида акс этган куёш. Сўзнинг кудратини, шоирнинг иқтидорини кўрсатадиган мезон. Тўрт сатрда одам ва оламини акс эттириш санъати. Рубоий ёзганлар кўп бўлган. Ҳар бир кўзи ожиз киши Гомер, ҳар бир қулоғи қар одам Бетховен бўлмаганидек, ҳар қандай тўртлик ҳам рубоий бўлмайди, дейди донолар.

\* \* \*

Қофияланган ҳақиқатлар эмас, шеърнинг ўзи керак! Бу талаб ҳаммамизга тегишли. Чунки шеър ёзилмайди, шеър туғилади!

\* \* \*

Глобусни олдинга қўйиб олиб, дунё ишларини беш қўлдек биламан дейиш — бемаънилик.

\* \* \*

Мангу инсоний қадриятларни юксак бадий қувват билан акс эттирган асарлар барча замонлар учун зарурий бўлади.

Масалан, Навоий, Бобур, Нодира, Фурқат ва бошқалар ижодиёти. Бугунги кун мавзуини абадиётга айлантириш — бу янада катта маҳорат талаб қилишини ҳис этиш қийин эмас.

\* \* \*

Ху... анови турғунлик йилларида қийналиб кетгандик, бўғилиб яшагандик, деб бонг уриб, ўзи ўшанда ҳам ғоят фаровон, ҳамма нарсадан баҳраманд бўлиб яшаган ижодкорларнинг гапини эшитиш оғир.

\* \* \*

Бизда танқидчилик бир-икки ғоят эътиборли номга ёпишиб олиб, гўё ўзининг баланд талабчанлик даражасини намойиш қилади. Айни пайтда, адабиётни қашшоқлантириб кўрсатаётганини, жараённинг табиийлигини бузаётганини гўё билмайди. Гуруҳий эҳтирослардан ҳам бу ёмонроқ.

\* \* \*

Аруз — шеърятимизнинг гўзал вазни, мусиқаси, санъати. Гап арузда қандай ижод эта олиш устида. Уни янада сайратиш мумкин. Унинг

имкониятлари беқиёс. Аруз вазнида чиройли замонавий намуналар яратилди. Унинг очилмаган қирралари янада кўп. Фақат қофия ва радифнинг чегараланган сиртмоғидан юлқиниб чиқабилмоқ керак.

\* \* \*

Таъкидлаш, уқдириш билан эмас, аксинча, кўрсатиш, воқеа, ҳодиса одамни ич-ичидан ёритиб, ўзаро муносабатда кўрсата билиш ҳақиқий санъат.

\* \* \*


Соҳилда чўкмоқдаман, эй денгиз, мени қутқаз! — деган эди шоир Чаклайс. Мана бу ҳаққоний шеър. Фикрловчилар-халқдир, қолганлари-аҳоли! — деди Евтушенко. Бу ерда катта киноя, дард бор.

\* \* \*

Илҳом — бу барча юксак фикрлар ва ўтли туйғуларнинг бир нуқтага тўпланиб, лупада йиғилган қуёш нуридай жамланиб, теккан жойини куйдирадиган даражада намоён бўлишидир.

\* \* \*

Ҳаётда минглаб гўзал шеър, ўнлаб дoston, драма ёхуд қисса олтин учкунларидай сочилиб ётади. Гап ўшаларни маҳорат билан ипга терилган маржондек жам қилабилишда.





**Беҳзод Фазлиддинов**

## **Хуррият**

Ўпиб тўймаяпман озод гулларни,  
Умримга райхонлар сочиб ташладим.  
Ўйламай кўйганман нурсиз йилларни,  
Мана, кишанларни ечиб ташладим.

Изимга ялпизлар тўкилиб кетди,  
Умримни гулларга буркаб боряпман.  
Кўзимга юлдузлар тўкилиб кетди,  
Сўзимга оловлар пуркаб боряпман.

Хуррият, офтобинг бунча чиройли,  
Кучоқлаб бўлади, ўпса бўлади.  
Йўлларинг юлдузли, йўлларинг ойли,  
Ортингдан мангуга чопса бўлади.

Бахтдир гулларни ўз рангида кўриш,  
Ураб яшагандим ҳатто ноламни.  
Бунча яхши экан кишансиз юриш,  
Яна севиб қолдим рангин оламни.

Мустақиллик, ўзинг умримнинг тонги,  
Эрк суйган руҳимга буюк сийловсан.  
Орзуларим янги, ўйларим янги,  
Кўксимда чўгланган ўтсан, оловсан.

**Адиба Умирова**

\*\*\*

Оқ ҳарирга ўралган боғлар,  
Илҳақ кутар паноҳларини.  
Юрагимда ҳасратлар, доғлар,  
Тун тўқади гуноҳларини.

Эзгуликдан сўйлайди тушлар,  
Хижронларда қонлар ютади.  
Кенгликларга талпинган қушлар —  
Юрагимга ўхшаб кетади.

**Шодмонкул Саломов**

## **Даҳолар ётибди бу ерда**

Боболар ётибди бу ерда,  
Момолар ётибди бу ерда.  
Энг ҳазин, энг узун бир кўшиқ —  
Наволар ётибди бу ерда.

Мен ҳали қадрига етмаган,  
Кўксининг яраси битмаган,  
Худодан ёмонлик кутмаган  
Дуолар ётибди бу ерда.

Бағрида адоқсиз сехри бор,  
Дунёга етгудай меҳри бор,  
Лек ўзи меҳрга интизор,  
Гадолар ётибди бу ерда.

Назмни дунёга ўргатган,  
Туркийда қушни ҳам сайратган,  
Ўзбекни қайтадан яратган  
Устолар ётибди бу ерда.

Елкадан босганда саволлар,  
Кўксимни кўтарган хаёллар,  
Бобуршоҳ қадаган ниҳоллар —  
Даҳолар ётибди бу ерда.

## Ойгул Асилбек қизи

Бугун товонимга ботдими тупроқ,  
Ниҳолим хоҳлайди баланд ўсишни.  
Йўқ сендан безмадим, безмадим қишлоқ,  
Кўзларим хоҳламас кўнгил узишни.

Қирларга ястанган овул сойининг  
Сувлари оқади тошиб, ўйноқлаб.  
Агарда мен кетсам, ота ҳовлимнинг  
Гуллари қолади мени сўроқлаб.

Олисдан бахтимни излаб сарсари,  
Толе дарчасини очмаса бироқ,  
Қайтсаму бағри кенг онам сингари,  
Мени яна фарзанд дейсанму қишлоқ?

## Гулбахор Ортикҳўжаева

Ўша кундан дунё бошқача,  
Кўнглум кўчасида очилган гуллар.  
Хатто мусичадан қалдирғочгача  
Фақат сен ҳақингда сўрашни билар.

Йўқолди бетизгин ҳаловатим ҳам  
Олмаларнинг юзи қизарган маҳал.  
Ишқдан ғазал айтса қовоқарилар,  
Анжирлар лабидан томади асал.

## Муҳаммад Сиддик

Онам деди: Қулоғини тишлаб қўйгин,  
Келин бўлса зора бизга шул қизгина.  
Мен уялдим, тишлолмадим қулоғингни,  
Қулоғингни тишлолмадим, эссиизгина.

Совчи келди сенга неча бой йигитдан,  
Юрак ютиб боролмадик бир бизгина.  
Бошдан оёқ сийму зарга сени кўмиб,  
Ёр-ёр айтиб олиб кетди, эссиизгина.

Йиллар ўтди елдек бир-бирларин қувиб,  
Сен-чи, тўлдинг, кўқда ёрқин юлдузгина.  
Сенга ишқим айтай дедим, кўп чоғландим,  
Лек, ишқимни айтолмадим, эссиизгина.

Онажоним, бошим олиб қаён кетай,  
Тинглагучи оҳларимни бир сизгина.  
Олиб кетди юрагимни ул қиз, нетай,  
Борлигимни олиб кетди, эссиизгина.

## Салтанат Шодиева

«Сен менинг кўнглима кўкламда кирдинг<sup>1</sup>...»  
Камалак жилолар ичди кўзимдан.  
Бир тотли кунларнинг рангин илғадим —  
Умидлар гуллади сув ичиб ундан.

«Сен менинг кўнглима кўкламда кирдинг...»  
Шивирлаб деганим таралди кўкка.  
О, муҳаббат! Мени не қилиб қўйдинг —  
Кўнгилни отибман аланга-чўққа.

«Сен менинг кўнглима кўкламда кирдинг...»  
Сукунат жаранги бир ширин оним.  
Кўнгилни энг баланд чўққига илдим,  
Сени асрамоққа бордир имконим...

«Сен менинг кўнглима кўкламда кирдинг...»

<sup>1</sup> Раъшан Файз сатри.

## Башорат Отажонова

...

Тилларанг ёғдуга беланган кеча,  
Хаста куз... хазонлар хаёл сурар жим.  
Пойимга эртаклар битар тош куча,  
Соғинчни йўрғаклаб қўяди кўнглим.

Дарахтлар қўйнида янграйди беҳол,  
Баргларини тўккан етим шохчалар.  
Сариқ ранг заминга ўралган рўмол,  
Ўйларим шохларга илиниб қолар.

Қуёш — бева ойга никоҳланган ёр,  
Булут — гумонларнинг аччиқ шарпаси.  
Сочларимни силаб борар беозор,  
Бедор шамолларнинг ҳиссиз нафаси.

Қуёшнинг юзини беркитар осмон,  
Саробга айланар гулларнинг умри.  
Қайсар куз кўксига ботади осон,  
Хазонрез кузакнинг ёмғири.

## Ободон Турдимуродова

### Олис овул

Соҳилдаги олис овул —  
Илдизлари бақувват гул.  
Писанд этмас япроғига  
Ёғса ҳамки тузли довул.  
Отадайин матонатли халқ,

Орол ташлаб кетса ҳамки,  
Сувга ташна бўлса ҳамки,  
Ватанини кетмас ташлаб,  
Элдан чиқмас ўлса ҳамки.  
Онадайин муҳаббатли халқ,

Денгизда сузмоқни ўйлаб,  
Эшкак йўнар толдан сайлаб,  
Кўллар қуриб қолса ҳамки,  
Қайиқларни қўяр мойлаб.  
Чин ёрдайин садоқатли халқ.

## Фарида Бобожонова

...

Номингиз яширдим юрак тўрига,  
Ишқингиз айладим вужудимга жо.  
Бардош берасизми қалбим кўрига,  
Айтинг, бўлмайсизми тафтидан адо?

Бу кўзлар сиз дея очилур ҳар тонг,  
Сиз дея қўлларда тутилган қалам.  
Тинглангиз туйғулар урмоқдадир бонг,  
Гўё сиз мен учун яралган олам.

## Фахриддин Ҳайит

...


Опа, сизга сим қоқдим яна,  
Бироз кўнглим эзилиб... тушдим.  
Яна соғинч қилди тантана,  
Яна осмон узилиб тушди.

Мендайларни шаҳар кўп кўрган,  
Шеърлар ёзиб топмадим доврўқ.  
Бугун мени Худо ҳам урган,  
Мана, мен ҳеч йиғлаганим йўқ.

Ўртамизда олис масофа,  
Нафасимни илғаяпсизми,  
Сўзингизда не титроқ, опа,  
Айтинг, яна йиғлаяпсизми?

Фақат бироз аҳволим ёмон,  
Юрагимдан ҳаловат кўчди.  
Яна соғинч қилди ғалаён,  
Яна осмон узилиб тушди.

Бир лаҳзада энг гўзал ватан,  
Лой кўчалар қадрига етдим.  
Овозингиз илғаб дафъатан,  
Ўйни жуда соғиниб кетдим.





Анвар Юнус

## Алишер Навоий ғазалларига мухаммаслар

\* \* \*

Шамси анвардек ёнармен, осмоне топмадим,  
Ким учун жонимни бердим, бўйла, жоне топмадим,  
Даҳр элини излаб-излаб, пок имоне топмадим,  
Меҳр кўп кўргуздум, аммо, меҳрибоне топмадим,  
Жон баса қилдим фидо, оромижоне топмадим.

Таҳ-батаҳ, қондур бу кўнглим, навбахоре кўрмадим,  
Кўз очиб кулфатни кўрдим, бахтни боре кўрмадим,  
Ҳол сўраб ёнимға келган шаҳсуворе кўрмадим,  
Ғам ила жонимға өтдим, ғамгусоре кўрмадим,  
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилистоне топмадим.

Қастлашиб майдонга тушди юз балою битта жон,  
Кўрқаманким ишқ ўтидин бу юрак қолмас омон,  
Юлдузи пинҳон саҳарлар қон ютарман, сен инон,  
Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдим нишон,  
Бир камон абруда тузлуқдин нишоне топмадим.

Лолалар ёнғинда чўғдур, барги вайрон, барги қон,  
Гул юзинг монанди йўқдур, гесу райҳон, қош камон,  
Андалиб овози шўҳдур, гоҳи хандон, гоҳи фиғон,  
Кўнглим ичра сарв ўқдур, ғунча пайкон, гул тикон,  
Даҳр боғи ичра мундоғ гулситоне топмадим.

Эй фалак эркимни олдинг, ўз йўлимдин юрмадим,  
Дард билан ошуфта бўлдим, давру даврон сурмадим,  
Нурларингга чулғаниб ой, бир нафас ўлтирмадим,  
Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,  
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Пора-пора бердим охир севгига дил парчасин,  
Айларам умримға гултож севгининг ҳар лаҳзасин,  
Ошиқу зор англагайдур севгининг ўз лаҳжасин,  
Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим.

Анвар, ишқим кенг жаҳонга сўйлаётган жарчи мен,  
Нозию хижрон азобин тортаётган дардчи мен,  
Ёр йўлиға, ашқу дурлар сочаётган зарчи мен,  
Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен,  
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

\*\*\*  
Этмағил банданғни, ё раб, ақлу имондин жудо,  
Тутмағил кўнглимни ишқсиз, дурни уммондин жудо,  
Гулни бўстонсиз яратма, қушни осмондин жудо,  
Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо,  
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Жонға тушғач, барқи оташ, ҳур малакни ўртағай,  
Қушни осмон куйдирур ҳам сув самакни ўртағай,  
Водариғ, ёрнинг жафоси ҳар тилакни ўртағай,  
Ул қуёш ҳажринда, кўрқармен, фалакни ўртағай,  
Ҳар шарореким бўлур бу ўтлуғ афгондин жудо.

Тоъле юз бурди юзимдин, демадинг, илкимни ўп,  
Сермади ханжарларини кипригинг жонимға хўп,  
Ишқ дардин торта-торта устихоним бўлди чўп,  
Дема ҳижронимда чекмайсан фиғону нола кўп,  
Жисм айларму фиғон, бўлгон нафас жондин жудо.

Чарх уриб, гардун мени кўксимни бунча тилмағил,  
Қолмасун ўт ичра олам, эй юрак, отилмағил,  
Ёрни кўйидин балолар ёғса кўзга илмағил,  
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лек қилмағил,  
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Ул пари-пайкар хаёли айлади Мажнун мени,  
Қисматимдур тоғу тошда кезмагим дилхун мени,  
Ишқни зинжириға, ё раб, боғлади афсун мени,  
Ҳажр ўлимдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени,  
Айлағил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Бутмади кўнглимни дарзи юз тадорик қилдиким,  
Тўлди ҳасрат ёши кўзга неча оқшом бўлдиким,  
Ярқ этиб, ҳижрон тунида дилни ханжар тилдиким,  
Васл аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,  
Қилгудекдур субҳ они шамъи шабистондин жудо.

Кўрмади ушшоқ эли Анварни оху зорсиз,  
Ошиқ умри зое ўткай бўлса у дилдорсиз,  
Ғунча очмас, барг ёзилмас, навбаҳор йўқ хорсиз,  
Бир иёсиз ит бўлиб эрди Навоий ёрсиз,  
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

\*\*\*  
Юлдузи, ойи билан бошимда осмон истарам,  
Истамам фаришталик, фазли инсон истарам,  
Бир гадодек бош уриб, кўнглимға султон истарам,  
Сарви озодимни боғ ичра хиромон истарам,  
Сабзасин сарсабзу гулбаргини хандон истарам.

Тарк эта билмазман они, ишқи ёр қонимдадур,  
Икки олам можароси хусни рахшонимдадур,  
Тунни нурға чулғағувчи — хуршид имонимдадур,  
Дарди жононимда, балким, юз алам жонимдадур,  
Йўқки, жононимға, бал жонимға дармон истарам.

Соғинурман ул санамни кўзда ёш, киприқда нам,  
Учмади бу сувдин оташ, дилдаги ҳажру алам,  
Тутмади илгимни ул мох, ёқмади йўлимға шам,  
Тийрадур вайроним онсиз, ваҳ, яна бир қатла ҳам,  
Ул қуёшни байтул — аҳзонимда меҳмон истарам.

Йўлга тушсанг, кулбам излаб, бир фасл шўхи замон,  
Минг йил ўлса кетганига қайтадур жисмимга жон,  
Кипригим бирла чиқаргум, дашт аро етса тикон,  
Нафъ этар бўлса ҳино янглиғ кафи пойингга қон,  
Чок этиб кўксум, они бағримда пинҳон истарам.

Андалиб йиглайди ҳар тонг олам анга тор учун,  
Битта гулбаргнинг бўйига жисму жони зор учун,  
Йигларам булбул бўлиб, гулшанда ул гул бор учун,  
Эй Ҳизр, ҳайвон суйи тут дам-бадамким ёр учун,  
Садқа қилмоқлик учун ҳар лаҳза бир жон истарам.

Топмадим дилбар сўроғин тоғу чўлни ахтариб,  
Ҳажр водийсида қолдим мисли япроқ сарғариб,  
Бер кўнгилга бир қатим нур, интизорликда ҳабиб,  
Муждаи бергил мижози сиҳатидин, эй табиб,  
Ким бу пайғоминг учун жонимни қурбон истарам.

Анваро, танҳо ўзингдан ўзгача нур ўлмадинг,  
Ишқни зинжири дилингда бир нафас ҳур ўлмадинг,  
Жон фидо қилдинг ва лек, дилбарга манзур ўлмадинг,  
Ўқ каби қаддин кўруб афтода чун кўр ўлмадинг,  
Эй Навоий, кўзларингда нўғи пайкон истарам.

\*\*\*

Кўзларингни қорасидек доғи армон қолмишам,  
Юлдузи йўқ кечаларда дийда гирён қолмишам,  
Ҳасратингдин ғам уйида кўнгли вайрон қолмишам,  
Сендин айру то асири дарди ҳижрон қолмишам,  
Буки ўлмаи қолмишам, ҳолимга ҳайрон қолмишам.

Гар қафаснинг зулмидин бир қушча фарёд айлади,  
Киприк ўқинг жон қушимга шунча сайёд айлади,  
Барча шод дунёда дардинг мени ношод айлади,  
Хонумонимни ғаминг торожи барбод айлади,  
Хонумон бориб алохону аломон қолмишам.

Миннатинг бошимда осмон, юлдузинг умримга жоҳ,  
Сан ситамгарнинг ўзингдин сўрмишам манзилга роҳ,  
Бу забун ҳолимни англаб, илтифотинг айла, шоҳ,  
Ишқ даштининг самуми ҳулласин айлай паноҳ,  
Ҳайла ғам яғмосидин мундоғки урён қолмишам.

Во ажаб, юз бурмади, ошиқ жамоли заъфдин,  
Навниҳолдек эврилур жисмим шамоли, заъфдин,  
Қоматим ё бўлди, ё раб, чун малоли заъфдин,  
Дарду ғамдин ёшуна олмон камоли заъфдин,  
Хурдабинларнинг кўзидин гарчи пинҳон қолмишам.

Барча отган ўқларинг жонимга пайваст ўлдилар,  
Бахт қушидек, кўқда учган қушларим паст ўлдилар,  
Ҳасрато, ишқ даштларида толеим қаст ўлдилар,  
Васл даври жомидин аҳбоб сармаст ўлдилар,  
Дайр аро бир ман — ўқ махмури даврон қолмишам.

Ҳажри ёр бошимга тушди гул очилғон чоғдин,  
Топмадим Анвар вафосин ҳар гулу яфроғдин,  
Фасли куз умримга кирди дилда қат-қат доғдин,  
Эй Навоий, учти булбуллар ҳазонда боғдин,  
Мен қанотсиз қуш масаллик айлаб афгон қолмишам.



Истеъдодли рассом,  
Ўзбекистон Бадиий академияси  
Ижодкорлар уюшмаси аъзоси

## ЖҶРА АСРАН ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР



Бурхониддин Маргиноний.




Ҷожа Ахрор Валий.



Туйғу.




Имом ал Бухорий.



Аҳмад ал Фаргоний.

# ГУЛЛАШ ПАЙТИ КЕЛДИ, БОҒЛАРИМ





Мана 9 йилдирки Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти ҳоқимлиги ҳамкорлигида истеъдодли ёшларнинг республика «Зомин» семинарини ўтказиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилган хайрли ишлардан бири бўлмиш бу анъанавий тадбир ҳар йили энг улуг, энг азиз, байрамимиз — Мустақиллик байрами арафасида ўтади.

Кейинги йилларда тадбир ташкилотчилари сафига ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳам қўшилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур анжуман бугунги кунга келиб ижодкор ёшларнинг чин маънодаги қанотига айланди.





# МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Бугунги кунда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти маънавий, ҳарбий — ватанпарварлик тарғиботи бўйича мунтазам маърифий-тарбиявий тадбирлар ўтказмоқда. Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш, бўлажак ёш ватанпарварлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.





**Илҳом Аҳрор**

...ОЙ ОСМОНДА ҚОЛДИ БАРИБИР...

\*\*\*

Асраш керак, дединг туйғуни,  
Қандай гўзал, сирли топилма,  
Бунинг учун эпла қайғуни,  
Иуқ шодликка беҳуда тўлма,  
Десам, ўйлаб қолдинг негадир?!  
Ахир, қандай асраш керак туйғуни,  
Кулиб-кулиб ё йиғлаб-йиғлаб?!  
Кулбага ё бир кошонага  
Яшириниб, асраб бўларми?  
Эл ичига урмай ўзингни  
Кун кўриб бўларми, бўларми?  
Ҳа, ҳамма гап шунда, дўстгинам,  
Виждон борки, туйғу безавол.  
Берилса, бас, туйғуларимни  
Кимдан асрай, деган бир савол?!

\*\*\*

Дунё тўхтаб кулбамда бир зум,  
Кулиб қўяр ҳолимга яна.  
Танлаганман йўлимни ўзим,  
У не истар ўглингдан, она?

Унга монанд шамол ҳам баъзан  
Аралашар кўнгил куйимга.  
Деразани очиб ташлайман,  
Қани, киргин, дея уйимга.

Тувакдаги гулларим ранжир,  
Бош тебратиб асрар ифорин.  
Уйнаса-да расмингни, она,  
Дейман, еллар бунчалар саррин?

Дунё тўхтаб кулбамда бир зум,  
Кулиб қўяр ҳолимдан яна.  
Мен шамолни кузатган каби  
Ўрганаман уни ҳам она?!

\*\*\*

Эри ташлаб кетган аёл — саксовул  
Чўлнинг малолидан сўйлар бирма-бир.  
Нимжон вужудида асрий маломат —  
Ахир, ой осмонда қолди барибир.

Бозордаги гуллар — ночор эзгулик,  
Ҳамёни бўшларни атар муғомбир.  
Ойдин орзусида басир эркалик —  
Ахир, ой осмонда қолди барибир.

Дунё маъни топди инсон кўнглидан,  
Одам учун олам тўла ҳамон сир.

Кўпикмас, бахтлиман, деган сўз, дўстлар —  
Ахир, ой осмонда қолди барибир.


Адашсам, кечиргин, онажон — замин,  
Кўк юксак-юксакдан боқар мисли пир.  
Пастдадир нафсга айланган ҳислар,  
Ой-чи, ой осмонда қолди барибир...

\*\*\*

**Жаҳл келганда, ақл қочади.**  
**Халқ мақоли**

Ақлни айблманг, қочади дебон,  
У жаҳлга имкон очади дебон.  
Қай оёқ тиконни ўзи сўрайди.  
Қай бемор озордан, айтинг, соғайди?  
Амаллар амали етказса ситам,  
Ноилож қолади ҳар қандай одам.  
Файир кўз ханжардай бағрингни тилар,  
Ширин сўз ҳам баъзан юракдан олар.  
Оғзингни топмаса қўлдаги нонинг,  
Жаҳлинг чиқмас, тушун, оғрийди жонинг...





**Ғайрат Мажид**

*БИР МУНИС ИФОРЛАР..*

Бир мунис ифорлар димоғимдадир,  
Токи, қизғалдоқзор юрак бор, токим.  
Бир ҳовуч тун кафту бармоғимдадир,  
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?

Намчил ҳаволар ҳам кетдилар титраб,  
Ҳамиша қалбимда ўйлари ҳоким.  
Қарашлари менга ўхшайди, ё раб,  
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?

Оламни қоплади ям-яшил туйғу,  
Дунё йиғламоқда... сўкилди чоқим.  
Эзилиб, ҳам эзиб инграган чолғу,  
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?

Ғамлар сайхонида қалбларим қуроқ,  
Чиндан ҳам ўзимми, ўзимман балким.  
Барибир, коинот қадар бир сўроқ,  
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?

Бир мунис ифорлар димоғимдадир...

Бу аёл фаришта, мужгонларида  
Шамс нурларини жимирлатар хур.  
Бу аёл шу қадар нозикки, аммо,  
Қалбида барқ урган умиди жасур.

Бу аёл арзийди ҳатто пойига  
Ўзал юлдузларни ҳовучлаб отсанг.  
Бу аёл кўнглининг зиёларидан  
Тобора тупроққа дўниб борар санг.

Бу аёл меҳрининг ёғдуларидан  
Олам чаманлари гуркираётир.  
Бу аёл энг сўлим гулдир, энг нафис  
Гуллар ҳам кўркидан кўрк тилаётир.

Бу аёл, оҳ, ёмон оғрийди жоним,  
Мени қай гўрларга ирғитдинг ҳаёт.  
Бу аёл, бу аёл энг оғир армон  
Ва бахт юрагимни қонатган баёт.

\*\*\*

Лоларуҳ тонгларда учган хазонлар,  
Заминга беозор тушган хазонлар,  
Туфроқни ёридай қучган хазонлар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сиз кимнинг бахти?!

Тўлқин-тўлқин бўлиб оққан адирлар,  
Товланиб кўкларга боққан адирлар,  
Аланга бўлиб дил ёққан адирлар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сиз кимнинг бахти?!

Шивирлаб-шивирлаб эсган шамоллар,  
Гулларнинг қалбини сезган шамоллар,  
Дунёни минг марта кезган шамоллар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сиз кимнинг бахти?!

Туби тўла гавҳар, маржон дарёлар,  
Гоҳо маржонлари арзон дарёлар,

Гўё йўлга чиққан карвон дарёлар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сиз кимнинг бахти?!

Кўзимдан думалаб тушган юлдузлар,  
Кўксимни тимдалаб тушган юлдузлар,  
Дил бўлиб, дил тилаб тушган юлдузлар,  
Мен кимнинг бахтиман,  
Сиз кимнинг бахти?!

\*\*\*

Фижимлади қафасдан суғур,  
Отгин кўкка, отолмасанг ор.  
Тўхтамайди замона қурғур,  
Айланади чархи кажрафтор.

Унут бўлар гуллар ҳам, чида,  
Ер кичкина, ҳаттго осмон тор.  
Қачонгача умрим беҳуда  
Айланади чархи кажрафтор.

Гўзал эди бу жойлар дўстим,  
Толлар қатор, тераклар қатор.  
Мен ғамистон боғларда ўсдим,  
Айланади чархи кажрафтор.

Титраб-титраб тўлғонди ҳаво,  
Жоним, ёмон эзилди дугор.  
Мингта яра, ҳам мингта даво,  
Айланади чархи кажрафтор.

Сен келдингу адашди ўлим,  
Дилим мангу ўйингда бедор.  
Тўхтаб қолди замона гулим,  
Тўхтаб қолди чархи кажрафтор.

\*\*\*

Сендан нени яширай дунё,  
Кимлар жасур, ботир бўлади.  
Тўлқинлари қалбим дарёсин  
Нигоҳимда содир бўлади.

Харсангларинг эрийди қордай,  
Ёшим — маржон, нодир бўлади.  
Қодир эгам ҳолим забундир,  
Сен бор дилим қодир бўлади.

Оппоқ гуллар бошимда маним,  
Қара, оппоқ адир бўлади.  
Ҳолис-холис орзуларим мўл,  
Бир кун гўзал надир бўлади.

Кунлар кунга айланар унда,  
Зангор-зангор хотир бўлади.  
Илдизларим дунё оошидан  
Гул сочар, гул отур бўлади.

Сендан нени яширай дунё?!





## ЯШАШНИНГ МАЪНОСИ

«Шарқ юлдузи» журнали мухлисларининг саволларига Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Пиримкул Қодиров** жавоб берадилар.

— Пиримкул ака, яқинда бир одам «Юлдузли тунлар» романини ўнинчи бор ўқиб чиққанини айтди. Шундай мухлисларингиз жуда кўп бўлса кераг-а?

**Зубайда Ишмонова ўқитувчи. Нукус шаҳри.**

— «Юлдузли тунлар»ни ўн марта ўқиб чиққан китобхонга раҳмат. Умид қиламанки, ҳар гал ўқиганда қандайдир баҳра олган. Бундай китобсеварлар, менимча, у қадар кўп эмас. Лекин гап уларнинг сонидан эмас, ўқиган китобидан олган маънавий нафида.

Бундан бир неча йил муқаддам Тошкент Давлат Фармацевтика институтига учрашувга борганимизда унда дарс берадиган доцент Холидаҳон Мирфаёзовна минбарда туриб барча йиғилганлар олдида ғалати бир воқеани айтиб берди.

Холидаҳон ўн икки бармоқли ичак яллиғланиши оқибатида касалхонага тушадилар. Олдий муолажа ёрдам бермайди. Докторлар «операция қилмасак бўлмайди» дейдилар. Операцияга тайёрланиш учун бир ҳафта вақт берадилар. Холидаҳон тўрт кишилик палатада операция олдидан бериладиган муолажаларни олаётган кунларида қўшниларидан бири қизиқиб китоб ўқиётганини кўради. Ўзини бўлажақ операция ташвишидан алаҳситиш учун Холидаҳон шу китобни сўраб олиб ўқийди. Бу «Юлдузли тунлар» экан. Палатадаги бошқа аёллар ҳам китобга қизиқиб, уни навбатма-навбат овоз чиқариб ўқишга тушадилар.

Бобур Мирзонинг бошига тушган кўргуликлар олдида Холидаҳоннинг ташвиши эпласа бўладиган муаммодек кўринади. Китобга қизиқиб кетганидан операцияни ҳам унутади. Иштаҳаси очилиб оз-оз парҳез овқатлар ейдиган бўлади. Бир ҳафтада Бобур Мирзо таъсирида унинг кайфияти ҳам яхшиланади, Операция вақти яқинлашади. Операциядан олдин докторлар анализ олиб кўришади. Ўн икки бармоқли ичакдаги яра шу кунлар давомида битиб, тузалай деб қолган экан. Врачлар «энди операция қилишнинг ҳожати йўқ, қолган ишни дору дармон ва парҳез билан тузатиш мумкин» дейишади.

Бу ҳодисанинг охири қандай бўлган экан, деб яқинда Холидаҳонни телефонда излаб топдим. «Сопла-соғ юрибман, — дедилар. — Бобур Мирзодан доим миннатдорман. Уғиллари Ҳумоюнни ўлимдан кутқариб қолганлари бежиз эмас экан. У сиймода улугъ экстрасенслик қудрати бўлганми, дейман. Сизнинг китобингиз орқали ўша қудратнинг бирон зарраси менинг руҳимга ҳам ўтди, чамамда. Мен шундан тузалиб кетдим, деб ўйлайман».

Холидаҳон бошидан кечирган бу ҳодисани менга ёзиб бермоқчилар. Ушанда балки буни бирон жойда эълон қилармиз. Хуллас, китобни ихлос билан ўқишнинг мана шундай фойдалари ҳам бўлиши мумкин экан. Руҳий қудрат инсон жисмидаги хасталикни енгишга ёрдам берар экан.

— Домла, ҳозир бирор янги асар устида ишляяпсизми?

**Нарзулла Холов, механик. Ургут тумани.**

— Ҳозир Амир Темурнинг 25-30 яшар йигит пайтида халқ озодлик ҳаракатига қандай шижоат ва фидойилик билан раҳбарлик қилгани ҳақида илмий-бадია шаклида китоб ёзаяпман. Чунки бу даврда Амир Темур худди Бобур Мирзонинг 25-30 яшарлик пайтидаги каби жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтган, ниҳоятда мард, ботир, бағри кенг, танги йигит бўлган. Аммо адабиётимизда ҳам, илму фанимизда ҳам бу мавзуда ҳали жуда кам иш қилинган. Шу камчиликни тўлдириш, айниқса ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш учун жуда зарур.

— Ёшларнингиз қатағон даврига тўғри келган экан. Ўша мудҳиш йиллар ҳақида ёзиш ниятингиз борми?

**Расулжон Камолов, журналист, Фарғона вилояти Риштон тумани Амиробод қишлоғидан**

— Уйлайманки, «Уч илдиш» романи Сталин қатағонларининг охириги даврида менинг ҳам бошимдан кечган руҳий қийинчиликларим ҳақида ёзилган. Сталин қатағонларидан болалиқда тортган азобларим «Кўрган кечирганларим» деб номланган таржимаи ҳолда берилган. Ҳозирча бу мавзуда қилиб улгурган ишларим шу.

— Менинг назаримда, буюк аждодларимиз Бобурийлар ҳақида, айтиш жоиз бўлса дунёдаги энг зўр асарни сиз ёзгансиз. Китобнинг бунчалар машҳур бўлишининг боиси нимада?  
Махпура Қаҳҳорова Андижон шахри

— Яхши сўзларингиз учун ташаккур. Бобур мирзо ҳақидаги энг улуғ китоб бу — «Бобурнома»дир. Бобур авлодлари ҳақида эса, келажакда янада яхшироқ асарлар ёзилади, деган умиддаман.

— Мустақиллигимизнинг ўн тўрттинчи йили томон бормоқдамиз. Бу неъмат нақадар улуғлигини Сиз бошқалардан кўра яхши биласиз. Истиқлол ҳақида қандай асар ёзиш ниятидасиз?

Шойим Шерназаров, маҳалла фаоли, Кармана тумани  
— Мустақилликнинг 14 йиллигига атаб «Тил ва Эл» деган китобни нашрга топширдим. Она тилимиз — бизнинг маънавий ватанимиздир. Ватанни қанчалик севишингиз она тилингни қанчалик севишингиз билан ўлчанади.

— Асар ўқиётганингизда ёзувчи Пиримкул Қодиров бўлиб ўқийсизми ёки ўқувчи Пиримкул Қодиров бўлибми?

Инобат Усмонова, Тошкент шахри Чилонзор тумани  
— Ҳар бир ёзувчи, аввало, китобсевар ўқувчидир. Албатта, ёзувчилик касбини эгаллаганингиздан кейин, ҳар бир китобни ҳам ўқувчи, ҳам ёзувчи кўзи билан кўрасиз. Фақат энг кучли, таъсирли китобни ўқиётганингизда ёзувчилигингиз эсингиздан чиқади, яна қайтадан фақат ўқувчи бўлиб қоласиз.

— Билиб туриб ҳеч ихтиёрингизга қарши борганмисиз? Ўзингизни чеклаган пайтларингиз бўлганми?

Мавлуда Муллабоева, шифокор. Чуст шахри  
— Ихтиёр истак билан боғлиқ. Ақл ва ирода ишлаб турган пайтда истак ва ихтиёр уларга бўйсунди. Худди сиз ҳайдаб бораётган машинани руль ва тормоз ёрдамида идора этганингиз каби, истак ва ихтиёри ҳам ақл ва ирода ёрдамида бошқариб, ўзингизни хатардан асраб борасиз. Акс ҳолда авария бўлиш мумкин.

— Қайси асарингизни ўзингиз учун энг сеvimли деб биласиз?

Олмагул, 19 ёшда. Тошкент вилояти Тузел қишлоғидан.

— Қайси фарзандга кўпроқ меҳнатингиз ва меҳрингиз синган бўлса ва ундан шунга яраша меҳру оқибат кўрган бўлсангиз, ўша фарзанд қадрлироқ бўлади. «Юлдузли тунлар» мен учун ана шундай энг қадрли китобдир.

— Мабодо, «Қора кўзлар» романингизни бугун ёзганингизда, Аваз билан Ҳулкар муносабатларини айнаб, асарда келтирилганидек таъсирлармидингиз? Роман воқеалари кечган жойларга ҳозир ҳам бориб турасизми?

Абдунаби Абдиев, ўқитувчи. Миришкор тумани Помуқ қишлоғидан

— «Қора кўзлар»нинг ёзилганига қирқ йил бўлди. Ушанда мен энди 37 ёшга кирган йигит эдим. Аваз ва Ҳулкар менинг янги оила қурган йилларим хотираси. Уша йилларни мен бугун соғиниб эслайман. Қани, қайтиб келса! Аммо вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

Ижодкор Пиримкул Қодиров билан арбоб Пиримкул Қодировнинг ҳаётдаги қарашлари доим ҳам мос келадими?

Ражаб Турдиев, қурувчи. Қамаша шахридан

— Менинг арбоб бўлган даврим 1989-2000 йилларга тўғри келди. Адабиёт ва санъат бўйича Давлат мукофотлари Қўмитасида беш йил раис бўлдим. Бу йилларда Президент фармони билан Навоий мукофоти таъсис этилди ва унга қатағон қурбонлари бўлган,



умрларида мукофот олмай ўтган раҳматли Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитрат биринчи бўлиб муносиб кўрилдилар. Адабиёт ва санъат соҳасидаги давлат мукофотларига беш йил давомида яна ўнлаб таланти ёзувчилар, рассомлар, актёрлар, киночилар, меъморлар, амалий санъат вакиллари сазовор бўлдилар.

Камчиликлар бўлди, лекин савоблик ишлар улардан кўпроқ қилинди. Яна ўн йил парламент аъзоси сифатида маданият, маданий меросни асраш, фан ва таълим Қўмиталарида раис ва раис ўринбосари бўлиб ишладим. Давлат

рамзлари бўйича қанча лойиҳалар тайёрлаш ва уларни қабул қилиш ишларида қатнашдим.

Арбоб сифатида ҳам ёзувчилик давримдаги эътиқодларимга асосландим. Беш йил муқаддам яна ижодий ишга қайтиб, бутун кучни янги асарлар ёзишга беряпман.

— Ўқсинган пайтингиз бўлганми? Хусусан нимадан? Ушандай пайтда ўзингизга қандай тасалли берасиз?

**Зумрад Бобожонова, алоқачи. Урганч шаҳридан**  
— Шўро даврида тақдиримдан ўксиниб яшаган йилларим бўлган. Болаликда отамнинг бой бўлгани ва баларга қилинганидан кўп жабр кўрганмиз. Бобур ва унинг авлодлари ҳақида ёзган романларимнинг йўли тўсиллиб, бири олти йил, иккинчиси уч йил чоп этилмай ётганида руҳан эзилганман. Бу тўғрилarda «Қалб кўзлари» номли китобчада батафсил ёзилган.

**Шукрим, истиқлол даврида тарихий адолат тикланди.**

Руҳан қийналган йилларимда тасаллини китобдан ва ижодий ишдан олардим.

— Ёши улуг бир ижодкордан: «Ёзган асарларингиз орасида ўзингизга энг мақбули қайси?» деб сўрашганда, ул зот: «Ҳали ёзилмаган асарим,» деган экан. Ушбу саволга сиз қандай жавоб берардингиз?

**Шамсиқямар. Самарқанд шаҳридан**

— Очиғини айтсам, ёшим 77 га кирганда «энг яхши асаримни келажакда ёзаман» деб ваъда беролмайман.

— Пиримкул ака, ёшлигингизда шеър ёзганмисиз? Сир бўлмаса нима ҳақда ёки кимга атаб?

**Хайрулла Набиев. Фиждувон шаҳридан, муҳандис**  
— Менинг ёшликда ёзган шеърларим «Уч илдиш» романида Очил Самадовнинг шеърлари тарзида келтирилган. Улар бўлажак умр йўлдошим Софияга бағишланган эди.

— Атоқли шоирамиз Зулфияхонимнинг (худо раҳмат қилсин уларни) бир шеъри бор эди:

*Мен ўтган умримга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин ўзимга ўхшаш.  
Сўйдим эркаладим, айрилдим, кўйдим  
Иzzат нима билдим, шу-да бир яшаш.*

Шу маънода Сиз ўтган умрингиздан розимисиз, барча орзуларингиз рўёбга чиқдими?

**Феруза Собитова, ўқитувчи. Тошкент шаҳридан**

— Ўтган умрим учун шукрона айтиб яшайман. Лекин ҳали рўёбга чиқмаган орзуларим ҳам кўп. Кенг маънода эл-юрт миқёсида фикр юритсангиз дунёнинг тараққий этган мамлакатларини қувиб етиш, халқнинг турмуш даражасини ўша мамлакатлар халқининг турмуш даражасига етказиш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак. Энг муҳими — мустақилликни кўз қорачиғидай асраш, тинч ва барқарор ҳаётни таъминлашдир. Бошқа муаммолар ўз навбати билан ҳал бўлади, деб умид қиламан.

**Муҳтарам журналхон!**

Адабиётга ошно бўлган ҳар бир инсон ўзи эъозлаган ёзувчиси, шоири билан янада яқиндан танишгиси, суҳбатлашгиси, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олгиси келади. Ушбу руҳи орқали биз сизга ана шундай имкониятни яратиб бермоқчимиз. Токи сизнинг эъозли ёзувчилар, шоирлар ҳақдаги тасаввурингиз янада бойисин.

Бугун хонадонингизга сеvimли адилларимиздан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров меҳмон бўладилар. Устоз ҳаёти ва фаолияти, сизни қизиқтирган воқеалар, адабиёт ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар. Ва энг яхши савол берган ўқувчига дастхатлари битилган китобларини тақдим этадилар.

Биз бундан кейин ушбу руҳи остида Сиз истаган, Сиз кутган устозларнинг суҳбатларидан бериб бориш ниятидамыз. Бунинг учун Сиз, азизлар, ўзингизни қизиқтирган барча саволларни таҳририятимизга юборишингиз мумкин. Энг яхши савол берган ўқувчига муаллиф дастхати битилган китоб совға қилинади.

Навбатдаги суҳбатдош — меҳмонимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири устоз Абдулла Орипов бўладилар.

Хатларингизни, телефон қўнғироқларингизни кутиб қоламиз.

Телефонлар: 133-21-81; 133-24-79





— Пиримкул Қодировни ўзи билан ёлғиз қолганда кўпроқ нималар ўйлантиради, нималар қийнайди?

**Ироқ Эргашев, ҳисобчи. Косон тумани, Пудина қишлоғидан**

— Ёлғиз қолганда ижодий режалар мени кўпроқ ўйлантиради, уларнинг ечимини топгунча қийналаман. Ниҳоят, ечим ҳам топилади-ю, уни қоғозга тушириш қийинчилиги бошланади. Қоғозга тушиб, китоб бўлиб чиққанда уларни ўқиганлардан илиқ ва самимий сўзлар эшитсам барча чарчоқлар тарқайди, ҳаёт ёқимли бўлиб қолади.

— «Юлдузли туллар»даги Хонзодабегимни ниҳоятда меҳр-муҳаббат билан тасвирлагансиз, ҳақиқатда ҳам Хонзодабегим ҳаётда шундай бўлганми ёки бу жойда ёзувчининг «ҳиссаси» кўпроқми?

**Манзураҳон Болтабоева, уй бекаси. Андижон шаҳридан**

— Хонзода бегимни иниси Бобур Мирзо жуда яхши кўрган. Гулбадан бегимнинг «Хумоюннома»сида ёзилишича, Бобур Мирзо Аграда Жамна дарёси бўйида эгачиси Хонзода бегим учун ажойиб боғ ва кўшк бунёд этган экан. Ҳиндистоннинг энг жазирама иссиқ кунларида Бобур Мирзо ўзи хаста бўлишига қарамай ҳар ҳафтанинг жумъа кунларида Хонзода бегим яшайдиган боққа эгачисидан хабар олиш учун борар экан. Хотини Моҳим Бобурни аяб «ахир тобингиз йўқ, ҳозир иссиқдан соғ одамнинг жигар бағри куйиб кетгудек бўляпти бугун бир марта бормай дам олсангиз бўлмайдимиз?» дер экан. Бунга Бобур Мирзо шундай жавоб қиларкан: «Эгачим ҳар жумъа мени кутадилар, бормасам хавотир бўладилар». Шундай деб йўлга тушар экан. Бўлмаса, Бобур Мирзо подшо эди, иши жуда кўп, «опам ўзи келақолсин» дейиши ҳам мумкин эди.

Мана шу фактлардан келиб чиқиб, мен романда Хонзода бегимга аталган юксак меҳрни Бобур Мирзодан олганман, уни кейин ўзимнинг улар икковига аталган меҳримга зарблаб кўпайтирганман.

— Бобур Мирзо ҳақиқатда дилбар шахс, ҳудойим унинг сиймосида шохни ҳам, шоирни ҳам, дарвешу аълломани ҳам, меҳрибон отани ҳам, кўйингизни жуда кўп фазилатларни мужассамлаштирган. Биз Сизнинг асарларингизни ўқиб Бобур Мирзони яхшироқ танидик, кучлироқ севдик. Нима деб ўйлайсиз. Сиз Бобур шахсини тўлиқ очиб бера олдим, деб айтга оласизми? Ёки кўнглингиз тўлмаган жиҳатлари борми?

**Бўз педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчилари**

— Эгуликнинг чеки йўқ, дейдилар. Бобур Мирзонинг ҳаёти шу қадар ёрқин ҳодисаларга ва инсоний фазилатларга бойки, уларнинг ҳаммасини битта-иккита асарда тўлиқ тасвирлаб бериш имкондан холи. Уйлайманки, келгуси адабий авлодлар ҳам бу мавзуда янада ажойиб асарлар яратадилар.

— **Муҳаббатга қандай қарайсиз? Кўпинча севишиб турмуш қурганлар тез ажралиб кетишяпти...**

**Анора Пардабоева, ўқитувчи. Чиноз туманидан**

— Муҳаббатнинг турлари кўп. Энг олийси — илоҳий муҳаббатдир. Худо берган талант, деймиш. Талантга илоҳий муҳаббатнинг учқунлари бўлади. Бу учқунлар катта мақсадлар йўлида ёнишга тайёр бўлган қалбга келиб тушса оловга айланади.

Ҳақиқий талант олмос доналари каби кам учрайди. Ҳақиқий муҳаббат ҳам жуда камёб. Нимаики камёб бўлса унинг сохтаси кўпаяди. Сохта гавҳар, сохта марварид, мис устига озгина ялтироғи берилган сохта олтин.

Менимча муҳаббатнинг ҳам ҳақиқийсидан сохтаси кўпроқ бўлади. Ўткинчи ҳавасни муҳаббат деб адданишлар, артистга ўхшаб, севишганлар родини бир қанча вақт яхши ижро этиб юриб, кейин бу ролдан чиқадиганлар ва аслига қайтганда умуман муҳаббатнинг кўчасидан ўтмаганлар... Кўпинча севишиб турмуш қурганлар тез ажрашиб кетишларига сабаб ҳам мана шунақа сохта муҳаббатни чин деб адашишларидан келиб чиқса керак.

— **Ҳаётда нимадан кўп ранжиқсиз, нимадан кўпроқ ўқинасиз?**

**Қамолддин Тошбоев. Сарносиё Тўполанг суя омбори қурилиши ишчиси.**

— Ҳаётда майда-чуйда ранжишлардан қочаман. Чунки улар одамни тажанг қилиб қўяди. Доим интиладиганим — яхши ўй, ният, яхши сўз, муомала, яхши иш, ижод.

— **Ёзувчи, шоир халқнинг виждони деган гаплар бор.**

**Сиз бу ҳақда нима дейсиз?**

**Жаббор Холиқов, нафақахўр. Шаҳрисабз тумани, Хазора қишлоғи.**

— Назаримда, «виждон» деган сўзни ҳуда-беҳуда ишлатавериб, бир оз қадрини кетказиб қўйдик. Мен биринчи ёзган ҳикоямни 1946 йилда раҳматли устозимиз Абдулла Қаҳҳорга ўқиб берганимда у киши шундай деган эдилар:

«— Ёзувчилик — бу виждон иши. Ёзувчиликдан нон ейман деган одам хато қилади. Бирон касбни эгаллаб, нонингизни бутун қилинг, кейин ёзувчи бўлинг. Ана унда манфаатга берилмайсиз, пул топиш учун ё мартаба орттириш учун ёзмайсиз. Виждонингиз буюрганини ёзасиз.

Мен ўшанда 18 ёшда эдим. Андижон Муҳандислик — иқтисодиёт институти талабаси Зиёлола 18 ёшда нималарни ўйлаганим, нималарни орзу қилганим ҳақида сўрабди. Унинг саволига жавоб ҳам шу ерда.

Абдулла Қаҳҳорнинг суҳбатидан мен шунчалик қаттиқ таъсирланган эдимки, устозга ўқиб берган ҳикоямнинг хомлигини астойдил ҳис қилиб, уч йилгача умуман ҳикоя ёзолмай юрдим. Бутун кучни кўпроқ билим олишга бердим, тарихчи-шарқшунослик касбини эгаллашга интилдим. Таътил пайтларида ёшлар орасида бўлиб Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Бухоро вилоятларига бориб маърузалар ўқидим. Бу ишлар ҳаётда кўлган-билганларимни виждонан ёзиш учун тайёргарликнинг бир қисми эди. Университетни битиргандан кейин Москвага аспирантурага ўқишга бордим, адабиётшунослик ихтисосини ҳам яхшироқ эгаллаш учун диссертация ёқлаб, филология фанлари номзоди бўлдим. Бу ҳаммаси Абдулла ака айтгандай «нонимни бутун қилиб қўйиб, кейин астойдил ёзувчилик қилишга» тайёргарлик эди.

Ниҳоят, орадан 11 йил ўтгандан кейин 1957 йилда устоз Абдулла Қаҳҳорга олиб боришга журъат этган нарсам «Уч иддис» романи бўлди. Шукрки, бу гал Абдулла ака «виждонан иш қилибсиз» дедилар. Ёзувчилар уюшмасида роман қўлёзмаси муҳокама бўлганда «мана шу асар адабиётимизга момақалдиरोқдай гулдурос солиб, чақмоқдай ялтिलाб кириб келяпти» деган унутилмас сўзларни айтдилар.

— «Шарқ юлдузи» журнали билан сизни боғлаб турган қадрдон хотиралар ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Ота-онангиз, оялангиз яқинларингиз ҳақида билишни истардик?

Юсуф Абдуллаев «Шарқ юлдузи» журнали масъул котиби.

— Менинг биринчи ҳикоям «Яхшилик» деб аталар эди ва «Шарқ юлдузи» журналида 1951 йилда чоп этилган эди. Олти романи ёзган бўлсам, шундан бештаси ушбу қадрдон журналда биринчи марта дунё юзини кўрган. «Қадрим», «Эрк», «Мерос», «Нажот» («Ботирлар ва бахиллар») каби қиссалар тўғрисида ҳам шунини айтишим мумкин. Мен «Шарқ юлдузи»дан бир умр миннатдорман.

Ота-оналар, оилам, яқинларим ҳақида бошқа бир савол муносабати билан пастроқда жавоб бераман.

— Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Ёшлар билан суҳбат» китоби ҳамон эъзозда. Назаримда бугунги кунда ҳаётнинг аччиқ-чучуғи, пасту баландини кўрган Сиз каби устозларнинг ана шундай китобига эҳтиёж сезилаётгандек...

Гулчеҳра Раҳимова, ижодкор. Тўрткўл туманидан.

— Албатта, биз устоз Абдулла Қаҳҳорнинг яхши анъаналарини баҳоли қудрат давом эттиришимиз керак. Ўйлайманки, ушбу савол-жавобларимиз ҳам ёшлар билан қилинган



суҳбатнинг кичик бир қисми. Эллик йилдан буён бундай суҳбатлар жуда кўп бўлган, уларнинг бир қисми вақтли матбуотда чоп этилган.

Агар шундай китобга чиқдан эҳтиёж сезилаётган бўлса, бор суҳбатларни тўплаб, саралаб, етишмаган жойларини тўлдириб, алоҳида бир тўплам қилишни режага киритишимиз мумкин.

Бугунги суҳбатимиз тўлиқроқ бўлиши учун мен олдинроқ журналист Абдуҳамид Абдуҳақд ўзининг куйидаги учта саволига берган жавобларимни такрорлаб шу ерда ҳам бермоқчиман.

— «Уч илди» ва «Қора кўзлар» романларининг ёзилишига нималар сабаб бўлганди?

— Бу романларнинг ёзилишига менинг ёшлик давримдаги ички эҳтиёжларим сабаб бўлган, деб ўйлайман.

18 ёшимдан бошлаб кўп китоб ўқиганман. Китоблардаги жозибали қаҳрамонлар менда кучли ҳавас уйғотарди. Мен ҳам келажакда шулардай яхши одам бўлишни орзу қилардим. Бу орзуга етишишнинг йўллариини излардим. Инсон ер юзида мустаҳкам туриши ва униб-ўсиши учун унинг бақувват маънавий илдиэлари бўлиши керак экан. Биздан олдин ўтган маърифатпарварлар ҳамма нарсани билим ҳал қилади, деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун ҳар бутун эътиборни илму маърифатга қаратардилар. Бу, албатта, тўғри. Лекин билимни пулга сотиб ейдиган, фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган худбин зиёллар ҳам бор. Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар эса бутун билимлари ва истеъдодини миллатимиз озодлиги ва камолоти учун курашга бағишлаган. Алишер Навоий халққа ғамхўр бўла оладиган одамларни «одамий» деб айтган эди. Мана шундай одамийлик бизнинг авлодимизда, талабалик йилларимизда ва Сталиннинг ўлимидан кейинги уйғониш даврида шакланган эди. Халқ ғами билан яшаш дарди бизга ўша вақтда юққан эди. Ана шу одамийлик дарди мен ёзган илк романда инсонга бир умр қувват берадиган яна бир маънавий илди э тарзида кўрсатилган. Шахсий ҳаётнинг тўқис бўлиши, меҳру муҳаббатга асосланган оила кура билиш — инсонни мустаҳкам тутиб турадиган маънавий илдиэлардан яна бири эканлигига мен ўз ҳаётим мисолида ишондим. Биринчи романдан мақсад мана шу ҳар уч илдиэ мустаҳкам одамларни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни улардан ибрат олишга ундаш эди.

«Қора кўзлар» ибораси эса халқ орасида ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган беғубор, оддий одамларга нисбатан ишлатилади. Мана шу қора кўзлар борки, биз бормиз. Бу романдан кўзланган яна бир мақсад Ватанимиз табиатини бутун гўзаллиги билан тасвирлаш, шу орқали китобхонда ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш эди. Шундай роман ёзишга мени ундаган яна бир сабаб, кўпроқ шаҳарда яшаб, туғилиб ўсган, арчазор қишлоғимни доим соғиниб эслашим эди. Тоғ манзараларини ва у ердаги меҳнат қилиб юрган табиий одамларнинг жозибасини тасвирлаш орқали соғинч туйғуларимни бир қадар қондиргандай бўлардим.

Қора кўзлар деганда опа-сингилларимиз, умуман аёллар ҳам назарда тутилади. Аёллар билан эркаклар орасидаги муносабатларда эски урф-одатлар, бидъатлар бизнинг миллат сифатида юксалишимизга жуда кўп халақит беради. Мен буни, айниқса қишлоқ ҳаётида жуда кўп кузатганман. Ҳаётда кўрганларимни Аваз ва Ҳулкар, Санам хола ва Қамбар ота, Мадаминжон ва Мақсуд, Холбек ва Жаннатхон каби эр-хотинларнинг гоҳо гўзал, гоҳо чигал, гоҳида фожиавий тақдирлари орқали кўрсатишга интиланман.

— Сиз Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпонни доим эъзозлаб қаламга оласиз. Уларнинг ижодларидан қандай баҳраманд бўлгансиз?

— Чўлпон ва Қодирийларнинг ҳаётларидаги жасорат ва ижодларидаги миллий руҳ мен учун салкам 50 йилдан буён доимий илм ибрат манбаи бўлиб келади. Афсуски, ҳозирги айрим ёш қаламкашлар уларнинг ижодларига «анъанавий» деган мезон билан юзаки ёндошадилар. Ҳолбуки, уларнинг асарлари озодлик ва ҳақиқат учун кураш йўлида ўлим хавфлари билан юзма-юз олишиб яратилган ва адабиётимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олган қаҳрамонона ижод намуналаридир. Шахсан мен улардан доимо сабоқ олишга интиланман. Ана шу интилиш туфайли Бобур Мирзо ҳақидаги тарихий романга ном танлаганда беихтиёр «Ўтган кунлар»га қофиядош «Юлдузли тунлар» деган номни танлаганман. «Қора кўзлар» романидаги гўзал овозли Жаннатхон «Кеча ва кундуз»даги сеҳрли овоз соҳибаси Зебихон таъсирида ёзилган эди. Албатта, уларнинг тақдирлари ҳар хил. Лекин худо берган гўзал овозлари эскича урф-одатлари туфайли уларнинг икковига ҳам шодликдан кўра кўпроқ ғам келтиради.

Одам томга чиқаётганда нарвондан пояма-поя кўтарилади. Адабий авлодлар ҳам янги юксакликларга кўтарилиши жараёнида ўзидан олдинги авлодлар эришган ютуқлардан худди нарвоннинг пиллапояларидан фойдалангандек фойдаланади. Катагонлар туфайли Қодирий ва Чўлпон асарлари 30-40, ҳатто 50 йил таъқиб остида бўлди. Бу йиллар давомида яшаб ўтган бир неча адабий авлод вакиллари улар эришган ютуқлар устидан «сақраб» ўтиб кетганга ўхшади. Аммо бу сақраш оқибатида ижодий юксалишга хизмат қиладиган нарвон пояларининг бир қанчаси ташлаб ўтилади. Уларнинг ўрнида пайдо бўлган бўшлик эса янги авлодларга мансуб бўлган анчагина ижодкорларни Чўлпон ва Қодирийлар таъсирида шаклланиши мумкин бўлган ўзбекона жасоратдан ва миллий руҳдан маҳрум қилди. Уларнинг ўрнини ўз халқига паст назар билан қарашга ўргатадиган миллий нигилизм — «изм»лар ва умидсиз, нурсиз, қоп-қора тушқунликлар эгаллаб олди.

— Энди тарихий романларингиз ва уларнинг орасида ёзилган «Олмос камар», «Мерос»,

«Нажот» каби қиссаларингиз мавзусига ўтсак. Сиз уларни ёзиш учун 30 йилдан ортиқ вақт сарфлаганингиз кўпчиликка маълум. Айниқса, тарихий романларингиз 10 йилча чоп қилинмай таъқиб остида ётганда бундай узоқ муддатта еттулик сабр-бардошни қаердан ва нималардан олгансиз?



— «Куш уясида кўрганини қилади» дейдилар. Уйлаб қарасам аввало оила муҳити, ота-она ва акалар ибрати мени болалиқдан чидамли бўлишга ўргатган экан. Отам ҳалол меҳнати ва сабр-бардоши билан ўнга кўйни юзтага, юзтани мингтага етказиб, бадавлат бўлган. Бахтга қарши бу ҳодиса совет даврига тўғри келди. Биз ҳам отам билан бирга уй-жойимиздан қувилиб, бор будимиз таланиб, қишлоғимиздан бадарга қилинганмиз. Бу тўғрисида «Қалб кўзлари» китобимда батафсил ёзилган. Лекин у ерда айтишга улгурмаган нарсаларим ҳам кўп. «Қора кўзлар» романидаги Уста Қамбар, «Олмос камар»даги Аъзам ота қиёфаларини мен отамга оид хотираларим асосида тасвирлаганман. Отам раҳматли умр бўйи ароқ ичмаган, беш вақт намозини қанда қилмаган, ўзи минг азоб тортса ҳам, аламини болаларидан олмаган, бизни бирор марта уриб-сўкиб хафа қилмаган бағри кенг, мулойим одам эдилар.

Лекин онамиз жуда талабчан, бизни зир югуртириб ишлатар, айна вақтда болани яхши овқатлар билан боқиб, илигини тўла қилиб ўстирар эдилар. Онамизга оид хотиралардан «Қора кўзлар» романида патгилам тўқийдиган Санам холани ва «Олмос камар»даги Ханифа холани тасвирлаганда фойдаланганман.

Катта акам тарих ўқитувчиси эди. Тарихга қизиқишим шу Ҳайдар акамдан ўтган эди. У киши фронтда кўп жасорат кўрсатган, қаҳрамонлик унвонига ҳам тақдим этилган. Лекин бу ҳодиса кўшинларимиз чекинаётган пайтда рўй бергани учун амалга ошмай қолган. Мендан икки ёш катта Жўра акам ҳам довжорак ва чидамли инсон эди. У ёшлигида тоғларда чўпон бўлиб ишларди. Кейин металлургия заводида пўлат қуювчилар орасида 20 йил меҳнат қилди. Мен ишчилар ҳақида ёзган «Қадрим» қиссаси Жўра акам ҳаётининг таъсирида дунёга келган. Раҳматли акаларимнинг ҳалол, жасур ва чидам-бардошли одамлар бўлганлиги мени ҳам доим улардай бўлишга ундар эди. Адабиёт даргоҳига келганимда Абдулла Қаҳҳор, Ойбек домла, Зулфия опалар билан танишиб, уларнинг ҳар хил кўргуликлар қаршисида ўзларини мардона туттанларига гувоҳ бўлдим. Демак, кўргуликлар ҳам ўткинчи экан. Улар ўтиб кетгунча чидаш мумкин экан, деган эътиқод пайдо бўлди. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафутдинов, Одил Ёқубов, Жуманиёз Жабборов каби бир авлод вакиллари кўп йиллар давомида бир-биримизга дўстона суяниб ижод қилдик.

Яна кўп нарса ёзувчининг умр йўлдошига боғлиқ бўлар экан. Толеимга София уруш даврининг қийинчиликларида чиниққан, иродали ва диёнатли инсон бўлиб чиқди. 53 йилдан буён йўлимизда учраган барча қийинчиликларни бирга енгиб ўтдик. Албатта, қувончли масъуд кунларни ҳам кўрдик. Бусиз шу ёнга етиш мумкин бўлмас эди.

Ниҳоят тарих денгизига шўнғиб Бобур Мирзо, унинг авлодлари, бошқа темурийлар ҳаёти, Гавҳаршодбегим каби оналар тақдирини юракдан ҳис қилганим сари улардаги улугвор инсоний фазилатлар, истеъдод, ақл-идрок ва ирода қудрати менга доим мадад бериб турди.

Ҳаётнинг хулосасида яшашнинг маъноси ҳақида сўз юритмоқчиман.

Дунёга бир марта келадиган одам айнақса, кексайганда «Ҳаётдан нима изладиму нима топдим?» деган саволга дуч келар экан. Менинг умр бўйи излаганим маънили ҳаёт кечирган, эл-юртга яхшилик қилиб ном қолдирган одамлар бўлди. Уларнинг қанчасини ҳаёт чорраҳаларида учратган бўлсам, яна қанчасини тарих зарварақларидан излаб топдим ва ёзган китобларимнинг деярли ҳаммасини шуларга бағишладим.

Энди мен ёзган нарсалар китобхонларнинг маънавий изланишларига ҳам жавоб топишда бир қадар ёрдам берса, қилган меҳнатларимдан рози бўлардим.

---

Биз савол йўлаган барча мухлисларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз. Айтиб ўтганимиздек мазкур суҳбат давомида устоз Пиримқул Қодиров энг қизиқ савол берган мухлисимизни аниқлаб бердилар. Нуқус шахрида истиқомат қилувчи муаллима Зубайда Ишмоновани адибимиз дастхати ёзилган «Юлдузли туллар» китобини қўлга киритгани билан табриклаймиз.

---



Муҳаммад Али

## УЛУҒ САЛТАНАТ

ИККИНЧИ КИТОБ  
Умаршайх Мирзо  
Тарихий роман  
Биринчи боб

### I

Сирдарёнинг этаклари-ю, Тангритоғнинг ғарбий ёнбағирларидан то юнонлар Борис-Фен деб атагувчи Днепргача кенгликлар аро бепоеён дашту далалар ястаниб ётади. Шамоллар шип-шийдан чўлларда қуриган шўраларни тўп-тўп қилиб шимолдан жанубга юмалатиб ўйнайди. Ёйиқ' бўйларидан йўлга чиққан шўра тўпи жазирама офтобда жизганак бўлиб Жайхун кўли, - уни гоҳ-гоҳда Орол денгизи ҳам дейишади, - соҳиларига юмалаб етиб келгунча бир неча ойлар ўтади. Кейин Дашти қипчоқнинг ҳудудсиз чўлларида изғиринлар изиллай бошлайди... Ухшаш манзара ҳар йили такрорланади, такрорланаверади...

Бу жойларни Жўжи улуси дейдилар.

Тарих милодий 1376 йилнинг ёзида Оқ Ўрда хони Ўрусхон Ҳожитархон шаҳрида нуфузли қурултой чақиртирди. Идилнинг ёйилмасида, дарёнинг сўл қирғоғида жойлашган хушманзара бу шаҳар билан Хазар денгизи орасида йигирма тошча масофа бор эди.

Шаҳар марказида баланд тепалиқда савлат тўкиб турган Ҳожитархон ҳокимининг маҳобатли саройи оддидаги катта майдонда бир тўп одамларнинг ивирсиб юргани кўзга ташланарди. Элликка яқин суворийлар қоровуллик қилишмоқда. Учмоққа шай гижингланган отлар сувлиқларини чайнаб сабрсизлик билан ер тепинишади. Нарирокда, хиёл қуйироқда катта кўчада узоқ-яқиндан келган амирлару нўёнларнинг соқчилари у ёқдан бу ёққа от ўйнатиб юришади. Бурнининг учида нўхатдай келадиган жигарранг холи қалин тук билан қолланган йигирма саккиз-ўттизлардаги норғул соқчи йигит рўпарадан келатган иккинчи соқчига узангилар бир-бирига тегар даражада яқинлашиб келар экан, пишқирган от жиловини тортиб сўради:

- Кимнинг ўрамидан бўласен, баҳодир?..

Албатта, баҳодир деб мурожаат қилганлари баҳодир эмас, оддий навкар холос. Качондир баҳодир бўлишни орзу қилган навкарлар, ҳиммат юзасидан бир-бирларини ўзаро шундай атайдилар, кўнгилларини кўтардилар. Одатлари шунақа...

Иккинчи соқчи - миқтидан келган биткўз чапдастгина йигит ўнг қўлини нақшин эгар қошига қўйганча бошини баланд кўтариб жавоб берди:

- Манқишлоқ амири донғли Тўйхўжа ўғлонни биласанма?.. Ана ўшанинг ўрамиданман, эй баҳодир! Тўйхўжа ўғлон кўзининг нури, юрагининг қўри Тўхтамиш ўғлоннинг йигитлариданман! Отимни Тармочук, дейишади. Ўзинг қаердансан?

Норқул соқчи салобат билан томоқ қириб қўйди - да, деди:

- Сарой-Беркадан... Манқит элатининг зодагонларидан, Жўжи улусининг амирулу умароси Идику манқит ҳақида эшитганмисен?

- Эшитганман, эшитганман... Эшитмай бўлама...

- Ўша марди майдоннинг йигитлариданмен. Отим Кўкамани, Кўка ботир ҳам дейишади. Энди Кўка-да, Кўка... Кўка деявер.

Кўкаман хириллаб гапирарди.

- Курултой узоқ кетама?.. — сўради Тармочуқ Кўкамanning кўзига эмас, бурнининг учигаги тукига термилар экан.

- Узоқ бўлади, чўзилади бу... — Кўкаман бир оз жим қолди. — курултойга қандай баҳодирлар келибди, хабаринг бўлдимми? Мен кўпда одам танитаймен... Эсимда турмайди. Жуда ҳам одам кўп... Урусхон Жўжи улуси тахтига мингач, икки ўрдани бирлаштириб олди, ўзиям кучайиб кетди-ёв...Вой-баёв!..

- Кучайгандан кучайди хонимиз... — Тармочуқ маъноли жилмайди. — Кўрмадингма, баҳодир, хоннинг ўғиллари Темур Малик ўғлон, Қутлуғ Буқа, Тўхтақиёларни юришларини! Ух-хў, Жўжи амирзодаларини санай десанг саноқ етмайди! Темур Қутлуғ ўғлон, Кунчи ўғлон, Қозончи баҳодир... Султон Маҳмуд ибн Амир Кайхусрав ҳам шу ерда... Бухоро ҳокими Маҳмудшоҳ Бухорий!..

- Ие, ҳаммасини биламан дегин? Секинроқ гапир! Ҳай... намунча бидиллайсан-а! Бидиламай гапирсанг-чи, худо хайрингни бергур баҳодир! — илтижо қилди Кўкаман.

- Ҳаммасини биламан... — бир оз секинлади Тармочуқ, кейин шивирлагандай деди: - Мен сенга айтсам, Тўхтамиш ўғлоннинг ўрамида ҳар бири душманни зириллатадиган йигитлар жам бўлган... Алибек қўнғиротнинг ўзи ўнтасига тенг келади, Оқ Буқа баҳрин беш ботмонни бир қўлида кўтара олади, Урунғ Темур, Исабек дейсанма... Элийғмиш ўғлон бўлса-ку...

- Тўхтамиш ўғлон ҳам шу ерда дегин? — Тармочуқ сўзини бўлди Кўкаман.

- Шу ерда, валинеъмат Тўйхўжа ўғлон ёнида... Отасини ҳеч ёлғиз қўймайди. Доим ёнида юради... Ҳаммаси шу ерда, саройда...

- Тўхтамиш ўғлон ҳақида эшитганмен, - Кўкаман ўйланиб деди. - Жуда мард, ақлли йигит эмиш-да. Идику манқит жаноблари уни фақат алқаб гапирари... Шундай ўғлинг бўлса, дейди...

Сухбатга берилиб кетиб эгар қошига ётиб қолай деган Тармочуқ Тўхтамиш ўғлонга яқинлигидан гурурланиб кўкрагини кўтарди ва Кўкаманга беписандлик билан кўз қирини ташлади.

- Мўғулистон ҳокими амир Қамариддинни ҳам шу ерда дедилар, аммо мен кўрмадим...

- Амир Қамариддин ҳам шу ерда дегин? - Кўкамanning овози зўрға эшитилди. — Бутун олам йигилибди-я... Тумонот одамни йигиб нимани гапиришар экан-а...

- Биладим, баҳодир...

Ҳожитархонда кутилмаганда шошпинч Курултой чақирилиши икки навкаргагина эмас, балки нақшнингор кенг саройнинг кўринишхонасида чордона қуриб ўлтиришган аркони давлат вакилларига ҳам англашилмасиз эди. Чап ёқда сифноқлик, манғқишлоқлик, сабронликлар ва Иртиш бўйларидан келганлар кўринишади, Булғору Буртосдан, Саройчиқдан келганлар ўнг томонни эгаллашган, қримлик ва сарой-беркаликлар рўбарўни банд қилишган. Амиру амирзодалар, ўзини бировдан кам кўрмайдиган нўёнлар, калондимов беклар, майдонталаб лашкарбошилар, турфа хил зодагонлар гўё дунё ишларини ҳал этиш фақат уларгагина боғлиқдай ўзларини мағрур тутгишади.

Эни ўттиз, узунлиги қирқ газ чиқадиган маҳобатли кўринишхонанинг шимол ва жануб томонларида йигирмага яқин деразалари бор бўлиб, атроф манзара баралла кўриниб турарди. Жануб ёқда қараган одам Идилдай азим дарёнинг майда-майда ирмоқларга

---

Амир Темур Кўрагоннинг шижоатли ҳаёти ҳақида жаҳонда турли тилларда кўплаб китоблар ёзилганлиги ва ёзилаётганлиги бежиз эмас. Урта аср осмонида ярқ этиб жамол кўргизган Соҳибқирон сиймоси неча йиллардирки жаҳон аҳлини ўзига мафтун қилиб келмоқда. Табиийки, ўз юртида номи узоқ вақт қатағонда бўлган бобомиз мустақилликка эришганимиздан сўнг ўз халқининг бағрига қайтди ва бу дийдорлашув энди мангуликдир.

Буюк Соҳибқирон ҳаёти ҳали не-не китоблар яратилишига имкон яратади. Биз Амир Темур ҳақида бир неча китоб ёзишни, уларда диққатни кўпроқ оилавий ҳаётга қаратишни, уни Инсон сифатида тасаввур этишни ният қилдик. Инсон ҳаёти табиат каби тўрт фаслдан иборат, унинг ҳам баҳори, ёзи, кузи ва қиши бор. Жаҳоншумул бепоен умр пиллапояларини таърифлаш учун шартли равишда китобларнинг қисмлари Амир Темурнинг тўрт ўғли номлари билан аталиши лозим кўрилди. «Улуғ салтанат» романининг биринчи китоби қатта ўғли Жаҳонгир Мирзо номи билан аталган ва нашр этилган эди. Ушбу китобга иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо номи берилди.

Орзуимиз шулки, бу китобларни ўқиб, ўқувчиларимиз Амир Темурнинг шарафли ҳаётини кўз олдидан бир-бир ўтказсин, уни фақат номи чиққан саркарда, мамлакат ҳукмдори сифатидагина эмас, балки меҳрибон ота, суюкли ёр, улкан хонадон соҳиби, садоқатли дўст, қатъиятли мураббий, яъни Аллоҳнинг бир бандаси эканлигини ҳам тасаввур эта олсин, деймиз.

Муаллиф

айланиб Хазар томон шошаётганини кўради. Гўё минг-минг қақирим ерлардан елиб келган пуршидаат дарё ногаҳонда мустаҳкам Ҳожитархон қалъасига урилиб кетиб, парча-парча бўлгану шундай ҳолатта тушиб қолгандай... Шимол ёқда, олис-олисларда Сарой-Боту шахрининг ғариб миноралари булутлар пардаси ичра зўра кўзга чалинади.

Жўжixonнинг ўғли Ботухон милодий 1227 йилда Кўк Ўрда давлатига асос солганда Идил бўйида бир шаҳар қурдирди, унга Сарой-Боту деб ном қўйиб, ўзига пойтахт қилиб олди. Йигирма саккиз йил даврон сурган оғасидан кейин тахтга минган Беркахон пойтахтни шимолга, янги шаҳар — Сарой-Беркага кўчиртирди-ю, Сарой-Ботунинг аввалги шукуҳидан асар ҳам қолмади. Улуснинг жанубий музофотларини Жўжixonнинг яна бир ўғли Ўрда Ичехон авлодлари идора қилардилар. Улар сиртадан қараганда марказий ҳукуматни тан олардилар, аммо ичларида ҳамиша озод бўлиш истатида кун санардилар. Оқ Ўрда ана шундай вужудга келди. Сирдарё этакларида жойлашган энг кўркем қалъага эга Сияноқ шаҳри Оқ Ўрданинг пойтахти сифатида ном чиқарди. Сарой-Берка билан Сияноқ ўртасида киши билмас рақобат пайдо бўла бошлади. Айниқса, Оқ Ўрда хони Ўрусхонда бу итдао кучайгандан кучайиб кетди. Ҳамма "Ўрусхон" деган ном қаердан келган экан, деб ҳайрон қоларди. Айтишларича, у сап-сарик туғилган эмиш, онаси ўрис маликаси бўлган экан, шу сабабли шунақа аталиб кетибди. Орқаворатдан оти "Сариқхон" эмиш...

Кўринишхонанинг кунботишдаги тўрида каттагина сувада маҳобатли заррин тахт жойлаштирилган бўлиб, орқасида деворда икки одам бўйи тепада бугунинг катта сершоҳ бош суяги қоқиб қўйилганди. Тахтда савлат тўкиби ўлтирган Ўрусхон кўз узмай Сарой-Боту томонга тикилган, ичида хўрсиниб кўйди. Эҳ, Жўжи улуси бир замонар қандай қудратли давлат эди, Оврупою Осиёга даҳшат солиб турарди! Шухрати оламни тутганди. Уни барча мамлакатлар тан оларди, ҳатто манаман деган рус князлари солиқ тўлашга мажбур эдилар. Аммо Жўжи улусининг бир заиф томони Жўжixonнинг ўн тўрт ўғлидан ҳар бирига бир вилоят инъом этилганида эди, ҳар бир мулк бир хонзодага қарарди. Жўжи улуси бошиданоқ "улусча"ларга бўлиниб кетганди. Бўлинишлар давом этса этдики, тўхтамади. Дарвоқе, Ўрусхоннинг бобокалони Тўқай Темурхон Жўжixonга ўн учинчи ўғил бўларди, айни мана шу Ҳожитархон вилояти Тўқай Темурхон чекига тушганди. Шу вадданмикин, Ўрусхон ўша замонлардан мерос бўлиб қолгандай Ҳожитархон мулкни кўнглига яқин олади, ўзиники санайди, Сияноқдан ҳам кўра шу шаҳарда тез-тез бўлишни яхши кўради. Қурултойнинг шу шаҳарда ўтаётгани сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак.

## II

...Ўн тўртинчи асрнинг бошларида юз берган турли бош-бошдоқликлар, ҳаражу мараж, чиндан ҳам Жўжи улусининг энка-тинқасини қуриб ташлади. Бу даврларни эслганда Ўрусхоннинг юраги увишиб кетади. Буюк Чингизхоннинг авлодлари бўлган боболарнинг бир-бирларини тушунмаганликлари, бирлашиш ўрнига ўзаро қирпичоқ бўлганликларини ўйлаб қалби ўртанади. Афсус, минг афсус! Вақти-вақти билан юз бериб турган кўзғолонлар бутун улусни япроқдай титратар эди. Хайриятки, милодий 1312 йилда юрт бошига келган Ўзбекхон замонида тахт таллашиш низоларига, тўс-тўполонларга чек қўйилди. Султон Муҳаммад Ўзбекхон Кўк Ўрда билан Оқ Ўрдани бирлаштириб қудратли давлатга айлантириб, ўттиз йил комронлик курсида қарор топди. Бу давлат дунёда даставвал Жўжи улуси, кейинчалик Олтин Ўрда номи билан машҳур бўлиб кетди. Ўрусхон ўзини кўпроқ Ўзбекхонга менгзар, салтанат ишларида унга ўхшаб ҳаракат қилишга тиришарди. Ўзбекхон эса улус Чингизхонга ўхшаб кетади, Ўрусхон назарида...

Ўзбекхоннинг иккинчи ўғли Жонибек Жўжи улуси куч-қудратини яна ҳам оширишга интилди. Бироқ у 1357 йилда фитначилар томонидан ўлдирилди, мамлакатда тагин кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бесаранжомликлар палласи бошланди. Хонлар кун алмашгандай алмашарди, қисқа вақт ичида бу тахти бевафога йигирма бешга яқин хон келиб кетди.

Кўк Ўрда билан Оқ Ўрдани бирлаштирмак, улуснинг шаън-шавкатини ўрнига қўймоқ, Жўжи улуси бўй-бастини дунёга кўрсатмоқ керак! Ўзбекхон замонида қандай бўлса шундай бўлмоғи зарур! Ахир ўша даврларда Жўжи улуси чегаралари қарийб поёнсиз эди, бу томони Идил бўйларигача, Булғор, Қрим, Мовароуқофқоз<sup>2</sup>, рус князликлари, у томони Дашти Қипчоқ, Хоразм, Ғарбий Сибирь, то Иртиш дарёсигача мамлакатлар Ўзбекхонга қарарди. Кучсизланиб қолган улусни қудратли давлатга айлантириш энди Ўрусхоннинг зиммасига тушиб турибди... Тақдирнинг шундай сийловидан бемисл ғурур туйган Ўрусхон милодий 1364 йилда тахтга мингач, ўн икки йил давомида фақат улусни тиклаш билан банд бўлди. Энди Ўзбекхон замонидагидек мамлакат кўшинининг ўнг қўлини Кўк Ўрда, сўл қўлини Оқ Ўрда лашкарлари эгаллади, ички нифоқлару жанжал-суронлар ҳам бир оз барҳам топгандай бўлди. Аммо барча адоват, низою нифоқ ташқаридан эмас, балки тахтга талабгор чингизий хонзодалар юрагида яширин эди. Ҳаммаси ошқора дўст кўринадилар, аммо зимдан бир-бирларига душманликлари аён... Ўрусхон буни биларди. Мамлакатни қамраб олган ана шу кўнгилихирлик орадан кўтариб ташланиши керак...

Сарой ичи сув қуйгандай жим-жит эди. Хийла вақт ўтди, ҳамма шимолдаги деразага тикилиб хаёлларга берилган Ўрусхондан кўз узмай қурултой бошланишини кутади. Бирон бир киши сўз қотишга журъат этмайди. Мамлакат хони гўё бу ерда вакиллар тўпланиб турганлигини, нуфузли қурултой бўлиб ўтиши лозимлигини унутиб юборгандек эди.

Ниҳоят, хон аввал тахтнинг икки томонини банд қилган аркони давлат кишиларига назар ташлади. Кейин бошқаларни бирма-бир кузатиб чиқди. Хоннинг назари тушганда ҳар бир киши ўзини найзага илиниб қолгандай ўнғайсиз сезарди.

Бирдан кимдир жимликни бузиб: "Омон бўлсин улуғ хонимиз!" деб қичқириб юборди. Кўринишхона ичи портлагандай гувиллади. Ҳар ёқдан Ўрусхонни шарафловчи садолар янгради:

- Бошлари тошдан бўлсин!
- Омон бўлсин улуғ хонимиз!
- Ёвларга офатдир улуғ хонимиз!
- Энди улусимиз доврўғи дoston бўлади!
- Достон бўлади!
- Бўлади! Бўлади-и-и-и!..
- Ур-ҳо! Ур-ҳо-о-о-о!.. Ур-ҳо-о-о-о!.. — овозлар келарди чап томондан.
- Ур-ҳо-о-о-о!.. — жаранглари алқовлар ўнг томондан...

Барча ўрнидан туриб олган, сарой ичини юқорига кўтарилган қўллар ўрмони тутиб кетган, шу афозда мамлакат хонини олқишлашар эдилар.

Фақат ўртароқда, манглай қат-қат ажиқдан тиришган, қошлари сийрак, гирдиқумдан келган бир амир атрофга аланглав экан, бақириб-чақириб Ўрусхонга шараф тўнини бичаётган изаҳомга вижиниб қарар, иложи бўлса барчанинг оғзини ёпиб қўйишга тайёрдай эди. Ёнида турган ёш йигитга тап тортмай бошқалар эшитадиган қилиб:

- Булар эсини еганми, Тўхтамиш ўғлон?! — деди кўзлари чақчайганча. Унинг овози ингичка, ёқимсизроқ эди. — Қара-я, ўғлим! Ҳаммаси анови ўрисга қараб дон еган хўроздай кекиртагини чўзадир!..

Тўхтамиш ўғлон у ёқ-бу ёққа қараб қўяр экан, ҳалиги одамнинг қулоғига шивирлади:  
- Секинроқ гапирингиз, эй, валинеъмат! Тингчилар эшитиб қолмасин тагин? Атрофда изғиб юришибди...

Бақириб-чақириб, шовқин-сурон ичида, хайриятки, уларнинг гапини биров эшитмади.

Қўйиб берса, хон шаънига алланамаларнидир айтиб юбориши мумкин бўлган табиатан шартки ва кўрс Тўйхўжа ўғлон тишларини гижирлатиб қўйди-ю, ортиқ бир сўз дейишдан ўзини тийди. Мангқишлоқ ҳокими авваллари ҳам ҳамиша машваратларда ҳадди сиғиб гапни бўлар, норозилиқ билдириб, хоннинг сўзи қудратини кесишга мойиллигини яширмасди. Унинг назарида Ўрусхон макру алдовлар билан Жўжи улуси тахтига минди, асло юрт бошқаришга лаёқати йўқ, устига устак шарти кетиб парти қолган, бир оёғи гўрда... Аслини олганда-ку, улар бир отанинг болалари, суриштириб борилса томирлари бир чиқади. Жўжихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темурхон иккисига ҳам бобо бўлади. Тўқай Темурхон тўрт ўғил кўрган. Тўйхўжа ўғлон ана шу ўғиллардан тўнғичи Авранг Маъмур султоннинг авлоди, Ўрусхон эса иккинчи ўғил Ўз Темурхоннинг палаги... Тахт Тўқай Темурхон тўнғич ўғлининг авлодларида бўлиши керак-да. Тўйхўжа ўғлоннинг ана шунга ичи куяди. Бу ёғи-ку, шундоқ, лекин Ўрусхон нафақат Тўйхўжа ўғлон, балки барча чингизийларга ҳам душман! Учига чиққан душман... Аммо ақлли ва айёр душман! Ух-хў!.. Орадаги адоват, гина-қудурат, мухолифат мадда бовлай бошлаганига хийла вақт бўлиб қолди...

Шу палла Ўрусхоннинг янграган салобатли йўғон овози Тўйхўжа ўғлон хаёлини бўлди:

- Салтанат пешволари!..

Сарой сукунатга чўмди.

- Салтанат пешволари! Нима сабабдан қурултойга йиғинганимизни фаҳмласангиз керак? Сўзни бежаб ўлтирмаймен. Ундоқ одатим йўқ. Бир ҳафта бўлди, туш кўрибмен. Улуғ боболаримиз Чингизхон билан Ўзбекхон бирга юрганмишлар. Чингизхон қачон яшагану, Ўзбекхон қачон? Буни ўйлаб кўринг-да! Бу ғаройиб аломат... Чингизхон Ўзбекхонга дер эмиш: "Дунёни олдим, қиличим тин билмади. Илкингизга гижинглаган тойдай дунёни жиловидан тутқазиб қўйдим... Дунё балиқдек қўлингиздан сирғалиб чиқди кетди... Нечун қўлдан бердингиз? Бунга қандай журъат этдингиз?... Ландовур сўтаклар!.." Ўзбекхон ҳеч нарса дея олмас эмиш... Шу палла уйғониб кетибмен...

Яна саройга лаҳзалик жимлик чўқди. Ўрусхон гунгурсдай тўладан келган, қисик кўзли, пешонаси тор, ўсиқ қошу киприкларидан қалин мўйловигача сарғайиб кетган олтмиш бешлардаги баджаҳл бир одам эди. Омонатгина қўндирилгандай маҳобатли олтин тожидан сариқ сочлари тошиб чиқиб турарди. Ҳазабланиб гапирганда киприклари қошларига қўшилиб кетар, узун ўнг мўйловининг учи оғзига қириб қолиб халал бераверганидан, чиқариб юбориш учун сўз орасида дам-бадам катта оғзининг бурчагини чўччайтириб "пуф", "пуф" деб қўярди.

- Буюк Хоқон Чингизхон барчамиздан бағоят норизодурлар... Уша тушни кўрганимдан бери уйқум йўқ... Жўжи улуси бўғзидан ички низолар ботқоғига ботиб ётибди. Бир маҳаллар дунёга доврўқ таратган Жўжи салтанати қани? Чингизийлар бир-бири билан кўпак итдек таллашиб, тишлашиб, олам жаҳон олдига кулгуга қолиш билан оворалар... Юрт пароканда... Ҳой! Сен, анови билан масхара бўлиб уришмадингму?.. - Ўрусхон бирдан қўлини биғиз қилиб кимларгадир дўқ қила бошлади. - Сен ириллаб ановининг оёғидан олмадингму?.. Сен-чи?.. Мановининг кўзига чанг солмадингму?.. Тумшуғи-ю, оғзи-бурни қонга беланиб тишлашган сенмасмусен?.. Қачон бу нарса йўқ бўлади?.. Ҳам-

мангни биламен! Нима еб, нима ичиб юрганингни биламен, ўзини шер санаётган кўпаклар!..

Қурултой аҳди аъёнлари бундай аччиқ гапларга ўрганиб ҳам қолгандилар. Улар кўп марта хонга эътироз билдириш, сўзини бўлиш жуда мудҳиш оқибатларга олиб келишининг гувоҳи бўлганлар-да. Ўрусхон шартта ўлимга буюриб юбораверар эди.

Хоннинг сочма галлари аниқ кимгадир йўналтирилган бўлмаса-да, ҳаммага баробар тааллуқди эди, шу сабабдан ҳамманинг ҳам жон-жонидан ўтиб кетди.

Аммо ҳеч кимдан сас чиқмади...

Тўйхўжа ўғлонгина ўлтирган жойида безовта бўлиб қимирлаб-қимирлаб кўяр, эшитилар-эшитилмас "Ўзинг кўпак, сариқ! Ўзинг кўпак, сариқ!.. Сариқнинг сўзларини кўрингиз!.." дея пичирларди. Тўхтамиш ўғлон безовта бўлиб унга қараб-қараб кўярди.

...- Ҳаммангни биламен!.. Мени билмайди дема!... — зуғум билан деди Олтин Ўрда хони. Унинг овози ингичкалашиб борарди. — Кўзингни оч, паңдавақилар!.. Галварслар!..

Ўрусхон кейин Оқ Ўрдаю Кўк Ўрдани катта қийинчиликлар орқасида бирлаштирганини, буни улуғ боболар унинг кўнглига солганини, ўзига қолса, Оқ Ўрда хонлиги унинг битта жонига-ю, авлодларига кифоя қилишини урғулаб галирди. Бу юмушларни буюк Чингизхон шаънини ўйлаб қилаётир, буюк бобокалоннинг руҳини эъзозлаб шод этиш учун уринаётир холос... Эндиги иш Жўжи улуси шон-шухратини тиклашдир, Московияга юриш қилмоқ бу йўлдаги энг қўлғу қадам бўлур. Олтин Ўрданинг хуудини кенгайтириш зарур. Бир маҳаллардаги Олтин Ўрда қани?.. Фарбда Византия-ю, шимолда рус князликларигача, шарқда Иртиш бўйлари-ю, жанубда Дарбандга қадар ерлар унга қарарди. Энди-чи? Мовароуннаҳрда бўлса алақандай Амир Темур отлиқ бир одам ўзбошимчаликларга бош урмақда, ҳаддидан ошиб Хоразмни босиб олибдир, Фарғона музофотида Амир Қамариддиндай биродаримизни нафас олдиришга қўймайдир эмиш, бу кетишда эртага бизларга ҳам иддао қилишдан тоймайдир...

Хон оғзига кириб қолган мўйловининг учини чиқариш учун "Пуф!", "Пуф!" деб кўйди.

- Темир оқсоқни гапирдингиз, аммо у жуда кўп оёғи бутунлардан иддамроқ юрадир...

— заҳарханда аралаш деди бирдан Тўйхўжа ўғлон, бемалол эътироз билдира олиши мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлгандай. У Ўрусхоннинг тағдор гапларини худди игнанинг устида ўлтиргандай бўлиб эшитди.

Ҳамма ят этиб ингичка овоз чиққан томонга ўтирилди. Жўжи улуси тахтига қаттиқ кўз тикканлардан бири мана шу Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон эканлигини ҳамма биларди. Ўрусхоннинг ўзи ҳам буни яхши тушунар, юқоридегидек паст-балаң гапларни тахт иддаосига йўяр, деса дебди-да, дея эътибор бермасди. Тўйхўжа ўғлон Олтин Ўрдадаги танглиқдан фойдаланиб, ўзига тарафдорлар тўлаб, фикрни бир жойга жамлаб Сарой-Беркага юриш қиламан деб турганда, пойтахтни алақачон Ўрусхон ишғол қилганлигини эшитди ва ўзининг лаңдавуригидан нечанчи бордир қаттиқ ранжиди, афсуснадоматда тилини тишлаб қолаберди. Оқибатда эса Чингизхон салтанатини бошқаришга қувватдор, кўркмас ва ботир Тўйхўжа ўғлон мана бундоқ мажмағилу латта хон насиҳатларини тинглаб ўлтирибди...

- Хон ҳазратлари! — деди масхараомуз Тўйхўжа ўғлон атай. Ҳамма унинг беписандлик билан галирганига ҳайратда боқарди. — Аслида Московияга боришнинг ҳожати йўқ. Нимамизга керилиб борамиз? Ҳозир бир черткига ҳам ярамаймиз. Адо бўламиз-ку! Ахир бундоқ кўрпага қараб оёқ узатайлик-да! Тўғри, номимиз улуг, Чингизхон авлодимиз, аммо ҳолмиз ночор... Кўк Ўрдани кўшиб олдик... Керакмиди? Оқ Ўрданинг ўзи кифоя эди-ку! Оқ Ўрдани улуг мамлакатга айлантирайлик, кучимиз, қудратимиз етса... Московияга ёки Мовароуннаҳрга юриш қилмоқ худди ўз инига сиғмаган, думига галвир боғлаб олган сичқоннинг ҳолини эслатади. Сичқон инига сиғмайди, думига галвир боғлайди... Ҳе-хе-хе...хе-хе...

Тўйхўжа ўғлоннинг ёлғизланиб қолган заҳарханда кулгуси тездагина тинди.

Тўхтамиш ўғлон икки ўт ўртасида эди. Бир тарафдан ўрнидан туриб бошини роз кўтарганча хонга қараб жасорат билан галираётган отаси Тўйхўжа ўғлон тутумидан гурур туяр, қувонар, иккинчи тарафдан тахтда ғазабнок ўлтирган Ўрусхонга боқиб даҳшатли кўрқув хиссидан юраги дам-бадам зирилларди. Ёнма-ён туришган Алибек Қўнғирот, Оқбуқа баҳрин, нарироқда чўнқайган Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорийлар воқеани ҳанг-манг бўлиб кузатардилар. Ундан ҳам нарироқда тиз чўккан нуфузли амирлардан Идику қандайдир мудҳиш воқеани ҳис қилгандек кўнгли увишиб-увишиб кўярди.

- Нима деяпти ўзи анови нокас?.. Пир урган?.. Бу қандай гап?.. — Сўзга қўшилган хоннинг кенжатоғи Темур Малик ўғлон йигитларидан паҳлавон келбат Қозончи баҳодир эди. — Олампаҳон! Мангқишлоқ ҳокимининг сичқондай ўлгиси келди шекилли... Негадир сичқондан гапириб қолди... Сичқон, сичқон дейдир нукул... Сичқоннинг инини минг танга қилиб кўяйми?..

- Телбанинг оғзини ёпиб қўйиш керак, ҳазрат!.. — қичқирди Ўрусхоннинг ўғли Тўхтақие... — Бир очилиб қолди-да... Изн берингиз!..

- Боши олинсин! — деб юборди хоннинг бошқа ўғли қўлғу Буқа...

- Олинсин! Олинсин!

- Изи қирилсин! Қирилсин!.. — қабилида сўзлар янгради.

Шов-шув кучая бошлади.

Навкарлари қуршовида савлат тўкиб ўлтирган озғиндан келган, чиройли юзли, аммо

кўринишдан журъатсиз Темур Малик ўғлон апил-тапил тахт томонга қаради. Одатда салга жаҳл отига минадиган хоқон фавқуллода қутуриб, қаҳру вазабдан тили калимага келмай қоларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди: қисик кўзлари йўқолгудай қисилиб кетган, аммо лом-мим дея олмасди.

Манғишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон асли падари бузрукворига ёқмайди, Темур Малик ўғлон буни билади. Ҳамиша хоннинг қитиқ патига теккани теккан... Уч ой олдин Сабронда бўлган машваратда ҳам шундай тантиқликларга йўл қўйганди, аммо Ўрусхон, худо инсоф бериб, кенглик қилди, жаҳли чиққанини билдирмади. Қилич яланғочлаб отилган навкарларни ҳам тўхтаб қолди... Темур Малик ўғлонники тутиб кетди. Борди-ю, ҳозир хонзода хос йигитларига буюриб Тўйхўжа ўғлон бошини танидан жудо этса, отаси ашаддий душманидан қутулганига фақат хурсанд бўлади, бу аниқ. Токайгача бу калондимов амир ҳаддидан ошади? Ким ўзи? Ким?..

Дарвазаб бўла бошлаган Темур Малик ўғлоннинг бурун катаклари кенгайиб, қисик кўзларида вазаб учкунлари чақнади. У қозончи баҳодирга қараб имо қилди. Боши танасига номутаносиб каттароқ, энгагида уч-тўрттагина соқол худди омонатга ёпиштириб қўйилгандай тикрайган, паҳлавон келбат, қабарик кўкракли баҳодирнинг ўзи шунга маҳтал бўлиб турганда. Хонзоданинг гапини эшитиб, фармон деб тушунди-да, шартга ўрнидан турди, йигирмага яқин навкарлари билан шитоб бориб Тўйхўжа ўғлонга ташланди! Тезда Манғишлоқ ҳокимининг кўлларини қайириб боғлашга киришдилар. Бундай бўлишини кутмаган Тўхтамиш ўғлон жон ҳолатда:

- Тўхтагизлар! Нима қиялсизлар?!.. Нима қиялсизлар?!.. Қаёққа олиб кетялсизлар?!.. - деб бақирди ва ҳанг-манг бўлганча навкарларга отилганини билмай қолди. Кимдир уни қаттиқ итариб юборди, бошига муштми ёки бошқа нарсами, нимадир тегди... Узини ўнлаган Тўхтамиш ўғлон шартга қиличини суғуриб: "Кўлларини маҳкам боғланг!..", "Оғзига латта тиқинг!..", "Маҳкамроқ ушланг даюсни!.." деб бўйруқлар бериб турган қозончи баҳодирга даф қилди! Баҳодир ҳам қараб турмади, чапдастик билан Тўхтамиш ўғлоннинг кўлига бир урди ва ерга тушаётган қиличини олиб олди.

- Буни асра, йигитча!.. Худа-беҳуда кўтараверма! Ҳали керак бўлади. Бошқа ерда ишлатасен!

Қозончи баҳодир шундай деди-да, хотиржам қиличини Тўхтамиш ўғлонга ирқитди. Савашишга шайланаётган Алибек Қўнғирот, Оқбуқа баҳринлар буни кўришиб шиддатлари кесилди, кўллари қиличга чўзилганча саросимада тўхтаб қолишди. Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав билан Маҳмудшоҳ Бухорийлар ҳам тараддудда эдилар. Нарироқда Тўхтамиш ўғлон ўраминдаги бошқа йигитлар билан Қозончи баҳодир навкарлари ўртасида аллақачон қиличбозлик бошланиб кетганди. Тўс-тўполон авжа чиқди, ит эгасига боқмас, кимдир муштлашар, кимдир ёқалашар, кўринишхона ичи бузилган ари уясини эслатар эди.

Қозончи баҳодир навкарлари кўллари боғланган Тўйхўжа ўғлонни қалин ўровга олишиб ҳеч кимни яқинлашишга қўймай ташқарига чиқа бошладилар.

- Кетдик, шаҳзода! — шивирлади Алибек Қўнғирот Тўхтамиш ўғлоннинг қўлигидан оларкан. — Бу ерда қолмоқ хатарли! Тезроқ ташқарига чиқайлик! Падари бузрукворингизни қутқариш йўлларини ўйлайлик! Қутқарамиз, худо хоҳдаса!.. Кетдик!..

Оқбуқа баҳрин ҳам уни қўлаб-қувватлади.

Шу пайт кимдир одамлар орасидан қийинчилик билан ўтиб келиб уларга яқинлашди-да, шивирлаб деди:

- Тезроқ кетингиз! Тезроқ кетингиз бу ердан! Сиз кетмасангиз... бошингиз кетади!..

Тўхтамиш ўғлон зодагонлардан эканлиги кўриниб турган нотаниш одамдан сўради:

- Ким бўладилар, нўён жаноблари?

- Идику бўламен, манғитлардан...

Идику ўттиз бешларга борган, жуссали, ўрта бўйли, деярли ярроқош, дўнганманглай, кўринишдан ваҳимали, қисик кўзларининг ўйнаб туришидан маккорлигини яшира оладиган ақали, хушёр киши эди. У шундай деди-да, шитоб одамлар орасига кириб йўқолди.

Тўхтамиш ўғлон ва унинг шериклари алғов-далговлар ичида Тўйхўжа ўғлон изидан ташқарига отилдилар.

## Иккинчи боб

### I

Улуғ салтанатнинг шукуҳли пойтахти Самарқанди фирдавсмонанд кўчаларида ёлғиз кўк кийган одамларни учратиш мумкин эди...

Жаҳонгир Мирзони она шаҳри Кешда Дор ут-тиловат мавзеида дафн этдилар. Дафн маросимига Самарқанддан эл оқиб борди. Кеш йўлидагилар сафини мамлакатнинг турли пучмоқларидан келган нўёнлар, амирлар, беклар, сарой аъёнлари, оқсоқолу қадҳудолар тўлдирган эди. Улар сал орқароқда борардилар. Олдинда эса, тобут солинган маофа билан изма-из дийдаи гирён бўлиб маликалар, амирзодалар қадам ташлардилар...

Амир Темур Кешда салтанат буржининг ёруғ юлдузи, жаҳондорлик шаън-шавкати аломатлари манглайда аён кўриниб турган шаҳзода Жаҳонгир Мирзонинг пок руҳига атаб турфа хайру эҳсонлар қилди, етим-есир, бева-бечораларга инъому садақалар берди. Хайру эҳсонлар муаззам пойтахт Самарқандда Кешдагидан кўра ўн чандон ортиқроқ даражада адо этилди...

Кажрафтор дунё!.. Энг сулокли ўраи Жаҳонгир Мирзо йигирмага кирганда дунёга қўл силтагандай кетди қолди. Дунёси шулми? Энди нима бўлади? Бу азоб-уқубатларга у қандай чидайди-ю, қандай чора қила олади? Ким унга мадад беради Аллоҳдан бошқа? Э, Аллоҳ, ўзингга шукр, барига ўзинг мададкорсан, ёлғиз ўзинг, ўзинг...

Жудоликнинг аччиқ шарбатидан тотган, мотам либосига ўралган Амир Темурнинг фиғони чексиз эди... Оғир мусибат тап тортмас, унинг қудратли қаддини букишга орзу-манда эканлигини яширмасди.

Соҳибқироннинг, менга энди ҳеч нарса керак эмас, дунёси ҳам, салтанати ҳам, бас, дунёдан илик уздум, дея Боқи Чинорга кириб, кўкрагини ерга бериб ётиб олганига уч кун бўлди. Муҳаммад Чурога додхоҳга, ёнига ҳеч кимни йўлатмасликларини қаттиқ таъинлади.

Учинчи кун кечаси бирдан Амир Темурнинг ўпкаси тўлиб кетди. Жаҳонгир Мирзо қайтиб келмайди! Бу аччиқ ҳақиқатни гўёки энди англаб етгандай, соҳибқирон аламу оташ ичида кўз ёшини тиёлмасди. Оёқ томонда тиз чўкканча мудраб ўлтирган Сарой-мулкхоним сезиб қолмасин учун, юзини ёстиққа қаттиқ босиб олди. Баҳмал ёстиқ унинг ичидан отилиб чиқаётган ингроқ сасларини ўз ичига ютар, кўз ёшларидан ёқасини хўл қилар эди.

Кўзлари киртайиб кетган, афтодаҳоллик пардаси ичра барибир ботиний гўзаллиги кўри-ниб турган Сароймулкхоним кейинги пайтларда кам гапирадиган бўлиб қолди. Ҳамиша кўзга ташланиб турадиган чап юзидаги қора холи ҳам рангсизлиб кетгандек кўринадди. Мақди улё мусибатдан изтироблар кекиб кўп гапирди, кўп йиғлади, афтидан энди сўзи ҳам, йиғиси ҳам қолмаган эди. Жаҳонгир Мирзо унинг туққани эмасди, буқдан ортиқроқ бир жигарпорасига айланиб қолгани энди кучлироқ билиниб борарди.

У ҳар гал Амир Темур ётган хос хоналарига киради-ю, оҳиста чўккалаб аввал Соҳибқироннинг бошини уқалайди, кейин елкаларини ... Ҳазратни безовта қилмаслик учун бир оғиз ҳам гапирмайди. Фақат ичида: «Илоё, азиз бошлари омон бўлсун! Илоё, азиз бошлари омон бўлсун» деб кўяди. Бу сўзларни Сароймулкхонимнинг ўзи ҳам баъзур эшитидади. Оёқларини уқалаб бўлгач, қуйироқда ўнг тиззасига иягини тираб маъюс ниғоҳини соҳибқиронга тикканча хаёлларга берилади. Кейин кўзларини юмиб, пичирлаганча "Ихлос" сурасини қайта-қайта қироат қила бошлайди. Буни бежирим ёқут лабларнинг нафис қимирлашларидангина билиш мумкин.

Ҳаммадан ҳам Амир Темурнинг бошдан-оёқ кўкка ўралиб олган эгачиси Қутлуғ Туркон оқа қаттиқ ташвишда... Аҳвол шундай давом эта берса, мамлакат издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Жетадан қайтиб келган тингчи хабарига кўра, Темурбекдан калтак еб кетган Одилшоҳ жалоийр қўшин тўплаб Ўттор яқинидаги тоғларда муштумини қисганча, нима қиларини билмай саргашта юрганмиш. Ул бадбахт вазиятдан хабар топса, Самарқандга от солишдан ҳам қайтмайди. Қамариддиннинг эса Мовароуннаҳрга эскидан илдамси бор. Соҳибқирон кўп марта Жетага юриш қиляди, аммо бу уришқоқ амирни ҳаля ҳануз бартараф эта олмайди. Уни тағ-томири билан йўқ қилишга юборилган шавкатли қўшиннинг қорасини кўрди дегунча, маккор Қамариддин ҳамма нарсасини ташлаб уялмай жуфтани ростлаб қочиб қолади, тоғларнинг бирон қавак-қандигида жон сақлайди. Бир оздан кейин яна ўша уйинг куйгурнинг Андижон ёқларда босқинчилик қилиб юргани ҳақида хабар келади, яна унга қарши қўшин юборилади, яна у қочиб қолади. Аҳвол шу тарзда давом эта беради...

- Сулаймоншоҳ... — муржоат қилди Амир Довуд дуглатта сабри чидамай Қутлуғ Туркон оқа бодом қовоқлари уюлиб. Улар Кўксаройнинг кўринишхонаси эшиги олдида турардилар. - Кўрдингизму, соҳибқироннинг кўнгиллари жуда ҳам чўкиб кетибдур. Яратган ўз паноҳида асрасин, жуда ҳам шаштлари паст... Юпатай деб худонинг зорини қилдим, йўқ, йўқ, менга ҳеч нарса керакмас, деганлари деган. Мамлакат тартиби-ю, давлат юмушларини ҳам ёдидан чиқариб юбордилар, қараб ўлтирмангизлар-да... Ахир...

Шу пайт руҳлари сўниқ бир кайфиятда Умаршайх Мирзо билан Амир Сулаймоншоҳ келиб қолдилар. Қутлуғ Туркон оқа "Айланайин" дея кўришиб пешоналаридан ўпиб қўйди, Амир Довуд дуглат уларни хийла бағридан қўйиб юбормади. Оғир мусибатдан, валинеъмат соҳибқироннинг аҳволотидан қаттиқ изтироб чеккан амирзодаларнинг ияклари сўррайибгина қолган эди.

- Энди нима бўлади, энажон?.. Нима бўлади?.. Валинеъмат соҳибқирон... нега бундай қилдилар?.. Уларини аясинлар-да, — йиғламсирагандай деди Умаршайх Мирзо онаси-га суйалган қулундай Қутлуғ Туркон оқа кўкрагига аста бош қўйиб.

Юмалоқ юзга, хушсурат, кўзлари онаси Тўлун оқага тортган қўйкўз Умаршайх Мирзо ориятли йигит бўлиб ўсди, аини пайтда тезоб, жиззакилиги бор, кўрсроқ, баъзан даралроқ феъллари ҳам йўқ эмас. Шунданмикин, сирдош дўстлари ҳам камроқ... Амир Сулаймоншоҳ, давраларда, сафарларда, маъракаларда ҳаммиша амирзодани кўздан қочирмас, бирон нохуш ҳодиса юз бергудай бўлса, олдини олишга тиришарди. У Жаҳоншоҳ ибн Жохута ҳам ҳаммиша амирзодадан бохабар бўлишни, хушёр туришни тайинлаган.

Умаршайх Мирзо оқаси Жаҳонгир Мирзога ўхшаб олисдан туриб бирор махбубани севиб қолмади, кечалари сулув ёр деб ухламай чиқмади, унда ҳар бир йигитда бўладиган одатий ишқий саргузаштлар ҳам юз бермаган. Вояга етганда уйлантириб қўйдилар, бир неча йил ўтиб, Пирмуҳаммад деган ўғиллик бўлди. Иккинчи хотинидан эса амирзода Рустам туғилди...

Оғаси вафотидан кейин, катта ўғил бўлиб қолган амирзода сипо тортиб, ҳамма нар-

сага ўзини бошқалардан кўра масъулроқ сеза бошлади. Амир Темур, салтанат ёки Самарқанд, умуман, нима ҳақда сўз кетмасин, унга тегиб кетар, барини ўзига олар, ўзини жавобгар ҳис қиларди.

- Иншооллоҳ, яхши бўлади, амирозодам!.. — юпантириб деди Қутлуғ Туркон оқа.

- ...Йў-ў-қ, қараб ўлтирмаймиз, онаси! - деди Амир Довуд дувлат юзидаги билинар-билинемас қилич изларини силаб. - Ўзимнинг ҳам бошим қотган. Худди бурчакка қисилиб қолган макиёндай чорасизмен, онаси... Эҳ, Жаҳонгир Мирзо! Жаҳонгир Мирзо! Соҳибқироннинг суянчиғи, умиди, тирағи эди-я!.. Қўлимдан келса-ю, Темурбекнинг дардаларини аритсам! Кошкийди! Бандасининг не чораси бор... Бор умид парвардигордан-да, энди, онаси...

Чиндан ҳам сўзини ҳамиша яширмай айтадиган, гулдираб, босиқ оҳангда гапирадиган, чорпахилдан келган, бақувват дувлат амирнинг аҳволи ночор кўринарди. Амир кўзларида қилтиллаган ёшини завжасидан яшириб ўлтирмади.

Қутлуғ Туркон оқа ўйлаиб деди:

- Рост дедингиз! Умид ёлғиз парвардигордан, албатта... Иншооллоҳ, бунга асло шубҳам йўқ, Аллоҳнинг ўзи мадаққордир... Аммо бандаси ҳам жим турмаслиги керак. Пири муршид жаноблари - Шавҳари<sup>3</sup> нимадир демоқчи эди, аммо Темурбекнинг эгачиси бунга йўл бермади. - Пири муршид жаноблари соҳибқирон ҳузурига кирсунлар. Юпатсунлар, насиҳат қилсунлар, йўлга солсунлар! Не бўлса ҳам, соҳибқироннинг бағирларини зах ердан узиб, қўлларидан етақлаб ёруғ дунёга олиб чиқсунлар, хонанишинликдан ҳалос этсунлар! Ётавериш жонидан ўтиб, ер кўкракларига ботиб ҳам кетганди.

Қутлуғ Туркон оқа охириги сўзларини йиғламираб гапирди.

- Англадим, онаси! Дилимдагини сўзладингиз. Хўп, хўп! Ҳозироқ Суюрватмишхон жанобларини топурмен, амирларни йиғиб кенгаш қилурмиз. Пири муршид ҳазратларига, барчамизнинг илтижою шижоатимизни сизга берайлик, барини ўзингизга олингиз-да, мамлакат султонини оёққа турғизингиз, деймиз!

- Худо хайрларингизни берсун! Аллоҳ ёрингиз бўлсун!

Қутлуғ Туркон оқанинг катта-катта маънос кўзларида умид учқунлари чақнади...

Амирозодалар, бизлар нима қилайлик, айтингиз, тоғни қўпорингиз, десангиз, қўпорамиз, душманлар додини берингиз, десангиз, берамиз, дегандай термилиб турардилар.

## II

- Ассалому алейкум...

Мир Саййид Барака хос хонага кирганда, Амир Темурнинг ерга бағрини бериб юз-тубан ётганини кўрди. Сароймулкхоним соҳибқироннинг бошида, Хонзода хоним билан Улус оқа оёқ томонда чўккалаб сукутда ўлтиришар эдилар. Пири муршид кирганини кўришиб оҳиста ўринларидан турдилар-да, ортга чекиндилар ва эпкиндай сирғалиб ташқарига чиқдилар...

Амир Темур пири муршид ҳурматига ўрндан турмоқчи бўлган эди, унинг ҳаракатлари сустигини кўрган Мир Саййид Барака бунга йўл қўймади:

- Зинҳор безовта бўлмасунлар! Ижозат, ижозат!..

- Адо бўлган одаммен, пирим!

- Аллоҳнинг ўзига ҳамду санолар айтайлук...

Мир Саййид Барака бошқа ҳеч нарса демади, соҳибқироннинг ёнига чўк тушди-да, кўзларини юмганча, овоз чиқариб, оҳиста тиловат қила бошлади, қўллари тасбеҳ доналарини санаётдан тўхтамасди. У одатда ҳар бир каломни дона-дона қилиб ўқирди. Ора-орада кўзларини очиб таважжух ила: «Куф! Суф!» деб нафас қилар, қўлидаги тасбеҳини соҳибқироннинг гоҳ чап, гоҳ ўнг елкасига уриб-уриб кўяр эди.

Пири муршиднинг тутуми Амир Темурга бир қадар кутилмаган ҳол бўлиб туюлди. У ўзини яхши насиҳатлар, ётавермасдан туриб давлат ишларини қўлга олиш зарурлиги тўғрисидаги хитобларни эшитишга шайлаб турганди, ҳатто нима деб жавоб беришнинг ҳам ташвишини чекарди... Аммо пири муршид ҳеч қандай насиҳатлардан оғиз очмади, хитоб ҳам этмади...

- Аузуз биллаҳи минаш-шайтонир рожийм, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм... Йа-а-син. Ва-л-Қуръани-л-ҳақим. Иннака ламина-л-мурсалина ъала сироти мустақийм...<sup>4</sup> - оҳиста "Йасин" сурасини ўқишга турди энди пири муршид... У соҳибқиронга Қуръони мажиднинг қалби бўлган ушбу сура баяот таъсир қилиши, руҳий осудалик бахш этишини биларди. Авваллари ҳам кўп бор бунга гувоҳ бўлганди...

Хонада илоҳий каломлар парвоз қилиб юрарди.

Мир Саййид Бараканинг залворли, айни дамда инсон руҳини аллаловчи қироати Амир Темурни элита бошлади, у беихтиёр кўзларини юмди... Руҳий азобларни енгиллаштиргувчи, кўнгилга бемисл таскинлар бергувчи каломларни тинглар экан, қандайдир жуда узоқларга кетиб болгандай ҳис этди ўзини. Ҳа, жуда ҳам узоқларда юрарди бу палла, юрардими ёки шундай туюляптими?.. Тушим, ўнгими, хаёли... Чунон уринса-да, буни аниқ билолмади. Ҳар қалай тобора ўзини енгил сезарди. Дилининг тубида тош бўлиб ётган андух аламлар ҳам эриб, қайгадир чекинишга турдилар.

Бирдан мўъжиза юз берди: хонани тўлдириган Қуръон каломлари юксалиб осмон-фалакка тарала бошлади! Қизиги шундаки, уларнинг қанотида худди ўзини фаришталардай вазнсиз сезган Амир Темур ҳам учиб борарди. Атрофда ям-яшил фазо, тип-тиник

осмон сирли ўз салтанатини намойиш қиларди. Соҳибқирон назарида боқий дунё билан фоний дунё чегараси шу ерда ўз интиҳосига етиб бирлашиб кетгандай эди. Орадан қанча вақт ўтди, бир кунми, юз йилми, минг йил... - фарқига бора олмади. У ломақондан кўз узиб, буюк илтижо билан юқори-юқориларга, минг-минг куёшдан ҳам кучлироқ шуъла-ланиб ётган фалакка юз бурди ва юзлари куяр даражадаги ҳароратдан қўлларини пана қилганини билмай қолди...

- Халлоқи безаволга салламно!.. — беихтиёр шивирлади ўз-ўзига Амир Темур...

Олис-олислардан пири муршиднинг ширали овози ва саловотнинг сўнгги каломи қулогига чалинди:

...Иннама амруҳу иза арада шайъан ан-йақула лаҳу кун-фаякун. Фасубҳаналлазий биядҳи малакуту кулу шайъин ва илайҳи туржаъун...<sup>5</sup> Омийн! Куф!..Суф!.. Куф! Суф!

Пири муршид тасбеҳи билан беозоргина Амир Темур елкаларига уриб-уриб қўйди-да, мамнун деди:

- Ўзларига келиб қоладилар, ҳа... Иншооллох, оёққа туриб кетадилар, Амир соҳибқирон!

Соҳибқирон кўкракни захга бериб ётавериш дамлари тутаганлигини, азот ўрнидан туриб ёруғ дунёга чиқиш пайтлари етганлигини англади. Кеча энди тўнғич ўғил бўлиб қолган Умаршайх Мирзо ҳам келиб кўзларида ёш билан илтижолар қилди. Салтанатнинг эртаси бўлган амирзодаларнинг шахтлари қайтмаслиги керак, уларни авайлаш лозим...

Пири муршид рўбарўсида ғамнок турган муриди эмас, муҳибининг сўлғин юзлари-га қарар экан, ногаҳон келган қайғу, ғам-андуҳ, мусибат ҳар қандай кишини ҳам эгиб қўйиши мумкинлигини кўрди. Суянчи, сирдош дўсти, дунёда одамларни бахтли қилишга бел боғлаган валлакатнинг шунчалар афтода бир ҳолга тушиб қолганидан Мир Саййид Бараканинг бағри увадди. У оҳиста Амир Темурнинг бошию елкаларини уқалашга турди. Пирнинг қўллари майин ва юмшоқ эди, ундан соҳибқирон вужудига қандайдир сеҳрли қувват оқиб кирмоқдайди. Амир Темур турмоққа ўзида хоҳишу куч сеза бошлади.

Шу палла бирдан:

- «Ё пирим!» деб туриб кетсунлар энди, Амир соҳибқирон! - таважжух ила амр этди Мир Саййид Барака... - Бу бандасига ҳам, худога ҳам хуш келгай! Ал-ҳамду лиллаҳи роббил аъламин!

Амир Темурнинг қўлтиғидан олмоққа шошиларкан, пири муршид бутун фасоҳатини ишга солиб деди:

- ... Оре, рост. Буни дунёи бевафо дерлар. Анинг кирдикорларидан наҳотки беҳабар бўлсалар? Ситамкор фалакнинг нағмаларини наҳотки билмасалар? У кимга бир фароғат бахш этдики, ортидан ранжу изтиробларини юбормади? Кимга муаттар бўйли гул бердики, гўзал барглари орасига заҳролуд тиканини яшириб қўймади?.. Аллоҳнинг қазосига ризо бўлмаган ким бор экан ўзи?..

Амир Темур диққат билан тингларди.

- Подшоҳларнинг улуғлиги ўзгалардан беш хислат билан ажралиб турадир, Амир соҳибқирон. — давом этди Мир Саййид Барака. - Фуқарога кўргизган марҳаматию муруввати, мамлакат низомидаги адолати, мазлумни золимдан ҳимоя қила олиш қудрати, донишмандлигию зукколиги, ва ниҳоят, фурсатни ғанимат билиб, оқибатни англай олиш санъати... Дам ғаниматдур! Вовайдолар бўлсунким, мамлакат қаровсиз, чаманбоғ меҳрибон борбон назарсиз қолиб турибдур... Тарийқи инзиво<sup>6</sup> подшоларга ярашмайдуррон ишдур. Фурсатни ғанимат билмак лозим, оқибатни англай олиш зарур... Аллоҳнинг бандасига юклагон вазифасини адо этмаслик ҳам бир гуноҳи азимдур... Англадингизму?

— Англадим, пирим... Англадим... Қулуқ -қўлини кўксига қўйиб оҳиста синиқ овозда деди соҳибқирон.

- Шукр қилмак керак...

-Ҳа, шукр қиламен, беадад шукр!..Етказганига шукр, пирим...

Амир Темур чеккан оғир азобу уқубатлардан кейин Аллоҳнинг бемисл қудратига иймон келтириб турганда, шу лаҳзаларгача саботига путур етмаган пири муршиднинг ўзи энди негадир тўлиқиб кетди. Қандайдир бир ўкинчми, афсусми, алам томоғидан хиппа бўйиб олди. Кўзларида қалқиб чиққан ёш тўкилмоққа мойиллик кўргизар эди. Уқраб юборишига бир баҳя қолган Мир Саййид Барака ичидан келган кучли изтиробни тўхтатиш умидида сир бой бермай Амир Темурни бағрига босди, тили эса «Аллоҳга шукр!», «Аллоҳга шукр!»дан бўшамасди...

Шу палла узоқдан қараган одам бир-бирига туташ икки елканинг ўқтин-ўқтин тит-раётганини кўрарди.

Мир Саййид Барака ташрифидан сўнг, Амир Темур дил жароҳатига бир оз малҳам топгандай бўлди. Дунёга эътиқоди яна қулф уриб, муборак назарини паришон мамлакат забтига қаратди.

### III

Соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо маросимлари билан банд бўлиб, олам вазиятидан яхши хабардор эмас эди. Танишиш асносида шу нарса маълум бўлдики, Жета томонларда Қамариддин ҳали ҳам ёғийлик туғини балад кўтариб, кўнглидаги бад ниятларидан қайтмаслигини тап тортмай, ошкора намойиш этиб юрибдир. Амир Сорибуга жалойир ёмон одамларнинг сўзига кириб тўғри йўлда кетаётиб, купша-кундузда адашиб, нечундир қоч-

моққа юз тутибдир. Дашти Қипчоқда Ҷрускон кучайиб бораётган эмиш. Тингчилар хабарига кўра, у Жўжи улусини тагин қудратли давлатга айлантирмоқчи экан...

Жўжи улуси Турон салтанатининг шимолдаги энг ашаддий душмани эканлигини соҳибқирон дилдан ҳис этар ва бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмаслигини яхши биларди. Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи эса қариндош эканлигини фаромуш айлаб, ахир улар қуда-андалар-ку, гоҳ-гоҳда Хевақ билан Бухорога чопқун уюштириб турибди... Дунёдан эрта кетган Жаҳонгир Мирзо хоразмшоҳлар куёви эди-ку! Куёвнинг иззати, қуда-андачилик ҳурмати шунчами? Ҳеч бўлмаса, гўрида тинч ётсин... Куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаганлар ахир... Ақалли шундай мотаму қайтуга чўмган кунларда ўзини тийиб турса бўларди. Ажабки, Хонзода хоним кўзига қандай қараркин? Ахир Туронзамин Хонзода хоним юрти бўлди, малика эса Юсуф Сўфининг жигаргўшаси-ку! Қандай қилиб жигаргўшаси юртига, хеш-ақраболар устига қилич ўқталиб келиш мумкин?..

Бари инсон боласи тушуниши қийин бўлган саволлар эди.

Мана, Қамариддинга қарши Жетага отланишга яна мажбур бўлиб турибдилар... Соҳибқирон шу пайтгача ул ножинсни бир ёқли қила олмаганидан хижолат эди. Бас, бу сафар ўшал ҳўл балони албатта топади, ҳайиқмай салтанатни ҳудабехуда бесаранжом қилаверишдан зерикмаган бетавфиқнинг муносиб жазосини бермасдан қайтмайди!.. Вас-салом!

Амир Темур қатъий фикрга келди. Шу ниятда саодат қутисининг гавҳари, манглайида комронлик аломатлари ярқираб турган Умаршайх Мирзони бош қилиб, Амир Шоҳмалик, Муҳаммад Мирак ва Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекларни, чамаси бари йигирма ёшларда эди, - уларга Аббос баҳодир қипчоқни ҳам қўшиб қўйди, - икки юз навар кузатувида ўзидан илгарироқ жўнатишга қарор қилди. Дарвоқе, Амир Мусо завжаси Орзумулк оқа, шавҳарининг энг биринчи хотинидан тутилган, онаси анча йиллар аввал қазо қилган, ўзининг боласидай бўлиб қолган Муҳаммадбек учун Оқа Беги хонимни келинликка сўраганди. Сароймулкхоним бу гапни Амир Темурга етказганда, ҳатто тўйни ҳам ўтказишмоқчи эди-ю, орага амирзода мотами тушиб қолди.

Жетага отланишдан олдин Амир Темур даставвал ҳарам аҳли билан кўришмоқни кўнглига тутиб қўйди. Аммо учрашув яқинлашганда маликаларни қандай сўзлар билан юпатишни ўйлаб қолди-ю, фикридан қайтди. Шундай сўзларни топа олмаса керак... Айниқса, Жаҳонгир Мирзо фироғида куйиб адоий тамом бўлган суюкли келини Хонзода хонимга нима дейди? Уни қандай юпатади?.. Шаҳрисабздан келганларидан бери кўрмади. Ушанда Хонзода хонимнинг рангидея ранг йўқ, япроқлари сўлиб қовжираб қолган гулнинг нақ ўзи эди. Тўғри, Боғи Чинорда ётган чоғида маликалар Сароймулкхоним этагидея зиёратта келдилар, уларнинг ичидея Хонзода хоним ҳам бор эди, аммо соҳибқироннинг кимгадир қарашга ҳолию хоҳиши бўлмади. Кўришганларида эса соҳибқирон ҳам, Хонзода хоним ҳам ҳеч нарса демайдилар, бировдан бирон нима сўрамайди, Амир Темур келинига назар ташлайди-де, бошидан оҳиста кучиб бағрига босиб, манглайдан ўлиб қўяди холос. Дунё яғонаси бўлган маликадай қамарсиймо ўзининг монанди йўқ гўзаллиги, нодир ақлу фаросати ила тақдир томонидан шундай сийловга муносиб кўриладими?.. Ҳаёт лаззатю яшаш завқини ҳали туйиб-тотиб улгурмаган соҳибжамол келини ўн етти ёшда... тул қолиб ўлтирибди-я! Бу қандай адолатсизлик!..

Начора, тақдир иши шундоқ... Уни бошқариш қудратли подшоларнинг ҳам қўлидан келмас экан. Шўрликкина Хонзода хонимни юпатгунча соҳибқироннинг ўзи тасалла-ю таскинга муҳтож бўлиб қолиши аниқ. Бировдан ҳол сўрамоқдан ёмони йўқ. Сўраганда ҳам нимани сўрайди? Сўрайди-ю, ўзини беҳол қилади, кўнгиларни эзди холос...

Амир Темур, яхшиси, маликаларнинг дардлари янгиланмасин, бир оз ўзларини ўнглаб олсинлар, худди шу нарса менинг ўзимга ҳам керак, деган хаёлга борди. Йўқса, маликалар олдида улар аҳволини кўриб, кўнгли бўш, ўзини тутолмай йиғлаб юбориши мумкин, бу эркак кишига ярашадиган ишми...

Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деган ақида этагидан тутган Амир Темур юртга ёғий қадами етганлигини, вазият танглигини баҳона қилиб шошилиш Қамариддинни бартараф этгани Иссиққўл томонларга жўнаб кетди.

## Учинчи боб

### I

Боғи Чинорга ҳам куз келди...

Боғнинг теварағидаги мағрур бўй чўзган тераклар барги сарғая бошлаган, шовуллашлари ҳам негадир мунгли туюлади. Чорчаманлар орасидаги йўлакларга тўшалган ҳазон япроқлари оёқлар остида шитирлайди. Боғбон ҳар куни кам деганда икки кучоқ сарғайган барглари ташқарига олиб чиқиб ташлайди. Боғнинг ўртасидаги қаср рўпарасида таги феруза лаппакчалар билан қопланган ҳамиша зилол сувга тўлиб турадиган, Хонзода хоним яхши кўрадиган каттагина ҳовуз ҳам нечундир у қадарли файзли эмас... Бир-бирига туташиб рангбаранг мусамман юлдуз ҳосил қилган гулбоғчаларда эртароқ ҳазон бўлган гуллар кўзга ташланади, куз фаслининг тарадудуи уларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб бошлаган...

Авваллари боғнинг ўртасидан қараганда тўрт ошёнли қаср ёнида, Сароймулкхоним билан Хонзода хоним "ота-бола чинорлар" деб ардоқлашадиган икки азамат чинор ҳамиша

савлат тўкиб турар, нигоҳларни қувнатарди. Бироқ чап томондаги чинорни эрта қуриб қолганидан кўчириб ташладилар. Энди ўнг томондаги чинор алдай бўй чўзиб турса ҳам ёлғиз мунғайиб кўринади... Маликалар гоҳ-гоҳда боғ сайрига чиққанларида, чинорлар томонга қарамасликка тиришишар, барибир яширинча кўз ташладан тийилишолмас, аммо бу ҳақда сўз қотишга ҳеч қайсиларининг юраги бетламасди.

Соҳибқироннинг Жета томонларга кетишдан олдин ҳарам аҳли билан кўришмаганини Сароймулкхоним ўзича ёғинининг шитоб юртга бостириб келгани-ю, вақтнинг тигиз эканлигига йўйди. Амир Темур, агар душман мамлакатнинг қай еригадир бостириб қирибди деса, бунга асло чидай олмаслигини, бошқа ҳамма юмушларни бир четга суриб қўйишини, ўша кунийёқ йўлга чиқиш чораларини кўришини яхши биларди. Амир Темур жўнаб кетарди, малика эса ҳар гал кузатиб қолар экан, шу онданоқ ихлос билан жону жаҳони, суянчиғи, ёри ғамгузорининг дуосига киришар, илоё, соҳибқирон ҳазратларини ўз паноҳингда асра, унга шунчалар ташвиш орттираётган душманлар юзини тескари қил, деб худога ёлворарди. Бу то дийдорлашгунларигача давом этарди.

Мана, уларнинг айрилишганларига икки ой бўлди, бу икки ой йилларга айланиб кетмасикин, маҳди улё ана шундан қўрқади.

Амир Темурдан бирон хабар келишини ҳамиша орзиқиб кутадиган Сароймулкхоним бу гал интизорликдан ўзини анча олдириб қўйди. Кўзлар нигоронлигида ўн кун ўтди, йигирма кун ўтди... Бир ярим ой бўлгандагина чопар бундай хабар олиб келди: салтанат лашкари тоғу чўллар кезиб, ниҳоят Буюм Ойқўл дарасида майдон танобини тортиб маккор Қамариддинга каманд ташлабди, савашиб, уни жуфтакни ростлаб қочишга мажбур қилибди, элини талаб, асир этибди. Амир Темур Кўрагон сўнг Қўчқор мавзеига йўналибдилар. Бу гал албатта, Қамариддинни қўлга киритаман, деган аҳдлари қатъий эмиш... Вой худоё, Амир соҳибқироннинг сафарлари қанчага чўзиларкин, ғанимни қаерда тутаркинлар? Бу, ўша ер юткур ҳўл балони бир ёқли қиламан деб бешинчи марта уринишлари! Ўша, Аллоҳ қаҳрига учрагур қачонгача қочиб юраркин? Чунки шу пайтгача орада қанча жанг бўлган бўлса, маккор, ҳавосини олган экан, ҳамиша қочиб қолгани қолган...

Ўшанда чопар пойтахтдаги вазият ҳамда ҳарам аҳли аҳволидан Амир соҳибқиронга хабар етказиши лозимлигини айтди. Сароймулкхонимнинг ўзи ҳам сўзлаб беришни кўнглига тутиб қўйганди. Бу нарса Амир Темур ҳазратларини хотиржам қилиш учун ниҳоятда зарур эканлигини малика идрок этарди, шу ваздан чопарга батафсил тушунтириб берди.

...Бонуий кубро эгачи Қутлуғ Туркон оға жаноби олияларининг сиҳҳатлари тузук, Аллоҳга шукур. Ҳамиша ҳарам аҳли ҳолидан хабар олиб турибдилар.

Кўзлари қийиқ Улус оқа соғ-саломат юрибди. Тўлуи оқа билан Менгли бикалар Жаҳонгир Мирзодан аввалроқ вафот этишганди, бунини соҳибқирон яхши биладилар. Офатинжон Дилшод оқа жуда одобли, Сароймулкхоним ҳалигача унинг бирон марта тик қараганини эслай олмайди, доим жилмайиб ерга тикилиб туради (Аммо маҳди улё унинг хийлагина захар эканлиги ҳақида ҳеч нарса демади). Шаҳдоқўз канизак Тағой Туркон оқа, ажабки, сал инжиқ бўлиб қолди, юзларида битта-яримта билинар-билинмас доғ ҳам борми-ей... Ҳа, аниқ, ўл нозик адо вужудида бир гавҳар пайдо бўлган... Гарчи канизакнинг беқусур қадди ниҳолида ҳозирча бирон ўзгариш билинмаса-да, шундоқ эканлигига Сароймулкхонимда асло шубҳа йўқ. Аммо бу ҳақда чопарга индамади. Бунини маҳди улё ҳазратга ўзи айтади ва суюнчисини олади... Алқисса, чопар ҳарам аҳлининг Аллоҳ паноҳида омон-эсон юрганликларини, барча нарса муҳайёлигини, фақат бир нарсада тўлдириб бўлмас камлик сезаётганларини — ҳазратларининг офтобдай дийдорларига зору интизор эканликларини, музаффарият ила сафардан тезроқ қайтишларини интиқ бўлиб кутаётганларини Амир соҳибқиронга етказсин...

Фарзандлари ичиде энг аввал сўрайдиганлари Оқа Беги хоним бўлишини Сароймулкхоним яхши билади. Ўн еттини қоралаб қолган ҳалим табиат, юмшоқ кўнгли, тортинчок, кўҳликкина Оқа Беги хонимнинг ҳам ҳуснига ҳусн кўшилиб бормоқда. Аслан чиройли мунгли кўзлари оғасининг вафотидан сўнг яна ҳам ичига тортиб кетди, бу кўзларни ғамандуҳ уммони дейиш мумкин эди. Орзумулк оқа: "Мана, Жаҳонгир Мирзо маросимлари ўтди. Ҳой қиз, тезроқ Оқа Беги хоним билан Мухаммадбекнинг тўйларини қилайлик, ёшлари етиб қолди", дея Сароймулкхонимни шошилтиргани шошилтирган. Амир Мусо бўласи ҳам, кўзимнинг тиригида кўриб қолай, дермиш...

Ҳаракатчан, шўх, шаддо, ерга урсанг осмонга сапчийдиган Султон Бахт бегим бутунлай бошқа олам, бўй тортиб қолди, ўзи дурқунгина эди, ҳозир ўсиб опасидан ўтиб кетай дейди. Қизларнинг оналари вафот этганларига кўп бўлди. Етти йилдирки, улар ҳамиша маҳди улё билан биргадирлар... Ўзининг қадди камолида ҳалигача фарзанд нишонисини кўриш насиб этмаган, эртанги кундан умидини узмаган Сароймулкхоним ҳар иккисини ҳам ўз қизидай кўради. Улар маликаларнинг қизлари-да! Э, парвардигор, бировга фарзанд берасан-да, норасида гўдакни волидасидан жудо қиласан, бировни эса тирноққа зор этасан! Фарзандни тирноққа зорга берақолсанг бўлмайдами? Бири кам дунё деб шуни айтсалар керак-да... Шуларни кўнглидан ўтказаркан, беихтиёр маҳди улёнинг кўзларига ёш келди, аммо чопар олдида хижолат бўлишдан қўрқиб, хайриятки, ерга бир томчи ҳам туширмасликка ўзида куч топа олди.

Жангари Мироншоҳ Мирзо мударрисдан сабоқлар олиш, қиличбозлик, найзобозлик машқларини ўтказиш билан кун кечиради... Аткасининг айтишича, амирзода жуда қақ-

қону чаптаст эмиш. Тунов куни маликанинг ўзи ҳам бунинг шоҳиди бўлди. Мироншоҳ Мирзо Боғи Чинорнинг каттагина майдончасида Жаҳонгир Мирзо раҳматликнинг ўнбо-шиси Ахий Жаббор баҳодир билан қиличбозлик машқини ўтказмоқда эди. Амирзода эндигина ўн бирга қадам қўйган болага сира ўхшамайди. Қўрқув нималигини билмайди. Қилич тутишлари ҳам нақ катталарникидек. Атрофдан янграб турган мақтов овозлари остида амирзода рақибига жон-жаҳди билан ташланарди, Ахий Жаббор баҳодир ўзини ёш шогирдига атай ютқазиб бераётган моҳир устоздай тутарди. Мироншоҳ Мирзо ниҳоят рақибини "енганидан" қичқириб юборди. Енгилганлик белгиси сифатида, жанг вақти-да рақиб қўлини кўтариб, сўнг таъзим қилиб орта чекиниши ва қиличи учини ерга тираши лозим эди. Ахий Жаббор: "Енгилдим, амирзодам! Енгилдим!.." деди ва орта чекинди...

Муҳаммад Султон эса Сароймулкхоним ҳузурида, кун сайин, балки соат сайин ўсмоқда, худога шукур, яқинда ярим ёшга тўлади. Қилиқлари чиқиб қолди, соҳибқирон келсалар кулиб беради. Тўрт ойлик бўлган иккинчи набира Пирмуҳаммад Жаҳонгир ҳам Аллоҳнинг паноҳида соғ-саломат... Ардоқли келинлари Хонзода хоним Сароймулкхоним ёнида, бир қадам нари жилмайди. Аммо шўрлик маликанинг на ёта-рида роҳат бор, на турарида... Ҳеч ўзини қўйгани жой тополмайди, пинхона оқ тор-тгани тортган. Офат шамоли нозик қаддини хийла букиб қўйди, кўникиши қийин бўлаётгир, аммо начора?.. Маҳди улё уни юпатай деб кўп уринади, кўп кунларни бандасининг тақдирга тан бермай иложи йўқ эканлигини англантишга кеткизади. Соҳибқироннинг суюкли қизлари Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегимлар кечаси ҳам, кундузи ҳам хонимойимлари Хонзода хоним ёнидадурлар, бир лаҳза бўлсин ёл-виз қолдирганлари йўқ.... Буни уларга ҳурмати сарбаланд аммалари Қутлуғ Туркон оқа тайинлаганлар.

Соҳибқироннинг хабарлари бор, Хоразмдан Хонзода хонимнинг падари бузруквори Оқ Сўфи, онаси Шакар бика, Ҳусайн Сўфининг қизи Иқбол бика билан хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг қизи Сиймин бикалар келишганди. Жаҳонгир Мирзонинг барча маросимларида бирга бўлишди, афтодаҳол Хонзода хоним билан бирга фарёд чекишди, йиғлашди-сиқташди, ёнишди-куйишди, қўлларида келганча чўпдай озиб кетган, ёш боладай ожизу ночор бўлиб қолган шўрлик маликани юпатишга, овутишга ҳаракат қилишди... Қудалар яқиндагина Хоразмга жўнаб кетишди.

Шу орада Сароймулкхоним Хонзода хонимни олиб Шаҳрисабзга бориб ҳам келди. Бир неча туяга ўрнатилган кўк маофалар маржондай тизилиб пойтахтдан йўлга чиқди. Маҳди улё маофаси жойлашган туяга осилган қўнғироқ, ёқимли сас бериб борарди... Гапнинг рости, маҳди улёнинг ўзи ҳам юраги сиқилиб ҳеч Самарқандга сизмай қолди, суянган тоғлари Амир Темур ҳазратлари сафардалар, Жаҳонгир Мирзо эса... О, маҳди улё туққан ўғлини ҳам бунчалар яхши кўрмаган бўларди. Ҳам ўзини, ҳам кечалари тўлғаниб ухламай чиқаётган Хонзода хонимни чалғитиш, келинининг оғир дардини енгиллатиш мақсадида, Шаҳрисабз сафарини ўйлаб топди. Тўғри қилган экан. Хушманзара йўл, дарахтлар, вижир-вижир қушлар, даралар, тоғлар, тип-тиниқ осмон ва ҳавода эмин-эркин юзиб юрган бедарду бедоғ оппоқ булутларни томоша айлаш чиндан ҳам завқли эди.

Тахти Қорача довониде тўхтаганларида ажойиб манзара намоён бўлди. Шарқ то-монда бўй чўзган улкан зирвали тоғлар, жанубда, шимолда, кунботишда ястаниб ёт-ган даралар, водийлар, қишлоқлар, боғлар, сойлар, чўллар... кўзга ташланарди. Аммо буларнинг бари амирзода мусибатидан диллари зада маликаларга барибир татимади. Хонзода хонимнинг эса, аксинча, эски яраси янгиланди... Маъсуд ва бахтли кунларини эсига тушириб қўйди.

Бор-йўғи бир йил олдин Жаҳонгир Мирзо иккиси шу ердан ўтишган, энг тепадаги ана бу кўшқда ҳордиқ олишганди. Шунда қизиқ бўлди. Амирзода Ахий Жаббор баҳодир йиғитлари билан бир қоп-қора чиройли кийик боласини тутиб келиб маликага тухфа этдилар. Қувониб кетган Хонзода хоним ўзини бахтиёр сизди. Тутқунликдан азоб тортаётган кийикча мунг тўла чиройли кўзларини Хонзода хонимдан узмас, гўёки "Мени кўйиб юбор... Кўрмайсанму, жоним қийналмоқда.." дея ёлвораётгандай эди. Маликанинг раҳми келди, кийикчанинг каттагина оқ доғи бор пешонасини силаб-силаб, кўзи қиймаса ҳам бўшатиб юборди. Сакраб-сакраб қочиб кетаётган кийикча ҳозиргидек кўз ўнгида... Эҳ, агар кийикни олиб қолганида, ҳозир маликанинг ёнида овунчоғ бўлар эди! Амирзодасини эслатиб юрарди... Энди амирзода ҳам йўқ, кийикча ҳам...

- Ана бу кўшқда ҳордиқ олгандик амирзодам билан, маҳди улё жаноби олиялари... — деди ўксиганча Хонзода хоним.

Сароймулкхоним маюс бош тебратарди.

Шаҳрисабзда Жаҳонгир Мирзо қабрини зиёрат этганларида маликаларнинг ёниб турган ўжик кўнтилари бир оз таскин топгандай бўлди.

- Оҳ, Жаҳонгир Мирзо! Ўғлим! Ўн гулидан бир гули очилмаган ўғлим!.. — нола чекарди Сароймулкхоним кўз ёшлари юзларини ювганча соғона атрофида парвона бўлиб.

-О, амирзодам, жоним амирзодам!.. Амирзодам!..

Мен қаерда эдим? Сиз бетоб бўлганингизда мен қаерда эдим-а?.. Армонда қолдириб кетдингиз!.. Эй, воҳ!.. — Ўртанганча пичирларди Хонзода хоним соғонанинг оёқ томонида қабр тошига ойдай юзларини босар экан..

Ўн беш кунни шу алфозда ўтказдилар..

Чопар Амир соҳибқиронга мана шуларни етказса кифоя қилур..

Амир Темур Мўғулистон<sup>1</sup> сари илгарилаб борарди. Милодий 1376 йил куз фасли эди. Йўл-йўлакай соҳибқиронга Умаршайх Мирзо кўшинидан хабарлар етиб турарди. Маълум бўлишича, амирзода навкарлари Еттисувнинг Қоратепа мавзеида Қамариддинга қарашли лашкарлардан бирига етиб олибдилар, душманни қочишга мажбур қилиб, ҳисобсиз ўлжаю ванيماتларни қўлга туширибдилар. Соҳибқирон мамнун бўлди, кейин уларни ўз ёнига чорлаб чопар юборди, чунки шундай вазиятда бирга баҳамжидат ҳаракат қилмоқни энг тўғри йўл деб ҳисоблади. Қамариддинни ер остидан бўлса ҳам, осмон устидан бўлса ҳам албатта, излаб топишади, тутишади, шундан кейингина Самарқандга қайтишади! Бошқа йўл йўқ! Вассалом!

Хумокон Урдунинг яшил саропардаси Чу дарёсининг Кўчқор деган лим-лим тўлиб оқадиган ирмоғи бўйида балангликда қад ростлади. У тўрт томондан яққол кўзга ташланиб турарди. Саропарда олдида амирлару беклар, лашкарбошилар у ёқдан-бу ёққа кезиб юришар, кенгашга таклиф қилишларини кутардилар. Утган куни Умаршайх Мирзо кўшини ҳам етиб келди. Ҳали-замон Мўғулистон ҳокими билан бўлажак жанг тартибюю русумига бағишланган машварат бошланади... Бу жанг қаттол Қамариддинни бир ёқли қилиб бериши керак!...

Атроф водий бағоят хушманзара, кишининг икки суядиган файзиёб ерлар дилларни эркалаб, ўзига меҳр тилайди. Шимоли-ғарб томонда олисларда яккам-дуккам арчалар билан қопланган тоғлар нимқора-кўкиш тусда кўзга ташланади. Ундан тепароқда, ортда тоғларнинг баланг чўққиларида оппоқ қорнинг чойшаби жилва қилади. "Кузнинг охирлари, ҳазоррезгилик бўлишига қарамай бу жойлар шунчалар гўзал, - ўйланди Амир Темур. - Баҳорда жаннатнинг ўзи бўлар экан-да..."

Соҳибқирон одатдагидек илми нужум ва фолдан хабари бор Амир Сайфиддин некўзни ҳузурига чорлаб, қачон йўлга отланиш ҳақида кенгаш олоқчи бўлди. Кейин доим ёнида ҳамқадам ҳамнафас юрадиган, кам айрилишган дўстининг шу кунларда сафарда эканлигини эслади. Амир Сайфиддин некўз Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг қаттиқ изтиробга тушди, барча ишдан илик ювиб ҳажга боришни ихтиёр этди, у шундай сафари кўпдан орзулаб юрарди. Соҳибқирон қошида тиз чўкиб, ялиниб-ёлвориб турган амирни кўриб, ижозат бермасликнинг иложини топа олмади. Фақат:

- Омон-эсон бориб қайтингиз! — деди. - Айтгандай, бир юмуш бор... Хуросону Эрон, Ироқу Шом ўлкаларидаги вазиятларга бир кўз ташлаб келингиз, амир жаноблари!.. Воқеанавис, тинғчи ва қуловузлар хабарлари бир-бирига мос келмайдур...

Амир Сайфиддин некўз ёнига ҳинду қарқара қипчоқни ва бошқа бир-икки аскарни олди-да, ҳаж сафарига жўнаб кетди...

Соҳибқирон Қамариддинга қарши жангга отланиш мўддатини, бойибона Амир Сайфиддин некўз маслаҳатларини эсда тутган ҳолда чоршанбаи муродбахшнинг тонгсаҳарига белгилашни ўйлаб қўйди.

Лашкарбошилар Умаршайх Мирзо, Аббос баҳодир қипчоқ, Муҳаммадбек ибн Мусо, Муҳаммад Мирал ва Амир Шоҳмаликлар ярим ой шаклида пойгаҳроқда тиз чўқдилар. Амир Темур ҳали сўзга оғиз очиб улгурмаган эди, кутилмаганда Самарқанддан Ахий Жаббор баҳодирнинг шошилич чопар бўлиб келганини хабар қилдилар.

- Амир соҳибқирон!

Ахий Жаббор баҳодир юкунганча саропардага кириб келди ва Амир Темур тўнининг пешини ўпиб кўзларига суртди, мамлакат тинчлигидан хабар бергач, деди:

- Дашти қипчоқдан хабар етди: Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлоннинг фарзанди Тўхтамиш ўғлон ҳузурингизга келмақда экан...

- Тўхтамиш ўғлон?.. — ҳайратда сўради Амир Темур. — Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли?..

- Ҳа, ҳа, ҳазрат, ўша Тўхтамиш ўғлон... — Ахий Жаббор баҳодир шошиб қолди. — ...Ҳожитархондаги қурултойда Ўрусхон Тўйхўжа ўғлони қата этдирибди, Тўхтамиш ўғлон отасининг ўчини оламан деб уринибди, аммо енглиб, сиздан паноҳ тилаб қочиб келаётган эмиш... Бу ҳақда чопар юборибди... Бетоб ўтган Суюрқатмишхон жаноблари ҳузурларига чорлаб, бу хабарни зудлик билан ҳазратининг шарафли қулоқларига етказишмини тобшурдилар!..

Бу кутилмаган янгилик эди. Амир Темур даставвал бунга унчалар эътибор бермади. Салтанат удумида шундай паноҳ истаб, бош уриб келгувчиларни очиқ юз билан қарши олиш одати бор... Тўхтамиш ўғлон келаётган бўлса, келар, бундайлар бисёр, у ҳам ўшаларнинг бири-да. Соҳибқирон ўзига ўзи шундай деди-ю, ўйланиб қолди...

Шимол томонлар кўпдан нотинч, Жўжи улуси хони Ўрусхон бутун Олтин Урда шаён-шавкатини тиклаш ниятидалиги маълум, ҳатто ўтган куни ўша ёқлардан келган тинғчи хоннинг Московияга ва Мовароуннаҳрга бостириб келмоқчи эканлиги ҳақида хабар ҳам олиб келди. Бошқа тарафда эса Анқо Тўра, Қамариддин сингари бетавфиқлар тинчимайдилар. Турон салтанатига асли яхши таянч ва қўрғон бўлишга қодир бир қўл зарур-да, Дашти қипчоқ томонда... Соҳибқирон шу ҳақда кўпдан бош қотириб юрарди, парвардигор чеварлигини аён этиб, ўзи етказиб турибди чоғи... Аммо Тўхтамиш ўғлон деганлари ким ўзи, дўстми, душманми?.. Ўша Чингизхон авлоди, соҳибқирон истаган "қўл" бўла олармикин, бўлишга бўйни ёр берармикин?.. Эҳтимол, эҳтимол... Ноумид шайтон ахир. Бироқ комил ишонч

билан шундай бўлади, деб айтиш ҳам қийин... Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар. Қадам олишини обдан синаб кўриш керак....

Шундай шубҳа-гумонларга фарқ соҳибқирон қандай йўл тутмоқ кераклиги ҳақида ўйлаб боши қотди... У меҳмонни кутиб олиш учун Самарқандга қайтиши керак. Қайтилса, албатта, бадбахт Қамариддинни бир ёқли қилгандан кейингина қайтиши даркор... Бу ҳақдаги қатъий қарордан қўшиннинг хабари бор, аскарлар алақачон қурол-яроқларини тахт қилишган, ўқлар садоқда, суворийлар эса отларнинг эгар-жабдуқларини кўздан кечиришиб, абзаллаб, айилларини тортишиб қўйишган, барчаси сафарга шай туришибди, фақат фармонни кутишмоқда.

Бироқ, агар соҳибқирон Иссиққўл томонларда тоғларнинг дараларида, пана-пастқам жойларику қор-порларида писиб қочиб юрган Қамариддинни топай деб беш-олти ой қолиб кетса, Тўхтамиш ўғлон билан учрашув кейинга сурилиб кетиши аниқ, бу "кейин" қачон бўлишини ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билади... Наҳот, Жета ҳокими қайсар дуғлат амирини бир ёқли қилиш яна кейинга қолса?..

Амир Темур ниҳоят, Тўхтамиш ўғлон билан учрашув салтанат учун Қамариддинни тутишдан кўра муҳимроқ эканини англади, бир жиҳати, Тўхтамиш ўғлоннинг Дашти қипчоқда қарор топишига кўмак берса, Қамариддинга ўхшаган маккор бузғунчиларнинг томири ҳам ўз-ўзидан қирқилади-ку...

Машварат бошланмай туриб ўз-ўзидан тугади.

Ҳумоюн Ураудан, Аббос баҳодир қипчоқ билан Муҳаммад Мирақлар тезу жадал Хоразм томонга, зарур бўлса ундан ҳам йироқ Ҳожитархон тарафларга Тўхтамиш ўғлонга Ўтўр борсунлар, эъзозу икром ила қаршиласунлар, подшоҳзодага муносиб қандай эҳтиром лозим кўрилса адо этсунлар ва юксак мақомда Самарқандга олиб келсунлар, деган олий фармон бўлди.

Соҳибқирон шу куниеқ от бошини Самарқанд томон буришга қарор қилди.

## Тўртинчи боб

### I

Кейинги ярим йил ичида Сароймулкхонимнинг заъфарон бўлиб кетган қирмизи оқ юзларига нур югургандай бўлганини Хонзода хоним биринчи бор кўриб турибди. Бирон хушхабар бормикин, деб ўйлади Хонзода хоним... Маҳди уленинг кўз қарашлари маъжус, ҳамиша гажак бўлиб ўзини намойиш этишга ҳавасманд икки қора зулфи ҳам қулоқлар ортига яшириниб олган, чиройли оғзи қулфланиб қолгандай гоҳ-гоҳда бир гапириб қўяролмас...

Боғи Нақши жаҳонда Жаҳонгир Мирзо руҳига бағишлаб "мушкулкушод" қилдилар. Бонуйи кубро эгачи Қутлуқ Туркон оқа салтанатнинг барча аёлларини битта ҳам қолдирмай чорлашни буюрди. Бу ерда ҳарам ахлидан ташқари Амир Жоку барлоснинг завжаси Кайкубод Хутталонийнинг қизи Одилмулк оқа, Амир Мусонинг завжаси Орзумулк оқа ва ҳоказо нуфузли амирлару нўёнлар, ашрофу ақобирлар хотинлари йиғилишган, одам кўп эди. Ҳарқалай, яхшиликни дилида туйган Хоразм маликаси издахомда Маҳди улёдан нима гап деб сўрай олмади, бунга имкон ҳам бўлмади. Сароймулкхонимдаги бу тавайюр сабабини кейин билди. Катта малика одатда шундай қувончли хабарларни, кўз тегмасин, дея дарров суюнчилашни хуш кўрмасди.

Хонзода хонимга бу муждани кейинроқ канизак Оққиз етказди. Подшо келини бу палла Боғи Чинорда, энага эгачи Холдона биби йўрғаклаётган Муҳаммад Султон бошида эди, у дўмбоққина чақаловининг қўл-оёқчаларига термилиб турар, ҳар гал шундай қилганда суюкми ёридан қолган ёлғиз ёдгори юрагини орзиқтирар эди... Вужудининг бир бўлаги, ёш умрининг порлоқ қўшиғи бўлган жигаргўшасини қўлига олар экан, мана шу, ушласанг синаман деган мурраккина жон замонлар келиб паҳлавон келбатли йигитга айланганини ҳеч тасаввурига сиғиролмасди. Дунёдан беҳабар гўдақнинг жимит бурунчасига бурнини теккизаркан: "Суюнчим, юпанчим, худо берган ёдгорим!.." дер, юз-кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпар, эркалар, кейин қоникмай бағрига босганча унсиз юм-юм йиғларди. Ҳозир ҳам кўз узмай энага эгачи Холдона бибининг чақалоқни йўрғаклаб бўлишини кутиб турарди.

- Суюнчли хабар, маликам! Суюнчли хабар!..

Канизак отилиб кирди-ю, маликасининг узун қўлаги пешини ўлиб кўзларига суртди:

- Нима дединг, Оқ?.. Суюнчли хабар, дедингми?..

Хонзода хоним киртайиб кетган шаҳло кўзларини канизакка тикди-ю, уни худди биринчи марта кўриб тургандай ҳайрон бўлиб қолди. Ажабо, шу қиз кечаю кундуз ёнида парвона бўлиб юргани, канизаги, дугонаси, сирдоши, меҳрибони Оққизми ёки бошқамми?.. Ўзгариб кетибди-я... Малика ҳеч эътибор бермаган экан-а... Бу ёғига қаралса, амирзоданинг аччиқ фироқи ҳаммани ҳам ўзи билан ўзини овора қилиб қўйди-ку. Биров бировдан ўпқалайдиган, биров бировга қарайдиган замон бўлдимиз ўзи...

Хонзода хоним яхшироқ қаради: бир пайтлардаги ўйноқи кўзли, тикмачоққина, қорачадан келган суюмли Оққиздан асар ҳам қолмабди, парвардигор гўёки оғир мусибатни малика эмас, балки унинг бошига солгандай... Озиб-тўзиб кетибди. Аммо ҳозир қорон-

ғида хароба ичидан чироқ йилтиллаб кўрингандай, кўзларида қандайдир нур ёниб турарди:

- Суюнчали хабар, маликам!

- Айтақолсанг-чи! Чўзмай ўлақол!.. Шу одатинг қолмади қолмади-да!.. — ўпкаланди Хонзода хоним.

- Хўп, жоним маликам, хўп! Кеча чопарликка борган Ахий Жаббор баҳодир жаноблари Иссиққўл томонлардан хушхабар, мужда келтирибдилар. Соҳибқирон ҳазратлари Самарқанд азимати қилибдурлар! Пойтахтга қайтмоқда эканлар!

- А?..

Бу хабар Хонзода хоним учун Аллоҳнинг бемисл, кутилмаган инояти эди.

Подшо келини ҳайратда энага эгачига қаради.

Холдона бибининг кўзларида табассум жилва қиларди. Ҳатто оқ шоҳи йўрғақларга ўралган гўдак ҳам буни эшитиб кулиб қўйгандек бўлди.

\*\*\*

Сарой аъёнларидан тортиб катта-кичик, бутун Самарқанд аҳли қувончу ташвиш аралаш жунбишга тушди. Соҳибқирон келаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, уч ойдан бери сирқовланиб ётган амирул умаро Амир Жоку барлос ҳам оёққа туриб кетди. Етти йил аввал, ҳали соҳибқирон салтанат бошига келмай туриб, Қаршида қаронавслар<sup>10</sup> билан оғир жангда отдан йиқилиб бели қаттиқ лат еганди. Кейинги пайтларда бели тез-тез оғрийдиган, бўксаси санчиб-санчиб қўядиган одат чиқарди. Яқинда ўша дарди кўзиб, амирул умарони тўшакка миҳлаб қўйди-ю, умрида биринчи марта соҳибқиронни чорасиз кузатиб қолишга мажбур бўлди.

Пойтахт доруғаси Амир Довуд дуғлатни ҳамма депараларда кўриш мумкин эди. Гоҳ Кўксаройда бўлса, ундан Боғи Нақши жаҳон тарафга йўл солар, ора-орада Боғи Чинорга бориб маликалардан хабар олиб қўйиш лозимлигини ҳам эсдан чиқармасди. Кўпроқ шаҳар шимолида янги барпо этилаётган хушманзара боққа елиб-югурар, соҳибқирон келгунча ораста қилиш ташвишини чекарди. Қўл бўшади дегунча, амирул умаро иккиси бирга маҳалларни кезишар, оқсоқоллар билан учрашишиб, кўчаларни тозалаш, деворларнинг унда-бунда тушиб кетган жойларини уриб қўйиш, дарахтларнинг ортиқча шоҳларини кесиб ташлаш, кўприкларни тузатиш ва ҳоказолар ҳақида жўяли маслаҳатлар беришарди.

- Шатранждаги пиёда каби бурчакка қисилиб мот бўлиб қолмайлик, орқа-олдингизга қарангизлар! Хушёр турингизлар! - дерди Амир Жоку барлос япаски бурнини силаб кўяркан.

- Амир соҳибқирон сафардан қайтганларида маҳалларни бир-бир кўриб назардан ўтказиш одатлари бор, биласизлар, - уқтирарди Амир Довуд дуғлат. - Гап эшитиб ўтирмайлик тагин?.. Агар забтига олсалар, макиёндай қочишга жой тополмай қоламиз-а, эсимизда бўлсин!..

## II

Маҳди улё Сароймулкхоним Хонзода хонимни кўчириб олиб кетгани Боғи Нақши жаҳонга ташриф буюрганда, офтоб найза бўйи кўтарилган эди..

Ҳар қандай дарди ҳам вақт даволайди, деган ҳикматда катта маъно-мазмун жамланганлиги аччиқ ҳақиқат... Бошига тушган одамнинг бунга иқрор бўлмай иложи йўқ...

Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг, Хоразм маликаси, ўн етти ёшли келинчак, дунёдан кўрганим шу экан, буни пешона дейдилар, энди бошқа бирон умидга кўнтил борлаш йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, деган қатъий қарорга келди. Бу палла амирзоданинг қирқи ўтиб, хоразмликлар юртга қайтишган эдилар.

Яшашнинг қизиғи қолмагандай туюларди маликага. Ҳаётнинг гуркираб туриши, тўқис-туғаллиги, гўзаллиги бари Жаҳонгир Мирзо туфайли экан, энди мирзоси йўқ.. Нимага боқса, уни эслатади, ҳамма нарсадан амирзоданинг иси келади, ҳатто ҳаволарда унинг бўйи қолгандек... Кечалари шифтга қараб ётганда, бирдан саси эшитилгандай туюлади.

...Мана ҳозир, амирзода ана бу нақшинкор эшикнинг бир қанотини очиб кириб келди-ю, қўлидаги шамни бурчакка қўяди. Интиқлигини билдирмай ётган Хонзода хонимни кучорига олиб эркалайди. Малика қўлларини ёрининг бўйнига солар экан, оҳистагина қилиб: "Соғиндингизму?.." деб сўрайди.

Амирзода жавоб бериш ўрнига, маликанинг ўзи ҳамиша суюдиган бир одатини қилади — ўнг сийнасига бошини қўйиб юрагининг уришини эшитмоқчи бўлади:

"Юрагингиз шу ердаму?.."

"Анови шумни кўрингиз!..Ҳали ҳануз юрагимнинг қайдалигини билмайдурлар!.." - қув амирзодадан ўпкалаган бўлади малика...

Ниҳоят, "узоқ изланиш" лардан сўнг чап сийна томондан юракни топиб кулоқ солади-да, маҳбубасининг гуддай юзларидан, кўзларидан, гунча лабларидан тўйиб-тўйиб бўсалар ола бошлайди. Кейин бурчакдаги шамни уялтиришиб ҳар сафаргидек шўхликлари ошиб, юмалайдилар, юмалайдилар ва... ишқий ўйинларнинг сеҳрли қомига отилганларини билмай қоладилар...

Йўқ... Хонзода хоним энди аниқ билади: қанчалар эшикка тикилмасин, амирзода кириб келмайди. Ҳеч қачон кириб келмайди, ҳеч қачон! Малика ўзини қўйгани жой то-

полмасди, осмон узок, ер қаттиқ. Ёстиққа бош қўйса қуйдиради. Момикдай юмшоқ ўрин ёнига тошдай ботади. Кўзини юмай деса юмилмайди. Ўзи Боғи Нақши жаҳондаги қасрда, хаёли кифтида уни Шаҳрисабзга олиб кетади.

Шаҳрисабз унинг амирзодасига ўз бағридан жой берган маскан... Амирзодаси, суйгани ўша масканди, ёлғиз, суман япровидек бадани қора ерга нисор бўлиб ётибди. Чидай олиш мумкинмикан?... Маликанинг жойи ҳам ўша ерда, бас, амирзодасининг ёнида!..

Ногаҳон келган бу фикр бутун борлигини банд қилди. Кечаю кундуз ўйи шу бўлиб қолди. Аллақандай оғулар ҳақида сўраб-суриштиравериб пўрлик Оққизни ҳам чарчатди.

Илк бор сўраганида Оққиз парво қилмади, худди оддий нарса ҳақида сўз кетаётгандай тутди ўзини. Улар умуман турли ҳодисалар борасида, салтанат синоатларидан кўнгил сирларигача бўлган мавзуларда гаплашардилар. Оғуларга қизиқиш тобора кучайиб бораётганини кўрган Оққизнинг хаёли тиниқлашгандай бўлди-ю, бирдан юраги орқасига тортиб кетди!

"Вой худо! Малика қандай йўлга қадам қўймоқчилар-а! Нима қилмоқчилар ўзи?... Худо сақласин! Оққиз, хушёр бўлишинг керак! Ҳар лаҳза малика аҳволидан хабар олиб турмоғинг лозим, таомларига назар қилишинг, асло ёлғиз қолдирмаслигинг даркор!.." - дер эди ўзига ўзи бечора қиз.

Хонзода хоним амирзода маросимлари ўтиб, азадорлик бурчлари адо этилгандан кейин ҳам канизақларию хизматкорлари қуршовида Боғи Нақши жаҳонда яшаб келарди. Подшо келинининг атрофи ҳамиша гавжум: кунда, кун ора Қутлуғ Туркон оқа, Сароймулкхоним, Улус оқа, Дилшоод оқа, Орзумул оқа, Одиамул оқа, бошқа амирлару вазирларнинг хотинлари галма-гал келиб-кетиб турардилар. Амирзода ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир бошчилигидаги хос қўриқчилар ҳамиша соғ ва сергак эдилар.

Кўп ўтмай улуг эгачи Қутлуғ Туркон оқа, муборак бешик бекаси бўлган ёш келинчаки у ерда ёлғиз қолдириш ноўриндир, ҳар нарсага кўзи тушиб дарди янгилаанаверади, соҳибқирон келгунларигача уни адаб-сулдаб ёнингизга олиб келингиз, дея Сароймулкхонимга кенгаш берди. Бу гап ўзингиздан чиққан бўлсин, - қўшиб қўйди яна эгачи, - Муҳаммад Султон Боғи Чинорда, олдингизда, энага эгачи Холдона биби қўлида ўсиб вояга етмоқда, Хонзода хоним ҳам ўғилчаси ёнида юрсин, овунади ахир...

Холдона биби йигирма бешга кирган, юмалоқ юзли, сулувгина, кишининг икки суядиган хушбичим қақди-қоматли бўлиб, ўнг юзининг бурнига яқин ерида мошдеккина чиройли қора холи бор, кўзлари ҳамиша кулиб турарди. Уни энага эгачиликка Қутлуғ Туркон оқанинг ўзи танлаганди, номзод қидириб Қумушкент қишлоғига борганда кўриб ёқтириб қолганди. Холдона бибининг онаси ҳам беклар оиласида энагалик қилган, доялик вазифасини адо этган экан. Муҳаммад Султонга доялик қилди, жуда қўли енгил, деб таърифладилар. Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним чимилдиққа кирганларида, бошқош бўлишган чечан янгалардан бири, келин-куёв қовушганда улар тепасида фаришталар қувончдан чарх ураркан, дея лутф қилган ҳам мана шу Холдона биби эди.

Сароймулкхонимнинг ўзида ҳам шундай фикр пайдо бўлганди. Хонзода хонимдай ёш нарсанинг ҳайҳотдай боғда бир ўзи яшаши мумкин эмас, япаса ҳам қачонгача яшайди?... Бироқ маҳди улё бунга қандай билдириш чорасини тополмай юрди. Қолаверса, катталар бир нима демагунча, минг истиҳолада қандай йўл тутишни ҳам билмайди киши. Азалик келиннинг кўнгли нозик, гулнинг нафис баргидек титраб турибди, ҳар нарсани ҳам кўтара олмайди... Шундай паллада Қутлуғ Туркон оқа таклифи жуда жойига тушди. Сароймулкхоним дарҳол Муҳаммад Чуроға додхоҳга маофа тайёрлатишни буюрди, эҳтиёти шарт кўч-кўрон учун аробалар шай қилишни ҳам тайинлаб қўйди.

- Келинхоним! — қучоқ очиб кўришаркан деди Хонзода хонимга Маҳди улё. Улар бир ҳафта аввал учрашгандилар. — Эсонмисиз-омонмисиз?

Хонзода хоним қақраган шаҳло кўзларини Сароймулкхонимга тикди. Катта малика бу кўзларда лоқайдлик, сўниб битган ҳавас, чорасизликдан вайрона қалбни кўрди.

- Худого шукр, маҳди улё жаноби олиялари... — хиёл эгилганча жавоб қилди Хонзода хоним. — Ўлтирибмиз-ку... Ўзингиз яхшимисиз... — у нозик қўлини титраган бежирим ёқут лабларига босди...

Хонзода хоним Сароймулкхонимдаги ўзгаришни менинг аҳволимга куйинишдан деб тушунди, ичида миннатдор бўлди ва уни аяб деди:

- Ҳафа бўлмангиз, жаноби олиялари...

- Ҳа... Амирзода Муҳаммад Султон жуда аломатлар... Бўлар бола бошидан маълум, дейдилар-да. Вой, келинжон, мен сизга айтсам, Амир соҳибқирон Муҳаммад Султонни валиаҳд деб атамоқдалар! Ҳа, ҳа, валиаҳд! Билдингизму, валиаҳд! Бўлмаса, тахтга ворислик даъво қилгувчи ўғиллар бор. Аммо уларни валиаҳд деганлари йўқ! Муҳаммад Султон энди ярим ёшга кирди... - Сароймулкхоним мамнунагини яширмади. — Боғингиз — амирзодам соҳибқирон сафардалик вақтларида дунёга келганди, ўзим чопар йўллагандим-да, отини қўйиб берсунлар деб... Ушанда "Муҳаммад Султон" деб айтиб юборибдилар... Эсингиздаму?

- Эсимда, эсимда...

- Ҳозирдан шўх, қарамасангиз, ўрмалаб кетиб қолади... Гоҳ-гоҳ кулиб қўяди. Иншооллох, падар бузрукворининг ўрнини босади, султон бўлишайми билиниб туради. Бари бежиз эмас... Ахир Муҳаммад Султон бир томони буюк бобомиз Чингизхонга уланади-да.

Хонзода хоним ялт этиб маҳди улёга қаради. Сароймулкхоним жиммайиб турарди. Унинг кўз қарашада, сиз билан биз буюк зот авлодимиз ва бошқа буюк бир зот ихтиёридадурмик, бунга шуқр қилайлик, деган маъно яширинган эди...

- Айтганингиз келсин, отасининг ўрнини боссин, султон бўлсин...

Хонзода хоним маънос бош эгди. "Илоё, кўз тегмасин, бемаҳал шохи синмасин... — ўйлади Хоразм маликаси. — Отасига ўхшасин, аммо умри ўхшамасин. Аллоҳдан тилагани шу. Жаҳонгир Мирзога, уларнинг покиза севгиларига кўз тегди, афсуски, асрай олмадилар... Ёмонларнинг кўзи тегди..."

Орага жимлик чўқди. Деразадан қаср ҳовлисидаги ҳовуз кўриниб турарди. Ҳовузда сув йўқ эди. Маҳди улё билан Билқис Сугро<sup>11</sup> меҳмонхонада суҳбат қилмоқда эдилар.

- Маликам... Сизни олиб кетгани келдим... — деди бирдан маҳди улё...

Сароймулкхоним, гапим қандай таъсир қилар экан, дегандай маликага зимдан назар ташлади.

Хонзода хоним тим қора ҳилол қошлари чимирилганча ҳайратда тикилиб қолди. Катта малика ҳазиллашяптиларму, жиддий гапиряптиларму?..

Сароймулкхоним, ҳеч нарсани сезмагандек давом этди:

- Ҳалиги... Ҳим-м... Биласиз-ку... Боғи Нақши жаҳон қасрини таъмирлаш лозим эмишми... Амир Довуд дурлат жаноблари шуа ҳақда гапирибдилар-да... Маросимлар, келдикетди билан қаср анча оёқости бўлибди-да... Шунга сизни олиб кетгани келдим...

Хонзода хонимнинг таажжуби ортанча деди:

- Мен... қандай кетамен? Кета оламенму?... Амирзодам, ўзимизнинг боғимизни ёлғиз ташлаб-а? Ахир унинг руҳи бу ерда кезиб юрибди...

- Йўқ, йўқ, ташлаб кетмайсиз, маликам, зинҳор ташлаб кетмайсиз! — Сароймулкхоним маликани тинчлатиришга шошилди. — Боғ сизларнинг боғингиздур. Фақат боққа парварши даркор, оро бериш керак, қасрни таъмирламак лозим эмиш холос. Амирзодам вақтида қандай файзиёб бўлса ўшандай кўркам ҳолга келтирилиши керак эмиш. Афтидан фармон берилган шекилли...

- Боғнинг аввалгидек файзиёб, кўркам бўлиши учун амирзодамнинг ўзлари керак-да... — хўрсинди Хонзода хоним. — Қасрни таъмир этмак соз юмушдир, жаноби олиялари!.. Биз шу ерда яшайверамиз. Биздан ҳеч кимга халал етмагай...

- Албатта, албатта... Аммо азиз жонингиз койишини зинҳор истамаймен... Алқисса, Боғи Чинор ҳам ўз уйингиз, маликам! Ёдингиздаму, ўша ердан келин қилиб тушириб келган эдик?... Боғи Чинорда ҳамдаму ҳамдара бўлайлик. Муҳаммад Султон амирзодам ўша ердалар, агарда сиз ҳам борсангиз кўнглимиз тинч, бошимиз осмонга етарди... Шуни тилаймен холос, келинжоним!..

Хонзода хоним ўйлиниб қолди. Холисанилло айтганда, малика кун ора Муҳаммад Султонни кўрман, деб Боғи Чинорга ошиққади, ўғилчасини суюб-ардоқлаб кўлидан қўймайди, эркалайди, яна баври узилгандай бўлиб Боғи Нақши жаҳонга қайтади... Балки кўчиб ўтса яхши бўлармиди?..

Сароймулкхоним ичида, хайрият, сал оғдирдим шекилли, малика хаёлга чўмдилар, яна бир ҳимо, ҳаракат лозим-да, деб кўйди.

- Биласизми, маликам, улуғ эгачи бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа жаноби олиялари ҳам шундай қилмоқни тайинладилар. Балки, ҳазратимнинг ўзлари айтган бўлсалар керакми... — гапнинг оқовасини мужмалроқ қилди Сароймулкхоним... — Ҳазратимнинг йўлларига ўша ердан бирга чиқамиз-да...

Шундан сўнг Хонзода хонимнинг бу таклифга кўнмай иложи қолмади...

Бир кундан кейин Хонзода хоним ўз мулозимлари-ю канизақлари билан Боғи Чинорга кўчиб ўтди.

## Бешинчи боб

### I

Чопар кеча Амир Темура қароргоҳидан хабар келтирди: Ҳазрат Андижондан эртага йўлга чиқар эканлар...

Қутлуғ Туркон оқа дарҳол Амир Довуд дурлатга маслаҳат солди:

- Амир соҳибқиронни уйимизда кутиб олсак, нима дейсиз, Сулаймоншоҳ?..

- Айни муддао бўларди...

- Ўзингиз биласиз, соҳибқирон сафарлардан қайтганларида доим бизнинг уйга тушадилар... — шавҳарининг сўзини бўлди Қутлуғ Туркон оқа. — Балҳда подшоликқа эришиб келганларида ҳам даставвал бизнинг уйимизга ташриф буюрган эдилар-ку...

- Рост сўзни дедингиз, онаси! Бироқ...

- Таклиф этмасак кўнгилларига оладиларму, дейман... — яна шавҳарини гапиришга қўймади соҳибқирон эгачиси.

- Ҳа, Ҳа... бироқ...

- Бошқалар оғиз очмасдан олдин сиз таклиф қилингиз! Илим кетгувчилар кўп...

- Хўш, хўш...

Ўнг юзидаги билинар-билимас қилич изини силар экан, Амир Довуд дурлат босиқ деди:

- Амир соҳибқиронни уйимизда қаршиламоқ бизга Аллоҳнинг бемисл инояти бўлура

эрдн. Бирок, Хумоюн Ўрдуда машваратда ҳазратнинг Боғи Баландга тушишлари ҳақида айтилди, бу ўзларидан чиққан фикр шекилли... Боғнинг ишлари ҳам битиб қолди...

Чиндан ҳам, хушxabар олинши биланоқ, Суюрқатмишхон бетоблигига қарамай дарҳол соҳибқиронни қандай ва қаерда кутиб олиш ҳақида машварат ўтказганди. Баъзилар, барча аҳли сарой ва аҳли ҳарам биргаликда Дизаққа бориб қаршилаш лозим, дея таклиф этдилар. Ўзгалар эса, аҳли ҳарамнинг боришига зарурат йўқ, маликалар, хоним ва оқалар ҳориб-чарчаб қоладилар, яхшиси, пойтахти фирдавсмонанда куттанлари тузук, қабилида фикр билдирдилар. Оқибатда Самарқанд билан Дизақ оралиғидаги хушманзара Қатвон мавзеида фақат сарой аъёнлари соҳибқиронга пешвоз чиқсунлар, аҳли ҳарам эса жамулжам бўлиб соҳибқиронни янги борда - Боғи Баланднинг муқташам қасрида муборақбод этсунлар, деган қарорга келинди...

- Бошқа томондан, - давом этди Амир Довуд дуглат, - тўғри англашимиз лозим, энди подшоий олам Амир Темур Кўрагон ҳазратлари бизнинг товук катагидай кулбамизга сиймайдилар ҳам, онаси... Таъмирламоқчийдик, бунга вақт топилмади... У ер-бу ери тушиб кетган, қаралмаган уйга улуғ меҳмонларнинг келмоғи ножоиздур...

- Вой, ахир... — деди холос шавҳарининг мантиқли гапларидан лол Қутлуғ Туркон оқа гап топа олмай...

Амир Довуд дуглатнинг "вақт топилмади" деган сўзларида жон бор эди. Бу эр-хотинга баб-баравар таалуқли бўлиб, иккиси ҳам худонинг қурмоқни яхши кўрган бандаларидан саналардилар, гапнинг сираси, уларнинг умри қурилиш билан ўтарди ҳисоб. Амир Довуд дуглат пойтахтни ободонлаштириш, мадраса-ю хонақоҳлар, ҳамомлар, бозорлар бунёд этиш ишларига муккасидан шўнғиб кетганди. Шаҳардан чиқаверишда Шаҳрисабз йўлида бунёд этилаётган бозор алақачон битган. Соҳибқирон кўриб мамнун бўлганлигини айтди. Шу кунарда эса Боғи Баландни барпо этиш, Чорсу майдонидан Тошкент томонга тахти равон йўл солиш, пойтахт кўркига дов бўлиб тушаётган эски уйларни бузиб олиб ташлаш, икки томонга қават-қават савдо расталари тиклаш, Кўксаройдан пастроқда шу йўл бўйида катта тупроқли майдонда яна бир бозор қуриш ишлари уни батамом баъд қилганди.

Қутлуғ Туркон оқада ўтган улурларнинг қабрларини обод этиш истаклари устун эди, хос мулозимлари ва канизаклари кузатувида Чокардиза қабристонига тез-тез бориб Шайх Абу Мансур Мотуридий билан "Ал-ҳидоя" соҳиби Шайх Бурҳониддин Марғиновий мазорларини зиёрат этиб турарди. У икки улур сиймога атаб хонақоҳ қуришни бошлаб юборди. Ўтган йили Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига йўли тушди ва Имом ал-Бухорий қабрини тавоф этди, буюк муҳаддис жамлаган "Саҳиҳи ал-Бухорий" соҳибқирон эгачиси ардоқлаб мутолаа қиладиган китоблардан эди. Расулиллоҳ ҳаётининг бебаҳо лавҳалари билан яқиндан танишганда, муштипар аёл кўзларига беихтиёр ёш келиб кетар, хотам ан-набийнинг теран мазмунли ҳикматлари мағзини чақиб этишга уринарди. Ўша боргандаёқ Аллоҳнинг инояти кўнглида муҳаддислар султонига атаб бир хонақоҳ қуриш нияти япроқ ёзди... Умид улким, у ердаги қад кўтаражак масжидда шайхлар, дарвишлар жам бўлишиб малолсиз зикру самоъ қила олсунлар, улур имом руҳларини шод этсунлар...

Табиййки, шундай юмушлар билан банд эр-хотинларнинг ўз уйларига қарашга фурсатлари бўлмади...

- Ўқсинмангиз! — деди Амир Довуд дуглат. - Боғи Баланд қурилишида ўзим бошқошдурмен... Ўша ер ҳам боғимиздур. Амир соҳибқиронни хеш-ақраболару ҳарам аҳли ўша ерда бақамти кутиб олғаймиз...

Қутлуғ Туркон оқа энди ҳеч нарса демади.

Хушxabар қулоқларга етган куниеқ Суюрқатмишхон бошлиқ салтанат пешволари шайланиб қатвон томонга жўнаб кетдилар. Пири муршид Мир Саййид Барақа Анҳдойга бориб хешу ақраболарни кўриб келгани соҳибқирондан ижозат сўраганди, балки қишни ҳам ўша ерда ўтказиб қайтса керак...

Соҳибқироннинг келиши хабари каттадан кичик барчани тараддудга солиб кўйди... Айниқса, буни ҳарам аҳли орасида яхши кузатиш мумкин эди.

Сароймулкхоним соҳибқирон ташрифини эшитиб худди қаллиғини кутаётган ёш келинчақдай бутун вужудини ҳаяжон чулғади. Бўлажак висол онларини ўйлар экан, юраги қафасдаги қушдай потраб, соҳир сийнаси дам-бадам кўтарилиб тушар, қирмизи оқ юзларига қон тепар, чап юзидаги кичкина чиройли холи ортиқ қорайгандай туюларди. Ҳазил эмас, тўрт ойга яқинлашиб қолаётир, маҳди улё соҳибқирони билан кўришмади, унинг катта-катта кўзлари тикилмади, роҳатбахш қўллари билан ногирон оёғини уқалаб қўймади...

Қандай либосларини кийсун? Соҳибқиронга қайси бири ёқарди?... Соҳибқирон дебо-ни, агар ичда дебоча<sup>12</sup> кийилган бўлса жуда хуш кўрарди... Тўрқа<sup>13</sup> шунингдек, занда-начадан<sup>14</sup>, кимхобу қуңдалдан қўйлақлари бор. Волойи мовий, волойи аҳмар ипақ кийимлари ҳам ададсиз. Атласдан тикилган ҳашамли иксун қабо<sup>15</sup>, маъданий, маликий, миқрозий қаболари анчагина... Хусусан, яшил қуддусий қабоси бирам чиройлики қасава ўрашини ҳам суярдилар... Айниқса, соҳибқирон фикрича, чехрани сирли ёпиб тургувчи ҳарир парда билан қўшлибд кетадиган бош кийим — култапўшак кийиши катта хонимга жуда ҳам ярашар эмиш... Лекин қишнинг кўзи кўр-да. Қандай чиройли кийим бўлса ҳам, устидан барини ўзинг беркитиб тўн киймоққа мажбурсан...

Сароймулкхоним тезроқ бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқага учрашиб барча хоним-

лару оқаларни Боғи Баландга олиб бориш ва ўша ерда Қутлуғ дийдорлашув тадорикини кўриш лозим деган қарорга келди. Маҳди улё эгачига учрашдан аввал маликалар билан кенгашиб олгани Бўстонсаройга йўналди.

Икки йил аввал, Кўксаройдан элик қадамлар нарида дарахтзор ичида янги сарой бино қилинганди, унинг лойиҳасини соҳибқироннинг ўзи чизиб берди. Бўстонсарой деб аталган тўрт ошёна қаср асосан ҳарам аҳли учун мўлжалланганди. Қасрнинг тўқсон тўққиз деразаси бўлиб, тўқсон тўққиз фонус осиялиқ эди. Оқшомда ушбу фонуслар баб-баравар ёнганда чироқлар чаманзори намоён бўлар, бамисли ўзидан нурлар таратаётган сирли кошона бутун шаҳар бағрини ёритиб туришига қодирдай эди. Хос саройда соҳибқирон махрамлари — хотинлари ва канизакларига атаб алоҳида-алоҳида бўлмалар безатилади. Иккинчи ошёнада ўртада эни ҳам, бўйи ҳам йигирма беш газ келадиган тўйлар ва бошқа йиғинларга мослашган маҳобати хона мавжуд. Бўстонсарой ўз номига яраша чиндан ҳам моҳируй-маҳлиқолар бўлгани бўлиб, соҳибқироннинг суюб келиб турадиган дилтортар гўшанишин маскани эди. У бу ерда ёруғ дунё лаззатларидан баҳраманд бўлар, истироҳат қиларди.

Катта хонимдаги руҳий ҳолатга ўхшаш манзара ўзга маликаларда ҳам юз бермоқдайди. Саҳройи офатижон Дилшод оқа ва кўзлари қийиқ бодомқовоқ Улус оқалар ҳам ҳар бири соҳибқирон билан яқин-орада кўришажаклари ҳақида ўйларга ботардилар. Ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ канизак Тоғай Туркон оқа ҳаяжонланмоқда эди... Оғзи бемаза бўла бошлаганини кўрган бошқа кундошлар канизакнинг олдида: "Ҳай, ўзингизни эҳтиёт қилингиз... Жудаям уриниб кетмангиз..." қабилада меҳрибончилик кўрсатсалар-да, орқаворатдан вазилари келиб: "Бўйида бўлганмиш... Аталадан суяк чиқмай ўл! Қаёқданам лўп этиб ўртамаздан чиқиб қолди?..." деб ёзғиришар, пичир-пичир қилишарди. Аммо буни Сарой-мулкхонимга билдирмасдилар. Шарттаки Тоғай Туркон оқа эса гўё ҳеч нарсани сезмас, ёлғиз қолганда: "Ажаб бўпти! Ҳамманг куйиб ўл!" дея вайибона кундошларини узиб-узиб оларди.

## II

...Сафар айрилиқ жафосидан ўртанган Амир Темурни ростдан ҳам чалғитди, мусибат аламини сал бўлса-да йироқлаштирди. Тўхтамиш ўғлоннинг паноҳ излаб келаётгани эса уни тетиклантириб юборди. Рост, парвардигор ҳамиша бандасининг ғамини ўзи ейди. Буни кўп бошидан кечирган. Муҳтарам падари бузруквори раҳматлик Амир Тарағай доим: "Худо бор, нима ғамим бор!..." деган сўзларни такрорлаб юришни ёқтирарди. Тўғри экан. Худо бор, соҳибқироннинг нима ғами бор?.. Аммо ҳаракатда - баракат, ҳам деганлар...

У Самарқанд тупроғига қадам қўйarkan, даставвал Шоҳи Зинда ва Чокардиза қабристонини зиёрат қилди, сўнг янги боғ - Боғи Баландга тушди.

Боғи Баланд шаҳарнинг шимолида Зарафшон дарёсининг чап қирроғида, Чўпонота яқинида бунёд этилган эди. Милодий 1374 йил, ёз кунларининг бирида Амир Темур Тошкентга бораётиб, Зарафшон дарёси бўйида тўхтади ва баланд ерга чиқиб шаҳар томонга суқланиб назар ташлади... Соҳибқирон кўз ўнгига фавқуллода гўзал ва дилга ёқар даражада чиройли манзара намоён бўлди. Чап томонда ҳов анови Ургут йўлигача Кониғил ўтлоғи ястаниб ётибди, олис-олисларда Ургут товлари кўкка бўй чўзган. Офтобда ялтираб Панжакент томонлардан оқиб келаётган Зарафшон Самарқанддан ўтиб иккига бўлиниб кетади... Ўнг томонда Чўпонота тоғи... Рўбарўда эса шаҳар бутун маҳобати билан яққол кўриниб турибди. Ногаҳон кўнглига келдики, шу ерда бир боғ қилса... Боғнинг тархини қандай чизишни ҳам меъмор муҳандисларга ўзи айтиб берса, бунёд қилдирса... Баланддаги боғ бўлади, Боғи Баланд...

Қалин ва баланд девор билан ўралган боғнинг шимол томони Зарафшон соҳили эди. Девордан соҳилга қаратиб қўйилган нақшинигор эшиқдан тошдан қилинган зиналар билан соҳилга тушиш мумкин. Зиналарнинг сони эликдан ошарди.

Боғнинг кўркига кўрк қўшиб турган нарсалар, албатта, унинг ўртасида Табризнинг машҳур оқ мармаридан қад ростлаган йироқ-йироқлардан ҳам кўриниб турадиган уч ошёналик, учинчи ошёнаси очиқ айвондан иборат баланд қаср эди. Тархи хочсимон шаклга эга қасрнинг хоналари зарҳал ва зангори рангли кошинлар, турфа хил нақшлар билан безатилган бўлиб ярақлаб турар, оёқ остлари олти қиррали рангин гиштлар билан қопланганди. Қаср атрофидаги узумзор, анжирзор ва олماзорлар эса боққа файзу кўрк бағишлаб турарди.

Қиш кириб, қор ёғиб, ер музлади дегунча, соҳибқирон одатда Боғи Чинор қасри ёнига қадаб қурилган бўйи ўтгиз, эни йигирма беш газ келадиган даҳияли меҳмонхонага борар, тўрдаги сандални бозиллатиб иситишга бутулар, кейин шоҳи кўрпага оёқларини киритиб, парқув болиши ёнбошлаб оларди. Унинг фикрича, қаҳратон қишда ўрик чўғи сандалга оёқ узатиб мозий қиссаларидан тинглаб ўлтирмоқ дунё роҳатларидан биридир. Меҳмонхонани, икки йил бўлди, махсус бино этдирганди. Ез паллалари эса сандал олиб қўйилар, ўрнини ноз-неъматларга тўла дастурхон ёзилган катта хонтахта эгалларди. Меҳмонхона қабулхона вазифинини ҳам ўтарди.

Боғи Баландда ҳам шундай қилишларини бутурди, меҳмонхона лойиҳадаёқ ўз ифодасини топди. Бино худди Боғи Чинордагидек қилиб тикланди. Деворларини қасрники сингари ложувар зарҳаллар зийнатлади, хушманзара суратлар ва сирли кошинлар беади. Жанубий деворга мусаввир ям-яшил майсазорни — Кониғилнинг баҳорий манзарасини

туширган эди. Киши бамисоли гўзал ўтлоқнинг бир четида ўлтиргандай, агар туриб юрилса худонинг бу беҳиштдай гўшасини кезиб айланиб чиқиш мумкиндай таассурот қоларди.

Қаср олдидаги гиламлар ёзилиб ораста қилинган майдон соҳибқироннинг қишга мос кийинишиб олган ҳаяжонга чулганган эгачи-сингиллари, хотинлари ва канизаклари, ўғил-қизлари, жиянлари билан тўлганди. Ҳаво этни жунжиктирмас даражада мўътадил со-вук...

Шу палла жарчининг кучли овози борлиқни тўлдириди:

- Амир соҳибқирон Амир Темур Кўрағон ҳазрати олийлари Боғи Балаңда ташриф буюрмақда-а-ла-а-р!..

Ниҳоят муволиҳада соҳибқироннинг бўз оти кўриңди. Отнинг номи Хонўғлон бўлиб, учқурликда шамолни ҳам ортда қолдирадиган, тезликда чақинга сабоқ берадиган, оҳудан ҳам ўзгир, доврўи дoston бир от эди. Пишқирганда тумшугидан ҳовурлар пурқарди. Хонўғлон сувдай текис йўрғалаб, ўйноқлаб келар, Амир Темур олтин эгар устида кўр тўкиб ўлтирарди. Қора қулоқчинини бостириб олганидан кичик пешонаси қарийб йўқ бўлиб кетган Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан чамаси йўл юрганидан ҳаллослаб қолган Амир Довуд дуғлат бедовнинг жilовидан тутишган, елкадор Амир Сулаймоншоҳ ҳамда Умаршайх Мирзолар рикоббоши ўрнида олтин узангиларга қўл қўйишганча икки ёнда юриб келишарди. Соҳибқирон бўз отда боғнинг остонасига оқ поёндоз солинган дарво-засидан кириб келди. Майдонга яқинлашганда отдан гиламга тушди... Барча ҳазратни та-воф қилишга турди...

Даставвал Қутлуғ Туркон оқа соҳибқиронга пешвоз чиқди. Бонуйи кубро эгачи Амир Темурнинг елкасидан олиб пешонасидан ўпиб қўйди. Унинг чеҳрасидан хурсанду хуррам эканлиги кўриниб турар, жуда кўп гаплари борлигидан, барибир истаса ҳам ҳозир айтиб улгуролмаслигини, бунга вақт мусоида этмаслигини англаб, ҳаммасини кейинга қолдирди, фақат кўзлари ёшланганча: "Қадамлари қутлуғ бўлсин!" дея шивирлади. Изма-из Ши-ринбика оқа келиб кўришди. Амир Муайяд арлот оламдан ўтгандан кейин синглиси ёл-гиз қолди, хайриятки, ёнида ўғли Мирзо Алибек бор. Мирзо Алибек ақлли йигит бўлган...

Навбат Сароймулкхонимга етди. Арғувоний тўн кийиб олган маҳди улё товусдай юриб келиб соҳибқирон пойига эгилди ва довудий совут устига ташланган заррин тўн пешини ўпиб кўзларига суртди. Кейин Дилшод оқа, Улус оқа, Тағой Туркон оқалар, улар изидан исмат пардасидаги қизлари Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегимлар тавофга шо-шилдилар... Ўн икки ёшли Мироншоҳ Мирзо билан жияни Мирзо Алибеклар ҳам изма-из келиб юкундилар.

Келинлари, Жаҳонгир Мирзо хотинлари Хонзода хоним ва Бахт Малик оқа билан кўришганда соҳибқирон ўзини зўрага тутиб турди. Ҳар икки келин ҳам шоҳона йўргакка ўралган олти ойлик гўдақларини кўтариб олгандилар. Буни уларга эгачи Қутлуғ Туркон оқа тайинлаган эди. Амир Темур Хонзода хонимнинг бошидан кучиб, манглайдан ўлди ва Муҳаммад Султонни қўлига олди. Хонзода хоним шундан кейин эгилиб тавофни бажо келтирди. Соҳибқирон Бахт Малик оқани имлади ва кўришгач, ундан Пирмуҳаммадни беришни сўради... У икки набирани икки қўлига кўтариб олганча, кўзларига ёш тўлиб осмонларга боқар, ҳеч нарса демас, ўзини шу топда ниҳоятда бахтиёр сезар, дил-дилида Аллоҳга шукроналар келтирар эди...

Шу пайт Муҳаммад Чуроға додхоҳ Амир Темурга яқинлашди ва фақат иккиси эши-тадиган йўсинда қарийб шивирлаб деди:

- Хевақдан чопар етди: Амир соҳибқироннинг Жетага кетгонларидан хабар топиб хоразмшоҳ Юсуф Сўфи Кот билан Хевақни босиб олибдир...

Соҳибқирон сездирмади, фақат Хоразм томонларга бир қараб қўйди...

Атрофда барча фараҳди туйғуларга чулганганди, опа-сингиллар ҳам, ҳарам аҳли ҳам, фарзандлар ҳам суйнган тоғлари келганидан ўзларини осмонда ҳис қилишар, ҳеч ким ҳеч нарса демас, сўзга ҳожат йўқ эди.

- Меҳмонхонага марҳамат қилсунлар Амир соҳибқирон! — такиф этишди Амир Довуд дуғлат билан Қутлуғ Туркон оқа қўлларини кўксиларига қўйишиб. — Янги қасрга ҳали ҳеч кимнинг оёғи етмаган... Биринчи бўлиб ўзлари муборак этиб берсунлар.

Бир четда турган машшоқлар ишора билан "Шодиёна"ни бошлаб юбордилар.

Амир Темур ҳурмат бажо келтириб Қутлуғ Туркон оқага деди:

-Ўзингиз бошлаб берингиз, Опа! Изингиздан кирурмен...

Бонуйи кубро эгачи таъзим қилганча инисининг қўлтиғидан олди ва "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!" деди, сўнг иккиси нақшинкор эшикли меҳмонхона остонасига со-линган баҳмал поёндозга баробар қадам қўйдилар...

Барча улар ортидан меҳмонхонага йўнади...

### III

Соҳибқирон сарой аъёнлари билан Қатвон мавзеида кўришганидан кейин бир ойдан бери шаҳарга чиқмай Боғи Балаңда яшарди.

Саксовул чўғи солинган танчанинг гуриллаган иссиғи кўрпага ўраниб олган соҳибқироннинг ногирон оёғига хуш ёқар, бемисл оромдан бутун аъзои бадани яйрарди. Серма-нак, ўрта бўйли, озиндан келган, калласи кичик, қисик кўзлари ҳамиша кулиб турадиган,

патак соқол қиссахон Мавлоно Убайд мозий воқеалари, ҳоқону шаҳаншоҳлар қисмати, замона зайлининг кирдикорларидан ҳикоя қилар, охирида ҳар гал "Валлоҳи аълам бисса-воб!" дейишни унутмасди. Кунда, кун ора уларнинг гурунглари баъзан оқшомгача давом этарди.

Чошгоҳдан гупиллатиб ёра бошлаган қор, ажабки, пешин бўлиб қолди, ҳали тингани йўқ...

Амир Темурнинг энг ёқтирган фасли баҳор эди. Гўё қиш фасли табиатнинг ўлими — баҳор эса ҳаётнинг янгидан бошланиши. Ҳамма нарса уйғонади, кўз олдинда муъжизалар юз беради. Қуригандай кўринган қора оғоч ям-яшил янроқ чиқаради. Анови шафтоли қуриб қолган эмас, ўша шип-шийдам кўринган дарахт бағрида не-не анвои гуллар, гунчалар яшриниб ётибди. Пардоз-андозини қилишга улутурмай қолган соҳибжамолдай жозибасиз кўринган замин парвардигорнинг каромати билан кўзларни қувнатадиган ғаройиб ям-яшил либоста буркнади. Сойлар қошига ўсма тортади, далалар кўксига гала тақади, адирлар яшил рўмолларини елкаларига ташлаб оладилар... Узумлар бўйнига шода-шода дур-маржонлар боғлашни, тилослар шохларига дона-дона ёқутлар, ноклар эса ёмби олтинларни осиб олиб ҳаммага кўз-кўзлашни орзу қиладилар... Олам тамом ўзгариб кетади!..

Жонсиз табиатта ана шундай қутқулар сола олган баҳор, инсонни юз чандон ортиқ завқу ҳиссиётларга кўмиб ташлайди... Буни соҳибқирон ҳар сафар ўз бошидан кечиради. Назарида, ҳар бир қиш фасли ўтган умрга сарҳисобдек вазифани адо этади. Ҳар бир баҳор эса янги орзуларга қучоқ очади, шахту шижоатлар бахш этади, ҳайрат камарини инсон белига боғлайди...

Турон султони азалдан қиш фаслини хушламас, қишда сафарларга чиқмас, яддо кечаларини одатда Самарқандда, гоҳ-гоҳда Бухоро ёки Тошкентда ўтказарди. Фақат бир марта, бундан уч йил аввал, қишнинг қоқ ўртаси эканлигини била туриб, Жетага отланганлари соҳибқироннинг эсида. Амир Қамариддиннинг таъзирини бериб қўйиш иштиёқи кучлилигидан шунга мажбур бўлганди. Самарқанддан чиқиб қатвон мавзиега борганларида жуда қаттиқ совуқ тушди. Қор бетинин уриб турибди. Совуқнинг қаттиқлигидан қўлни чиқариб юриб бўлмайди. Соқол-мўйлаблар қалин шовуш боғлади, оғиз-бурунларни қиров қошлаб олди. Тупуқ ерга муз бўлиб тушарди. Айрим навкарлар нобуд ҳам бўлди. Зудлик билан пойтахтга қайтишга фармон қилган эди ўшанда...

Бугун яна Мавлоно Убайдни ҳузурига чорлатди, унга кейинги вақтларда хос муншийлик вазифаси ҳам юклатилганди. Соҳибқирон қиссахоннинг чиройли ҳуснихатига эътибор қилди, у чиндан ҳам ҳатотлардай кўркем ва бежирим ёзарди.

Саройда беш-олтита туркча, форсча, уйғурча ва арабча тилларда ёзадиган муншийлар бўлиб, соҳибқирон топшириғига биноан улар, элчилар ташрифи, амирлар мулоқоти, вазирлар анжумани ва бошқа муҳим воқеалар тафсилотини тарих дафтарига синчковлик билан ёзиб борардилар. Мавлоно Убайд хос мунший сифатида ҳамisha соҳибқирон ёнида бўлар, жузвдонидан ҳар хил рисоалар, дафтарлар, довоту қалам ва олий навли султон қовозидан олиб юрарди.

Ўн кун аввал худди шу ерда ўлтирар эдилар, мавлононинг Султон Санжари Мозий ҳақидаги ҳикоясини тинглаб бўлгач, Амир Темур бирдан хос муншийга тарих дафтарини очиб бундоқ ёзишни буюрди. Қалин кўк дафтарга ёза бошлаган бу воқеалар тарихи кейинчалик катта ҳаёт китобининг ибтидоси бўлиб қолишини Мавлоно Убайд ҳали билмас эди албатта.

- Кўп йиллар аввал, ҳали мамлакат маснадига ўлтирмай туриб, салтанат ойини<sup>16</sup>, русуми ҳақида ҳаёлларга ботардим. Салтанатга албатта тузуклар лозим, мавлоно. Тажрибамдан ва мозий султону шаҳаншоҳу ҳоқонлари сиёсатдан улги олиб билдимки, давлат агар дину ойн асосида бунёд бўлмас экан, салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва низоми йўқолур. Бундай салтанат либосиз кимсага ўхшарким, кўрган одам юзини ўтиргай. Ёхуд қасу ноқас тап тортмай кириб чиқаверадиган томсиз, эшиги йўқ чалдевор уйга менгзагай...

Шу йўсинда тузуклар иншоси бошланиб кетди. Қисқа кунлар ичида мавлоно кўк дафтарнинг бир неча саҳифасини тўлдиришга улгурди. У бундай доно фикру кенгашларни эшитишга ва қорозга туширишга жуда қизиқиб қолди.

...Қиссахон одатдагидек қора жузвдонини қўлтиқлаганча Боғи Баланднинг нақшинкор ва зийнатдор меҳмонхонасига кириб келди. Соҳибқирон бугун нимадандир мамнун эди, Мавлоно Убайд бунга эътибор қилди.

Салом-алиқдан сўнг:

- Кечаги битғонимизни ўқусунлар, мавлоно! — буюрди Амир Темур.

Қиссахон қўлини кўксига қўйиб: "Бош устига!" деди-да, кўк дафтарни очиб ўқий бошлади: "...Мамлакатларни фатҳ айлағувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳига умид боғлаб, салтанат қуриш, давлат тутиш ҳақида дастуриаламал ёзишга қарор қилдим. Токи фарзандларим, авлодимдан бўлгонларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юрутқайлар... Собит меҳру қарору меҳнат-машаққатлар билан тангрининг меҳрибончилиги, инояти ҳамда расулу акрам Муҳаммаднинг, — унга тангри марҳаматлари-ю саломлари бўлғай, — толеи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди, ҳурматли саҳобаларига қилгон муҳаббат дўстлигим орқали қўлга киритгон давлатим ва салтанатимни сақлавайлар. Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда дастур сифатида истифода этгайлар, токи мендан уларга етадургон давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлғай..."

- Халлоқи безаволга салламо!... — деди тингларкан ўзига ўзи Амир Темур, кейин давом этди: - Мавлоно! Андхойдан пирим Мир Саййид Барака ҳазратлари мактуб юборибдурлар. Ажабким, худди Ал-Форобий жаноблари билан маслаҳатлашгандай битибдурлар... Жуда ҳам бебаҳо мактуб... Албатта дафтарга туширсунлар!.. Ёзсунлар!

Соҳибқирон пир мактубини олган заҳоти кўздан кечириб чиқарган эди, уни тарих дафтарига кўчиришга топширса ҳам бўларди, аммо негадир ҳозир қиссахонга ўзи ўқиб бергиси келиб қолди:

- "Ассалому алейкум, Темурбек жаноблари! — бошлади мактубни соҳибқирон. — Мўғулистон сафаридан соғ-саломат қайтгонларини эшитиб кичик бошим кўнгаларга етди... Иншооллох, яқин айёмларда дийдор кўришғоймиз. Ҳозирча, сизга ушбу кенгашимни ет-курмакка ошиқамен, зеро бу кўндан кўнгил лавида асраб юрган мақсудим эрди...

Буюк зафарлар соҳибул киromи Амир Темур Кўрагон жаноби олийларига, Аллоҳ ҳамиша уни ўз паноҳида асрасун, маълум бўлсунким, унинг салтанат корхонаси Тангри таоло корхонасининг кичик бир нухсасидурким, унда турли мансабдаги ходим ва хизматкорлар (амале ва фаъле), ноиблар, эшик оғалари, яъни ҳужжоблар бордур. Жаноби олийлари ҳамиша ҳушёр ва эҳтиёткор бўлсунлар, токи вазиру лашкарбошилар, мансабдорлар, корчалонлар, сипоҳсолорлардан ҳеч бири ўз мартабалари чегарасидан чиқмасунлар ва доимо фармонингизга илҳақ бўлиб турсунлар... Ҳар тоифа ва ҳар қавмни ўз ҳурматларида тутунгизким, андин сўнггина салтанат низомга келгай, давлат интизомга киргай...

Ҳазрати Муҳаммад Мустафо авлодидан бўлгонларнинг мартабасини бошқалардан юқори кўтариб, уларнинг иззат-икромини жойига қўйсунлар. Уларга қанча кўп илтифот билдурсалар ҳам, уни зинҳор исроф деган ҳаёлга бормасунлар, зеро қайси иш худо йўлида бўлса, асло исроф саналмайду... Мазкур ўн икки тоифа билан салтанатта зийнат бериб, шулар воситасида давлат тахтини устивор этсунлар..."

Амир Темур ўқишдан тўхтади.

- Ўн икки тоифа... қандай тоифалар хусусида сўз кетмакда? Бу сўзларнинг маъноси недур, ҳазрат? — қисқ кўзларини соҳибқиронга тикиб сўради мавлоно. Беихтиёр муаллими ас-соний Абу Наср Форобий айтган давлат раиси учун зарур бўлган ўн икки фазилат ёдига тушди, аммо у ҳақда сўз очмади.

Мавлоно Убайд бир вақтлар соҳибқиронга муаллими ас-соний ҳақида сўзлаб, алломанинг "Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари" рисоласидан ҳикоя қилган ва кейин уни соҳибқирон сўровига кўра кутубхонадан келтириб берганди. Соҳибқирон ўшанда рисолаи катга қизиқиш билан мутлола қилиб, фозил шаҳар раисига ўн икки фазилат зарурлиги тўғрисида билиб олди ва сеҳрли "ўн икки" иборасига меҳр қўйиб қолди. Ўн икки ой, ўн икки бурж, ўн икки фазилат... Шу сабабдан пири муршидининг мактубда ўн икки тоифа ҳақида битганлари оҳанрабодай эътиборини ўзига тортди. Соҳибқирон фикрича, салтанат бамисли бир уй, унинг учун бақувват устунлар, тўсинлар, катта чорчўплар, мустаҳкам синчлар, вассажуфтлар лозим, заминдай барқарор пойдевор керак. Салтанат ва раиятнинг турли табақалари, ёки пири муршид таъкидлаган "тоифа"лар Амир Темур назарида худди ана шулардир. Тоифалар ҳақида соҳибқироннинг ўз мулоҳазалари бор. Юртни мўғуллар босган пайтларда бу тоифалар — халқ-улуснинг теран томирлари обёоти бўлиб, забунликка юз бурди, идизлар қуриб битди. Барини тикламоқ керак...

Амир Темур қиссахонга, ўн икки тоифа ҳақида ҳозир эшиттайлар, дегандай, мактубни ўқишда давом этди:

"...Амир соҳибқирон! Оре, рост. Камина бандангиз зинҳор-базинҳор бировга, айниқса Сиздек зоти олийларига, худо алқаган инсонни комилга ақл ўргатмакдан жуда йироқмен. Бироқ ожизу ночор фикрларимни биддириб қутлуғ ёдингизда асли бор нарсаларни яна бир эслатиб қўймак истагидан тийила олмайдумен. Сидқидил узримни қабул айлагайсиз, деган умиддамен... Барчасини, зеро, туққан ерини обод этмакка киришгон, жаҳонда халқларни бахтли қилмакка бел боғлагон жаҳонгирга қайишгонлик, салтанатимизни қурчу бадавлат айламакка куйингтонлиқдан деб билгайлар..."

Алқисса, Даставвал саййидлар, уламо-ю фозилларни ёнларига чорласунлар. Улар ҳамиша саройга қадам ранжиди қилишиб, мажлисларга безак бўлсунлар. Диний, ҳуқуқий ва ақлий масалаларни ўртага ташлаб фикрлар билдурсунлар. Ҳалол ва ҳаромга оид мушкул масалаларни улардан ўргансунлар.

Бир тоифа ақли кенгаш соҳиблари, кўзи пишган ҳушёр зийрак арбоблар, олисни кўриб қадам қўйгувчи оғир-босиқ кишилардан иборатдур. Уларни хос мажлисларига киритсунлар, суҳбатларидан, баҳсларидан гула кўтариб, тажрибалар ҳосил қилсунлар...

Яна бир тоифа — амирлар, сарҳангу сипоҳсолорлар, сипоҳлар. Аларга мажлисларидан жойини аямасунлар, мартабаларини юқорига кўтарсунлар. Ҳарб майдонларида рустамона саваш қурган шижоат аҳлини ҳамиша дўст тутсунлар.

Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, жасорат соҳибларига, марди майдонларга фахрли ўтова, камар ва таркаш тақдим этсунлар, эл кўзида мартабаларини эъзозласунлар. Сипоҳ ва раиятни шундоқ тутсунларки, кимса кимсадан устуналик қилиб, лузумсиз сўз отмасунлар. Даражаларига қараб андоҳ сақласунларки, ҳаддан ташқари бирон қадам кўя олмасунлар. Сипоҳийларнинг мартабаларини кўп кўтармасунларки, ҳовлиқиб кетгувсидир, кўп тушириб юбормасунларки, кўнгиллари чўккувсидур...

Яна бир тоифага етдик. Булар — мулоҳазакор вазирлар, чаққон бош котиблар, заҳ-

маткаш девон мушшиларидурлар. Уларни тобе мамлакатлар кўзгуси деб билсунлар. Давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солишларини, салтанат хазинасининг кирим-чиқимига тегишли масалаларни одилона олиб боришларини кўздан қочирмасунлар...

Ҳакимлар, табиблар, мунажжиму муҳандисларни алоҳида тоифага киритдук. Улар, иншооллоҳ, салтанат корхонасига ривож бергувчилардур. Ҳаким ва табибларни хасталарни даволашга, мунажжимларни қутли ва қутсиз кунларни аниқлашга, муҳандисларни эса олийшон иморатлар, боғу бўстонлар тархини чизишга ва барпо этишга сафарбар айласунлар...

Яна бир тоифа - муҳаддислар, пайғамбар ва унинг авлодлари ҳақида нақлу ривоятлар келтиргувчи муаррихлар ҳамда қиссахону ровийлардан ташкил бўлғай. Набийлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтмиш подшоларининг салтанатга қандай етишгани-ю қандай завола топгани сабабларини алардан сўраб билиб олсунлар, дунёдаги воқеаларни эшитсунлар.

Бошқа бир тоифа - касбу ҳунар соҳибларидурлар. Аларнинг ҳар бир синфидан давлатхоналарига олиб келсунлар ва ўрдадан жой ажратсунлар. Уларга сафарда ва ҳазарда<sup>17</sup> сипоҳлари учун лозим қурол-аслаҳа, жиба-ю сипар, тўра-қалқон, таркашу ўқ ҳозирлашни буюрсунлар...

Тагин бир тоифа — ҳар мамлақату кишварлардан келган сайёҳлару мусофирлар. Аларнинг бошларини силасунлар, чунки турли диёрлардан хабарлар келтуруб турғайлар. Тагин. Ҳар кишварда тужжорлар ва карвонбошилар тайинласунларки, турли мамлакат кишиларининг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари, ҳукмдорларнинг ўз раиятига қандай муомала-ю муносабатда эканликлари борасида сизга мунтазам хабар етказсунлар...

Алқисса... Салтанатларини зикр этилгон тоифаларга бўлиб, қонун-қоидаларини шунга мослаб тузиб чиқсунлар. Ўн икки тоифани салтанатлари осмонининг ўн икки буржи ва давлатлари корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобласунлар..."

Воажаб! Пири муршидининг теран мазмуни сўзларини ўқир экан, соҳибқиронга бу мактубни худди ўзи ёзгандек туюлиб кетди. Мабодо шундай нома ёзиш зарурати туғилса, соҳибқирон ҳам айнан ўхшатиб битиши муқаррар эди! Салтанатни мустаҳкам тутиб тургувчи ана шундай тоифалар сурати соҳибқирон кўнглида ҳам кўпдан бўй кўрсатиб келарди. Айрим фаслларни янада теранлаштириш, бойитиш мумкиндир. Бу борада анчамунча фикрлар ҳам йўқ эмас...

Чунончи, салтанат ишларида муроса-ю мадора, мурувват ва сабр-тоқат бўлмоғи зарур, кўп нарсани билиб турилса ҳам, ўзини билмаганга олмоқ шарт... Адолату инсоф билан сипоҳу раиятнинг умид ва қўрқув ўртасида сақламоқ... зодимлардан мазлумлар ҳаққини олмоқ... жазога фақат гуноҳкорнинг ўзини мустаҳқиқ этмоқ... гийбатчи одамлар мажлис йўлини кесмоқ... раият аҳволидан огоҳ бўлмоқ... улугларини оқа ўрнида, кичикларини фарзанд қаторида кўрмоқ... жоиздур.

Пири муршид ўн иккинчи тоифа ҳақида жуда ўринли айтибдурлар. Филҳақ, ҳар бир кишвар ақли аҳволидан огоҳ бўлиб турмоқ учун диёнатли, одил қаламли кишилардан воқеанавислар — хабаргирлар белгиламоқ зарур. Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қай бирларининг халқда жабр-зулм қилганлари хабари етса, зудлик билан чора кўрмоқ инсофдандур. Ҳар жойда сипоҳийларни қўлаб-қувватламоқ шарт, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли деб сотадилар, ўзларини ҳалокат гирдобига отадилар...

- Парвардигор пири муршидга фавқулодда илҳом селини ёғдирибдур, мавлоно... — деди соҳибқирон.

- Ҳақ сўзни дедингиз, Амир соҳибқирон! — Мавлоно Убайд дафтардан бош кўтармай ҳафсала билан ёзар экан, давом этди:

- Тангри азиз айлаган зотдурлар пири муршидимиз, нақиблар пешвоси!.. Ҳар қаломдаги узоқ мулоҳазага мушоҳадалардан пайдо бўлгон теран мантиқ зийнатини кўрингиз! Инсон заковатининг чеки-чегараси йўқлигини исбот айлабдилар...

Орага жимлик чўқди.

Пири муршид Мир Саййид Барака мактуби ҳар иккисининг ҳам хаёлини банд қилган эди...

Соҳибқирон деразадан ташқарига қаради: улар ўзлари билан ўзлари бўлишиб гушляб ёғаетган қорнинг тиниб қолганини ҳам сезишмаган эканлар. Шу палла хонсолор<sup>18</sup> таом фурсати етганлигини билдириб дастурхон ёзишга ижозат сўради.

### Олтинчи боб

Орадан беш кун ўтгач, соҳибқирон эгачиси Қутлуғ Туркон оқа билан иккиси Хонзода хоним ва Муҳаммад Султонни кўргани Боғи Чинорга йўл оддилар... Уч кундан бери қаттиқ совуқ бўлиб турган ҳаво анчагина юмшаганиданми, ҳар нечук соҳибқироннинг кайфияти яхши эди. Аммо кўнглининг бир чети сал хижил ҳам бўлиб турибди. Чунки, Тўхтамиш ўғлонни қарши олишга кетишган Аббос баҳодир билан Муҳаммад Мирақлардан ҳали ҳануз дарак йўқ... Наҳотки уни қидиришиб топиша олмаётган бўлса?.. Ёки Тўхтамиш ўғлон Самарқандга келмайдиган бўлдимикин?..

Опа-укалар Боғи Чинорга қадам қўйганларида чошгоҳга яқинлашиб қолганди.

Амир Темур салтанат тахтига дохил бўлгандан бери улар камроқ учрашишарди. Чунки

соҳибқироннинг кўпинча ихтиёри ўзида бўлмай вазиятга боқиб турарди. Улуғ амирнинг хос ҳаёти-ю салтанат ҳаёти орасидаги чегара йўқолиб, иккинчиси зўрлик билан биринчисининг улушини ҳам тасарруф этишни истарди.

Амир Темур уларни кузатиб келган Муҳаммад Чурога додхоҳга бутурди:

- Мамат! Совга-саломларни меҳмонхонага олиб кираберсунлар!

- Бош устига, онҳазрат! — деди Муҳаммад Чурога додхоҳ ва хизматга машғул бўлди.

Соҳибқирон ҳар гал Боғи Чинорга келганда дабдурустдан меҳмонхонага кирмас, давтавал боғни сайр этиб чиқиш одати бор эди. У бу боғни ёқтирарди. Буни ҳамма биларди. Уша эсига тушди-ю бонуйи куброга деди:

- Боғни бир айланиб келайлик...

Қутлуғ Туркон оқа рози бўлди. У ҳам кўпинча соҳибқирон сафарга кетган вақтларида Боғи Чинорга келар ва Сароймулкхоним билан бирга боғ кезишни яхши кўрарди, анчадан бер айланиб йўқ, Унинг устига, укасининг ҳеч ким йўғида айтадиган гапи бор шекилли. Опа-ука дийдорлашувлари ҳаминша муштоқона ўтарди.

Улар қаср рўдарасидаги катта ҳовуз томон юрдилар. Амир Темур атрофга назар ташлади. қишки боғ... Боғ эмас, қуруқ, тири-шийдам дарахтлардан иборат бир маскан... Либосиз ояочлар совуқда жунжикиб туришибди. Қор-қировда қолган юпун кийинган одамнинг нақ ўзи. Ҳовузда феруза лалпакчалардан бошқа ҳеч вақо йўқ, унда-бунда қор қолдиқлари кўзга ташланади. Баҳору ёзларда мусамман юлдуз шаклини ҳосил қилиб нигоҳларни яйратадиган гулбоғчалар ҳам йўқ, бир-биридан ажралиб турадиган ранг-баранг анорзор, шафтолизор, нокзор, беҳизорлар бир хил тусда маъюсликка чўмган... Қасрнинг ўнг томонидаги ёлғиз чинор қаққайиб кўринади.

- Жаҳонгир Мирзо бу боғни бағоят хуш кўрарди, унга худди боғбондай қарарди...

Боғнинг ҳам файзи кетди... — деди Амир Темур қалби тирналиб. — Ана, барча дарахтлар боғбонсиз қолиб, жимгина қайғуларга ботгонлар, нашъалари йўқ, ҳовуз ҳам гўё йиғидан кўзи қуригондек...

- Ундай боғбон энди қайда?.. Во-ей, ёш кетди-да амирзодам! Ёш кетди. Бағримизни ўйиб кетди... Ўн гулидан бир гули ҳам очилмагон эди...

Қутлуғ Туркон оқа уф тортиди ва шоҳи дастрўмоли билан кўзларини артди. Анорзор ёнига борганларида Амир Темур тўхтади ва эгачига илтижоли кўзларини тикди:

- Опа...

Эгачи назарида Амир Темур ҳозир Туркистон юртини мусаххар этган, салтанат қутбун аъзами, мамлакат подшоиси эмас, балки шунчаки кўчанинг нариги томонидаги ҳовида яшайдиган бир ука, қондош жигардай кўриниб кетди. Асида ҳам шундай, кимларгадир балки соҳибқирондир, Абулмансур Абулмузаффар Амир Темур Кўрагондур, лекин Қутлуғ Туркон оқа учун — у давтавал меҳрибон ини, ука, бир қориндан талашиб-тортишиб тушган жигарбанди... Соҳибқироннинг худди айб иш қилиб қўйиб, каттанинг олдида хижолат бўлган боладай ёлвориш, эркаланиш оҳангида сўзлашидан эгачи кўнгли алланечук бўлиб кетди:

- Қулоғим сизда, Амир соҳибқирон! Сўзласунлар, жоним тасадуқ!

- Маслаҳаттўйим ўзларидаурлар, Аллоҳга шукур... — деди Амир Темур. — Дунёнинг юмушлари чигал экан, учи-кечи йўқ катта савдоларга отилгон эканми, опагон! Қарасангиз, гардуннинг кўзи юмуқ, адолат дийдаси ожизу нотавон... Англамайдурмен, не ёзуғим бор эрдик, парвардигор менга шундай меҳрибончиликни раво кўрди? Ҳавоий нафса банди бўлмасам, турли фитна-ю фасод, фисқу фужур аҳлидан йироқ юрсам, покиза рўзгор айласам, пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам айтгонларига риоя қилиб, кечиримлик мақомини баланд тутсам, ёмонларнинг жазосини берсам, юртнинг тинчлигини ўйласам... Раоё ва бароёга илтимдан келгунча яхшилиқ кўргизсам... Нечун энди арслондай дилбандимни, дунёга келиб, ҳали яшашнинг маъно-мазмунини англаб етмагон, умр лаззатини тотиб улгурмагон покиза хилқатни бағримдан юлиб олди?... Қайси гуноҳларим учун?... Нечун энди бир ниғори хурдан ҳам аъло, кўрку ҳусна танҳо, япроқ ёзмоққа чоғланган гулдек нозик, нур бамисли маҳлиқои муқаррама қизим Хонзода хоним, ойдек кўнгли тутмадек тугилиб, ўн етти ёшида суянган тоғини, вафодор ёрини тупроққа қўйиши керак?... Ахир улар жумла мўминлар қатори умр кечирешлари мумкин эди-ку, Опа?..

Қутлуғ Туркон оқа кўпдан соҳибқирон билан ўхшаш суҳбат бўлишини билар, вақтисоатини кутар ва ўзича шайланар эди.

- Амир соҳибқирон... Ҳўлу қуруққа, озу кўлга бардош бера олгон одам еру осмоннинг шоҳидур, деган экан машойихлар... — юпатмоққа уринди эгачи соҳибқироннинг елкаларини меҳрибонларча силаб. — Не чорамиз бор? Бу ҳодиса бандасининг ихтиёридан буткул четдадур. Охири шодлик бўлгон ғам ғам эрмас... Бари Аллоҳнинг бутурғони.

- ...Бундан ўн беш йил муқаддам — давом этди Амир Темур гўё опасининг сўзларини эшитмагандек. — Али Жониқурбонийнинг рўшнолиги йўқ зах ертўласида, асфаласофининг каттагидай дўзахий бир ҳужрада бургаларга таланиб ётгонмида, яратганга илтижолар қилдимки, мени шу зиндондан эсон-омон ёруғ дунёга чиқаргин, тилагимни ато этгин, салтанат тузишимда мадад бергин, фарзандларим умрини узоқ қилгин, улар мендан кейин ҳам юртни ақлу ыдрок, тафаккур билан бошқарсунлар, Туркистонзамин донғини дунёга таратсунлар, давру давронлар сурсунлар, деб...

Амир Темур тин олди. Қутлуғ Туркон оқа соҳибқироннинг изтиробли чехрасидан кўзини олмайд, босиқ деди:

- Парвардигор тилагонларини берди, мана ўша ер юткур зиндондан соғ-саломат

чиқдилар... Ёдингиздаму, ўшанда икки ой бизнинг уйда яшагон эрдингиз. Мана, салтанат туздилар... Амир соҳибқирон, буни бири кам дунё дейдилар-да...

- Бири кам дунё... дейсизму? Дунё... Ахир мен ўша дунё эгаси бўлиб турибмен-ку...

- Ҳа, бири кам дунё... Ўша сиз эгаллаб тургон дунёнинг бири кам, укажон... Ҳар тўқсизда бир айб экан... Кўрингиз, бизнинг ёлғизгина ўғлимиз бор, Амир Сулаймоншоҳ, Умирмиз яна бир фарзад қар, деб худога ёлвориб билан ўтди-я! Сароймулкхоним, гулдай келиним, бундай ақлли, гўзал ва оқила аёл зоти камдан-кам дунёга келади. Ҳамма маҳди улё — улуғ бешик соҳиббаси, деб мақтов сўзларини айтади. Аммо бечора келиним бир тирноққа зор, қани энди ўша бешикни тебратиш унга насиб этса!.. Парвардигори эгамнинг иродаси шундоқ эрса, бандаси не қилсун?..

Тўғри, Бибининг кечалари қандай изтироб чекиб чиқишларини Амир Темур яхши биларди. Ўзи ҳам зор-зор йиғлаган муштипар аёлни кўп бор юпатган, кўз ёшларини артиб қўйган...

Эгачининг мантиққа бой сўзлари Амир Темурга худди ёниб турган чўққа сув сепилгандай таъсир қилди. Бирдан бутун аъзои бадани сесканиб кетди! У шу палла чархи кажрафторнинг ачиқ ҳақиқатини — ҳамма нарсанинг ўткинчи эканлигини, муқаррар кун етгач, тожу тахт ҳам, даву даврон ҳам, дўсту ёрон, қавму қабила, мулку хонумон ҳам — барча-барчаси бирон бир наф етказа олмамлигини англаб етган эди!

- Халлоқи безаволга салламно... — деб қўйди беихтиёр...

Улар беҳизор томон юрдилар. Энди Амир Темур гапирмас, хаёлга чўмиб ерга тикилганча оҳиста қадам ташларди.

- Бергувчи ҳам ўзи, олгувчи ҳам... — деди бирдан Қутлуғ Туркон оқа. — Бир нарса берса эвазига бошқа нарса оладир, Амир соҳибқирон! Ўзлари биладилар, бобомиз Барқал баҳодир ҳазратлари тезроқ набира, яъни ўғил кўришни истаронлар, аммо Тарағай баҳодирга фарзад насиб этавермагон. Кейин ўғил кутиб турганларида мен туғилибмен... Бобомизнинг кўнгиллари чўккандай бўлиб қолибди... Набира кута-кута тоқати тоқ бўлгон бобомиз, э бор худо-ё, агар жон керак бўлса бу жонимни олу Тарағай баҳодирга бир ўғил ато эт, дегандай оламдан ўтибдилар. Шундан олти ойдан сўнггина ўзлари, Темурбек, дунёга келгон экансиз... Бобо эвазига набира туғилгандай... Шунақа экан. Парвардигор ўзларига, Амир соҳибқирон, салтанатни раво кўрди, жаҳон аҳли аро азизу муқаррар этди, дунё берди, эвазига ардоқли нарсангизни олди... ўзи бергонини олди холос...

Амир Темур ялт этиб эгачига қаради:

— Яъни, Опа... Яъни, менга салтанатни берди-ю... эвазига кўзимнинг оқу қораси бўлгон ўғлимни олди, демоқчимилар?..

- Балки шундоқдир... Буни ёлғиз Аллоҳ биладур...- Оҳ, агар Жаҳонгир Мирзо ўғлим қайтиб келгонда эрди, тожу тахтининг ҳам олсунлар эди меңдан!.. Олсунлар эди!.. Рози эдим!!! — деб юборди ҳасратда Амир Темур.

- Йўқ, Амир соҳибқирон! Бу ношукурчилик бўладур, - Қутлуғ Туркон оқанинг бодом қовоқлари уюлди. — Тавба деб гапирмоқ керак, шукур қилмоқ керак. Бундай сўзларни сира айтмасунлар, сира айтмасунлар! Сизга ярашмайдур. Эсингиздаму, Куръони қаримда: "Аллоҳдан унинг ўзи қилган иш ҳақида сўралмайдур..." дейилгон. Ҳамма нарса Аллоҳнинг мулки, бизлар ожиз бандаларимиз холос. Худойимнинг қаҳри келиб бу кунимизни ҳам кўп кўрмасин тагин? Тавба деб гапирсунлар, шукур этсунлар!..

- Тавба қилдим, тавба қилдим!.. — деди Амир Темур маҳзун бир ҳолатда. — Ношукурчилик зинҳор хаёлимда йўқ, асло! Бу сўзлар борлиғимни кемириб тинчлик бермай келар эди. Айтиб юборибмен... Ниятим бошқа нарса эди, Опа!

Қутлуғ Туркон ова, тушундим дегандек, соҳибқирон бошини эгиб суюб манглайдан ўпиб қўйди, ўша асно кўзларидан бир томчи ёш ерга юмалади. Кейин яна укасининг елкаларини меҳр билан силай бошлади.

- Бандаси шундоқмиз-да: беронда нега бердинг, деб сўрамаймиз, аммо олгонда нега олдинг, деб даъво этамиз... Шукур қилмоқ керак. Мана Мухаммад Султонни берди, от изини той босади, худо хоҳдаса... Тагин бир гап бор, Амир соҳибқирон. Шабистонингиз маҳрами сулув канизак Тағой Туркон оқа ҳам, худонинг қаромати билан, юкки бўлгон... - Қутлуғ Туркон оқа силашда давом этаркан, укаси елкасига уриб-уриб қўйди. - Яқиндагина, иншооллоҳ, арслондай ўғил туғиб беради...

Амир Темур изо тортиб, ёш йигитлардай қизарганча ерга тикилди. Уни бир лаҳза хаёл олиб кетди.

Чиндан ҳам бу қувончли ҳодиса эди. Милодий 1366 йилда Мироншоҳ Мирзо туғилгандан бери - шунга, мана, ўн бир йил бўлмоқда - ҳарам ўрамида ҳали биронта хотини ёки канизагида шундай мужда юз бермаганди. Мўғулистондан қайтилган кун чоршанба эди, Боғи Балад меҳмонхонасига кирганларидан сўнг Сароймулкхоним фурсат топиб, подшолик бўстонида бир гулнинг вунча очаётгани хусусида пичирлаб соҳибқирон қуловига шипшитиб қўйди... Маҳди улё ўзини бутун ҳарамга жавобгар сезганидан аёллар икирчикир гапларидан юқорида бўлишга ҳаракат қилар, кўп нарсани ичига ютар, кундошлик жиҳатидан ҳеч ким билан баҳслашмас, бирон жанжал чиқса дарҳол оналардай тинчитилга уринарди. Кундошлар ҳам унга рақиб сифатида қарашмас, гапига қулоқ солардилар. Бу нарса соҳибқиронга ёқарди. Амир Темур юраги ҳалприқиб, канизакка назар солди, аммо ҳеч қандай ўзгариш кўрмади. Шу ондаёқ шанба оқшоми Бўстонсаройга, Тағой Туркон оқа ҳузурига боражагини ҳарам оғасига маълум қилди.

...Салгина тўлишиб яна ҳам гўзаллашиб кетган канизакнинг ҳазрат ташрифидан боши

осмонга етди. Ҳали бўйида бўлгани ҳам ошкор эмас эди, аммо ошпоқ юзида битта-яримта жигарранг доғлар пайдо бўла бошлаганди. Амир Темур канизакни эркалаб тиззасига ўтқазар экан, қора шахло кўзларига қаради, қора шахло кўзлар ўтли нигоҳга чидай олмай ерга тикилди...

Соҳибқирон чўнтагидан бир шода дур олиб, ҳаяжондан қалби гурсиллаб уриб турган сулув канизакнинг толма бўйнига тақди... ҳазратнинг кенг кўкрагига бош қўйган канизак бир томондан ҳарамда хотинлар ва канизаклар орасида юкли бўлиб мартабаси ошганидан, иккинчи томондан, бу Амир Темур Кўрагон "юк"и эканлигидан бемисл курур туярди. Нозик бадан ҳарорати соҳибқирон завқини жўштириб юборди... Жуда ҳам айтадиган гаплари кўп эди, аммо ёнгинадаги шоҳона жой, ҳозир сўз фурсати эмас, дегандай ўзига имларди...

Қутлуғ Туркон оқа бирдан соҳибқирон хаёлини бўлди:

- Темурбек, юрагингизга азоб бераётган нарсани кўриб, билиб турибмен, ҳатто ўйлаб юрибмен... Балки сиздан кўра мен кўпроқ изтиробдадурмен... Албатта, сиз эркак киши-сиз, бу сўзларни айтиш ўнғай эрмас...

- Шундоқми, Опа...

- ...Сиз, бечора келинимиз Хонзода хоним ҳақида, унинг тақдири қандай кечиши тўғрисида чексиз ғаму андуҳ денгизига ботгонсиз... Топдимму?

- Ох, Опа! — деди ҳайратда Амир Темур- Кўнглимни аён кўриб турибсиз... Топдингиз! Қандай топдингиз?... Худди ана шу дард борлигимни чулғаб, мени қийноқларга соладир! Асли шуни сизга айтмоқчийдим!.. Айтингиз-чи, энди унинг тақдири нима бўладир?... Ёш нарса ёлғиз ўтиши мумкин эрмас. Ёлғизлик ёлғиз худога ярашадир - деб қўйди

Қутлуғ Туркон оқа.

- У ҳолда... Наҳотки, менинг жон қизим кимларнингдир қўлига қараб сарғайиб, мустарлиқда қисинди бўлиб яшайдир? Кўришганда нима дейишни, қандай юпатишни ҳам билмаймен... - Амир Темур қаср томонга қаради. — Қулогимга етдики, айримлар уни боши очиқ деб ўйлаб, овиз солмоқчи ҳам эмишлар. Аммо мен ундайлар қадам изи бошишмасун, деб буюрдим.

- Қизи бор уйга, боши очиқ бўлса, одам келаверади, таомил-да бу...

- Тўғри дедингиз... Уни тутиб туриш ҳам инсофдан эрмас... Ёш умрига завоқ бўлмоқ эса гуноҳи азимдур... Не қилмоқ керак? Кўнгли ярим қизимнинг ҳоли не кечадир энди, Опа?..

Боғни айланиб келишаётиб ҳовуз ёнида тўхтадилар. Шу ерда Амир Темур ўнг оёғида зирқираган ёқимсиз ориқ турганини сезди. Узоқ вақт тик туриб қолса ёки совуқ ўтса, оёғи дарров билинтиради.

Қутлуғ Туркон оқа ўйланганча феруза лаппакчаларга тикилиб қолди. Бироздан кейин ғамгузор эгачи уқасини юпатиб дона-дона қилиб бундай деди:

- Бошларида юрт ташвиши, мулк мамолик, раоё-ю бароё ташвиши бисёрдур, Темурбек... Маликам ҳали ёшлар, Муҳаммад Султон амирзода эса - гўдак... Уч-тўрт йил ўтмоғи аниқдур. Бу ҳақда кўп ўйланмасунлар! Буни биз аёлларга қўйиб берсунлар. Худо бир йўлга бошқаргай, бунга шак-шубҳа йўқ. Ота-боболардан қолган удулар бор... Хонзода хонимни ҳеч қаёққа бермаймиз, асло ўқситмаймиз! Маликани бошқа ёққа узатсак, куппа-кундузи ўтга ташлаш бўларди. Укажоним, кўнгилларини тўқ тутаберсунлар! Ҳа-а!..

Соҳибқирон ҳурмат бажо келтириб, меҳрибон эгачининг ўнг қўлини олиб ўшиб кўзларига суртди.

- Худо умрингизни зиёда қилсун, Опа! Амир Тарағай авлодлари бахтига, илоҳо, соғсаломат бўлингиз!

Амир Темур енгил тортди. Елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлмаса ҳам ҳарқалай ўридан силжиди... Атрофга қараркан, боғни шип-шийдам, файзсиз эмас, тасавурида ямғирилган либосга ўралган ҳолда кўрди. Ҳаво ҳам унчалар совуқ эмас экан, аммо ҳали шундай туюлганди. Ҳовуз, яхшироқ қарамаган эканми, суви бўлмаса ҳам, феруза рангда ажабтовур чиройли товланиб тураркан...

- Амир соҳибқирон! Кенгашингиз лозим бўлгон гап бор... Ичкарида Хонзода хоним олдида бу ҳақда сўзлаш ўнғайсиздур... У мотамда ўлтирибди, гап эса тўй ҳақидадур... - Қутлуғ Туркон оқа пичирлагандай деди. — Оқа Беги хоним бўй егиб қолди... Тўй ҳам бир ҳавас. Сароймулкхоним билан Орзумулк оқа мени ҳол-жонимга қўймайдурларки, ўзларидан тўй ризолигини олсам... Атай Шахрисабздан келибди. Муҳаммадбек ибн Мусога узатсак, бошларини қовуштириб қўйсак, дейишяпти. Амир Мусо жаноблари ҳам шундоқ дермишлар...

Амир Темур ҳалим табиат, юмшоқ кўнгли, тортинчоқ, кўҳликкина, қора кўзлари ҳамиша мунгли боқадиган қизини жуда ҳам ардоқлар, ҳар куни ҳолидан хабар оларди. Оқаси вафот этгач, қаттиқ қайғуриб юборди, уриниб ҳам кетди. Энди сал ўзига келгандек... Кўпдан бери бу гап бор ўзи. Қиз ўн саккиз ёшга кирди, Муҳаммадбек ҳам яхши йигит мақомидадур. Шу миш-миш чиққандан бери, гапнинг сираси, Амир Темур пинҳона бўлғувси куёвни назардан қочирмай юради. Жетага отланишда Умаршайх Мирзо сардорлигида бир неча амирларни чапдаст навкарлар ҳамроҳлигида ўзидан аввалроқ юборган ва ўшал сафга Муҳаммадбек ибн Мусони ҳам қўшган эди.

Амир Темурнинг ўйланиб қолганини кўрган Қутлуғ Туркон оқа:

- Тенгини топсанг текинга бер, деган экан ота-боболар... - деди кулиб. — Тенги чиқиб турибди. Қандай йўл туттайбиз?

- Ўзингиз биласиз, Опа... Нима десалар шу бўлур...  
- Нима десам шулми?... — Қутлуғ Туркон оқа жилмайганча савол назари билан Амир Темурга тикилди. — Нима десам-а?... Лафз — лафз...Бўпти! Ундай бўлса... Амир соҳибқирон, кувёв муборак бўлсун!..  
Амир Темур "Қуллук!" дегандай бош эгди.

### Еттинчи боб

Соҳибқирон келини Хонзода хоним учун совға-саломга даставвал икки сандиқ тай-ёрлатишни буюрди... Биринчи сандиқ тилла исирға-ю билакузуқлар, ёқут кўзли шоҳонаклару кумуш камарлар, зар тақинчоқлару маржонлар, олтин зебигардону тиллақошлар, қашқар балдоғи-ю ойбалдоқлар, кўзмунчоғу туморлар, Яман ақиқи, жавоҳиру забаржад, лаълу ёқут, дурри Адан, гавҳару марваридлардан иборат бўлсин. Иккинчиси, шойи либослару кўзапўчоғ нусха яғжим рўмоллар, шол рўмоллару барқут нимчалар, заррин чопонлару пушти авра тўнлар, чунки Хоразм маликаси кўпинча пушти рангли тўнлар киярди, пишиқ сахтиён маҳси кавушлар, кимхобу турфа хил атласлар, катону заңданача ва ҳоказо тоза матоларга тўддирилсин. Тағин. Упа-эликлар учун яна бир нақшиннигор сандиқча олинсин, унга пардоз-андоз буюмлари - мушқу анбар, Бағдод сурмаси, Эрон атири, Ҳиндистон хиноси, Хўтан уфори, боққанда ҳуснға ҳусн кўшадиган зарҳал гардишли ойдай тиниқ кўзгулар, сурмадонлар, қошқаламлар, "олтин варақ" деб аталимиш қола ва қошға суриладиган қора бўёқлар солиб қўйилсин...

Соҳибқирон туҳфасини Муҳаммад Чуроға додхоҳ олиб кирганида малика сандиқларни кўриб қувониб кетди, шаҳло кўзлари нурланди. Сароймулкхоним билан Оққиз туҳфаларни кўришда Хонзода хонимга кўмаклашдилар. Малика сандиқларнинг чиндан ҳам тоза ва ноёб нарсалар, тансиқ моллар билан тўлиб-тошганлигини кўриб ҳайратда қолди... Ўттинчи дунё моли ўн етти яшар тул қолган кўнгли ярим келинчак хаёлини ўғирлашга қодир эди. Шундай бўлди. Соҳибқиронга ҳам шу керак эди аслида, мотамсаро келини андак овунса, дунёга сал кўнгли илиса бас...

Меҳмонхона остонасида Амир Темур билан Қутлуғ Туркон оқани қўлида заррин жиякли зангори бахмал кўрпачаға ўралган Муҳаммад Султонни кўтариб олган Сароймулкхоним ва ўзига бироз оро берган, чунки шундай қилишга уни Оққиз ундади, аввалги ҳусни кам-кам ўзига қайтаётган Хонзода хоним қаршиладилар. Ажойиб бир ҳолат юз берди: бобо билан биринчи набира дийдорлашмақда эдилар!

- Келсунлар! Келсунлар!... — эркалади соҳибқирон бекасар заррин тўнча кийдирилган гўдакни қўлига оларкан. — Паҳлавонни кўрингиз, паҳлавонни!.. Паҳлавонни!..

Амир Темурнинг Муҳаммад Султонни расмана биринчи марта кўриши эди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейинги паллаларда гоҳ-гоҳ тўғри келганда чақалоқни кўришга интиламас, кўзикиб қолмасин деб кишилар олдига суюшдан кўрқар, фақат кўнгли увалганча бағрига босиб қўйиш билангина чекланарди. Мана энди Муҳаммад Султон билан илк бор юзма-юз кўришиши... Бонуйи кубро, маҳди улё ва малика соҳибқирон ёнида уни кузатиб турар эдилар.

Епинчиғни очиб, тўйган кўзидай маъраб ухлаб ётган гўдакка термилар экан, соҳибқирон қалбини алақандай тўйғу чулғаб олди... Жажжигина гўдак дунё ишларидан мутлоқ беҳабар, ҳозир уни кўрмакка улғу бобоси ташриф буюрганини хаёлига ҳам келтирмай уйқута фарқ ётарди. Бирдан худди бобоси келганидан мамнун бўлгандай ширингина кулиб қўйди... Унинг кулгуси шу қадар бегубор эдики, соҳибқирон мўъжиза кўргандай ала-нечук ҳолга тушди, узоқ йиллар бундай мўъжизани учратмагани! Гўдакнинг бегубор кулгуси чиндан ҳам Аллоҳнинг мўъжизасидир! Халоқи безаволга салламно!

Амир Темурнинг борлиғига нур югургандай бўлди, кўнгли ёришгандан ёришиб кетди! Мана шу Муҳаммад Султон - ўғлининг ўғли... Ана, отасига ўхшаб турибди, қошлари, лаблари, бурунчаси, манглайи — бари худди ўзи!.. Бас, ўғлининг номи ўчмайди, изи йўқолмайди! Валиаҳднинг ўғли валиаҳд бўлгусидир!

- Кўрдингизму, паҳлавонни!.. — деб қўйди Сароймулкхоним.

Амир Темур меҳр билан юзини оҳиста набирасининг момиқдай юзларига босганча бир лаҳза жим қолди... Соқол санчилганидан безовта бўлган мурғаккина уйқу аралаш тамшанганча инграңди-да: "Роҳатимга халал бераётган ким у?.." дегандай, бошини бирикки қимирлатиб қўйди...

Қутлуғ Туркон оқа болани соҳибқирон қўлидан олар экан, эркалаб бола тилидан сўзланди:

- Хуш кейибсиз, бовойон! Сизни йуда соғиндим... Мени қачон йангта обоясиз?.. Мен йангта тайёйман... Тайёйман! Фақат энагам йўйгагимни қуйқуқлаб қўйсайай бўйди...

Ҳамма хандон отиб кулиб юборди. "Оббо, уни қаранглар-а!", "Жангта тайёр эмиш!..", "Йўрғагини қуруқласа бас эмиш..." қабилида сўзлар эшитишди. Хонзода хонимга ҳам напға қилди, у овозсиз өззини беркитиб куларди. Кулги садолари орасида Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг йўғон овози ажралиб турарди.

- Хўп, хўп, паҳлавон! Жангта боясиз! Жангта боясиз... — чақалоққа тақлид қилиб деди Амир Темур кўзларидаги ёшларни артар экан.

Сароймулкхоним эгачидан болани олди-да, бир ўпиб Хонзода хонимга узатди. Оққиз, бирор кўмак керак бўларми дея, ўша ерга шошиди. У гўдакни кўрмоқчи бўлиб дамба-

дам бўйнини чўзар эди. Малика ўғилчасини бағрига босганча авайлаб ёпинчигини ёпиб қўйди, кейин нарироқда кутиб турган энага Холдона бибига берди...

Меҳмонлар устига башанг дастурхон ёзилган сандал атрофига, шоҳи кўрпачаларга ўлтирдилар. Соҳибқирон жияклари барқут гулдор кўрпа остига оёқларини узатди. Ўт ҳарорати дарров зирқираб оғриб турган ўнг оёғига, сўнг ўнг қўлига етиб борди.

- Мўғулистон томонларда қийналмадингизму, Темурбек? — сўради Қутлуғ Туркон оқа мийиғида табассум билан.

- Ёрийни қочирдик... Максудимиз ани тутмак, бирваракайига иддаоларидан қутулмак эрди... — деди Амир Темур. — Аммо Қамариддин яна жон сақлаб қолди, худонинг айт-вони бўлар экан-да...

Сароймулкхоним соҳибқиронни кўпдан қийнаб келаётган ўша муртад Қамариддин ҳақидаги ёқимиз гапларни тезроқ ўзгартиришни истарди. Маҳди улё деди:

- Амир соҳибқирон... Мол-хирож олиш ҳақидаги тузуқлардан фуқаро мамнун эмиш... Раиият хурсанд, ҳамманинг қўли дуода...

- Шундоқму?... — ҳайратлангандай деди Амир Темур. — Рост, босқинчилар замонида кўп нарса издан чиқиб кетмиш эди... Раиият оғир аҳволда, юрт пароканда, ҳар ёқда вайрон-нагарчилик... Энди уни обод қилишимиз жоиз... Бу борада фуқародан мол-хирож олиш, солиқ ундириш жуда ҳам чирсиллаган муаммо ҳисобланади...

Ҳамма соҳибқиронда бу ҳақда гапириш истаги борлигини сезди:

- Барини изга солмак лозим бўлди... — давом этди Амир Темур. — Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз<sup>19</sup> қурса ё бирон боғ кўкартурса, ёки хароб бўлиб ётган ерни чаманга айлантурса, биринчи йили ундан ҳеч қандай солиқ олинмасун, дедим. Бу ўшанга ажр ҳисоблансун. Иккинчи йили фуқаронинг ўзи ҳиммат қилиб берганини ол-сунлар. Учинчи йили қонундагидек олсунлар... Буцдан бошқа, ёзги, баҳорги ва кузги экин-тикинлардан олинган ҳосил раииятнинг ўзига қолсун... Лалмикор ерларга келганда учдан бир, тўртдан бир қондасига кўра иш юритсунлар... Яна. Кориз, булоқ, дарё ва сойлар суви билан сувориладиган ерларни ҳисобдан ўтказсунлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини раииятга, қолган бир ҳиссасини олий саркорлик<sup>20</sup> учун ажратсунлар... Яна. Раиият етиштирган ҳосилнинг бир харвор<sup>21</sup> буғдойини беш мисқол<sup>22</sup> кумуш, бир харвор арпасини икки ярим мисқол кумуш миқдорида баҳоласунлар... Яна. Буюрдинки, солиқни яхшиликча олсунлар, калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўқишгача олиб бор-масунлар, ҳеч кимни бағд этиб, занжир билан кишанламасунлар...

Амир Темур, мол-хирож масаласида батафсил тўхталаркан, адолат тамойилларига риоя қилиниши зарурлиги, раииятни қашшоқлантириб қўймаслик кераклиги ҳақида гапирди. Акс ҳолда бу салтанат хазинасини камбағаллаштишга олиб келишини ургулади. Хазина камайса, сипоҳни тутиб бўлмай қолади. Сипоҳсиз салтанат салтанатми?..

- Аъло дедингиз! Сипоҳсиз ҳеч қандай салтанат узоққа боролмайди, Амир соҳибқирон! Кам бўлмангиз! Улус-халқнинг дуосига қолибсиз... — маъқулади Қутлуғ Туркон оқа. У мавзун и ўзгартириш учун, гарчи хабари бўлса ҳам, билмагандай сўради: - Айтгандай... Жўжи ўлус шаҳзодаёс қошингизга келаётган эмишму...

- Ҳа, Манғишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон фарзанди Тўхтамиш ўғлон шундоқ истак билдирибдур... — Соҳибқирон узун қўлларини кўрпа остидан чиқариб сандал устига қўйди. — Дашти Қипчоқ томондаги вазият мамлакатимиз учун бағоят муҳим... Жўжи улуси бизга дўст эрмас... Ва улар бизларни ёқтирмайдурлар, чунки юз элик йилдан бери бу юртни Чингизхон авлодлари бошқардилар, эзгу одатларимизни топтадилар, мамлакатимизни хароб этдилар... Уларнинг фикрича, шундоқ давом этабермоғи лозим эди... Энди эса Туроннинг ўзидан чиққон, подшоликка даҳли йўқ, қандайдир шухрат таратмагон бир бекнинг ўғли юртга эғалик қилиб турибдур... Ана шу салтанат тизгинини ўзимиз қўлга киритганимизга чидай олмайдулар... Улар давру даврон суришлари керак, биз эса хизматкорликдан нари ўтмаслигимиз лозим эди...

Ундан кейин ҳеч ким, мана шу Темурбекнинг ишлари бир юришиб кетсун, Турон мамлақати гуллаб-яшнасун, деб бизга меҳрибончилик кўргизмайдур. Ҳеч қачон! Аксинча, иложининг борица ҳалак етказадилар, тўсқинлик қиладилар. Юрт ичида тескарчилар бор, бузғунчи унсулар кўп... Улардан фойдаланадилар... Бас... Шимолий чегараларни мустаҳкамлашимиз даркор, бизга йўлдошу қўлдошлар керак. Шу маънода Тўхтамиш ўғлон келишига умидлар боғлайдуermen, Опа... қани келсун-чи, кўрайлик-чи... Аллоҳ ноумид қўймасин ишқилиб... Барчаси суннати Аллоҳдандур, албатта...

- Худо ёрингиз!.. Тилагимиз - юртимиз тинч бўлсун... ҳам ўзларини эҳтиёт қилсунлар, Темурбек!

- Аллоҳ ўз паноҳида асрасун!... — қўшилди Сароймулкхоним.

- Худо пошшо эгам, деганлар... — деб қўйди ўз-ўзига айтгандек Муҳаммад Чурога додхоҳ.

- Қуллуқ... Мана яқинда хабар етдики, қариндошимиз хоразмшоҳ Юсуф Сўфи Кот билан Хеваққа яна чопқун уюштирибдур... — деди ийжингандек Амир Темур...

Сароймулкхоним ҳайратда Қутлуғ Туркон оқага кўз ташлади. Бу қарашда: "Ҳазрат Хоразм ҳақида гапириб юбордилар-ку... Сал сабр қилсалар бўлармиди... Бунга Хонзода хоним қандай қарайдир энди?... Шўрлик келинимиз ўз дарди билан ўзи эзилиб, азоблар тортиб юрибди-ку?... " деган маъно яширинган эди. Хонзода хоним эса хотиржам ерга қараб турарди...

Малика бунга ўрганиб қолган. Амакиси Юсуф Сўфининг қайинотаси валинеъмат

Амир Темур Кўрагон билан таранг муносабатларини ўйлаганда ҳамиша шўрлик маликанинг юраги қон бўлади... Нега энди икки ҳукмдор келиша олмайдилар, мураса отини тутмайдилар? Ахир шунинг учун қуда-андаччилик ришталари билан бир-бирларига борлаңдилар-ку!.. Оҳ, бу қандай қисмат эканки, суйганига тегиб бахтли бўлолмаса, икки салтанатни хешу ақрабога айлангиришда хизмат қилиши керак бўлган тўйи ҳали роҳатини туюб улгурмай азага айланса! Амир соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимлар аҳди никоҳини "салтанат ҳужжати" деб атаган эдилар... Агар Самарқандга келганига уч йилдан ошаётган бўлса, "Ана, яна Юсуф Сўфи жанг қилибдур!...", "Тагин Хевақни юрат эгибдур!...", "Бухорони босибдур!..." қабилдаги пана-пастқамлардан отилган ҳар хил дашнолардан қулоғи бўшамади, хоразмшоҳнинг ҳам босқинлари тўхтамади... Икки салтанат ўрғасида илақлик пайдо бўлишини дил-дилдан истаган малика бунинг учун нималар қилиш лозимлигини ўйлаб ўйига етолмайди. Ҳаммасига ўзини айбдордай ҳис қилади, ўз ёнига ўзи қоврилади...

- Назаримда, Хевақ билан Котга чопқун уюштириш Юсуф Сўфининг иши эрмас... — сўзга аралашди Қутлау Туркон оқа оҳиста Сароймулкхоним ёнида кўрпа жиякларини ўйнаб ўтирган Хонзода хонимга бир қараб кўяр экан. — Ахир шундай қилса, у қудасига қарши борган бўлади-ку! Қариндошга қилич кўтарган бўлади-ку, Темурбек? Буни худо кечирмайдур!

- Шубҳасиз, Хоразмшоҳ ундай йўлга юролмайдур — эгачини сезилар-сезилмас қўллаб-қувватлади Сароймулкхоним... — Барчаси фитначилар ишидур...

Бонуйи кубро билан маҳди улё шундай дер эканлар, Юсуф Сўфи ҳақидаги адолатни айтиш эмас, балки кўпроқ малика Хонзода хонимни ёлғиз қолдирмаслик, унга, биз ёнингиздамиз, соҳибқирон гапирсалар қудаларидан ўпка қилиб гапиряпдилар, яқин кишидан ўпка қилинади — да, буни тўғри тушунингиз, дейишмоқчидай эдилар.

Амир Темур бирдан бошини эгиб ўлтирган Хонзода хонимга қаради, унинг руҳан сезилаётганини кўриб, шу ҳақда сўз очганидан ичида қойинди. Нима қилар эди бу ҳақда сўз очиб? Энди вазиятни ўнгламоқ лозим... Аммо қариндошчилик, қуда-андаччилик бошқа, давлат муносабатлари бошқа... Уртадаги рангларнинг илма-хил товланишларини ўзгартириш жуда қийин. Касални яширсанг иситмаси ошқора қилади, деганларидай, пинҳон тутиб бўлайдурган нарса. Ахир жуволдизни қошнинг ичида ҳеч сақлаб бўладими?

- Хонзода хоним, қизим... Ўғлим ўрнида ўғлим... — деди Амир Темур. — Унинг кўнглини ҳамиша авайлаб келамен... У менинг дилбақдидур, юрагимнинг бир парчасидур, табакай тирик эканмен, қўлим унинг ёрув манглайини силашдан, тилим бемисл ақлу идрокини мақташдан, кўзим кўрку ҳуснини кўриб қувонишдан асло толмайдур! Озор чеқдириб қўймасмен. Асло! Билсунларким, Хонзода хоним Амир Темур хонадон муртазойи муқаррама маликаларидандур ва шундай бўлиб қолгусидир!..

- Аллоҳ умрингизни зиёда қилсун, ҳазратим!.. Толоимизга дунё тургунча турингиз, илоҳо!

Хонзода хоним шундай дегач, шарт ўрнидан туриб тавоф айлаб соҳибқирон тўни пешини ўтди... Амир Темур қизалоғини эркалаб бағрига олган отадай малика бошини оҳиста кучоқлаб ўзига тортди... Бонуйи кубро билан маҳди улё, Муҳаммад Чуроға додхоҳ, ундан нарида Муҳаммад Султонни кўтариб олган Холдона биби ва Оққизлар Амир Темурнинг катта-катта кўзлари ёшга тўлганини, икки томчи ёш маликанинг бошига томиб тушганини кўриб турардилар. Валиеъматининг бағрига бош қўйган Хонзода хоним ҳам унсиз йиғлар эди... Эй, дунёи бевафо!.. Шу топда Амир Темурнинг ҳам, Хонзода хонимнинг ҳам кўнгилларида тугён урган армонларни, — малика учун суюқли ёридан айрилиш, соҳибқирон учун ишонган тоғидан жудо бўлиш ҳасратларини таърифлашдан... — бу бағоят мушкул юмуш эканлигидан, — ўзимизни тиямиз.

Бироз ғамгин сукунат чўқди.

Шу пайт Холдона биби кўлидаги гўдак нимадандир йиғлаб қолди. Хонзода хоним соҳибқирон бағридан сирғалиб чиқиб ўғилчаси томон талпинди... Энага сўзланар эди:

- Қўйинчангиз очдиму, шаҳзодам?... Қўйинчангиз очдиму?... Вой, қўйинчаси очибди...

Холдона биби шаҳзодани эмизгани қўшни бўлмага йўналди.

Меҳмонхонага жимлик чўқди.

- Аллоҳдан унинг қилган ишлари ҳақида, нега шундай қилдинг, деб сўралмас экан, Опа, ҳали ўзингиз шу ҳақда сўйлагон эрдингиз... Ҳа-а... — деди жимликни бузиб Амир Темур. — Муҳаммад Султон, Аллоҳдан умидим бор, менинг суянчиғим, валиаҳдим бўладур!..

Хонзода хонимнинг шўрлик қалби қандайдир ғурурдан ожизгина титради. Ростдан ҳам, унинг фикрича, — буни бировга айтгани йўқ, — Жаҳонгир Мирзо соҳибқироннинг шаръий никоҳдан туғилган фарзанди бўлганлиги сабабли валиаҳд саналган эди, у тахт вориси ҳисобланарди. Муҳаммад Султон эса ўша валиаҳднинг ўғли...

- Худо хоҳласа, суянчингиз бўладур!.. Валиаҳд бўладур! — деди эгачи. — Қандай суянчик, денг? Чинордай суянчингиз бўладур, ҳа!

- Яқиндагина шаҳзодам йигит бўлиб ёнингизга кириб қоладур, ҳазратим!.. — Сароймулкхоним қувончини яширмади. — Иншоолло, келин қидиришга тушгўймиз...

- Бандаси айтгани бўлавермас экан-да... — деди оҳиста Амир Темур, бу "вазиятни ўнглаш"нинг давоми эди. — Қуда-андаччилик ришталарини боғлашимиздан катта ниятлар қилгон эрдик... Бу дунёда бирлашмак улўв ҳикматдир, бўлингонни бўри ер, дейдилар.

Агар хоразмшоҳ Юсуф Сўфи билан яқин бўлсайди, агар у оқилона кенгашларга қулоқ солсайди, қудалар бир бўлиб юртимизни ёғийлардан асрай олар эдик-ку!... Мана ҳозир мен билмагон, синамагон чингизийлардан бирига умид бовлаб ўлтирибмен. Йироқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши эмасмуди?.. Агар қудамиз билан тил топишгонимизда Жетани ҳам бир ёқли қилмасму эрдик, Дашти Қипчоқ томонлар ҳам осойишта бўлмасму эрди?.. Юрт-эл, улус эмну омонликда кун кечирмасмуди?.. Ёғийларни тинчитиш ўрнига, ўзимиздан чиққан балолар билан савашмоғим лозим бўлиб турибди... Гоҳ Бухорога чопамен, гоҳ Хеваққа, гоҳ Андижонга... Ҳолбуки, Аллоҳ Куръони каримни ўқимақдан ва фақриду мискин вამини емақдан ўзга ташвишни менга раво кўрмагон... Чорасизмен, ўзга иложим йўқ, тагин гуноҳ остонасида турибмен, тагин қўл ихтиёрсиз қилич қабзасига чопадур...

Амир Темур сандал устида турган қўлларини дамба-дам бир-бирига ишқаркан, хаёлга чўмди...

Маҳди улё, Амир соҳибқиронни чалғитишим керак бўлиб қолди, деди ўзича ва шикаста овозда сўради:

- Агар оёқларини уқалаб қўйсам, майлими, ҳазратим?..

У ҳозир соҳибқироннинг ўнг оёғи бир пайтлар санчилган найза асорати туфайли зирқираб оғриб турганини сезди, ҳазрат оёқларини Сароймулкхонимнинг уқалаб қўйишини истар эди-ю, аммо барчанинг олдида жони қийналганини кўрсатгиси келмади, деб ўйлади ва ортиқ қистамади. Рости, маҳди улё эсласа, фақат хос хонада ёлғиз бўлганларидагина Сароймулкхоним ҳазратнинг ногирон оёқларини уқалаб кўяр экан...

- Йўқ, Биби... Қудамизда ҳам балки айб йўқдур... - Амир Темур яна ўз фикрини давом эттираркан, қўли беихтиёр иягига чўзилди. - Ҳамма гап унинг ёнига тўпланиб олгон сотқин фитначи, иявгарларда!.. Барини биламен!.. Анови Кайхусравнинг ўғли Султон Маҳмуд, Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурийлар хоразмшоҳнинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдариб, бизга қарши гиж-гижлағони гиж-гижлағон... Уларнинг мақсади юртни пароканда қилмак, кейин бир бўлагига эга бўлиб олиб даврон сурмак холос...

Хонзода хоним соҳибқирон чекаётган азоб-уқубатларни яхши ҳис этиб турарди. Шубҳасиз, Хоразм маликаси билади — ўн етти ёшли келинчаққа қийин, бошига оғир савдо тушди — Жаҳонгир Мирзоси кетди... Аммо Хонзода хоним, ақлу црокиннинг теранлиги, фаҳму фаросатининг ўткирлигидан кўрдик, Амир Темурнинг дарди-ю ташвиши уникидан кўра залворлироқ экан!.. У буни эди тушуниб етди... Малика қайинотасини шунчалар яхши кўрар ва эъзозлар эдик, унга тикон киришини ёки совуқ шамолат эсишини ҳам раво кўрмасди. Дунёда унга яқин уч одам бор холос: Амир Темур, Сароймулкхоним ва солидаси Шакар бика... Кошки эди, қўлидан келса-ю, Амир соҳибқирон дардларини енгилтса!..

Бирдан унинг хаёлига мавзуну ўзгартириш лозим, деган фикр келди. У шундай фикр бўлсинки, бу гапларни эсдан чиқарсин, Амир Темур кўнглига ёруғлик олиб кирсин...

Хонзода хоним Сароймулкхонимга ўғринча назар ташлади, маҳди улё сезилар-сезилмас "ҳа!" дегандай бош ирраб қўйди. Амир Темур кузатар экан, улар ўртасида қандайдир сир борлигини фаҳмлади.

Чиндан ҳам, сир бор эди.

Боғи Чинорга кўчиб ўтганидан кейин, малика кўп дамларини маҳди улё билан бирга ўтказарди. Кунлардан бир кун суҳбатлашиб ўлтиришарди, ўз-ўзидан гап айланиб, соҳибқироннинг ўғиллари, қизларига келиб қолди. Аслида эса бу Сароймулкхонимнинг иши эди.

- Аллоҳнинг кўрсатғонига шак келтириб бўлмайди, фақат тан олмак лозим... Жаҳонгир Мирзо мусибати салтанатга бало-офатдай ёприлиб тушди... Ҳаммамизни шу алам қулғабдур, қўллар ишга бормайдур, кўнгишлар гаму андуҳдан зада... Жудолиқнинг исқанжаси барчамизни, бутун салтанатни чирмаб олгон...

Сароймулкхоним уф тортди... Хонзода хоним бош экканча тинглар эди.

- Бонуи кубро эгачи дедиларки, ҳаммаси пешонадан, фақат соҳибқиронга қийин, ота-оналари вafотидан сўнг валиаҳд деб атагон жигарбандини тупроққа қўйиш унга энг оғир қулфат бўлди... Унинг устига фарзандлари ҳам унча кўп эмас. Бандаси эртанги кунни ўйламоғи фарздур...

Хонзода хоним маҳди улё сўзларини тушунолмай ўлтирса-да, гоҳ-гоҳ "тўғри" дегандек бош ирраб кўяр, Сароймулкхонимнинг нимадир демоқчи бўлаётганини, ийманиб, ниятини очиқ айтолмаётганини кўриб турар, аммо буни сездирмасди.

- Бир нарсани ўйлагон эрдим... — давом этди Сароймулкхоним. — Муҳтарама эгачимга кенгаш солдим, ул зот ниятимни жўяли топдилар... Маликам, билурсиз, ҳазратим сизни бағоят ардоқлайдурлар, авайлайдурлар. Кўнглингизга бирон хиралик тушиб қолмаслигини ҳамиша уқтирадурлар...

- Аллоҳга шукур... Биламен... Мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсун!

- Энди... Амирзодам маросимларини ўтказдик... Кун кетидан кунлар келмақда... Агар сизга мақбул бўлса, бир кенгашим бор эди-да...

- Қулоғим сизда... - Унг қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди Хоразм маликаси.

- Амир соҳибқирон ўғиллари Умаршайх Мирзо шиддатлари баланд, Мироншоҳ Мирзо бўлса ҳали ёшлар... Аммо қизлари буй етиб турибди... Айниқса, Оқа Беги хоним... ҳам унашиб қўйилгон...

- Оҳ, Оқа Беги хоним меҳрибон қайинсинглим!.. — ёришди бирдан Хонзода хонимнинг юзлари. — Ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчоқлигини айтсангиз... Ҳамиша маънос ҳолда кўрамен, қоп-қора мунчоқдек кўзлари ҳамиша мунгли... Амирзодамга қаттиқ қайғурди, юпатғонга кўнмайдир. Кечалари ҳеч кимга билдирмай йиғлаб чиқади...

- Шундоқ акасидан жудо бўлади-ю йивламайдирму? Айниқса, сингил ака учун ёмон куядир... - Чора йўқ экан-да, эвоҳ!.. — Хонзода хоним бошқа сўз қўшмади.

- Оқа Беги хонимни, биласиз, Муҳаммадбек ибн Мусога унашилғон эди...

- Биламен...

- Кўнглингизга малол келмаса, уларнинг тўйини қилсак, девдим...

- Вой, нега малол келсун?... Вой нега ундоқ дейсиз?... — Хонзода хоним астойдил ўпка қилар эди. — Жуда яхши ўйлабсиз, маҳди улэ жаноби олиялари!.. Қандай яхши! Бечора синглим ҳам сал қайғу-аламларни нарига қувадур...

- Кам бўлмангиз, маликам... - Сароймулкхоним бир лаҳзага жим қолди. - Бироқ...

- Нечун ўйланиб қолдилар?

- Мотамдан ҳали узоқ кетгонимиз йўқ... Тўй ҳақида фақат бир одамгина оғиз очиши мумкин. Агар бизлар шундоқ тўй қилурмиз, десак, ул зот сизни аяб, ранжитиб қўймасмиканмиз... демасмиканлар?... Ҳазратим сизни жуда авайлайдилар-да...

- Нега?... Ундоқ демасалар керак... - Хонзода хонимнинг шаҳдо кўзлари Сароймулкхонимга синчков тикилди. - Ҳим-м... Тўй ҳақида оғиз очиши мумкин бўлган одам ким экан?

- Тўй ҳақида оғиз очиши мумкин бўлган одам... бу фақат — сиз... маликам! Борди-ю, Оқа Беги хоним тўйини ҳазратимга... сиз айтсангиз, қандай бўларкин... Фақат сиз айтишингиз мумкин-да...

Гапнинг рости, Хонзода хоним бу ҳақда ҳеч ўйламаганиди. Лекин муҳтарама Орзумулк оқа уни кўргани келганида гап орасида, ўтай ўглини Оқа Беги хонимга унашиб қўйганларини айтиб ўтарди.

Дунё шунақа экан... Ўтган қайтиб келмаскан, қисматга бўйсунмай чора йўқ, деб ўйлади Хонзода хоним, подшо-ю гадони, асилзода-ю фақирни бир хил баҳога сотиб оладиган қудратли харидор — ўлим от солар экан, баъдаси ҳеч қаерга қочиб қутулолмайдур. Энди Аллоҳдан умид улдурки, амирзода руҳларини биҳишту ризвон уфорлари ила сийласун, махфират чечаклари хуш бўйи ила обод этсун...

- ...Фақат мен айтишим мумкин... дедингизму?

- Албатта, маликам! Сиз айтсангиз, Амир соҳибқиронга малол келмайдир, аксинча, келиним қайинсинглисига меҳрибонлик кўргизаётир, дея мамнун бўладурлар, ҳимматингизга тақин қойил қоладурлар... Шу билан ўзингизни ҳам, соҳибқиронни ҳам аяган бўлурсиз, бу фақат савобли юмушдир, маликам!

Хонзода хоним, индамасдан, розимен, дегандай бош эгди...

Хонимларнинг мусибатли воқеалардин кейин тўйлар ҳақида илк бор сўзлашишлари эди. Орадан бироз парда кўтарилгач, ҳар иккиси ҳам ўз кўнгилларида яширин ниётларини бир-бирларига айтиб бердилар. Сароймулкхоним Жаҳонгир Мирзо вафотидан олдин бўлиб ўтган воқеадан оғиз очди. Гап шундаки, ҳазратнинг мулозими Муҳаммад Чурога додхоҳнинг сулув энага Холдона бибига майлу раъбати бор экан. Бу ҳақда энаганинг ўзи маҳди улэга ёрилибди...

Сароймулкхоним табиатан ёрдамга муҳтож кишилар ҳожатини чиқаришни яхши кўрар, ҳамиша ўзини шундай савоб ишларга урар эди. Синчков назар ташлаб юрар экан, ўз мулозим кунизақлари орасида шундай тақдирга муносиб кишиларни дарров илаб олар ва тўйларини ўтказиб берарди. Боғи Чинор атрофидаги маҳаллаларда доим мана шундоқ тўйларга бош-қош бўлади, етим-есир, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиб туради. Бир куни қирқларга кирган муштипар аёл маҳди улэга келиб, биргина ўғли борлиги, маҳаллада номи чиққан зангин одам қизига ошиқ бўлганлиги, аммо у одам рўйхушлик бермаётгани, ёлғиз ўғлининг эса озиб-тўзиб бораётгани ҳақида йиғлаб арз қилди. Сароймулкхоним ҳалиги қизга совчи бўлиб борди, тўй ҳам бўлиб ўтди... Муштипар аёлнинг ҳалихануз дуодан қўли бўшамайди...

Игирма бирга кирган Холдона бибини уч йил аввал суйган йигитига узатган эканлар. Қиз тақдиридан жуда ҳам мамнун экан, чақалоқлари бўлибди, бўлибди-ю, афсуски, беш ойлик эканлигида кетиб қолибди. Ўша йили фалоқат юз бериб, куёви ҳам Хоразм юришида ҳалок бўлибди... Қайғута чўмган бебахт қиз, ўшандан бери, бошқа эр отини атамаймен, деб келаркан. Муҳаммад Чурога додхоҳ сулув энагани суюб қолибди... Додхоҳнинг хотини бир неча йил аввал оламдан ўтган бўлса-да, ҳали ҳануз уйланишни истамас экан... Ўшанда Сароймулкхоним саъи ҳаракат кўргизиб, уларнинг тўйини ўтказиб берди. Тўрт ой аввал Холдона биби билан Муҳаммад Чурога додхоҳ ўғил кўрибдилар...

Хонзода хонимнинг айтганлари ҳам қизиқ эди. Жаҳонгир Мирзонинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир билан маликанинг канизаги Оққиз ўртасида шаффоф кўнгли пардаси бор... Улар бир-бирларини жуда яхши кўрадилар. Амирзода баҳодирга энг яқин мулозимлардин бири сифатида қарар, унга ишонарди. Баҳодир ҳам ҳеч қачон панд берган эмас, ўзини аямай амирзода хизматини адо этарди. Хоразмда Қайсария карвонсаройидан кейинги муюлишда Зангорикўл бўйига боришаётган Хонзода хоним ва унинг дугоналарини "қароқчи"лардан "қутқариб" қолган ҳам шу баҳодир эди...

Мотам кунларидан кейин, баҳодир юкуниб келиб: "Малика жаноби олиялари, амир-

зодам хизматкорларимен... Ижозат берсалар, амирзодам ҳурматлари, хизматингизда қолсам... Сизни худо ўз паноҳида асрасун, мени бошқа ёққа бериб юбормангиз!.." дея илтижо қилди. Тўғри, қолса - амирзода ҳурматлари, айна бир пайтда уни бу ерга боғлайдиган бошқа сабаб ҳам бор, бу — баҳодирнинг Оққизга муҳаббати... Хонзода хоним йиллар ўтиб қанизақликдан сирдош дугонага айланган Оққизнинг баҳодир номини эшитганда титраб кетишини ҳам яхши билади...

- Оқа Беги хоним билан Муҳаммадбек ибн Мусо тўйлари бўлса, бошқа тўйларга ҳам йўл очилади... — деди Сароймулкхоним. — Раияту фуқаро мотаму фам тўрига ўралиб қолди...

- Аллоҳнинг буюргани шу экан-да... — деди холос малика... — Не десалар, розимен...

Хонзода хоним Сароймулкхонимнинг уни қанчалар авайлашини яна бир бор ҳис этди. Таклифни ҳам узоқдан олиб келиб айтдилар. Ҳа, одамни авайлаш - Аллоҳнинг иноятларидан бири, пайғамбаримиз суннатларидандир...

...Ана шуларни эслар экан, Хонзода хоним ийманганча Амир Темурга деди:

- Эй меҳрибон падари бузрукворимиз! Валинеъмат соҳибқиронимиз... Бир нарса сўрасам бўлурму?..

- Сўрангиз... Сўрангиз...

"Хайрият... — деди ичида Амир Темур. — Нима сўраса, адо этгумдир. Кўнгли сал ёзилсин..."

- Хусну сийратда ва суратда ягона қайинсинглим Оқа Беги хонимнинг тўйлари... қачон бўладур?..

Кутилмаган бу саволдан нафақат Амир Темур, балки Қутлуғ Туркон оқа ҳам, бошқалар ҳам ҳайратта тушдилар. Хоразм маликасининг ҳимматини кўрингиз! Ўзи азада ўлтирибди, шу нарса қайинсинглиси бахтига зомин бўлиб турибди, тўй ахир баҳорда бўлиши мўлжалланганда-да. Қолиб кетди. Бу ҳақда оғиз очишга ҳеч ким ботина олмаётир... Энди олийжаноб малика ўз ҳасратларини қалбининг бир пучмоғига жойлаб сасини чиқармасликка тиришмақда ва қайинсинглиси тўйи ҳақида ўзи тараддуд кўргизмақда, айтмақда...

Сароймулкхоним ерга қараганча мийиғида сезилар-сезилмас жилмайиб ўлтирар эди.

- Бўладур, қизим, албатта бўладур, яқинда бўладур!.. — жавоб қилди соҳибқирон.

Амир Темур Хонзода хонимни энди кўриб тургандай, тикилиб қолди...

Уч ойдан кейин Оқа Беги хонимни "ёр-ёр"лар билан Муҳаммадбек ибн Мусога узатдилар. Соҳибқирон сулокли қизига бир ҳафта тўй берди. Оққиз билан Ахий Жаббор баҳодир тўйлари унга уланиб кетди.

## Саккизинчи боб

### I

Аббос баҳодир билан Муҳаммад Мирақлар Қизилқум саҳросини кеза-кеза ниҳоят бир кўҳна хароб қалъа ичидан Тўхтамиш ўғлонни топишга эришибдилар ва иззат-иқромини жойига қўйиб соҳибқирон ҳузурига олиб келибдилар... Бу ҳақда соҳибқиронга хабар қилинганда, хумоюн ўрдудан, келганлар бир-икки кун ҳордиқ олсунлар, деган фармойиш берилди.

Кўксаройнинг чиройли кўринишхонаси, ундаги маҳобатли тахт бугун ўзгача маъно касб этгандек эди, оқиллар назарида. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин бир неча ойлалар тахт бўш турди, соҳибқирон Кўксаройга қадам изи босмади. Ниҳоят бугун улут амирнинг муборак нафаслари салтанатнинг олий кошонасига етиши ҳамма учун тонг отиши сингари аниқ ва муқаррар бўлиб қолди. Қиш ўртаси бўлса ҳам, қор йўқ, Самарқанд кўчаларида қора совуқ изиллар эди.

Кўксарой дарвозаси олдида бутун аркони давлат вакиллари ҳозир бўлдилар. Аввалги йилда Бухородаги Арслонхон минорасидан иқтибос олиниб, дарвозанинг икки ёнида иккита маҳобатли баланд минора тикланди. Уралган беқасам нақшли қўш минора шаҳарнинг барча бурчакларидан, узоқ-узоқлардан кўриниб турар, Кўксарой салобатига салобат кўшарди. Минораларга саккизтадан фонус осилган бўлиб, ҳар куни кеч кирганда қоровул уларни ёқиб тушарди.

Ундаги минора ёнида Мир Саййид Барака, - уч ойдан бери Андхойда бўлган пири муршид икки кун аввал Самарқандга қайтиб келган эди, мамлакат хони Суюрғатмишхон, узун чўққи соқоли кўксига тушиб қолган Амир Жоку барлослар, чапдаги минора тағида Амир Улжайту опардий, кўзлари ирғиб чиққан Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусо, - у ушбу лавозимга тайинланганига бир йил бўлганди, - яқинда шайхулисломлик мансабини эгаллаган машҳур Шайх Бурҳониддин Марғинович авлодларидан Хожа Абдулмалик Самарқандий, вазири аъзам, қозикалон, доруға ва салтанатнинг бошқа аъёнлари жамулам кутишмоқда эди. Бир четда машшоқлар оҳиста кўҳна наволардан чалиб турардилар.

Бир палла йўлда икки юз қадамлар олислиқда соҳибқироннинг бўз оти Хонўғлон кўринди. Барча соҳибқирон истиқболига пешвоз юрди.

Хонўғлонни Амир Довуд дуғлат билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ етаклаб келишар, Умаршайх Мирзо ва Амир Сулаймоншоҳлар рикобшоши<sup>23</sup> мақомида эдилар.

Беш-олти қадам орқада изма-из Амир Оқ Буға найман, Амир Шоҳмалик, Муҳаммад-

бек ибн Мусо, Ахий Жаббор баҳодир ва яна кўп лашкарбошиларнинг қоралари кўзга ташланарди.

Кўксарой дарвозасига етиб келганларида барча соҳибқиронга отдан тушишга кўмаклашишга шошилди. Амир Темур даставвал пири муршид билан ҳамояуш бўлди. Уларнинг илк бор кўришишлари эди.

- Хуш келдингиз, Амир соҳибқирон! Қадамларига ҳасанот! — қутлади Мир Саййид Барака.

- Хуш келибсиз, соҳибқирон ҳазратлари! — қўл қовуштириб таъзим бажо келтирди Суюрғатмишхон.

- Аллоҳга шукур, дийдорлашиш насиб этди! — Қувончини яширмади амирул умаро Амир Жоку барлос.

- Қадамларига ҳасанот, соҳибқирон! Дунё тургунча турингиз! — тилак билдирди Амир Мусо.

- Аллоҳга шукур...

- Аллоҳга шукур...

- Еткурганига шукур!..

Салтанат аъёнлари таъзим қилиб, юқоридагидек шодлик ва шукроналик сўзларини нисор қилишдан чармасдилар.

- Куллуқ! Куллуқ! — деб қўяр эди мамнун Амир Темур.

Барча ўзини хушнуд ва масъуд онлар оғушида сезарди.

Кўксаройнинг чиройли кўринишхонасига йўналдилар.

Иккинчи ошёнанинг ўнг томонини бағд этган кўринишхона узунлиги олтмиш қадам, эни ўттиз қадам келадиган шифти баланд барҳаво бир хона бўлиб, деворларига файзиёб манзаралар чизилганди, ҳарир ипак пардалар тутилган ўн иккита кенг деразаси Чорсу майдонига қараганидан ёруғ ва чароғон эди.

Амир Темур одатига оқсоқланганини билдирмасликка ҳаракат қилиб, шошилмай битта-битта қадам ташлаб, тўрдаги тахтга бориб ўлтираркан, пири муршид билан Суюрғатмишхонни тахтнинг икки тарафида беш қадамлар нарида қўйилган нақшинкор курсиларга таклиф этди. Салтанат аҳлининг қолган аъзолари хона ўртасида ярим ёй шаклида давра қурдилар.

- Илоё, парвардигорнинг ўзи ушбу Қутлуғ хонадоннинг салтанат офтобини тонгла маҳшаргача завол чанғалидан асрасун ва устивор қилсун! Яратганининг беадад лутфи, адоқсиз карами ила азиз бошларига нусрат тожи инган Амир соҳибқирон умрлари узоқ бўлсун! Ал-ҳамду лиллаҳи раббил оламин!..

Пири муршид Мир Саййид Бараканинг залворли овозидан бир неча ойдан бери бундай дуоларни эшитиш насиб этмаган кўринишхона ичи бамисли янграб кетгандай бўлди.

Қўллар фотиҳага кўтарилиди.

Пири муршид давом этди:

- Амир соҳибқироннинг қалби очун<sup>24</sup> ҳодисаларини ўзида акс этдиргувчи кўзгу, бамисли жоми жаҳоннамодурки, унда барча бўлиб ўтган ва бўлажак воқеалар ҳам аён кўриниб турур. Унга назар ташлаш жанобингизга муяссар бўлғони учун шукрлар қиламен!.. Алқисса, бу оташин қалб садоларига қулоқ тутайлик...

Амир Темур пири муршиднинг юмалоқдан келган қип-қизил юзлари ҳаяжондан яна ҳам қизара бошлаганини кўрди. Бироз сукот сақлагач, аркони давлатни Мўғулистонга юриш тафсилотларидан бохабар этиб қўйиш ниятида сўзга оғиз очди:

- Ноўрин даъво қилгувчилар ва тўхматчилар тилини кесмоқ учун кўп далилу исбот келтира олғоймиз... — деди Амир Темур. — Ажабо, денгизни галвир билан қуритмакчи, тонни елпигич билан елиб юриб текисламакчи бўлибдурлар... Шер уясига бош суққан кўппак Қамариддиннинг худога айтғони бор экан, жаноблар, уни тутиб найзага илиб келишни қаттиқ ният қилгондим... Бу сафар ҳам қутулиб қолди...

- Хафа бўлмангиз, Амир соҳибқирон, вақти соати келади!.. — деб қўйди қаттиқ дардга чалиниб яқингинада оёқда турган, анча озиб кетган Суюрғатмишхон... — Худонинг буюрғон кунни бордур...

Амир Темур ҳали йўлдалигдаёқ, Тўхтамиш ўғлоннинг келган-келмагани ҳақида сўраб-суриштирганди. Аббос баҳодир қипчоқ билан Муҳаммад Мираклар Хоразмдан икки фарсах масофада жойлашган Жўйи қовун суви бўйида турганларида юборган чопарлари хабарига қараганда, ўшанда ҳали Тўхтамиш ўғлонни топа олмаган эканлар.

Кўп ўтмай мулозимнинг:

- Авлоди Чингиз, шавкатли Тўйхўжа ўғлон дилбанди Тўхтамиш ўғлон жаноблари зиёратингизга мунгазирдурлар! — деган овози кўринишхонани тутди.

- Кирсун! — ижозат берди соҳибқирон.

Ҳамма гўёки фавқулодда муъжиза юз бериши кутилаётгандай бир алфозда беихтиёр кўринишхонанинг нақшинкор эшигига юз бурди...

Даставвал Муҳаммад Чурога додхоҳнинг Амир Темурниқидан чоҳроқ жуссаси кўринди. Одатда узоқдан келган меҳмонларни олиб кириш унинг зиммасига юклатилган эди. Бироз фурсат ўтгач, йигирма ёшлардаги дуркун йигит кўринишхонага дадил кириб келди. Эгнига этаги ер сулурган узун қора чакмонни елвагай ташлаб олганидан бўйи яна ҳам балаandroқ, салобатлироқ кўринарди. У остонадан икки қадамча ўтиб тўхтади ва турган жойида тахт томонга қараб эгилиб таъзим бажо келтирди...

Бу Тўхтамиш ўғлон эди.

Ортидан Аббос баҳодир қипчоқ, Алибек Қўнғирот, Ўрунг Темур, Оқ Буға баҳрин ва Муҳаммад Мираклар пайдо бўдилар. Улар, кўринишхона маҳобатиданми ёки рўбарўда элик қадамча нарида ҳашаматли олтин тахтада қўр тўкиб ўлтирган Амир Темур салобатиданми ўзини бироз йўқотиб қўйган Тўхтамиш ўғлон қулоғига ниманидир шивирладилар. Чамаси, улар Тўхтамиш ўғлонга ўзини қандай тутиш, соҳибқирон билан кўришганда нима дейиш ҳақида маслаҳатлар беришган кўринарди. Меҳмон шу заҳотиёқ қад ростлади, кўринишхонага қандай дадил кириб келган бўлса шундай алфозда олтин тахта қараб юрди.

- Хўроздай йигит экан... — пичирлади Амир Довуд дуғлат ёнидаги амирул умарога.

- Фариндай қоматига қарангиз... — Чингизхон авлодидан кўз узмай деди Амир Жоку барлос.

- Қадам олишига боқингиз! Бургутдай шиддатли!.. Тушундик... — сўз қўшди Амир Мусо ҳам.

- Доно йигит кўринадир — ўзига ўзи дегандек пичирлади шайхулислам.

Хожа Абдулмаликнинг саллали боши узоқдан қараганда савоғи пастта қилиб қўйилган ноққа ўхшаб кетарди, юзи янига қараб кичрайиб борган, учли иякда тўртта-бештагина соқол кўзга ташланарди. Ҳамиша чиroyли гулдор тасбеҳни қўлдан қўймак, ҳатто дуога ҳам тасбеҳ билан қўл кўтарар, "хожаи коинот" сўзларини яхши кўрарди.

- Хон авлоди-да, палак тоза... палак... — қойил қолди Амир Улжайту опардий.

Амир Оқбуға найман қўлини тўлдириб кетмон соқолини силаб қўяркан, "Маъқул!" дегандай бош тебратиб қўйди.

Аммо Суюрғатмишхон Тўхтамиш ўғлон ташрифидан хурсанд эмаслигини яшириб ҳам ўтирмади. Узи қотмадан келган, кейинги пайтларда сал озиб қолган хон ўтирган жойида қимирлаб-қимирлаб қўярди. Тўйхўжа ўғлон валади ташриф буюрармиш, деган гап чиққанидан бери у оромидан айрилди. Рақиб келмоқда эди, рақиб! Қорасини ўчирсин эди ўша Дашти Қипчоқ томонларда!.. Гарчи ўзи ҳам чингизийлардан, лекин бутунги кунда уларга ишониш қийинлигини тан олади. Амир соҳибқирон содда одам, бирон кимса кўз ёши қилиб келса, нима деса ишониб кетаверадилар. Аммо буни у Амир Темур Кўрагон ҳазратларига қандай айтади?

Тахтнинг чап томонида ўлтирган Мир Саййид Барақа меҳмонга боқаркан, беихтиёр кўнглига қандайдир нохуш нарсасо яси қимирлаб кириб олганини сезди. Нега шундай бўлганини англай олмади. Фолиб, Амир Темурга нигоҳ ташлаганда, Абулмансуру Абулмузаффарнинг чеҳрасида қувонч ва мамнунлик аломатларини кўрди-ю кўнглидан ҳар хил гумонларни нари қувди. "Амир соҳибқирон одам танлашда асло адашмайдилар..." — кўнглидан ўтказди пири муршид ва хотиржам бўлди.

Амир Темурга узоқдан келаётган Тўхтамиш ўғлоннинг тахаббуруна қадамлари негадир ёқмади. Аммо буни билиб билмасликка олиши, нисбатан яхши муомала қилиши, иложи бўлса, салтанат йўлида ундан фойдаланиши керак. Қани, кўрсин-чи...

Тўхтамиш ўғлон тахтага ўн қадамча қолганда: "Ассалому алейкум, жаноби олийлари!" деди, сўнг бориб тиз чўқди-да, Амир Темурнинг чеккаларига нақшинингор зар босилган оқ банот тўни пешини уч марта ўпиб кўзларига суртди. Кейин орта чекинди-ю тўхтади ва бош эгиб таъзим қилди:

- Отасизмен, Амир соҳибқирон, отасиз қолганмен... Отам ўрнида ота бўлингиз! Мен тутинган ўғлингиз бўлай! Уғил бўлай деб келдим!..

Меҳмонни яқиндан кўрган Амир Темур ёқа тутар даражада ҳайратда қолди. Одам ҳам одамга шунчалар менгзар экан-а!.. Вожаб! Тўхтамиш ўғлоннинг Жаҳонгир Мирзоникидек залворли эмас, интичқароқ, бироз ёқимсизроқ овозини демаса, Тўхтамиш ўғлон қўйиб қўйгандай... Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи эди! Бўйи ҳам, келбати ҳам... Агар амирзодага нисбатан хонзоданинг дадилроқ юриши, шиддатлироқ нигоҳи демаса, улар бир-бирларига жуда ҳам ўхшар эдилар. Халлоқи безаволга салламо!

Тўхтамиш ўғлон ҳали ўсимлик нуқси сезилиб турган, дуркун, тиниқ юзли, ёрқин кўзли эди, илк сабза урган мўйлаби ҳам ўша улуг амирзоданикидек... "Тутинган ўғлингиз бўлай, демақда... Уғил қилиб олсам-чи... Уғил! — пичирлади ичида Амир Темур. — Ўғлим, десам... Жуда ўхшайди... Ё раббий! Бир банданга қандай синовларни раво кўрмақдасен?.."

Соҳибқирон кўнгли увалиб:

- Хуш келибсиз, ўғлим! Хуш келибсиз!.. — деб юборди беихтиёр...

Одатда катталар ёшларни кўрганларида, эркалаш, яқин олиш ниятида танимаса ҳам: "Ўғлим!", "Қизим!" ҳам мурожат қилишади. Лекин Амир Темурнинг илинж билан айтган ҳозирги сўзларида ўзгачароқ маъно-мазмун яширинган эди. Буни ҳамма сезди. Айниқса Амир Жоку барлос ўзгача ҳолга тушди, юраги букиллаб, бир лаҳза аъзои баданга титроқ кирди. Соҳибқирон "Ўғлим" деганда, чамаси, амирзода Жаҳонгир вафотидан сўнг бўм-бўй бўлиб қолган бағри тўлгандай, ўғли ўрнига ростдан ҳам уғил келаётгандек ҳис этарди ўзини... Ҳа, бу аниқ ва равшан эди!

Тўхтамиш ўғлон бошини кўтарди, қараса, Амир Темур Кўрагон ҳазратлари тахтадан тушиб у томон келмоқдалар! Яна "Ўғлим!" дейишлари бағоят кўнглига ёқимли! Валинеъмати Тўйхўжа ўғлон қата этилади, етимлик машаққатини тортиб, мустарикда юрган бир бечора хонзодани энди Темурбекдай шавкатли подшо ўзига фарзанд санамоқда... "Тутинган ўғлингиз бўлай деганимга лаҳқа ишонибди!.." — деди ичида мамнун Тўхтамиш

ўғлон. Шериклари берган маслаҳатга қулоқ солиб яхши қилибди. Подшоларга ўғил бўлай десанг ёқар экансан...

Амир Темур беихтиёр қулочини ёзганча хонзодага яқинлашди ва Чингизхон авлодини баърига олди. Сарой аъёнлари таажжубда тикилиб турардилар. Оқ банот тўн кийган Амир Темурнинг қора чакмонга ўралган, бўйи соҳибқирондан бироз паст Тўхтамиш ўғлон билан ҳамоғуш бўлганидан кўзлари ичига тортиб кетган Суюрғатмишхоннинггина кўнгли хижила, ғаш эди. Қордай оқ банот тўн билан мумдай қоп-қора чакмоннинг ёнма-ён туришини кўрингиз! Бамисли Амир Темур қўйнига қора илон кириб олгандай... Иложи топиламан эди, хон шу заҳотиёқ бориб, уларни ажратиб, соҳибқиронга яхшилаб тушунтирар, Тўхтамиш ўғлонни эса рўй-хотир қиламай аччиқ-аччиқ сўзларни бетига айтиб, ҳайдаб юборишга фармон берган бўларди! Аммо соҳибқирон ҳазратларининг кайфиятлари олий даражада эканлигида Суюрғатмишхоннинг бундай тутуми бошқача англашилиши мумкин. Хон Чингизхоннинг ўзга авлодига кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборга ҳасад қилаёттир, ичиқоралик билан қараёттир, кўролмаёттир, демайдуларму? Албатта, дейдилар. Амир Темур бандасидаги мана шу ожизликни - ҳасад балосини асло кечири олмасди, Суюрғатмишхон буни яхши биларди. Шу сабабдан хон ўзини босишга мажбур бўлди, бирон нима дейишдан тилини тийди.

Барчанинг мактов ва олқишлари остида соҳибқирон меҳмонни етаклаб тахт пойига олиб келди ва ёнма-ён ўлтиришга таклиф этди. Унинг чингизий подшоҳзода паноҳ истаб келганидан мамнун эканлиги кўриниб турарди.

- Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлоннинг ҳузуримизга келиши салтанат парвози йўлидаги Қутлуғ қадам бўлғувсидур, жаноблар! - деди аркони давлату сарой аъёнларига соҳибқирон. - Уни ўғиллик рутбасига муносиб кўрдук, умид улким, бир фарзанди солих мисоли сояи давлатимиздан баҳраманда бўлғувси ва камол топғувсидур. Илоҳо, бизни подшоҳзоданинг азиз бошини силаш ҳимматидан дариг тутмасун!..

- Илоҳо, омин! - дуога қўл очди Мир Саййид Барака.

- Омин! - тасбеҳли қўлини юзига торти шайхулислом Хожа Абдулмалик Самарқандий.

Ўзгалар ҳам "Илоҳо, омин!" дея шариат пешволарига жўр бўлдилар.

"Чингизхон авлоди - хонлар авлоди, - хаёлидан кечирди Амир Темур, - улар бизларга нописандлик билан назар ташлайдилар. Одам ўрнида кўрмайдилар, буни-ку биламиз... Қўлингдан келса яхшилиқ қил, деганлар пайғамбаримиз. Подшоҳзоданинг эъзоз-икромини шундай баланда кўтарайки, туша олмай қолсун. Кўмак берсам, қўлласам, иншооллох, ўғлимиздек бўлур... Юртнинг Дашти Қипчоқ томонлардаги сарҳади тинч бўлади. Сўғин, қарздор ҳам қилиб қўйиш керак-да... Бу ҳам кишиларни боғлаб олишнинг боболардан қолган усули..."

Шу палла хаёлларга ғарқ Тўхтамиш ўғлонга кўзи тушиб қолган эди, унинг ерга маъюс қараб туриши яна Жаҳонгир Мирзони ёдга туширди-ю вужуди енгилгина жимирлаб қўйди.

-Мамат!

- Қулоғим сизда, соҳибқирон ҳазратлари! - қўй кўзларида ўт чакнади Муҳаммад Чуроға додхонинг.

Амир Темур мулозими кейинги пайтларда иложининг борича соҳибқирондан йироқ кетмасликка, ҳамиша ёнида бўлишга тиришди. Қайғуга чўмган дамларда соҳибқиронни юпатиш, чўккан кўнглини кўтариш йўларини қидирди. У шундай йўларни топа олишга моҳир эди ҳам. Одатда, киши бошига оғир кунлар тушганда ўтган умр, босилган қадамлар, яхшилигу ёмонлиги, қувончу ташвишлар ҳақида беихтиёр хаёлларга берилади, ўзига паноҳ излайди. Худди шу нарсани соҳибқирон ўз бошидан кечирмоқда, ўзи шунинг шохиди бўлиб турибди.

Ухшаш руҳий уқубатли паллаларнинг бирида Муҳаммад Чуроға додхон Амир Темурга бундан йигирма беш йил муқаддам, ўша Шайх Шамсиддин Қулолнинг Шаҳрисабз чеккасидаги кенг-мўл чорбовига боргани-ю кичиккина ариқ бўйида дафъатан сочлари майда-майда ўрилган қизга дуч келиб қолганини эслатди... Мулозим мўлжални тўғри олганлигига шу заҳотиёқ имон келтирди: ғамнок Амир Темурга бамисли жон кирди, юлдуздай ярқ этиб бир кўриниб Боғи Эрам париаларидай ғойиб бўлган офатижон қирқ кокил ойимча кўз олдига келди. Астагина "Воҳ!.." деди, аммо бу сўз қалбадаги надомат тафтини пасайтира олмади шекилли, чуқур хўрсиниб қўйди. Шаҳдо кўзми, ажабтовур суюклик, юзлари ширмой нондай хушрўй бу қиздан, ажабо, кейин бирон ном-нишон топилмади... Ё раббий! Бу қандай адолатсизлик! Суйган кимсангни куппа-кундузи йўқотиб қўйсанг, хоҳлаган вақтингда эмин-эркин кўра олмасанг!..

Орадан йиллар ўтиб кетди, аммо ўша юзлари ширмой нондай хушрўй қизнинг нурафшон сиймоси ҳануз соҳибқирон кўнгли оинасини беэаб турибди, ғойиб жамоли дил лавҳига оро бериб келмоқда...

- Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон, ўғлимиз ташрифини улуғлаб Боғи Нақши жаҳонда шоҳона тўй тадорики кўрилсун! Амирул умародан вазирларгача, амирлару нўёнлар, сардорлар ул жойга йиғилсунлар! Подшоҳзоданинг тенгқурлари бўлган амирзодаларни чорлангиз, танишсунлар, келгусида кўлдошлик, елкадошлик қилсунлар! Зеро, умр пиллапоълари тикдур, ёлғиз ўтмак баъоят мушкул, шунга эсдан чиқармасунлар! Муғаннийлар ўз чолғуларини созласунлар! Фароғат паллалари етди! Андоқ тўй-базм қилингизким, жаҳонда ҳам оти йўқ бўлсун, базми жамшид доврўғи дунёларга ёйилсун!

- Дунёларга ёйилсун!
- Ёйилсун!
- Ёйилсун! — қабилда овозлар янгради кўринишхонада.

Мир Саййид Барака соҳибқирон қалбида юз берган кўтаринки руҳ мавжларини ҳис қилди-ю ўзи ҳам тўлқинланиб кетди. Чиндан ҳам ҳаётнинг ачиқ ҳақиқатини англаб, қазойи қадарга тан бериб, муборак назарини оддинга, ёруғ кунларга қаратишга ўзида куч топа олган одамгина бахтлидур, Аллоҳ суйган бандадур. Бундай инсонларнинг қиммати баланд бўлади, шижоати комилликнинг юксак чўққиларидан кўзини узмайди...

У соҳибқиронга қўлловчи икки оғиз калом айтиб қўйиш заруратини сезди ва беихти-ёр жилмайиб турган Тўхтамиш ўғлонга бир қараб қўйди-да, бундай деди:

- Амир соҳибқирон! Оре, рост. Хорлиқда қолган бир кас паноҳ излаб қошингизга келганда, ҳимматингизнинг сарбаланд кошонасидан жой кўрсатмак сизга одатдир. Аллоҳ таоло сизга шундай табиату сийратни ато қилгон. Бари худодан... Мустафо ҳазратлари ҳадисларида дейилмишки, чиндан ҳам парвардигор олий ҳимматлиги ҳуш табиатлиликка боғлиқ шижоатларни хоҳиш этади ва ушмундоқ инсонни дўсту ҳабиб тутати. Алғараз, кимки бундан чекинса, кўргизилган иззату икромнинг қадрига етмаса, паст қимматликка юз бурса, у албатта охир-оқибатда хор бўлади. Кимки толенинг бундай бемисл марҳаматини англай олса номи шарафу шавкатларга бурканади... Ал-ҳамду лиллаҳир раббил оламин!

Пири муршид фикрини ўзгачароқ, юмшоқроқ йўсинда ифода қилмоқчи эди, лекин камоли тўғрисиўз эканлигидан тили бошқа ибораларга айланмади. Суюрратмишхон ичида мамнун бўлди, аммо чеҳрасига чиқармади. Амирлар бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар.

Ноқулай бир вазият юзага келгандай эди.

- Ҳимматимиз, иншооллоҳ, яхши самаралар тухфа этгай! — дарҳол деди Амир Темур ҳеч нарса сезмагандай. Ичида пири муршиднинг сўзларини маъқуллаб экан, ҳушёр бўлиш, жуда ҳам ишониб кетавермаслик, кўнгилда озгина шубҳага ҳам ўрин қолдириш кераклигини англади. Мир Саййид Барака ҳазратлари ана шунга ишора этмоқдалар. Рост-ти, мана шу чингизийзодага ўхшаб салтанат остонасига бош уриб келганларнинг бошлари баланд қилди, иссиқ-совуғидан хабар олди, ўзи емай едирди, киймай кийдирди. Оқибатда-чи, кўшлари барибир хиёнат йўлига кириб, соҳибқирон кўзига чўп суқиб, қилич ўқталдилар...

"Кимсаки валинеъматини юзига тик қарагай ва неъмат ризосини унутгай, Аллоҳнинг қаҳрига учрагай!" деган эди пири муршид бир куни. Ажабо, сен одамларга бевараз яхшилик қилурсен, эвазига улардан фақат ёмонлик кўрурсен... Ҳа, ёмон — ёмон... Ҳатто пайғамбаримиз айтган эканларки, ёмон одам унга яхшилик кўргизган одамга ёмонлик қилмагунча бу дунёдан кетмас эмиш! Водарин! Бари дунёи бевафонинг тескари иши. Соҳибқирон мана шуни тушунолмаётган келади, булар ношуқур инсон табиатининг бир-бирига зид бўлган хусусиятлари, кўринишлари, албатта... Раҳматли Жаҳонгир Мирзо худди мана шундай юзи қора бебаҳт хиёнаткорларга жазо бериш керак, эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи — ит, деб бекорга ёзғирмас эди-да... Бечора ўғли! Сиз ҳақсиз, амирзодам, лекин давлат сиёсатининг талаблари ўзгача, ҳийла ишлатишга ҳам мажбур этади, йўллари эгри-бугри... Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас... Ўшанда, афсуслар бўлмайким, шуни Жаҳонгир Мирзога яхши тушунтириш фурсати топилмади...

Мамнун соҳибқирон Тўхтамиш ўғлонга юзланди:

- Узоқ йўлдан ҳориб, уқубатлар тортиб келдингиз, ўғлим... Қиш охирида қолди, оз муддатдан кейин йўллар қурийд. Марди майдонликни кўрсатмак учун офтобли кундан яхшиси йўқ. Ҳеч қачон селу ёмғирда жанга киргулик қилмасун! — Амир Темур бундан ўн икки йил аввал юз берган "лой жанги"ни эслади, соҳибқирон қўшини ўшанда умрида илк марта мағлублик аламини тотган, душмандан қочиб қутулган эди. Айниқса, уларнинг жуфтакни ростлаб қолганларини кўриб, ёғийнинг осмонни тутган: "Қочди! Қочди!..." деган ғолибона қайқириқларини эслаганда ҳали-ҳали қизариб кетади. — Бироз истироҳат қилингиз! Зинҳор мусофирчилик азиятини чекмағайсиз! Мамат! Фармонимизни ет-курғилким, хазинадан подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон ва унинг тобеъларига тўққиз-тўққиз пешкаш қилинсун! Ҳадсиз-саноқсиз сийму зар, зебу зевар, чодир утов, молу мато, но-вораю туғ, оту ҳачир, асқару навқарларга ола боргоҳлар ҳам қўшиб тортиқ этилсун!

- Бош устига, ҳазратим! - қўли кўксига жавоб қилди Муҳаммад Чурога додхоҳ.

Атрофдан ҳамду санолар янгради:

— Ҳимматларига офарин!

- Илоё, давлатларига давлат қўшилгай!

- Беқиёс саховатларига тасанно!

Амир Темур бироз ўйланиб турди-да, давом этди:

- От — йигитнинг йўлдоши, дейдилар. Машҳур Хонўғлон отимни ҳам азиз ўғлимга бахшида айладим! Ўғлим азиз! Узорини яқин қилсун, илоҳо! Жонига ярасун! Тўхтамиш ўғлонга Хонўғлон йўлдош бўлсун! — Сўнг Тўхтамиш ўғлонга юзланди. - Ўғлим, бу отни асрангиз, унга келиб яраб қолади...

"Офарин!", "Офарин!" деган сўзлар эшитилди.

Ҳаля-ю инъомлар, совға-саломлар, кўриниб турган хушрўйлик, очикчеҳраликларга қарамай, подшоҳзода кўнглига алақандай шубҳа-ғумонлар соя ташлаб турарди. Амир Темур барибир унинг отаси ўрнини боса олмайди, донғи чиқмаган бир амирбачча. Чингизхон авлоди, келгусида Жўжи улусига - ҳа, у бунга қаътий ишонади! - подшолик

киладиган ўғлонга нечук ота бўлсин? Майли, у ҳозирча ўзини садоқатли ўғил қилиб кўрсатиб турсин...

Соҳибқироннинг учқур оти овозаси Тўхтамиш ўғлоннинг ҳам қулоғига етган эди. Доврури дoston дуадулини ҳада этиб юборганини кўриб боши осмонга етгудай қувонди, Амир Темурнинг қўли очиқлигига тан бермай иложи қолмади, гумонлар ҳам чекингандай бўлди. Сабаби, ашаддий от жинниси Тўхтамиш ўғлон мана шундай тулпорлар гадоси эди, от деса жонини ҳам берарди...

Подшоҳзоданинг тили ечилди:

- Бағоят миннатдормен, соҳибқирон ҳазрати олийлари! - Тўхтамиш ўғлон ўрнидан турди-да, таъзим бажо келтирди. Пири муршиднинг ҳали айтган сўзлари уни бироз сергаклантириб қўйди, лекин бу ҳақда жиддийроқ ўйлашга фурсати йўқ эди. Барини ичига ютди-да, давом этди: - Каминага бир умрга етажак ҳиммат кўргизаётирсиз... Уғлим, деб бошимни кўкларга еткурдингиз! Билингизким, Чингизхон бобомизнинг бирон авлодидан ҳам бунчалар яхшиликни кўрмаганмен! Отам қилмагон яхшиликни сиз қилдингиз, Амир соҳибқирон! Отам ўрнида отамсиз, валинеъматимсиз!..

"Билингизким..." унинг яхши кўрган сўзларидан эди. Ўғлоннинг ёрқин кўзлари ёшланди, яшириш учун беихтиёр тиз чўкиб такрор соҳибқирон тўни пешини уч бор ўпди ва кўзларига суртди. Кейин ёлворгандай деди:

- Урусхон отамни ўлдирди... Агар кўшин берсангиз, ўғлингизмен... ёрдам берсангиз, Олтин Урда тахтини олар эдик, соҳибқирон ҳазрати олийлари... Тузингизни оқлаймен... Душманларнинг додини берардик... соҳибқирон ҳазрати олийлари...

Тўхтамиш ўғлон қийинчилик билан бўлса-да, ўз ниятини баён қилди, аммо сўзларининг Амир Темурга қанчалар таъсир қилганини билолмади.

Шу пайт остона олдида кузатиб туришган Аббос баҳодир Қипчоқ, Алибек Қўнғирот, Ўрун Темур, Оқ Буға баҳрин ва Муҳаммад Мираклар шитоб подшоҳзода қошига йўналдилар.

- Ўғил муборак бўлсун! - қутлади соҳибқиронни пири муршид.

- Муборак бўлсун!

Амир Жоку барлоқ қутларкан, соҳибқироннинг саховатига яна бир бор тан берди, бироқ инъом қаторида Хонўғлон отини ҳам бериб юборганига ичи ачиди. Чунки соҳибқирон бу отни жуда ардоқларди. Кейин қадри ўтмасмикин, соҳибқирон тулпорини қўмсаб қолмасмикин, деган фикр кечди унинг хаёлидан. Кўп гувоҳ бўлган: Хонўғлон Амир Темурни кўрди, дегунча кўзлари ёниб, гижинглаб, ер тепиниб, бошини турли тарафга силкитиб хурсандчилигини ифода қиларди.

Милодий 1372 йилда Ҳирот малиги Малик Гиёсуддин соҳибқиронга мулозамат кўргизиб, давлатхоҳлик маъносидида сара отлари хачирлару тевалар, қумошу<sup>25</sup> зардан иборат совға-салом юборди.

Ўша ҳадылар ичиди Хонўғлон ҳам бор эди, уни алоҳида тақдим этдилар. Хушқомат, абжир, суқсурдай бўз от соҳибқирон диққатини ўзига тортди. Манглайига осиб қўйилган кўзмунчоқлар ила безалган жигарранг бахмал тумори қуйиб қўйгандай ўзига ярашиб турарди. От Амир Темурни биринчи бор кўргананда сира бегонасирамади, аксинча, мамнун бўлгандай "боши-боши" қилиб соҳибқирон томонга бир қадам ташлаб ҳам қўйди. "Одамдай ақлли, фақат тили йўқ холос..." дер эди Амир Темур Хонўғлон ҳақида. Шу-шу, Хонўғлонни назардан қочирмади. Жуда кўп сафарларга шу отда йўлга чиққанди, музаф-фарият ила пойтахтга қайтар экан, ҳар гал отнинг олтин узангиси, тилла югани офтобда ялтираганча, ўзгача бир нағма билан, кишнаб, пишқириб ўйноқлаб кириб келишини кузатар, ҳайратланарди. Хонўғлоннинг чиройли кишнаши, муносиб йўргаси ҳаммага ёқар, болалар эса олдига тушиб олиб сурон солиб кўчани тўлдириб чопишгани чопишган эди.

Энг муҳими, Амир Темур "сини бошқа" Хонўғлонсиз туроолмасди. Хоҳ Самарқандда бўлсин, хоҳ сафарда у ҳаминша сайисхонага бориб тулпордан бир хабар оларди. Келиши Хонўғлонга ёқшини отнинг тутумидан биларди. Амир Темур тулпорнинг манглайини, гўё ҳали замон афсонавий қанотлари ўсиб чиқадигандай товляниб ажралиб турган парқинини<sup>26</sup> силаб-сипалар, узун бўйни, зўр ўмгани, ялтираган сағрисига шапатилаб уриб-уриб қўяр, юз-кўзидан ўлиб эркаларди. Хонўғлон учун энг ширин лаҳзалардан бири — соҳибқирон қўлидан кишимиз еб, қанд ялагани эди.

Амир Жоку барлоқ Тўхтамиш ўғлоннинг шундай бебаҳо, насли тоза, зотдор от қадрига ега олишига шубҳа қиларди.

- Оҳ, оҳ, отаси қилмаган яхшиликни қилибдилар, Амир соҳибқирон! - Ҳайратини яширмасди Амир Улжайту опардий. — Ростдан ҳам ҳимматлари улур-да!..

Амир Довуд дуғлат, Амир Оқбуға найман ва бошқа амирлар ҳам соҳибқиронни "Тўхтамиш ўғлон"дай фарзанд билан чин дилдан муборакбод этдилар.

Тўхтамиш ўғлон бир томондан Аббос баҳодир Қипчоқ ва Муҳаммад Мирак, иккинчи томондан Алибек Қўнғирот, Ўрун Темур ҳамда Оқ Буға баҳринлар қуршовида улур амир ҳузуридан чиққанларидея Кўксарой ҳовлисида шундай манзарага кўзлари тушди.

Умаршайх Мирзо иниси ўн бир яшар, лекин ёшига қараганда дуркун Мироншоқ Мирзо билан сўхбатлашиб турар эдилар. Нарироқда Жаҳоншоҳ ибн Жоку ва Амир Сулаймоншоҳлар сўзлашишмоқда, яна ҳам нарироқда Амир Шоҳмалик ўн тўққиз-йигирмалардаги дуркун Шайх Нуриддин баҳодирга ниманидир тушунтиришга уринарди, Муҳаммадбек ибн Мусо бош тебратганча қулоқ солиб турар, гапга қўшилмасди.

Хумоюн Ўрдудан чиққан, базми жамшид қилинсун, деган фармоннинг нималигини

яхши тушунган амирлар Боғи Нақши жаҳон сари йўлана бошладилар. Марказий Боғ-кўча бошида карнай-сурнай овозлари ҳам қулоққа чалиниб қолди. Бундай ҳолнинг Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг пойтахтда илк марта юз бериши эди.

- Амир Темур соҳибқирон этакларини маҳкам тутингиз, хонзодам! Бу Аллоҳнинг буюк илтифотидур... - шивирлади мамнун Алибек Қўнғирот Тўхтамиш ўғлонни узангидан ушлаб отга миндирад экан. — Асло кам бўлмавайсиз!

- Ҳазрат этакларини маҳкамроқ, маҳкамроқ тутингиз, подшоҳзодам! — қўллаб-қувватлади Оқ Буға баҳрин бошқа узангидан қўлини олмай. — Омадимиз мана шунда!...

- Омадимиз шунда!.. — тасдиқлади Урунг Темур ҳам.

- Ҳа-ҳа!.. Омадимиз шунда... Шунда-а-а...

Тўхтамиш ўғлон шундай деди-да, узоқ-узоқларга кўз тикди...

## II

Боғи Нақши жаҳон уч кун давомида меҳмонлардан бўшамади. Ноз-неъматта тўлиб-тошган дастурхонлар ёзиқлигича турди, не-не бўрдоқи қўйлар сўйилди, майи ноблар ариқ бўлиб оқди. Кониғил ўланзорига ҳам чиқиб келдилар. Амирзодалар, амирлар ва нўёнлар, аркони давлат вакиллари подшоҳзода кўнглини олиш ниятида уни бир лаҳза ҳам холи қолдирмадилар. "Меҳмон — отангдай улут" мақоли мақомини балаңд тутдилар.

Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин Боғи Нақши жаҳонда биринчи бор мусиқа садолари янгради, шоуду хуррамлик суронлари теварак атрофга баралла эшитилди. Барчаси, оғир мусибатдан сўнг Турон мамлакатига ҳаётнинг яна ўз йўлига тушиб олганлигини, қоим маромини топганлигини кўрсатаётгандай, унинг мангулик ва даҳлсиз эканлигини, шиддатли одимларини ҳеч нарса тўхтата олмаслигини, инсон фақат кўрганга тан бериб яшаши лозимлигини ўқдираётгандай бўларди.

Юз бераётган воқеаларнинг нимасидир Умаршайх Мирзога ёқмас, шундан кўнгли хира эди. Унга гўё душманни кўра-била туриб, дўстлардай қарши олинганидай туюлар, бундан ичда кимдандир койинарди. Кўксаройдан чиққанларидан кейин ҳам, Боғи Нақши жаҳонда ҳам Тўхтамиш ўғлоннинг феъл-атвори, такаббурилиги, тутуми тегиб кетди-ми, гаши келганини яширолмади қолди. Амирзода назарида Тўхтамиш ўғлон очилиб-сочилиб ўлтирмади, у нимадандир норизодай эди, калондимовалик ила атрофга боқиб: "Кимлар билан ўлтирибмен ўзи?... Кимларга куним қолди?... " деяётгандай, бўлаётган иззат-икромларга ҳам беписандлик билан қараётгандай кўринди... "Чингизхон авлоди эмиш! Нима бўпти! Ана, тутни силкитсанг, Чингизхон авлоди тўкилади. Қанчаси сарсон-саргардон бўлиб юрибди, хасдан хор... Итнинг калласини тобоққа солсанг юмалабдир!..." - хаёлидан кечирди амирзода...

- Амир соҳибқироннинг бемисл ҳимматларидан кўнгиллари тўлмадим, дейман... Подшоҳзода ёзилиб ўлтирмадилар?... - деди Умаршайх Мирзо атай овоз қўйиб Жаҳоншоҳ ибн Жокуга, ўзидан уч одам нарида ипак тўшакка омонатгина чўнқайган Тўхтамиш ўғлонга кўз қирида қараб қўяркан. Амирзоданинг чеҳрасида мазаҳга ўхшаш ифода қотиб қолганди. Ажабо, неча кундан бери улар бирга базми жамшид қилишмоқда, аммо подшоҳзоданинг бирон марта ҳам мамнуну масрур бўлиб ўлтирганини кўрмади-да. Бошини эгганча ўйлангани ўйланган, галга кам аралашади. Жаҳоншоҳ ибн Жоку Дашти Қипчоқ ҳақида сўраган эди, минғирлаб бир-икки сўз айтди холос...

Амирзодага малол келганини кўрган Жаҳоншоҳ ибн Жоку сўзга шошилди:

- Ҳориган бўлсалар керак подшоҳзодам... Сихатлари ҳам нодуруст шекилли...

- Шубҳасиз, йўл ҳоритган... - вазиятни андавалашга турди Амир Сулаймоншоҳ. — Кишининг жони оғриб турса, ҳеч нарса ёқмай қолади... Ҳеч нарса! Таомдан олсунлар, подшоҳзодам! Майи нобдан келтур, эй косағул!

Унинг ёқими дўриллақ овози хонада ҳукмрон оҳангда жаранглади.

Пойгакроқда ўлтирган Муҳаммадбек ибн Мусо билан Муҳаммад Мирак шивир-шивир сўхбатларини тўхтатишиб, даврага қулоқ сола бошладилар. Шайх Нуриддин баҳодир Амир Шоҳмаликка маънодор қараб қўйди, аммо ҳеч нарса демади. Чап қўли қилич дастасига таянган эди. Утган кунлар давомида даврага оқсоқол бўлиб бошқариб келган Аббос баҳодир қипчоқ эса, ҳумоюн ўрдудан олинган фармонга кўра, қуловуз ва тинғчиларнинг келтираётган нохуш хабарлари нечоғлик тўғри-нотўғрилигини текшириш ҳамда вазият билан теран танишиш учун бутун Хоразмга жўнаб кетган эди.

Тўхтамиш ўғлоннинг ўнг томонида ўлтирган Алибек Қўнғирот Жўжи улусининг фаросати ўтгир амирларидан ҳисобланарди. У гап нохуш томонларга бурилиб кетмасин дея ташвишлана бошлади. Подшоҳзодада ҳам отаси Тўйхўжа ўғлонга ўхшаб охирини ўйламай бир юмушга қўл уриб қўйиш, бемаврид сўз айтиб юбориш одатларидан борлигини яхши биларди. Буларга тоқатсизликни ҳам қўшиш мумкин, ёш-да... У Тўхтамиш ўғлон қулоғига ниманидир шивирлади, кейин гуноҳорона жилмайганча Умаршайх Мирзога изоҳ берган бўлди:

- Хонзодамизнинг мусибатлари янги, биласиз, амирзодам... Тоғдай таянчлари падари бузрукворлари Тўйхўжа ўғлон ҳазратлари яқингинада Ўрусхон қўлида шикаст топдилар. Фироқ аламини асло унутолмайдилар...

- Дард оғир келди... — қўшилди Амир Оқ Буға баҳрин.

- Ҳа. Ҳеч кимнинг бошига солмасун... — деди Тўхтамиш ўғлонни кузатиб келган амирлардан Ўрунғ Темур.

Алибек Қўнғирот, ҳали айтдим-ку, бўлингиз, дегандай подшоҳзодани оҳиста туртиб қўйди. Тўхтамиш ўғлон секин бош кўтарди:

- Маъзур тутсунлар, амирзодам! — Умаршайх Мирзога қараб иложининг борича табассум қилишга тиришиб, таъзим айлаб деди Тўхтамиш ўғлон. — Бошимиз осмонда, кўнглимиз тоғдай баланда... Амир соҳибқироннинг ҳимматлари жаноблари сиймосида номён бўлиб турибди...

Подшоҳзода яна кўзларини ерга тикди, хаёлида эса турфа хил ўйлар ғужғон ўйнардди... У Чингизхон авлоди бўлса, дунё салтанатини барпо этган жаҳонгир авлоди! Улар эгаллаб турган Турон замини ҳам асли Чингизхон забтида эди-ку! Улар ким бўлибди ўзи? Хон авлоди эмаслар, шунчаки амирлар, ювуқсиз ялангоёқлар, ювиндихўрлар!.. Уларга азаддан фақат амирлашқарлик, сипоҳсолорлик мерос қўлиб берилаган, Чингизхон авлодига хизмат қилишдан нарига ўтмасликлари шарт. Бу билдирилаётган иззату икромлар, базми жамшидлар ҳам бари — уларнинг вазифаси, бу ҳашамлар подшоҳзодага эмас, кўпроқ уларга керак. Шундай қилиб ўзларини чингизийларга яқин кўрсатмоқчилар, сўйкалиб юриб бу гадолар одам бўлиб олмақчилар!

Аммо, подшоҳзодага шунча илтифотлар кўргизган Амир Темур Кўрагоннинг ўзлари Боғи Нақши жаҳонга бир марта ҳам қадам ранжида қилмадилар-ку! Тўхтамиш ўғлонни одам ўрнида кўрмадилар шекилли... Ул зот умуман чингизийларни писанд қилмайдилар. Мана, Суюрғатмишхонни кўнчирчоқдай тахтга ўтқазиб қўйибдилар-ку! Унинг қўлида "хон" деган сўздан бошқа ҳеч вақо йўқ. Лаңдавур "хон"нинг ўзи ҳам ўйламай-нетмай чингизийларга номуносиб иш қилиб шунга рози бўлиб ўлтирибди... Тўхтамиш ўғлон ҳеч қачон кимларнингдир қўлида кўнчирчоқ бўлмайду, балки ҳаммасини кўнчирчоқ қилиб ўйнатаду! Ҳали шундай ўйнагунки!.. Фақат қўлига тахт жиловы тегсин! Унғача уларга ялиниб туришга, дардини ичига ютишга мажбур, мажбур... Бошқа пайтлар бўлганда-ку, Умаршайх Мирзодай калондимоғ амирзодаларга кучини кўрсатиб қўяр эди-я! Аммо ҳозир кучсиз, ожиз, ночор бир хонзода, на ёнида лашқар бордир, на таркашида ўқ.... Амир Темур қошига паҳоз тилаб келишининг сабаби ҳам чорасизликдан, соҳибқирон билан "ота-бола" бўлиш ҳавасидан эмасдир. Асло!

Ота-бола бўлиш — Амир Темур олдига Тўхтамиш ўғлон ўзининг тобеълигини тан олиши, деганидир. "Ота" — давлат эгаси, "бола" — унга бўйсунувчи ҳукмдор... Бу салтанатлар сиёсатидаги нозик нуқталардан бири. Бундай қилинса, буюк Чингизхон шаънига доғ бўлиб тушади. Тўхтамиш ўғлон асло бунга истамайду! Ҳозир унга куч керак, лашқар керак! Чўкаётган илонни ушлар экан... Нафас ростлаш учун лозим бўлса, ванимнинг олдига бориш, ялиниб-ёлвориш, пойини ўпиш даркор, сабр-тоқат қилиш, чидаш даркор, чидаш!.. Ахир Амир Темурнинг ўзи ҳам бир пайтлар Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг олдига ана шундоқ юкунуб борган эди-ку! Кам бўлгани йўқ...

Умаршайх Мирзо подшоҳзода сўзларининг нечоғлик самимий эканлигини билиш ниятида Тўхтамиш ўғлон кўзларини қидирди, лекин фақат эрилган бошни кўрди ҳолос. Оқ Буға баҳрин Тўхтамиш ўғлон кулоғига ниманидир шивирларди.

Шу пайт мулозим кириб, ҳумоюн Ўрдудан чопар келганлигини эълон қилди. Барча сергақлаңди. Амир Темурнинг энг яқин мулозими Муҳаммад Чуроға додхоҳ Боғи Нақши жаҳоннинг меҳмонлар хонасига тантановор кириб келди-да, сўзларига залвор жойлашга ҳаракат қилиб, буңдай деди:

- Ҳумоюн Ўрдудан Қутлуғ фармон содир бўлди! Фармонга кўра, подшоҳзода Тўхтамиш ўғлонга Ўтрор ва Саброн<sup>27</sup> вилоятлари тақдим этилгай! Унга зафарнишон лашқар, аскарларга тағор ва укало<sup>28</sup>, отларга улуфа ажратилгай! Лашқарнинг мақбул соатда ўз вилоятига йўл олмоғи зикр қилинишдур... Муборак бўлсун, подшоҳзодам!

Унинг йўғон овози хонани тўлдиргандай бўлди.

Меҳмонхонани қийқириқлар тутди.

- Муборак бўлсун! — қутлади Амир Сулаймоншоҳ.

- Қутлуғ бўлсун! — қўшиди Жаҳоншоҳ ибн Жоку...

Умаршайх Мирзодан бошқа барча подшоҳзодани муборакбод этишга шошилди.

Алибек Қўнғирот барқ мисоли олий фармоннинг ўз вақтида етиб келганига шуқурлар қилди, азбаройи қувонганидан қарсақ чалиб юборганини билмай қолди. Оқ Буға баҳрин ҳам, Ўрунғ Темур ҳам, Муҳаммад Мирак ва бошқалар ҳам Тўхтамиш ўғлоннинг бахти очилганлигини, Аллоҳ унга бемисл илтифот кўргизганигини эътироф этар эдилар.

Ҳалитдан бери ерга қараб ўтирган Тўхтамиш ўғлон бошини кўтарди. Умаршайх Мирзо аниқ кўрди: бу, бояғи подшоҳзода эмас, мутлақо бошқа одам эди! Подшоҳзода мамнунлигини яширмас, тиниқ юзларига табассум ёйилган, ёрқин кўзлари алақандай умиддан чақнаб ёнади! Чиллоҳ ҳам, Тўйхўжа ўғлон фарзанди худди ана шу фармонни кутарди! У тезроқ бобо юрти Дашти қипчоққа қайтгиси, отасининг умрига завол бўлган ўшал Ўрусхон билан яхшилаб ҳисоблашиб қўйгиси келар, қаттиқ алам ўчи бутун вужудини куйдириб, ёндириб кул қилмоққа шай эди. Шу вайдан бўлса керак, еган-ичгани ҳам ичига тушмас, шоҳона базми жамшид ҳам татимасди. Амир Темур Кўрагондан шитоб қўшин олса-ю, қаттолу баттол ёғийлари томон ўқдай елса!.. Бало-қазодай бостириб борса, саваш курса, мўрмалаҳдай қирса, яна қирса!.. Ўрусхонни кунфаякун қилиб тахтини қўлга киритиб олсин, у ёғини ўзи билади...

Тўхтамиш ўғлон шарт ўрнидан туриб шитоб борди-да, таъзим қилганча Муҳаммад Чурога додхоҳ кўлидан Қутлуғ фармонни олди ва азизлаб тавоф этди.

Сўнг Умаршайх Мирзога қараб деди:

- Амирзодам, Амир Темур Кўрагон ҳазратларининг олий ҳимматлари шунчалар улук эканки, уларни мақтамоқ кундузни кундуз дегандек сўз бўлур! Тоғнинг тоғ эканлигига шубҳа бўлиши мумкинму? Асло! Амир соҳибқироннинг умрлари узун, давлатлари зиёда бўлсун! Беадад яхшиликларини қайтариш учун ҳамиша бир жоним омода! Мендан қайт-маса худодан қайтгай! Ҳазратга фарзанд, сизга оға-ини бўлиб от суражакмен Дашти Қипчоқ томонларда! Саодатлари боқий бўлғай, амирзодам!..

Умаршайх Мирзо хиёл бош эгиб қўйди-ю жавоб қайтармади, унинг ёқимсиз ингичка овози гашига тегди. Ажабо, шунча тўхфа-ю инъомлар, сийловлар, Хонўғлондай дулдул, - гапнинг очиги, амирзода ҳам бу отни жуда ёқтирарди, аммо бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга бир нима деган эмас, - дабдабали базми жамшидларга эътиборсиздай қараган подшоҳзода нега Ўтрор билан Сабронни тақдим этилиши, айниқса зафарнишон қўшин берилиши ҳақидаги фармон ўқилганда беҳад хурсанд бўлиб кетди? Ўтрору Саброн ва қўшин ҳам юқоридагидек инъому ҳадыларга кирмайдирму? Унга нима керак эди ўзи? Тўхфа-ю инъомлар зарурмиди ёки ёлғиз юрту қўшин, бошқача айтганда, куч-қудрат керакми эди холос?..

Бу ёғи амирзодага қоронғи қолди.

Қувончдан ўзини осмонда сезиб, фурсатни қўлдан беришни истамаган Тўхтамиш ўғлон қишнинг ўрталари эканлигига қарамай, боргунимизча баҳор ҳам кириб қолади, деган умидда Сабронга жўнашга қарор қилди. Бу милодий 1376 йилда юз берди.

## Тўққизинчи боб

### I

Боғи Балаңд меҳмонхонаси одатдагидек шинам, осойишта... Самарқанд азалдан қаттиқ совуқлари билан машҳур эди. Қиш чиққан бўлса ҳам ҳали сочбоғини йиғиштириб олмаган - ташқарида қора совуқ изиллар, гоҳ-гоҳда қор учқунлаб қўярди.

Бозиллаган танчага оёғини киритиб шоҳи кўрпага ўраниб ўлтирган соҳибқирон деразага тикилганча узоқ хаёлларга чўмганди... Паноҳ истаб келган Тўхтамиш ўғлон сабаб худди Жаҳонгир Мирзонни кўргандай бўлди. Худога шукур. Иккинчи томондан, уни кўпдан ташвишга солаётган нарса - мамлакат шимолидаги Жета ва Дашти Қипчоқ билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинди ҳисоб. Ҳа, соҳибқирон, чамаси, бунинг чорасини топди, сопини ўзидан чиқарди... Бас, энди у ёқларга бориб ҳам юрмайди, ҳаммасини ўғли Тўхтамиш ўғлон ўзи тинчитади, Жўжи улуси тахтини ҳам олади, Қамариддин, Анқо Тўра сингари муртадлар ҳам гумдон бўладилар, икир-чикирларга тўла жанжалларга асло ўрин қолмайди, фақат Амир соҳибқирон вақтида йўл кўрсатиб, кенгашлар бериб, "ҳа-ҳа!" деб турса бас... Шундан кейин у мамлакат ободончилиги билан бемалол шуғуллана олади... Тўғри, кўнглида, Тўхтамиш ўғлон беоқибат чиқмасмикин, деган шубҳа ҳам бор, лекин унга қулоқ солишни истамайди...

Олдига кўк дафтарини қўйиб аланималарнидир ёзаётган хос мунший Мавлоно Убайд ҳам ўз хаёллари ила банд бўлганча, гоҳ ёнидаги жузвдонни титкилар, гоҳ рисоалардан бирини олиб varaқлашга тушарди.

Соҳибқирон ўйлаб қараса, Самарқанд ҳақида унча-мунча билар экан, билмайман деса адолатдан бўлмайди... Самарқанд эли пок мазҳаб, тамом сунний, расули акрам, ҳазрат рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам замоналаридан бери бу заминда машҳури офоқ имомлар, дин пешволари истиқомат қилганлар. "Саҳиҳи Бухорий" соҳиби Хожа Исмоил Хартанг, Шайх Абумансур, Шайх Бурҳониддин Хожа қабрлари Хартангда, икки марғуб шайх хоки турбатлари шаҳарда, Чокардиза қабристониди...

Хайру саховат соҳибалари бўлган эгачи Қутлуғ Туркон оқа билан малика Сарой-мулкхоним бу табаррук жойларда ўз ақчаларига хонақоҳлар қуришмоқда, қабрларни обод этишмоқда, барчасининг савоби чексиздир. Ҳаммасидан соҳибқироннинг хабари бор, бонуйи кубро билан маҳди улёнинг шундай ниятларини билиб бағоят хурсанд бўлди, ҳатто ўзи қўллади ҳам... қурилаётган иморатлар хазинадан эмас, ҳар кимнинг ўз ҳисобидан бўлиши белгилаб қўйилганди. Айниқса, амирзодалар ва маликалар, хонимлар ва оқалар бири-биридан улғи олиб мамлакатнинг турли депараларида - кимдир мадраса, кимдир хонақоҳ, работ, кўприк, йўл ва ҳоказо - қуриш ёки таъмирлаш билан шуғулланардилар...

Ҳолисанилло айтганда, бунёдкорликка ҳавас салтанатда урф даражасига кўтарилган эди. Ҳатто Амир Темурнинг ўзи ҳали юрт бошига келишдан хийла муқаддам амирлардан бири рутбасида юрган чоғидаёқ милодий 1362 йилда Қарши қалъаси деворини тиклатганини эслади. Чунки у "экаман-тикаман" деган халқнинг боласи-да. Ушанда ҳам мана шундоқ қиш фасли эди...

- Валлоҳи аълам биссавоб - бирдан ўртадаги жимликни бузди Мавлоно Убайд ҳаммаша кулиб турадиган қисқ кўзларини соҳибқиронга тикиб. - Маъзур туттайлар, Самарқанди фирдавсмонанд тарихидан сўрагон эрдилар-да...

- Сўрагон эрдим...

- Камина дабудрустан жавоб бера олмай лол қолиб мулзамликдан бошқа чора то-полмадим, Амир соҳибқирон... Ижозат берсалар...

- Ижозат берилур! Самарқанд тарихи борасида тузукроқ билимимиз йўқ-да... — тан олиб деди соҳибқирон. - Кўп нарсани билгимиз келадур...

- Ташаккур... Мўътабар шаҳримиз бешинчи иклимдан ҳисобланур. Шаҳарнинг бошидан кўп савдолар ўтгон, Амир соҳибқирон, сўзланса узоқ вақт лозим бўлур. Инчунин, мухтасар қилурмен. Унинг аталиши ҳақида шундай ривоят бор. Самарқанд "Самаркент" сўзининг арабчалашганидур, Самар қишлоқ маъносини беради. Самар - турк хонларидан бировининг исми, бу қишлоқни ул зот жуда қадим замонда барпо қилгон экан... "Тарихи Табарий" китобида ҳам келтирилибдурки, Самар отлик бир хон ушбу шаҳарни бино қилдирибди, энг аввал "қанд" деган турк аймағи бунда ўрнашиб ўлтирибди, шунинг учун шаҳар "Самарқанд" аталибди...

- "Тарихи табарий"да шундоқ ёзилганму?..

- Шундоқ ёзилган, Амир соҳибқирон! Сўнг турк подшоси Афросиёб, яъни Алп Эр-тўнга пойтахти бўлгон... Искандар Зулқарнайн шаҳарни эзбт этиб, унинг деворини тиклагон. Сўғдиёна пойтахти бўлгон. Рисолаларда "Девори қиёмат" қабилида зикр этилмишдур. Жанубий девори "Девори кўндаланг" деб аталмиш... Шаҳар ташида, Навбоғда Қутайба ибн Муслим бир ҳовуз қаздирибдур. Олти юз йиллар муқаддам шаҳримизда биринчи масжид бино этилгон, бу ҳазрати Хизр масжиди бўлгон, Кўк мачит ҳам дерлар. Нақд бор, кимки қирқ душанбани бир-бирига улаштириб шу масжидда намоз ўқуса, Хизр алайҳиссаломни кўра эмиш... Афсуслар бўлсинким, Чингизхон босқинида шаҳар харобага айланибдур, ўрнида култепалар қолибдур... Валоҳи аълам биссавоб.

- Ҳов анови куни Боғи Нақши жаҳонга йўлим тушганди, - деди ўйланиб Амир Темур. — Шимол ёқдаги баланд адирлар, демак, адир эмас эски Самарқанддан қолган тепалар экан-да...

- Шундоқ, ҳазратим! Яна. Мотурид қишлоғида Шайх Абу Мансур боқчасида бир дарахт бор эмиш, "лисон ул-асфур", яъни "чумчуқ тили" отлик. Самарқанд ажойиботларидан бири дейдилар. Меваси чумчуқ тилига ўхшар эмиш, шифобахшлигидан кўп до-рулар анинг билан тайёрланар эмиш... — Қиссахон жим қолди. - Аслан, Самарқанд бағоят гўзал кент саналгон. Мавлоно Истахрийнинг бундан тўрт юз йиллар муқаддам ёзган рисоласини мутолаа қилдим ва иқтибос ҳам айлагон эрдим... Фикри ожизимча, дейди у, Самарқанд Аллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридур...

- Араб муаррихи Истахрийму? Қани, нималар битгон экан, билайлик-чи... - Амир Темур Мавлоно Убайда тикилди.

Мамнун қиссахон шитоблик билан жузвдонидан бошқа бир саҳифа қоғоз олди ва дона-дона қилиб ўқий бошлади:

"... Самарқанд зикр этгонимиз барча дийрлару масканларнинг энг аълосидур. Хушманзаралик касб этгон шаҳар бағоят файзиёбдур. Яқинида чанги чиқиб ётган чўллар, қуп-қуруқ қоя-тоши ялтираб турган тоғлар йўқ... Сўғд дарёсининг икки қирғоғида кўм-кўк дарахтлар, мазраъ-экинзорлар бисёрдур. Баланд адир кифтига чиқиб назар солгондим, кўзим кўкаламзор яхлит боғларга кўмилган шаҳарга тушди. Ҳамиша сувлари лим-лим ариқлар билан ўралгон боғлар яшнаб ётмишдур. Боғлар шаҳардан тошиб ён қишлоқларга чиқиб кетмишдур. Ҳамма жойда боғлар, оқар сувли ариқлар... Боғлар кетидан боғлар..."

- Боғлар кетидан боғлар... эрканму?... — сўради бирдан ҳайратлангандек Амир Темур. - Боғлар кетидан боғлар... денг?...

Соҳибқирон азадан боғларни яхши кўрар, қаерга борса янги-янги гуллар уруғини топтириб олиб келар ва боғларга эктиришни буюрарди. Боғи Чинор билан Боғи Нақши жаҳонда ана шундай гуллар ҳар йили баҳорда чаман-чотир очилиб турфа бўйлар тара-тади. Болалигида гулларга кўп ўралашганидан, онаизори Текина хотун кўриб: "Боғбон бўласен шекили, ўлим!" деб кўярди. ҳа, у катта боғбон бўлишга иштиёқманглигини яширмасди, лекин тақдир унинг пешонасига "Туркистонзамин" деган боғ яратмоқни битганлигини албатта билмас эди.

Мавлоно Убайд соҳибқироннинг сўз айтиш ҳаваси борлигини кўриб, патак соқолини силаганча тўхтаб қолди. У Истахрийнинг сўзлари Амир Темур қалбининг қаерларигадири тегиб кетганини сезди.

Соҳибқирон деразадан ташқарига қараб ўйланиб турди-да, деди:

- Боғлар кетидан боғлар... Мавлоно Истахрий адолатли баҳо берибдур. Боғлар — Аллоҳнинг мўъжизаси... Чиндан-да, юртимиз Аллоҳ мамлакатларининг энг унумдор ери-дур. Рубъи маскуннинг ҳам қоқ ўртасида жойлашгон, хатти устивога<sup>29</sup> яқиндур. Бас, Самарқандимиз дунёнинг энг обод ва кўркем шаҳрига айланувсидур! Жаҳон шаҳарларини унинг атрофида маржондай тизиб қўйғумиздур ҳали! Пойтахт теварағида шаҳарлар қурғоймиз, уларни Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз, Султония деб атағоймиз, бари Самарқандга тумор янглиг беэак ва қувват бўлғувсидур. Самарқандда шундай боғлар барпо этайликки, кўрғонлар ҳайратдан ёқа тутсунлар. Ҳар шаҳарда мухташам иморатлар, масжиди жомеълар бино қилғоймиз. — Соҳибқирон тин олди. - Бизнинг қудратимизга шубҳа қилгонлар бунёд этгон биноларимизга боқсунлар! Яшнаган боғларимизга назар солсунлар!

- Ёрабий! Қудратимизга шубҳа қилгонлар ҳам борму, Амир соҳибқирон?..

Қиссахон шундай дер экан, кўк дафтарга тинимсиз нималарнидир ёзарди. Амир Те-

мур кўпдан юрагида йиғилиб қолган гапларини айтишга пайт пойлаб юрган ва ниҳоят имкон топилганидан мамнун кишидай завқу шижоат билан сўзда давом этди:

- Шубҳа қилгувчилар топилмови равшандур, мавлоно. Инсон зотида куфрони неъмат ила ношукурлик балосидан ёмонроқ иллат бўлмас... Ўз саодатининг юзини тирнашдан тоймаган бадбахтлар йўқ дейсизму? Ўзини билмай садоқату ихлосдан дам урадигонлар-чи? Кофир бор, фосиқ бор, ёмон бор, тубан бор, нокасу нотавон бор... Ва улар қудратимизни кўриб, Амир Темурнинг қудрати қиличда, деб боғимизга тош отадилар, камситишгача борадилар. Ҳа!.. Билсунларким, бизнинг қудратимиз қиличда эрмас! Шундай деганлар, давлат ишларининг ўндан тўққизини кенгашга қўйрон-лигимизни билмайдиларму? Огоҳ бўлсунларким, бизнинг қудратимиз - Аллоҳ каломини дилимизга жойлагонимизда, кишига эзгулик тилагон хуш феълимизда, майли иморату хайру эҳсонга баюят ружу қўйгонимизда! Киндик қони тўкилгон ерни эъзозлагонимизда! Хуббай Ватани минал иймон! Бизнинг қудратимиз - умр деган савдонинг меъморликдан иборат эканлигини теран англагонимизда, тер тўкишни ардоқлагонимиз ва гўзалликка мафтун бўлгонимизда, ишончу иймон мамлакатига зийнату равнақни раво кўргонимизда!..

- Офарин, Амир соҳибқирон! Офарин!.. Офарин!..

Кўп йиллар Амир Темурга ҳамнафас бўлган Мавлоно Убайд ҳозир уни биринчи марта кўриб тургандай ҳайрон бўлиб қолди! Қуюқ қошлари чимирилган, катта-катта кўзлари чақнаган, кенг пешонасида битта-яримта терлар ҳам пайдо бўлди... Соҳибқиронда мисли йўқ қудрат кўзголишга келган, шахту шижоат ўзини намоён этмоқда шайланганди. Бунга пири муршиднинг Андхойдан юборган муборак мактуби ҳам кучли таъсир қилгани аён эди. Амир Темур ёнбошлаган жойидан туриб, бўлмада у ёқдан бу ёққа юрар, борлигини фавқулодда бир ҳаяжон чулғаб ташлаганди...

Соҳибқироннинг фикри шиддатли эди; у тезроқ янги боғлар барпо қилишга киришиш лозим, деб ҳисоблади ва бу нозик юмушни Амир Сайфиддин некўзга юклашга қарор берди. Боғларнинг тархини қизишда муҳандисларга ўзи бош-қош бўлади, қасрлар шакл-шамойили қанақа бўлиши, қандай дарахтлар ўтқазилиши, чорчаманлар бунёд этилиши, гуллар экилиши, йўлчалар қурилиши йўсинлари - барча-барчаси, албатта, соҳибқирон назоратида кечади...

Амир Темурнинг бўлмадан ташқарига чиқиб турган ўктам овозини эшитган мулозим ичкарига мўралади:

- Маматни чорла! - буюрди Амир Темур нимадир эсига тушгандай.

Бироздан кейин Муҳаммад Чуроға додхоҳ кириб келди.

— Самарқанд атрофида боғлар шодасини барпо қилгайбиз! Биласенму, бу боғлар ўзгача бўлгай! Семирамида боғларини биласенму? Уша Бобилдаги осма боғлар улар олдидан ип эшолмай қолсунлар!..

Соҳибқироннинг ёш боладай хурсандлигини кўрган Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳайратда Мавлоно Убайдга қаради, кейин деди:

- Улуғ савоб иш, Аллоҳга ёқадурун иш, Амир соҳибқирон!

- Амир Сайфиддин некўзга боғлар мутасаддилигини тобшурсак, не дейсен?.. У бундай юмушларда жуда зийрак, фаросати ўткир инсон. Бориб ўзим боғлар ўрнини белгилаб берамен... Зудлик бирлан Амир Сайфиддин некўзни бу ёнга чорла!

- Айни муддаодур, лекин...

- Хўш?..

- Амир Сайфиддин некўз жаноблари... ҳаж сафаридалар-ку... Узим ҳам ҳузурингизга келаётгон эдим...

- Э... Тагин ёдимдан кўтарилибдур... — хижолат бўлгандай деди Амир Темур. — Некўз жаноблари сафардалар... Назаримда, кетмагондай. Доим ёнимда юрғондай ҳамиша қадрни ўтадир...

Амир Сайфиддин некўз соҳибқироннинг энг қадрдон, сидқу ихлос камарини белига қаттиқ боғлаган маърифатли дўстларидан ҳисобланарди. Сеистонда ўнг оёғига ўқ текканда Амир Жоку барлос билан шу дўсти унинг ёнида эдилар, улар бўлмаганда, эҳтимол, соҳибқирон ўша ерда ёғий қўлига тушиб қолармиди. Амир Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оқага уйланганда, шу дўсти ёнида куёвжўра бўлиб борганди... Мохонда Амир Ҳусайн иккиси Алибек Арғуншоҳ туркман қўлида бургаси кўп бир қоронғу хонада асир бўлиб ётдилар. Буни эшитган Тус ва Абивард шаҳарлари ҳукмдори соҳибқироннинг эски дўсти Муҳаммадбек туркман укаси Алибекка дашномлар берди, уларни озода этишни тайинлаб, совға-ю ҳадялар юборди. Аммо Алибек муруватсизлик кўрсатди — туҳфаларни олиб қолиб асирларга ориқ от ва озғин туя берди-да, ҳибсдан озода этди...

Амир Ҳусайн билан хайр-хўшлашиб Жайхун бўйига келдилар. Кун бағоят иссиқ, офтоб тиккага келганча еру ҳажонни беаёв забтига олган... Соҳибқирон эслай олмайди. Қайсидир бир китобда ўхшаш жазирама иссиқ таърифни ўқиганди. Уша ерда ёзилишича, иссиқ шундай баланд эдики, дарё ичидаги балиқни, кон қаъридаги лаълини, устихон ичидаги илкни куйдирар, қиңда турган қилични мумдек зритар эди... Шу алфозда тўқайга чекиниб, қамишлар соясида бир ой жон сақладилар. Дарёдан шундоқ ўтилса Қаршигача бир кунлик йўл холос...

Бироқ кутилмаганда кунботарда бир тўда душман қораси кўринди. Қолмоқ хатарли эди. Ҳамма Жайхунга юз бурди. Улжой Туркон оқа ҳам Аллоҳга таваккал қилиб соҳиб-

қиронга эргашиб дарёга от солди! Ҳанда Улжой Туркон оқанинг нариги ёнида муҳофаза қилиб келган ҳам Амир Сайфиддин некўз эди...

Йиллар ўтиб қанча сувлар оқиб кетди, бу нозик дидди, чиройли юзли, ҳаминша соқол-мўйлаби бир текис қирқилган, хушбичим дўсти саъжиясида бирон ўзгариш рўй берганини кўрган эмас.

- Амир Сайфиддин некўз жанобларини эслаганингиз бежиз эмас шекилли... Худонинг ўзи кўнглингизга солибди-да... — деди маъноли Муҳаммад Чурога додхоҳ.

Амир Темур таажжубланганча мулозимга қаради:

- Нечун ундай деётирсен?..

- Худо - пошшо эгам, деганлар, Амир соҳибқирон... — давом этди Муҳаммад Чурога додхоҳ. — Амир Сайфиддин некўз жаноблари Шероздан чопар юборибдилар, Лўлахожа отлик...

- Халлоқи безаволга салламно!.. Чопар юборибдиларму? — қувончу ҳайратда сўради Амир Темур.

- Ўзи гунг-соқов экан... Ғўлдираб узук-юлуқ гапира олади, лекин гапни тушунади. Бирдан равоон гапириб ҳам юборади. Қийинчилик билан айтган сўзларидан Амир Сайфиддин некўз элчиси эканлигини билиб олди... Мақтубни ҳам кўрсатди.

Муҳаммад Чурога додхоҳ учун бундай одамларнинг салтанат остонасига бош уриб келиши янгилик эмасди. У турли тоифадаги, бир қарашда қаланғи-қасанғи бўлиб кўринадиган, аммо аслида зеҳни тоза оқил одамларнинг соҳибқирон олдига тез-тез келиб туришларини яхши биларди ва уларни доим ўзи олиб кирарди. Улар салтанатнинг олис-яқиндаги "қулоқ"лари эдилар-да. Одатда, шундай кишилар соҳибқирон ҳузурига кирганларида албатта Мавлоно Убайд қўлда Қалами-дафтари билан шай бўлар, ўзга эллар ҳақидаги турфа янгиликларни, мамлакатлар, тоғлар, дара-водий йўллари, боди-ю сахро, оби-ҳаво, мазраъ-ю экинзорлар, чорва, боғ-роғ, мадраса-ю масжидлар, шароит, раоё ва бароё, улус ҳамда кўшни музофотлар борасидаги маълумотларни, жуғрофий рақамларни бир-бир ёзиб олар эди. Кейин соҳибқирон барини амирул умаро Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз, Амир Довуд дуглат, вазири аъзам, шайхулислом, қозикалон ва яна лозим топилган умаро вакиллари билан биргаликда синчиклаб кўриб таҳлил этиб чиқар, оқибатда сиёсий мақомлар, салтанатнинг ҳозирги вазияти, ҳарбий юришлар йўсини, ҳар бир босилажак қадамнинг фойда-зиёни ҳақида машваратлар ўтказар эди... Шу сабабдан ҳам Муҳаммад Чурога додхоҳ Амир Сайфиддин некўз элчисининг гунг-соқов эканлигини табиий деб билди, чунки ўхшаш кишиларнинг аксарияти ё кар, ё кўр, гунг-соқов, мункиллаб қолган чол ёки гапи орзидан тушиб кетадиган кампир, эсвос қаландар, тасқара-ю таъвия дарвиш, "бир қайнови ичида" одамлар қиёфасида бўлар эдилар-да.

- Йе!.. Чопар ҳам гунг-соқов бўладими?.. Кўп валаги...

Соҳибқирон ҳайрон қолди-ю ортиқча эътибор бермади, унинг учун чопарнинг дўсти ҳузуридан келгани муҳим эди. Хийладан бери Амир Сайфиддин некўздан хабар кутарди. Сеистон, Қандаҳор, Хуросон, Журжон, Мозандарон, Форс, Ироқ, Шом, Ширвон... Бу мамлакатларда олам вазияти нечук даражада?.. У томонлардан мамлакатга таҳлид ҳаракатлари йўқму? Баридан яхши хабардор бўлиб турмоқ даркор. Шундай юмушлар билан шуғулланадиган хос идора сустлик кўргизаётир, тингчи, қуловуз ва айвоқчилар, хабаргирларни яхшироқ ишга солмоқ жоиз... Бусиз ҳеч қандай салтанат олға қадам босолмайди...

## II

Муҳаммад Чурога додхоҳ, соҳибқирон ҳозир тез чопарни олиб кир, дейдилар, деб кутиб турганди, бироқ мутлақ бошқа фармонни эшитиб танг қолди:

- Мубашшир баҳодирни буқор!

Соҳибқирон қўлларини орқасига қилганча ҳамон ўз хаёлига фарқ у ёқдан бу ёққа бориб келарди.

Мавлоно Убайд кўк дафтарга ёзишда давом этар экан, бу жонининг роҳатини билмаган яримжон одамнинг шунчалар ўзини ўтга-чўққа уришини ҳеч тушуна олмас эди. Бир ой бўлдики, икки ой, Аббос баҳодир қипчоқни Хоразмга дарвиш мақомида қуловузликка жўнатди. Амир Сайфиддин некўз бўлса, мана, ҳаж сафарига кетган, яна кимдир қаёққадир юборилган... Вилоятларда пинҳона кезиб, аҳволни билиб юрадиган вакиллар ҳар уч ойда келишиб соҳибқиронга учрашиб кетадилар. Сарҳадларда қоровулар ҳаминша уйғоқ, кун ора хабарлар этиб туради. Ора-орада хорижий мамлакатлардан келадиган элчиларни ҳам айтиб ўтиш керак.

Бошқа томондан, ҳумоюн Урду, эгачи-сингиллар, ҳарам, хонимлар ва оқалар, фарзандлару набиралар ташвиши... Исमत пардасидаги қизлари Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегимларни тенгини топиб эгаларига узатиш керак. Яқинда Умаршайх Мирзони, раҳматли Амир Муайяд арлотнинг ўғли Мирзо Алибекни уйлаб қўйдилар, тул қолган синглиси Ширин биканинг кўнгли чўкиб қолмасин ахир. Сирасини айтганда, соҳибқирон фарзандлар ташвишини жуда яхши кўради, айниқса уларнинг тўйларини ўтказиш унга бамисли ҳайитдек фараҳли. Қайси бирининг бўйи этиб қолди экан, деб кўз ташлаб, пойлаб юради. Ишқилиб, тиним йўқ... Хос мунший фикри ожизича, яқин тўрт-беш қарн<sup>30</sup> ичида ҳеч бир турк ўғлони бундай шону шавкатга ва иззату икромга эришмаган...

Ҳозирги мартабаларига ҳам бировнинг нафаси етмоғи гумон. Бевафо умрининг гаштини суриб, маҳлиқолар даврасда офтобдай балқиб, беш кунлик ўтар дунёда сал оёқни узатиб ҳам яшаш лозим-ку... Бундай ўз жонини ҳам бироз ўйласин ахир?.. Мавлоно Убайд буни Амир соҳибқиронга ачиниб-куюнганидан дейди-да. Фурсати келганда, у ўз мулоҳазаларини ҳазратга албатта айтишни кўнглига тутиб қўйди.

Додхон билан Мубашшир баҳодир кириб келганларида Амир Темур қўлларини орақасига қилиб хонада оҳиста кезиб юрар, хос мунший эса ўз юмуши билан машғул эди. Мубашшир баҳодир деганимиз ўрта бўйли, чайир, кўзлари тийрак, қулоқлари катта-катта, аммо шалпангқулоқ дейилса, таъриф бироз ошиб кетадигандай ўттиз бешлардаги жасур йигит эди. Шу вайдан қулоқчинни каттароғидан танлар, саллани қалинроқ ўрарди. Иягининг учигаги кичкина қора соқоли ва текис қирқилган мўйлаби бежирим кўринарди. Мубашшир баҳодир ҳам Муҳаммад Чуроға додхоҳ сингари Амир Тарағай хонадоғида катта бўлган, соҳибқироннинг ишонган баҳодирларидан эди.

Мубашшир баҳодир шитоб келиб улуг амирни тавоф этди. Шундан сўнг Амир Сайфиддин чопари олиб кирилсин, деган амри вожиб бўлди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ икки ясовул кузатувида пакана бўйли, бошида қора барра тақия, эғнида енги узун қора пашмина<sup>31</sup>, кўзлари тир билан очилгандай кичкина, юзларини малларанг соқол-мўйлов босган Лўлахожа деган одамни олиб кирди. У совуқда қунишиб қолганидан бошини ичига қилиб олган типратикандай кўринарди бир қарашда. Муҳаммад Чуроға додхоҳ кузатувида Лўлахожа эгилиб-букилганча тўрда турган соҳибқиронга таъзимга борди ва пойини ўпиб, сўнг енги ичига ўроғлиқ заррин қоғоз олиб ерга қараганча Амир Темурга узатди-да, орқага чекинди...

Улуг амир мамнун мактубни Мавлоно Убайдга тутди:

- Уқусунлар, мавлоно!

Бундай найча мактубларга дуч келавериб, очишга уста бўлиб кетган Қиссахон дарҳол нома ипини ечиб, муҳрини бузди, муҳр Амир Сайфиддин некўзники эди, Мавлоно Убайд уни яхши танийди, сўнг шошилмай ўқий бошлади:

"Ассалому алейкум, етти иқлим соҳибқирони, подшоҳлару султонлар жаҳонгири, иймону ишонч йўлининг қибласи-ю кутбул кироми! Мусофирлик китобидан аччиқ сабоқлар олишда давом этаётган, Туронзамин йўлида кўзлари нигорон содиқ қулингиздурмен..."

Алқисса. Аввал бошдан дарвеш сиёғида кўчалару гузарлару бозорларга назар солдим, гапларни қулоққа қўйдим. Сўнг эғнимдаги жаңдамни ўзгартириб, ўшал жой ҳукмдори саройига бордим ва ҳажга кетаётганимни айтиб, Амир Темур Кўрагон салтанат элчиси сифатида ҳам бирига иноқлик ва биродарлик борасиндаги муборак мактубларингизни тобшурдум...

Хуросон заминида қуртлар сулоласидан Малик Гиёсиддин комронлик қирсисида ўлтиришиш, Гургонда Тоға Темурлилар сулоласи вакили Амир Вали, Кирмон ва Исфаҳон музофотларини қамровга олган музаффарийлар сулоласидан Шоҳ Шужоъ Шерозда салтанат туғини кўтармишлар, Сабзавор шаҳрида Хожа Али Муайяд сарбадорий давлат идорасида банддурлар ва ҳеч бири, чамамда, кучли ҳукмдорлар сирасига кирмағай... Аммо бирлашсалар катта кучга айланурлар... Улар орасинда чигалликлар ҳам бисёрдур, фаҳмимча, иноқликка томон юришга раъйлари кўринмайдуру. Бу ҳукмдорларнинг раоёга ва бароёга<sup>32</sup> зулмлари чегара билмас экан. Зулм алар туғидур. Уларга балки ишонч бўлмағай...

Алқисса. Ферузқўх, Ардабил, Бўружард, Табриз, Султония, Хуррамобод, Кичик Лур, Домён, Журжонда бўлдум. Ҳирот яқинидаги Фўшанж қалъаси аҳли йўлтўсарлар тоифасидан экан, мўмин-мусулмонларга тинчликни раво қўришмайдуру. Карвонимиз алар тарафиндан хийла азиятлар чеқди... Хуррамободда қароқчилар ин қуриб олишгон, юмушлари ёлғиз беадаблик кўргизиш, ҳажга боргувчиларга босқин қилиш, озор беришдан иборатдур... Хўш... Ул муфсид жамоалар идзини қирқмак, балки, лозим бўлғай...

Кўрган-кечирганимларимни баён этиш имкони йўқдур, қороз саҳифалари етмас. Барчасини хотира саҳфасига битмишмен, иншоолло, дийдорлашғонимизда нақл қилинур...

Аммо, баъд... Чаҳоршанбаи муродбахш, илло, тонг-эрта карвонимиз Шероздан Маккаи мукаррамага йўлга чиққусидур.

Аллоҳ паноҳида жумла мўмин-мусулмонлар қаторида тўрт мучаси соғ-саломат юрғон адои биродарингиз..."

Номада битилган жойлар Амир Темур кўз ўнгидан бир-бир ўтди. У ҳали бу жойларга боролгани йўқ... Бу лиқиллоқ замонда дунёдан бохабар бўлган подшонинггина ошиғи оладидур. Бунга соҳибқироннинг имони комил. Пири муршид ҳам ўз мактубида шу ҳақда ёзган эдилар. Бас, мамлакат ва раъият вазири қошидаги хабаргирлик шўъбасига Мубашшир баҳодир сардор этиб тайинланади... Кўпдан шу ҳақда ўйлаб юрган эди, Амир Сайфиддин некўз мактубидан кейин бу фикр яна ҳам қатъийлашди. Шўъба деб аталса ҳам, елкасидаги юки вазириликдан кам эмас, балки ортиқроқдир...

- Мубашшир баҳодир! Тингчи, кўз, қуловуз ва воқеанависларни бир-бир кўриб чиқасен, садоқатлиларига диққат қиласен, илғор айроқчи саф тузасен. Ишга зўр берасен. Харажатларни хазинадан олурсен. Токи жумла оламдан қўлингга хабарлар оқиб келсун, Жўжи улусидан, Чинмочиндан, Хуросондан, Мозандарондан, Ҳиндистондан... Ҳар жойда кишинг бўлсун. Салтанат қулоғи бўл!

Соҳибқироннинг гапларини эшитиб Муҳаммад Чуроға додхоҳ кулиб юборишига оз қолди. "Салтанат қулоғи бўл!" деганларида Амир Темур Мубашшир баҳодирнинг хушёр-

лигига ва... шалпангқулоқлигига ишора қилмадиларму экан?.. Албатта, йўқ, чунки ҳазрат ҳазилни, айниқса ўринсиз ҳазилни асло ёқтирмайдилар. Бошқа томондан, у соҳибқироннинг нима учун Амир Сайфиддин некўз элчисидан олдин Мубашшир баҳодирни чорлатгани сабабини тушунгандай бўлди. Айгўқчи саф идораси бошлиғига муҳим мактубдан воқиф бўлиб қўй, демоқчи эдилар соҳибқирон...

- Амрингизга ҳар дам тайёрдурмен, жаноби олийлари! — бош эғди Мубашшир баҳодир... У ҳаяжоннинг зўридан қулоқларигача қизариб кетганди.

Амир Темур кўп жўяли маслаҳатлар берди. Соҳибқирон фикрича, тингчи-қуловузлар ўзларининг жонларини гаровга қўйиб юрт эмну омонлиги, салтанат равнақи учун иш юритадилар. Чаканафурушу йирик тужжорлар, кураш тушиб юрган бадфетъ полвону майнавозликка моҳир бадахлоқ дорбозлар, сохта мунажжиму хушмуомала этиқдўзлар, гап терувчи дарвишлару саёқ кезган қаландарлар, зарофатли сайёҳлару латофатли маллоқлар<sup>33</sup>, мулозаматли мешкоблару фасоҳатли сартарошлар, ялмоғиздай фиррибгар кампирлару гадойсифат чоллар... Яъни ҳеч кимнинг кўнглига шубҳа солмайдиган кишиларга суяноқ даркор...

- Ҳумоюн Урду эшиги ҳар қачон очикдур, сента бизни олам вазиятидан огоҳ этиб туриш вазифаси топширилур! — амр эғди соҳибқирон. Сўнг Амир Сайфиддин некўз номасини олиб, ўқиб, мазмунини ақлу идрок тарозисидан ўтказишни буюрди.

Бирдан чопар Лўлахожа ёдига тушиб қолди. Лўлахожа бу пайт ясовулар ёнида қўл қовуштирганча таъзимда қотиб қолгандай ерга тикилиб турарди. У ҳеч кимнинг юзига тик қарамади. Амир Темур Муҳаммад Чурога додхоғга деди:

- Чопар йўлдан азиятлар тортиб келибдур. Эгнига зар чопон ташлансун, совға-саломлар иноят этилсун! Ҳамроҳлари ҳам қатордан қолмасун! Дастурхон ёзингиз, меҳмон этингиз! Мубашшир баҳодир, улар аҳволидан огоҳ бўл!

- Бош устига!

Буни эшитган Лўлахожа миннатдорчилик билдириш маъносига қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди, кейин нимадир деб гўлдираб қўйди-да, соҳибқирон чопони пешини ўпишига шошилди... Мубашшир баҳодир, ажабо, жойида туриши керак бўлган ҳолда, ўз-ўзидан беихтиёр Амир Темур томон бора бошлади... Мавлоно Убайд ёзиш билан банд, Муҳаммад Чурога додхоҳ сеҳрланиб қолгандай жойидан жилмасди... Лўлахожа соҳибқиронга уч қадамча қолганда, авзои ўзгариб узун енгидан нимадир чиқаришга уринди... Мубашшир баҳодир ялт этган нарсани кўриб қолди- аъзои бадани жимираб кетди! Лўлахожа қўлида пичоқ бор эди! У даставвал тавоф қилган киши бўлиб соҳибқирон тўни пешини ўпмоқчи, кейин эса шартта пичоқ урмоқчи эди. Шу палла соҳибқироннинг газабноқ кўзларига кўзи тушди-ю негадир шиддати кесилди, пичоғини ҳам енгидан чиқара олай қолди. Лип этиб унинг ёнида ҳозир бўлган Мубашшир баҳодир соқовнинг қўлини тепиб юборди ва соҳибқиронга балагардон бўлди!

Воқеа кўз очиб юмгунча рўй берди. Бу орада хос кўриқчилардан беш ясову шитоб меҳмонхонага кирди... Каловланиб қолган Лўлахожа орқасига гандираклаб кетди, қараса, эшик тағида ясовулар, олдинда Мубашшир баҳодир қиличини суғурганча хезланиб келмоқда... Тивда кесилгандай кўзлари пакиллаб атрофга боқар, нима қилишни билмас, ҳеч қаерда нажот кўринмасди. Нияти амалга ошганда ҳам, ошмай қолганда ҳам уни бирдай қисмат — даҳшатли ўлим кутарди, у бошиданок ўлимни бўйнига олиб бу йўлларга кирганди... Шернинг уясига ёмон ниятда кирган яхшилик билан чиқмаслигини англаб етарди, албатта.

Мубашшир баҳодир шартта қиличини кўтариб урмоқча шайланди!

- Тўхта! — деди соҳибқирон бирдан. — Тўхта!..

Қилич солма! Бу иддао кимники эканлигини билиб олиш лозим!..

Баҳодирнинг тўхтаганидан фойдаланган Лўлахожа чекини, деворни орқасига пана қилиб олишга улгурди...

Шу ерда ҳеч ким ўйламаган, етти ухлаб, бировнинг тушига кирмаган ҳодиса рўй бердики, бундан нафақат амирлар, ҳатто Амир Темурнинг ўзи ҳам ҳайрат бармоғини тишлаб қолди. Мўъжиза юз бериб, соқов чопар Лўлахожа бирдан бийрон тил билан гапириб юборди!

- Мени танимадингиз шекилли, Амир соҳибқирон ҳазратлари?.. Аҳ-а-а!.. Аҳ-а-а!.. Мен ўша сиз Кўксаройнинг тор катагига тиқиб ташлаган... Зиндачашм опардиймен!..

Бу сўзлар бамисли куппа-кундузи тиниқ осмонда сурон солган момақалдиروقдай жаранглади!

- Зиндачашм опардий!?! — деди ҳайратда Амир Темур... - О, шайтони лаъин!.. Ортиқ менинг олдимга йўлатмангизлар, қорасини кўзимга кўрсатмангизлар, деган эдим-ку?!.. Ким йўлатди?..

— Зиндачашм опардий!? — қичқириб юборди Мубашшир баҳодир. — Ия! Наҳотки!.. Ахир ўлган эдинг-ку, ланъати?!..

— Зиндачашм?!.. Ҳали тирикмусен?! Хиёнатчи!! Сотқин!!! — Муҳаммад Чурога додхоҳнинг ўғли шитоб белидаги қиличига югурди!..

Мавлоно Убайд ҳам ҳайрату қўркувдан ўридан туриб кетган эди.

Кутилмаган янгилик ҳаммани ҳангу манг қилиб қўйди. Муҳаммад Чурога додхоҳ "Лўлахожа"нинг нега кўзга тик қарамаганига, ўзини соқовга солганига энди тушунди, аммо танимагани, яхши диққат этмагани, хавфли душманни соҳибқиронга юзма-юз қилиб қўйгани учун ўзидан ўзи қаттиқ ғазабда эди. "Типратикан" энди ўз бошини чиқарганди:

рўбарўда ўша пакана бўйли, кўзлари йўқ даражада қисик, малларанг соқоли офтобда қовжираб кетган яккам-дуқкам майсалардек дикрайган Шибиргон ҳокими турарди!

- Ҳа-ҳа, ўшамен!.. Ҳали тирикмен!.. Шайтонмен!.. Шайтони лаъинмен! Мени чириб-чуриб йўқ бўлиб кетди, деб ўйладингизму, ҳазратим?.. Йў-ў-ўқ, мени ҳеч ким ўддира олмайди! Менга ўлим йўқ!.. Хо-хо-хо!..

Телбаларча кулгусидан мағрур Зиндачашм опардий энди бошини кўтариб гапирар, чап қўлида ҳам пичоқ пайдо бўлганди. Унинг ҳозирги тутуми ўлар ҳўкиз болтадан тоймас, мақолини эслатарди.

- Мен ўша, бутун умр Хуросон салтанатини қуришни орзу қилган Шибиргон ҳокимимен! Неча марталар сизни гўмдон қилишга бел боғлағондим, Қаросмонда ўзим сизни панадан отиб ташлаб бир хумордан чиқмоқчийдим, афсуски, бўлмай қолди... Ҳозир ҳам сизни асфалософилинга жўнатишга келгондим. О... сизни ўддириб ўлсам армоним бўлмасди, бўлмасди!..

### Ш

...Лўлахожа, ўзини соқов қилиб кўрсатган чопар, - чиндан ҳам бир пайтлар Шибиргон ҳокими бўлган, кўп марта хўнот қилиб Амир Темур томонидан кечирилган Зиндачашм опардий эди. Қаросмон воқеасидан кейин, ҳамма унга қандай жазо бериларкин, ёки яна кечирилармикин, дея қизиқиб кутарди...

Қўл-оёғи боғланиб Кўксаройнинг тор ҳужрасига ташланган Зиндачашм опардийни даставвал умрбод ҳибсда сақланиши керак, дея тушундилар, чунки Шибиргон ҳокимига осилсун ёки ясоққа етказилсун, деган аниқ ҳукм чиқарилмаган эди. Аммо кўпни кўрган қадхудолар Амир Жоку барлос билан Амир Улжайту опардийлар ўзаро кенгашиб, фармон Амир Темурнинг саъжиясидан келиб чиққан ҳолда меҳрибончилиги-ю мурувватпешалиги туфайли берилганлигини ҳисобга олиб, вазиятни, Зиндачашм опардийнинг беқарор феъл-атвори ҳамда кирдикорларини тарозига солиб кўриб, уни тирик қолдириш салтанат учун хатарлидир, агар бир кунмас бир кун тасодифан соҳибқирон кўриб қолсалар, бунинг учун ким жавоб беради, яхшиси ими-жимиди у дунёга жўнатиш керак, деган қатъий қарорга келдилар... Амир Ҳусайн воқеасида ҳам шундай бўлганди. Зиндачашм опардий ундан ҳам бадбирроқ, дучандон ёмонроқ... Хуллас, уни қатл қилиш ҳибсхона мутасаддиси қаттиққўлик билан ном чиқарган паҳлавон келбатли Салмон опардийга топширилди ва икки кундан кейин у: "ҳукм кечаси ижро этилди.", дея далолат қилди... Бу гап атрофга яшиндай тарқалди. Эшитганлар, бадбахт қилмишига яраша жазосини олибди, деяр эдилар...

Аммо... Салмон опардийнинг амирларга айтган жавобида фақат "кечаси" сўзигина ҳақиқатга мос келарди. Чиндан ҳам бу иш кечаси, қоқ ярим туңда рўй берди, фақат... Зиндачашм опардий ясоққа етказилмади, балки эл қаттиқ уйқута кетган вақтда, кечаси пинҳона қочириб юборилди...

"Шибиргонда мендан кўрган яхшиликларинг эсингдан чиқдиму?.. Ҳаммасига, Зиндачашм опардийни ясоққа етказдим, дейсен, вассалом... - аврарди Салмон опардийни Шибиргон ҳокими. - Хор қилиб нимталаб ташладим, де! Энди Зиндачашм опардий йўқ, ном ҳам топиб кўйдим, мени ҳеч ким кўрмайди, бу ердан чиқишим билан Лўлахожа бўламен... Шерозлик Лўлахожа!.."

Зиндачашм опардий кўп зору таваллолар қилди. Салмон опардий охир-оқибат Шибиргон ҳокимининг иддаоларига дош беролмади...

Милодий 1372 йил ёзида Зиндачашм опардий Лўлахожа бўлиб пана-пастқам йўллардан юриб Марвга етиб борди, у иложи борича Самарқанддан йироқроққа, уни танимайдиган жойларга кетишга тиришарди. Ким сўраса, шерозлик хонавайрон бўлган амирнинг кўлимен, дерди. Йўлларда ўзининг ўлгани ҳақида хабарлар эшитди. Машҳадда карвонсаройда мовароуннаҳрлик бир тужжорнинг ўз шерикларига шу ҳақда гапириб бераётгани қулоғига чалиниб қолди. Эмишки, соҳибқирон: "Ортиқ кўзимга кўрсатманглар!" деганларидан кейин, хумонон Урдудан олиб чиқишибоқ, уни бошини тандан жудо қилишибди. Бошини соҳибқиронга олиб бориб кўрсатишибди... Соҳибқирон: "Лаънатлар бўлсун!" деб бошни тегиб юборганмиш!.. Буни эшитган Зиндачашм опардий мушти қисилганча аламли тиржайди.

Машҳаддан сўнг кеза-кеза Шерозга келиб қолган Зиндачашм опардий фақир киши панада, қабилда иш тутди, ўзини ҳеч кимга билдирмади. Тирикчилик деб, ҳар кўчага кириб чиқди, гўлахи бўлди, ҳаммолик аробасини тортди, боғларга қаради, бозор супурди, пода боқди, тезак терди, карвонсаройларда қоровулик қилди... Ит ётиш, мирза туршиш, деган ибора атай унинг учун тўқиб чиқарилгандай эди... Ҳатто бир марта, нега Кўксаройдан чиқдим, Салмон опардий қўлида ўлиб кетсам бўлмасмиди, барча азобу укубатлардан қутулардим, дея афсус ҳам чеқди. Унинг устига, ҳамма жойда катта-кичик Амир Темур салтанатининг нуфузи ортиб бораётгани ҳақида гапирар, ана Хоразмни олибди, мана Мўғулистонни забт этибди, дея ҳавосат қилардилар. Аста-аста буюк Хуросон давлатини тузиш орзуси ҳам қўл етмас нарса эканлигини ҳис қила бошлади. Зиндачашм опардий подшолик қиладиган Хуросон давлати ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиган орзу экан холос... Барчаси бўлмайдиган нарса, сароб экан, унинг умрини совуриб адои тамом қилган сароб...

Йиллар ўтарди.

Бир куни ҳамма нарса жонига теккан Зиндачашм опардийнинг хаёлига мудҳиш бир фикр келди: "Амир Темурдан ўч олиш! Ноҳақ кетган Амир Кайхусрав ва бошқа дўстлар қасосини олиш!.. Қасос! Қасос! Қасос!.."

Зиндачашм опардийнинг қисик кўзларида ёқимсиз нур йилтиради. Амир Темурни ўлдириб ҳақидаги фикр унинг миясига қаттиқ ўрнашиб олди ва қасос палағда ҳаётининг бош мақсадига айланди. Бу мушкул иш учун у албатта Самарқандга бориши керак... Соҳибқиронни ўз кўзи билан кўриши, унга бир - иккита айтадиган гапларини айтиб олиши ва ўз қўли билан... Ўлдириб керак!!! Ўҳ-ҳў!.. Самарқандга бориш... Қандай боради? Қандай кўради? Кўксаройга қандай киради?... У ўйлаб ўйига етолмасди, аммо ҳар гал соҳибқиронни ўлдиргандан кейин юз беражак вазиятни тасаввур қилганда кўнгли яшнаб кетарди...

Зиндачашм опардий ана шундай хаёллар оғушида шаҳар марказидаги улкан карвонсаройнинг чап томонини супуриб-сидириш билан кун кечириб юрарди.

Жавзо бошлари эди, шом маҳали, иттифоқо, ҳужралардан бири олдидан ўтаётганда кутилмаганда шундай сўзларни эшитиб қолди:

"...Самарқанддан чиққанамизга қанча бўлди, Амир Сайфиддин жаноблари?..." — деб сўради кимдир.

«Хўш... эй Ҳинду Қарқара, кун ўтаберар экан, бир йилдан ошиб қолди..." — жавоб қилди иккинчиси..

Ҳужрадагилар, чамаси, суҳбатни хийла аввал бошлаган эдилар. Зиндачашм опардийнинг кулоқлари динг бўлди. "Ие! Самарқанд, дейдирму?... Амир Сайфиддин?... Темурбекнинг қалин дўсти?... Ҳинду Қарқара қипчоқ?... Бу ерларда нима қилиб юришибди? Улар ҳам бадарга қилинибди-да?... Хайрият, ёлғизгина Зиндачашм саргардон бўлиб юргани йўқ экан..."

У супургини ушлаганча деворга қапишиб астойдил суҳбатга кулоқ сола бошлади.

"Энди, йўқ демасиз, Сизга бир юмуш бор, Ҳинду Қарқара қипчоқ жаноблари!"

«Амрингизга тайёрмен! Овозимиз бироз кўтарилиб кетди. Секинроқ гапирайлик, биров эшитмасун... Ахир деворда ҳам..." — деди нимагадир Ҳинду Қарқара қипчоқ..

"Бе... Ким эшитади? Бегона юрда бўлсак... Бизни ким ҳам танирди. Бир мактуб битдим..."

Шу палла, Зиндачашм опардий, аксига олиб, бир неча одамнинг дарвоза томондан шошимай гурунглашиб келаётганини кўрди-ю ноилож девордан кулогини олди ва ер супуришга тутинди. Ниҳоят имиллаган одамлар ўтиб кетишди.

"... Сўзларимни уқдингиз-а! Амир соҳибқиронга ўз кўлингиз билан топширурсиз. Бировга инонмангиз. Иншооллох, Самарқандда кўришгаймиз..."

Зиндачашм опардий ҳайратда қолди, худонинг унга раҳми келиб, ол қудим, ниятинга ет, бу ёғини энди ўзинг ўйла, дегандай эди... Ҳа, соҳибқиронга Амир Сайфиддин неқўз мактубини Ҳинду Қарқара қипчоқ эмас... Зиндачашм опардий — "Дўлахожа" етказиши керак!..

Шибиргон ҳокими эртаси куни Ҳинду Қарқара қипчоқ билан қорама-қора Самарқандга жўнади...

\*\*\*

- Ижозат берингиз, Амир соҳибқирон! Буни тилка-порасини чиқарай, ит эмганни!.. Дунёга келганига пушаймонлар есин! — деди кўзи қонга тўлган Мубашшир баҳодир...

- Яқинлашма!.. Яқинлашма, деяпман!! Хо-хо-хо!.. - Зиндачашм опардий тезариб кетган эди. — Тилка-порамни чиқарармиш!.. Чиқарасен-а чиқарасен!..

Мубашшир баҳодир ортиқ чидаб туролмади, Амир Темурдан ишора кутганча ҳам бўлмай Зиндачашм опардийга яқинлаша бошлади. У томонда ясовулар буйруқ кутиб сергак турардилар.

- Тирик ушлансун! Ўлдирилмасун! — амр этди шу палла соҳибқирон...

Зиндачашм опардий телбаларча хоҳолаб юборди:

- "Тирик ушлансун! Ўлдирилмасун!..." Хо-хо-хо!.. Мени тирик ушлармишлар!.. Аҳ-а-а!.. Кел! Кел... Ўламен десанг, келавер!.. Келавер!!! — У ялтираган икки пичоқни ўйнатиб атрофдагиларга таҳдид қилар эди.

Мубашшир баҳодир ясовуларга: "Тиф ишлатилмасун! Ўраб келинсун!" дея қичқирди ва... кутилмаганда қоплондай Зиндачашм опардийга ташланди! Лекин айна шу палла, балки бир лаҳза одинроқ, Зиндачашм опардийнинг қаттиқ инграб юборгани эшитилди! У қўлида ялтираб турган пичоқни шартта ўзининг чап кўксига санчган эди!.. Мубашшир баҳодир ерга қулаётган Зиндачашм опардийнинг жонсиз танаси устига бориб тушди!..

Бир мўйи ҳам титрамаган Амир Темур жойидан жилмай хотиржам кузатиб турарди.

Бу воқеа худди тушда юз бергандай бўлиб ўтди... Ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Ясовулар Зиндачашм опардий жасадини ташқарига олиб чиқа бошладилар.

- Шайтони лаъиннинг бунчалар ўзига пичоқ урар даражада мардлигини билмаган эканмен... — Истеҳзоли деди Амир Темур, хаёлидан эса: "Халлоқи безаволга салламно!.. Қабоҳат бандаларига дучор қилиб омон сақлаганингда шукур!.." — деган сўзлар кечди.

- Жуфтакни ростлаб қолди бадбахт!.. — деди Мубашшир баҳодир. — Тирик тутғонимда... Эҳ! Фурсатни қўлдан бериб қўйдим!..

- Мансабга тайинланганиндан сени парвардигор синовдан ўтказмакчи бўлди шекилли... Ушбу бадкорни бизларга рўбарў қилмишдур. Ҳушёрлигингни намоён этдинг, баҳодир! Баракалла!.. - Амир Темур илиқ сўзларини аямади.

— Бахтимизга узоқ йиллар омон бўлингиз, валинеъмат соҳибқирон!.. — Мубашшир баҳодирнинг кўнгли тўлиб кетди. — Бир жонимиз эмас, минг жонимиз йўлингизда фидо бўлсун!

- Фидо бўлсун, ҳазратим!.. — сўзга қўшилди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Икки бармоғи билан соқол учини эзгилай бошлаган соҳибқиронни кўрган Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳушёр тортди.

“Ажабо, кимсаларнинг ўзга иши йўқмикин, - дер эди ўзига ўзи Амир Темур. - Чакчак дарасида Амир Ҳусайн алдаб олиб бориб кўлга тушириб ўлдирмакчи эди... Қаросмонда Амир Мусо билан Зиндачашмлар шикорда гумдон қилишмакчи бўлишди... Амир Кайхусрав эса ҳамisha пайт пойлаб юрарди... Мана, яна Зиндачашм маълунийнинг фитнаси юзага чиқди... Чиндан ҳам, “Эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи — ит», деганида Жаҳонгир Мирзо ҳақ экан...”

Соҳибқирон хаёлга чўмганча у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Хийла вақтдан кейин:

- Мамат! — деди бирдан.

— Қулоғим сизда!.. — бош эгди Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўзга тик қаролмай. У қаттиқ дашном эшитишига асло шубҳа қилмас, кўрқувдан титраб-қақшаб турарди.

- Бир нарсадан таажжубдамен... Дўстимиз Амир Сайфиддин некўзнинг келиб-келиб анови шайтонни топиб, элчи қилиб юборғонига не дейсен?..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ соҳибқироннинг мутлақо бошқа нарса сўраганидан бироз дадилланди:

- Амир соҳибқирон! Амир Сайфиддин некўз жаноблари бағоят оқил ва инсофли, садоқатли инсондурлар... Мен ул зотнинг шундай қилишларига асло ишонмаймен! Бу ерда бир сир яширинмаганмикин?..

- Қандай сир?.. Нималар деяпсен?.. Мактубни Амир Сайфиддин некўзнинг ўзи бермаса Зиндачашм қайдан олиши мумкин ахир?.. Бу ерда фитна борга ўхшайди. Баки уларнинг аввалдан борди-келдилари бордир. Аммо ҳеч қачон бунинг шарпасини ҳам сезмагандим...

- Кўнглим, бир сир бор деб турибдир... Сир бор, Аллоҳ биладир, илло айтмайдир... — деди ишонч билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

- Амир соҳибқирон! Ул зот ҳақида зинҳор ёмон хаёлларга бормангиз... — Мубашшир баҳодир сўзлашга журъат этди. — Ул зотнинг ҳеч айби йўқ... Фидоийликларининг, ҳақиқий дўстингиз эканликларининг кўп бор шоҳиди бўлганмен. Бари найрангбоз Зиндачашм опардийнинг кирдикорларидур. Амир Сайфиддин некўз қайтганларидан кейин ҳамма нарса аён бўлади, бу офтобдай равшан!

- Ҳа, айтгандай, Амир Сайфиддин некўз шериги Ҳинду Қарқара қипчоқ эди, ҳазрат... — бирдан эслаб қолди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Ўзим кузатиб қўйғондим.

Амир Темур соқол учини эзгилашда давом этар экан, бунга диққат қилишни истамади.

Бўлиб ўтган синоатдан ҳанг-манг Мавлоно Убайд Амир Сайфиддин некўз номасини ўраётиб, бирдан қоғознинг энг четигаги майда ёзилган хатга кўзи тушиб қолди. Ўқиб кўрди-ю валати янгилик топганидан ҳаприққанча деди:

- Амир соҳибқирон! Амир соҳибқирон! Номанинг бир четида бундай ёзув ҳам бор экан! Кўзим тушмабди, узр... Мана: “Ушбу нома Ҳинду Қарқара қипчоқдан бериб юборилди...”

Атрофдан: “Ие!..”, “Ие!..”, “ҳинду қарқаранинг ўзи қаерда экан?..”, “Нега ўзи опкелмади?..”, “Зиндачашмдан бериб юборибдими?..”, “Ана холос!..” қабилида сўзлар эшитилди. “Ёраб, бу қандай кун ўзи? Ўнгми, тушми?..” — дер эди ичида ўзига ўзи Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Ҳамма ҳайратда Амир Темурга қаради.

- Ҳа-а... бу шайтон Ҳинду Қарқара қипчоқни гумдон қилиб номани олиб келгон... — деди Амир Темур. - Амир Сайфиддин некўзнинг бундан хабари йўқ.. Мард ва жасур йигит эди ҳинду... Бировга сўзини бермасди. Увол кетди. Аттанг... — Соҳибқирон бирдан Муҳаммад Чуроға додхоҳга юзланди: - Мамат!... Қани менга айт-чи: Зиндачашм пайтида Кўксаройда ҳибсхона бошлиғи ким эди?..

- Салмон опардий...

- Ашаддий душманин қочириб юборган лаънати Салмон опардий ясоққа етказилсун!!! Бола-чақалари кўчириб юборилсун, мол-мулки мусодара этилсун!

- Фармонингиз бош устига!.. — деди шошилинча Муҳаммад Чуроға додхоҳ, деди-ю қоғиб қолди: фармонга кўра ясоққа етказилиши лозим бўлган ҳибсхона бошлиғи Салмон опардий... ярим йил аввал ёмон дардга чалиниб оламдан ўтган эди!..

Буни эшитган Амир Темур соқолини қаттиқ тутамларкан, катта-катта кўзларида ғазаб ўти чақнади...

Ҳалигина, бу беш кунлик дунёда сал оёқни узатиб ҳам яшаш лозим-ку, деб хаёлидан кечирган Мавлоно Убайднинг ўз мулоҳазаларини соҳибқиронга айтиш ҳақидаги қарори яна ҳам қатъийлашди.

Ўша кун иртасига Зиндачашм опардийнинг терисига сомон тиқишиб бозор дарвозасига осиб қўйдилар.

Нохуш хабар Ҳожитархонга етиб келганда милодий 1376 йил куз ўрталари эди. Жўжи улуси ҳукмдори Ўрусхоннинг фиғони нақ фалакка чиқди. Саброн ёнида Тўхтамиш ўғлон билан бўлган даҳшатли жангда лашкар тортиб борган ўртанча ўғли Қутлуғ Буға ҳалок бўлибди!..

Хоннинг умиди шу ўғлидан эди, уни жуда ардоқлар, ўзига валиаҳд ҳисобларди. Шу сабабдан ҳам Амир Темур даргоҳига қочиб, Жўжи улуси шаънига кетмас қора доя туширган, чингизийларга хиёнат қилиб кетган валад Тўхтамиш ўғлонни бир ёқли қилишни шу ўғлига топширишни ўйлаганди. Тўхтамиш ўғлоннинг Утрор билан Сабронга келиб ҳокимлик маснадига ўлтиргани ва бу шаҳарларни мустаҳкамлаш йўлида бошлаб юборган саъи ҳаракатлари Ўрусхонни гезаб отига миңдирди. Темур оқсоқ, - хон уни фақат шундай деб атарди, - чингизийларнинг орасига нифоқ солмоқчи, ўзини ўзига қайрамоқчи, бир-бирининг гўштини бир-бирига едирмоқчи... Тўхтамиш ўғлон ҳам ҳаёю тансуҳотларга, ёлгон ваъдаларга учиб, бўлмағур даъволар этагидан тутиб бу йўлга кирибди. Унинг бошлаб таъзирини бериш керак, думини тутиб қўйиш керак!

Сабронга қўшин юбориш ҳақида гап кетганда, ўртанча ўғли Қутлуғ Буға отилиб чиқиб, Тўхтамиш ўғлон билан ҳисоб-китоб қилгани мен борамен, мени жўнатингиз, деб туриб олди. Бу хонга маъқул бўлди, чунки ўзи ҳам шундай ниятда эди. Қутлуғ Буға ул ножинсни албатта енгиб қайтмоғи зарур! Бу зафар Қутлуғ Буға обрўсини оширган, валиаҳдлик мавқеини тахтга кўз тикиб турган оғаси олдиди ҳам, улус олдиди ҳам мустаҳкамлаган бўларди, албатта.

Қутлуғ Буға кўрқмас, чақдаст йигит эди. Аёвсиз бошланган жангда, айрим навкарларнинг ношуду суст, қўшиннинг парокандалигини кўриб сабри чидамади. Чақдовулда<sup>34</sup> туриши ва жанг равишини кузатиши ҳамда бутун лашкарни бошқариши керак бўлгани ҳолда, жаҳд устида ҳайқирганча майдонга тушиб кетганини билмай қолди. Ҳатто унинг ёнида бўлган отабеги Идику ҳам рафлатда хонзоданинг ноўрин қадамини сезмабди. Хуллас, Қутлуғ Буға бир пайт қараса, манглайда<sup>35</sup> юрибди! Ортга чекиниш мумкин эмас... У ўнгга ҳам, чапга ҳам қилич солар, душманни ер тишлатарди.

Олатасир муҳораба-тўполонда Тўхтамиш ўғлон лашкарининг манглайда жанг қилаётган Оқ Буға баҳрининг кўзи фавқулодда хонзодага тушиб қолди! У яхшироқ тикилди. Кўзи ўтқир Оқ Буға баҳрин адашмаганди: ўша орқа-олдига қарамай саваш қилаётган шоввоз Ўрусхоннинг ўртанча ўғли Қутлуғ Буға эди! Оқ Буға баҳрин шитоб ёйига ўқ жойлаб яхшилаб нишонга ола бошлади. У моҳир мерганлардан ҳисобланарди. Энди отаман, деганда хонзодани кўздан қочириб қўйди. Шундай ҳол икки марта юз берди, Қутлуғ Буға навкарлар орасида бир кўриниб, бир ғойиб бўлиб қоларди. Оқ Буға баҳрин пайт пойлашга тушди... Ниҳоят, мана, хонзода ёлғизланди, атрофида ҳеч ким йўқ... Оқ Буға баҳрин ёй тортди... Жон олар ўқ шувиллаб бориб Қутлуғ Буға кўксига санчилди! Шу заҳотиёқ Жўжи улусининг валиаҳди отдан қулаб тушди ва тил тортмай жон берди...

Қўшинда бир неча лаҳза саросималик аломатлари кўринди. Навкарлар лашкарбошининг ўлимидан кейин пароканда бўлиб нима қилишни билмасдилар...

Оқ Буға баҳрин тез ўрдутоҳга бориб Тўхтамиш ўғлонга бу хушхабарни етказишга ошиқди. У бароят мамнун эди, от бошини буриб, қамчи солмоқчи бўлиб қўлини кўтарган ҳам эдики, алақайдандир дайди бир ўқ икки курагининг ўртасига келиб санчилди! Салгина олдин Қутлуғ Буғаниннг отдан учиб кетганини кўриб қувонган Оқ Буға баҳрининг ўзи ҳам шу аҳволга тушди — асфаласофилинга равона бўлди. Отдан ерга юзтубан қулаган Тўхтамиш ўғлон амирининг елкасида санчилган найза тикрайиб турарди...

Қутлуғ Буғаниннг ўлими лашқарга оловни пуфлаб ўчирмоқчи бўлганларида баттар ланғиллаб ёнгандай акс — таъсир қилди: жўшу хурушга тушиб ёрий қўшини устига офатдай ёприлди. Жазаваси чиққан навкарлар шиддатидан Тўхтамиш ўғлон аскарлари юрагига кўрқуву ҳарос оралади, оқибатда қўшин синчига дарз кетди. "Чингизхон авлоди" деган шарафли номдан бошқа бирон фазилати бўлмаган, ҳарбий салоҳиятда тажрибасиз Тўхтамиш ўғлон қўшинни ташлаб қочиб қолишга улгурди. Қутлуғ Буға навкарлари уни юртни оралаб қолган, қувилган қашқир ҳолига соддилар. Утрор ва Саброн, - Тўхтамиш ўғлон вилоятлари, - Жўжи аскарлари томонидан талон-торож қилинди, эркаклар қиличдан ўтказилди, кўп болаар ва аёллар, қизлар асир қилиниб Сияғонга олиб кетилди...

Жўжи улуси хони Ўрусхон бу тафсилотни эшитганида фавқулодда вазабдан тили боғланиб қолди. Фақат пишиллаганча "Пуф!", "Пуф!" қилар эди холос. Бироз ўзига келгач, Қутлуғ Буға ёнида бўлган Идику билан қозончи баҳодирларни ҳузурига чорлатди.

- Нега Тўхтамиш ўғлонни қўлдан чиқариб юбординг?.. — зуғум билан сўради хон Идикуга қаттиқ тикилиб, унинг киприклари қошларига қўшилиб кетган эди..

Идику улуснинг забардаст, жасур амирларидан бири ҳисобланса ҳам, ерга қаранганча индолмай қолди.

- Нега Тўхтамиш валадни тутиб келмадинг, деяпмен?! — яна сўради хон Қутлуғ Буға отабегисидан. — Гапир! Гўштингни канорага иламен, даюс!

- Рафлатда қолдим, ҳоқоним! Нас босди бизни!.. — деди йиғламсираб Идику. — Нас босди-и-и!..

- Қутлуғ Буғани асрай олмадинг, Тўхтамишни қочириб юбординг! — давом этди ку-

йиб-пишиб хон. — Отнинг думига судратиб саргардон қиламен сен мангитти! Пешонангни итлар искаб ётади!..

Хон Идикудан жавоб кутмай қозончи баҳодирга юзланди:

- Қани Тўхтамиш? Қани сен ваъда қилган Тўхтамиш?.. Душманни енгиб, сарқардасини қочириб юборадурму? Менга ўша валад керак эди, ўша валад!.. Қани у?! Қани деялмен? Қутлуғ Буға ўғлимнинг аламини олар эдим!.. Пуф-ф!.. Юрагини тириклай суғуриб олиб қовуриб ер эдим! Юрагини ер эдим-м!.. Юрагини!..

- Олампаноҳ! Ўшанинг пайидан бўлдум... Бўйнидан итдай боғлаб хор қилиб қошингизга олиб келмоқчи эдим. Роса тавбасига таянтирмоқчи эдим... — Қозончи баҳодир хоннинг этагини ўпанча ўзини оқларди. — Шунинг билан овора бўлиб мен галварс Қутлуғ Буғадан беҳабар қолибмен...

- Тўхтамишнинг пайида бўлдум, дейсен... Пайида бўлсанг, қани Тўхтамиш?.. Гапир, итти боласи!..

- Изидан қувдим! У майдондан чиқиб қочди! Аммо оти учқур экан, Амир Темур совра қилган, дейишади, улур ҳоқоним, сира етказмади. Отимни роса қамчиладим эса... Олиб келамен, ҳа!

- Пандавақилар! Оғзидан ошини олдирганлар! Галварслар! Сенларни сўқимга тортиш керак!..

Қозончи баҳодир бироз бошини эгиб турди-да, кейин деди:

- Олампаноҳ! Қуруқ келганим йўғ... Тўхтамиш ўғлонни олиб келмаган бўлсам ҳам, бир нуфузли амирини қўлга туширдим...

- Нима дединг? Бир амирини қўлга туширдим, дедингни?.. Пуф-ф!..

- Ҳа! Бўйнидан боғлаб ҳузурингизга олиб келдим!

Ўрусхоннинг қисик кўзлари очилди, вазабдан чимирилиб бир-бирига туташиб кетган қошлари ёзилди. Бу кутилмаган янгилик эди.

- Келтирилсан! — деган фармон бўлди.

Қозончи баҳодир шу лаҳзадаёқ айиқдай тайпанглаб бориб қўл-оёғи боғланган асирни олиб кирди. Бу жанг вақтида ярадор бўлиб, майдонда ҳолсиз ётиб қолган йирик гавдали, кўсанамо Ўрунг Темур эди.

- Ўрунг Темур?! Сенмисен?..

Ўрунг Темур оқсоқланиб келиб хон оёғига йиқилди.

- Бир қошиқ қонимдан кечингиз, ҳоқоним!

- Нима бўлди?.. Қўл-оёғини еч бун! — буюрди Ўрусхон.

- Гуноҳдор қулингизни афв этингиз, эй валинеъмат! Жоним қўлингизда... — тиз чўкиб таъзим қилди Ўрунг Темур.

- Сўзла!

- Мен... Тўхтамиш ўғлон билан байъат<sup>36</sup> қилган эдим... Воз кечолмадим...

- Ҳим-м-м!.. Байъат қилиб воз кечолмадим, дегин?..

- Афв этингиз!.. — бошини экканча хон кўзларига қаролмади, соғ қолишидан умиди йўқ Ўрунг Темур.

Сарой ичи сукунатта чўмди.

- Ҳўш, айт-чи, Темур саройида не воқеалар содир бўлди?.. — сўради хон.

Ҳаяжондан ҳали ўзига келиб олишга улгурмаган Ўрунг Темур Самарқандда кечган воқеаларни қўшмай-чатмай айтиб берди.

Ўрусхон лом-мим демай эшитиб ўтирди. Тинглаганлари унга маъқул бўлдимиди, йўғми, Ўрунг Темур бунининг чехрасидан билолмади. Хон узоқ вақт бир нуқтага тикилиб қолди, Ўрунг Темурнинг мангитли гапларига ишонмаслик иложи йўқ эди.

Қаёқдандир саройга кириб қолган бир қовоқари ташқарига чикмоқчи бўлиб гўнгиллаб ўзини ойнага урар, сукунатта халал берар эди.

- Байъат қилиб, сўзингизда турганинг учун, ростини айтганинг учун гуноҳингдан ўтдим... — деди Ўрусхон кутилмаганда.

Идику ҳоқоннинг ҳимматидан ҳайратда лол эди.

- Салтанатлари бардавом бўлсун!..

Шундай деди-да, омон қолганига ҳали ҳам ишонмаган Ўрунг Темур хон оёғини ўпа бошлади.

Бирдан уч марта қарсақ чалинди. Хон кириб келган мулозимга:

- Тез Тўқтақийни бу ён чорла! — деб буюрди. У бир қарорга келган эди. — Айт! Кунчи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Сотқин баҳодирларни ҳам бирга олиб келсун!

Мулозимнинг шитоб чиқиб кетишини кузатиб қолган хон келанидан бери бурчақда манглайи дўнграйиб мум тишлагандай жим мулзам бўлиб ўлтирган Идикуга юз бурди:

- Ҳой, мангит!

- Лаббай, ҳоқоним!

- Гуноҳингни қандай ювишни биласенму?

- Буюрингиз, ҳоқоним! Буюрингиз! — Идику жонланиб қолди. — Сувга кир десангиз, сувга кирамен, ўтта кир десангиз — ўтга...

Хон мангит амирининг жасурлигини ҳам биларди, маккорлигини ҳам.

- Сўзни бежаб ўлтирмаймен. Ундок одатим йўқ. Тез Темур саройига жўнайсен! Унга шундай айтасен... Биз билан ҳазиллашмасун!.. Чингизхон уруғимиз! Бунининг қўйсун! Ўғлимни ўлдирган Тўхтамиш валадни яхшилиқча бизнинг қудратли қўлимизга тобшурсун! Йўқ эса, савашини жойини айтиб юборсун! Уқдингму?..

- Уқдим, ҳоқоним, уқдим! — бош эгиб жавоб қилди Идику...

- Адолатли талаб бўлди, шавкатли ҳоқоним! - Фурсатдан фойдаланиб сўзга аралашди Қозончи баҳодир. - Ҳар қанча талаб этсангиз ҳақлидурсиз! Ким бўлибдир Темур сизни қудратингиз олдида? Уҳ-хў!.. Агар рози эсангиз, Идику мангит жанобларига шерик бўлиб боришга тайёрмен...

- Йўк, мангит ўзи навкарлари билан боради, сен шу ерда бўласен, сенга юмуш бор... Пуф-ф!..

Вазиятни кузатиб турган Урунг Темур, барибир Амир Темур Тўхтамиш ўғлонни топширмайди, уни ўғлим деб сийлади - ку, деб юборай деди, аммо маслаҳат сўралмаган жойда беҳудага бурнингни тикма, деган ҳикмат эсига тушиб, сўзга кўшилишдан ўзини тийди.

Шу пайт Тўқтакиё келганини билдирдилар. Жуссаси отасига тортган, бўлалик, қирқ-ни қоралаб қолган, сариқдан келган хонзода падали бузруквори Урусхонни тавоф этди ва қўл қовушгирганча орта тисариларкан, деди:

- Фармонингизга мунтазирмен, ҳоқоним! Баҳодирлар ва ўғлонлар ташқарида туришибди...

Хоннинг ота бир она бошқа фарзандлари бир-бирларига унчалар меҳр-оқибати йўк, ичиқоралик билан қарайдиган, офтобнинг холис шугласини ҳам ўзгасига раво кўрмайдиган бўлиб вояга етдилар. Ҳукмдор буни ҳар лаҳзада сезар, эртанги кунни ўйларкан, ичичидан эзилар эди. Айниқса, Қутлуғ Буға ўлимидан кейин бақувват соппа-соғ қўли кесиб ташлангандай бўлди, маъшум хаёллар залвори яна ҳам ортди.

- Афсуски, Тўхтамиш қочиб қутилибди, мана бу ландовурлар лалайиб қўлдан чиқаришибди. Қутлуғ Буға эса, ўзинг биласен, нобуд бўлди... Шу кўргулик ҳам бор экан... - оғир сўлаш олди Урусхон. — Ўғлим! Тез қўшин тўпла, амирларни чақир! Буртос, Саройчи?, Бошқирд ила Кримга одам юбор! Тўхтамиш амирлари кўнглига ҳам қўл солиб кўр. Алибек Кўнғирот... Мана, Урунг Темур бор...

- Бош устига, ҳоқоним! — деди Урунг Темур. — Хонзода ёнида бўлурмен!..

- Мол-дунё деса ўзини томдан ташлайдигани бор, мол деса мол бер, ақча деса ақча... Ол, хазинадан! Сизноқ томонга бориш керак! Темур ҳали бизнинг кимлигимизни, кучимизни билмайди чоғи... Хомтама бўлиб, яна Тўхтамишни югурдак қилиб лашкар билан юборади. Юбориши аниқ! Шай туриш керак. Тўхтамишни қўлга туширасенлар! Аммо билиб қўй: тирик олиб келасенлар!

Пуф-ф!.. Уқдингму?..

Тўқтакиё отасининг куйиб-ёнаётганини ҳам унчалик сезмаётгандай бепарво, хотиржам кўринарди. Хаёлидан: "Нуқул "Қутлуғ Буға!", "Қутлуғ Буға!" дердингиз. Ой турса ҳам унга, кун турса ҳам унга эди. Ҳатто ҳов анов кунги қурултойда, бунинг олдида оғаси бор, демасдан, уни Жўжи улуси валиаҳди, деб ҳам юбордингиз! Бизга ҳам ишингиз тўшар эман-ку! Энди Тўқтакиё керак бўлиб қолдиму?.." каби сўзлар ўтди. Гап келганда отангни ҳам аяма, деган ақидага кўра, падали бузрукворини бир ўйиб олмоқчи эди, бу фикридан қайтди ва мутлақо бошқа нарсадан гап очди:

- Агар... Тўхтамиш ўғлонни тутиб келсам...

Тўқтакиёнинг жим қолганини кўрган хон кўзларини катта-катта очиб унга қаради:

- Хўш... тутиб келсанг... Гапиравер! Сўзинг ичингда қолмасин!

- Агар Тўхтамиш ўғлонни тутиб келсам, - давом этди Тўқтакиё тап тортмай, - Менга Ҳожитархон вилоятини берасиз-да, ҳоқоним!..

Нозик пайтда шундай қилиб ўз ҳақини ундириб олмаса, тўнғич ўғил, хонзода бўлса ҳам сандироклаб юра беради шекилли... На бир вилоятга ҳоким, на саройда обрўси бор...

Урусхон ўзининг куйиниб айтган гапларини ўғли лоқайду беғам эшитганидан ичида афсусланиб ўлтирган эди, унинг бемаврид даъвосини кўриб каттиқ ранжиди. Шундоқ довлашининг ҳозир пайтимизи, душман остонада турган бўлса...

- Мен нима дейман, қўбизим нима дейди, деган экан бир куйган банда... — алам билан деди Урусхон. — Қассобга мол қайғи, эчкига — жон... Хўп, хўп... Ҳожитархон сеники бўла қолсун, сеники бўла қолсун. Ола қол.. Ахир бутун Жўжи улуси сизларники-ку, тентақлар!.. Мен нима қиламен, гўримга олиб кетаменму, бир-икки кунлик умрим борму йўқми...

Тўқтакиё хон сўзига эътибор бермади, Ҳожитархон вилояти жиловчи ҳозироқ унинг қўлига теккандай қувониб кетди. Хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, фармонни адо этгани ташқарига чиқаркан, тезликда Кунчи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Сотқин баҳодир ва бошқаларга одам юборишни ўйлар эди.

## II

...Раҳматли Шербаҳромнинг ўғли, Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак ҳуююн Урдудан: "Шитоб подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон олдига жўнасун, унга салтанат юмушларда жасоратли бўлиши лозимдигини, ёғийни яқсон қилиш мард учун ҳамиша вожиб эканлигини уқдирсун!", деган Қутлуғ фармон олди. У аввалроқ Муҳаммад Чуроға додхоҳга, Амир соҳибқирон ижозат берсалар, камина Тўхтамиш ўғлондан хабар олиб келсам, деган истакни билдирганди. Мардона отилиб чиққанларни Амир Темур ҳамиша қўллаб-қувватлар, улар шаънига илиқ сўзлар айтарди.

Тўхтамиш ўғлон иккинчи марта ёғийдан "калак" еб ҳузурига қочиб келганида, Амир Темур олийжаноблик ва валломатлик одатига кўра, хатоларини унинг юзига солмай,

аввалгидан ҳам ортикроқ сийлаб, кўнглини кўтарди. Қўшин бериб, Амир Улжайту опардий каби қадхудони ҳамроҳ қилиб такрор Саброн томонга юборди. Мўлжал бўйича, Тўхтамиш ўғлон аллақачон у ерда ҳокимиятни ўрнатиб, пойтахтга музаффарият муждасини етказмоғи лозим эди. Бироқ икки ойга яқинлашиб бормоқда, ҳали бирон хабар йўқ... Шундай пайтда юқоридаги таклиф соҳибқиронга маъқул тушди.

Муҳаммад Мирак тўладан келган, кўринишидан хушрўй, йигирма уч ёшга кирган ёвқур бир йигит эди. Унга назар солганда соҳибқирон худди эски қадрдони Шер Баҳромни кўргандек бўларди. Шер Баҳром анча-мунча хиёнатларга йўл қўйган эса-да, табиатан очиқ одам эканлигидан, соҳибқирон уни яхши кўрарди. Зурёди ҳам унга ўхшайди шекилли...

Муҳаммад Мирак гаройиб сазъияли, йўғон овозли, юзлари буғдойранг, сермўй, лаблари қалин, қошлари қуюқ, гўё ҳайратга тушиб бақрайиб қолгандай катта-катта кўзларини тез-тез пирипирашиб турадиган бир йигит эди. Кўнглида нима борлигини билиш қийин, "ичимдагини топ" хилдан бўлиб, давраларда ўлтирганда ҳам гапга кам аралашар, доим ўз ўйи билан ўзини банддек тутарди. Чап қулоғи йўқ, айтишларича, чақалоқлигида мушук еб қўйган экан... Бу ҳазилми, чинми, биров билмайди. Орқаворатдан "қулоқсиз" ҳам дейишарди. Меҳмондорчилик жони-дили, таом гадоси, икки-уч кишининг насибасини бир ўзи еб кўя оларди. Ун тўрт ёшигида гаров бойлашиб беш қадоқ гуруч ошини паққос туширганини, кетидан тўртта тухумни хомлигича ютиб юборганини ҳали-ҳали гапиришарди...

Олтмишга яқин йигитларни ўз ёнига олган Муҳаммад Мирак чўлу маликлар ошиб Сабронга етай деганда Сирдарёнинг Арис суви деган чуқур, эни юз элик қадамлар чиқадиган шўх ирмоғига дуч келди. Уни тезоқар эканлигидан Довдирсой ҳам дейишарди. Яқин атрофда кўприк кўринмади. Бирон кечик топиш ниятида сувнинг оёғига қараб юрдилар. Бир пайт туронги, йингили қоравараклардан иборат чакалакзор ўрмон олдида чиқиб қолдилар. Аммо ҳануз бирон кўприк ёки кечикдан нишон йўқ... Йўлни давом этдирайликми, ёки дарёга от солиб ўтайликми, деб турганларида, бирдан Муҳаммад Мирақнинг чап қулоғига, - ўнгидан кўра ўша мушук еб кетган қулоғи яхши эшитарди, - кимнингдир инграб ётган овози эшитилди... Овоз чакалакзор ичидан келарди. Кўнгли алланечук безовта бўлган амир бировни юборишга ҳам сабри чидамай дарахтлар ичига ўзини урди. Йўлни қийшайиб қулаб тушган йўғон туронги тўсиб ётарди. Шу палла қандайдир от ҳам кучсизгина пишқириб қўйгандай бўлди унинг назарида...

Муҳаммад Мирак не кўз билан кўрсинки, дарахтлардан холи, унча катта бўлмаган сайхонликда, хас-хашак устида подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон яланғоч, ўзидан кетиб қонга беланиб ётарди! Даставвал у кўзларига ишонмади, кейин подшоҳзода эканлигига амин бўлгач, аста яқинлаша бошлади...

Унг қўлига теккан ўқ захми, очлик, ташналик бари бир бўлиб Тўхтамиш ўғлонни батамом ҳолсизлантириб қўйганди. Нарироқда эса дарахт ёнида тилла қошли эгари қийшайган, қумуш югани ер ўлган Хонўғлон маъжос қараб турар, кўзида ёш гилтиларди. Амир Темурнинг машҳур бедови! Ёпирай! Муҳаммад Мирак умри бино бўлиб отнинг йиғлаганини ҳеч кўрмаганди, ақлли жониворнинг оқибатидан ёқа тутгудай ҳайратга тушди.

- Подшоҳзодам! Нима бўлди?.. - Ҳаприқиб сўради Хутталон ҳокими Тўхтамиш ўғлон устига эгиларкан.

Аббос баҳодирга шерик бўлиб борган Муҳаммад Мирак даставвал Қизилқум саҳро-сидаги кўҳна қалъада подшоҳзода билан илк бор кўришди ва то Самарқандга келгунча йўлда яхшигина танишиб олди, кейин Боғи Нақши жаҳондаги базми жамшид пайтида яна ҳам қадрдонлашиб кетдилар. Ушанга унга Тўхтамиш ўғлоннинг нимасидир ёқиб қолди, чамаси, ўзини ўзгалар олдида такаббурона тутуши, атрофдагиларга белисанд боқиши унга фўром келди. Шер Баҳромнинг ўғли ҳам шундай бўлишни орзу этарди, иложи бўлса кибру ҳавони от қилиб миниб олса, калондимовликнинг жиловидан маҳкам тутса... Жумла жаҳон пошнасининг остида бўлса!.. Албатта, бунинг учун мустаҳкам замин лозим, у истаган такаббурлик тахтига чиқмоқда Хутталон каби ҳассанинг тагидеккина вилоят ҳокимилиги шарафи камлик қилади... Тўхтамиш ўғлоннинг йўли бошқа, у - Чингизхон авлоди!

Подшоҳзода баъзўр кўзларини очди. Ким у, келган? Дўстми?.. Душман босиб келди-ми?!.. Ғира-шира туман ичида қандайдир башара кўринди, у чамаси, Қозончи баҳодир эди.

- Келдингми, а!.. Қозончи... қаттол!.. Душман!..

Тўхтамиш ўғлон апил-тапил қиличига қўл чўзмоқчи эди, бемисл оғриқдан инграб юборди, тиниқ юзларини изтироб пардаси қошлади.

- Менман, мен!.. Муҳаммад Мирак! Душман эмас, подшоҳзодам! Безовта бўлмангиз!..

Овқат ейишимни кўриб "полвон" дегандингиз-ку зиёфатда... "Полвон!.."

- Полвон?! Қанақа полвон?! Йўқол!... Иҳм-мм мм!..

- Менман, Хутталон ҳокими амир Муҳаммад Мирак! Дўст, дўст ёнингизда!.. Амир...

-А... амир жаноблари... Полво-о-он... Бундай демаясизми... Қозончи деб ўйлабмен...

- Йўқ, қозончи эмасмен, амир Муҳаммад Миракмен!..

- Муҳаммад Мира-а-к... Худога шукур... Ҳа-а... Чинакам дўст экансиз...

- Дўстмен! - ҳаприқди Муҳаммад Мирак. - Дўстмен!.. Ҳамиша ёнингизда бўламен!.. Менга суянаверингиз, подшоҳзодам! Содик қулингиздирмен!

- Ҳа-а... Ҳамиша ёнимда бўлурсиз... Ёнимда-а-а... содиқ қулим...

Подшоҳзоданинг ортиқ сўз айтишга ҳоли қолмаганлиги кўриниб турарди.

Мамнун бўлган Муҳаммад Мирак одоб вазифасини ўринлатди — йигитларни чорлади, дарҳол чодир урдилар ва подшоҳзодани кийинтиришиб, авайлаб кўтариб чодирга олиб кириб ётқиздилар. Қўлига малҳам қўйиб боғладилар ва шарбату хўрак билан сийладилар.. Тамадди қилганидан сўнг Тўхтамиш ўғлоннинг жони сал тинчиди. Шундан кейингина, бу ерларда нима қилиб юрибсиз, дегандек савол назари билан "полвон" га қаради.

- Сизни қоралаб келдим, подшоҳзодам! Амир соҳибқирон хавотир олиб изингиздан юбордилар. Аслида ёнингизга қелишни ўзим тилаб олдим... Сизни ўйлаб, кўнглим нотинч бўлди. Содиқ қулингизмен-да... Йўлим Сабронга тушмиш эди. Соҳибқирон амр этдиларки, жаноблари салтанат юмушларида жасоратли бўлурсиз, душманни яқсон қилишни ҳамиша ўзингизга вожиб деб билурсиз...

...Салтанат юмушларида жасоратли бўлурсиз, душманни яқсон қилишни ҳамиша вожиб билурсиз... — такрорлади мазахнамо овозда Тўхтамиш ўғлон. Ёки Муҳаммад Миракка шундай туюлди... — Падали бузрукворимизнинг меҳрибончиликларидан бошимиз осмонда... Афсус, биз солиҳ фарзанд бўлолмаётимиз... Эҳ!..

Кўзлари юмилиб бораётган Тўхтамиш ўғлон, ортиқ гаплашгим йўқ, дегандай жойга чўзилди, уни уйқу элтарди. Муҳаммад Мирак, подшоҳзода озгина ором олсунлар, деди-да, хос навқарига Хонўғлонга сув-ем бер, деб тайинлашга турди.

\*\*\*

Амир Темур бир марта ўзи Ўрусхонга қарши жанг қилди, тутинган ўғли Тўхтамиш ўғлонга икки марта қўшин бериб Сабронга жўнатди. Подшоҳзодага Хонўғлон ҳамроҳ бўлди... "Оқ, Хонўғлон! От эмас, бамисоли тўрт оёқли дев! — дер эди Тўхтамиш ўғлон ўзига ўзи. — Парқинидан қанотлари отилиб чиқаман, деб туради. Қуондай елади, қуюн ҳам ортда қолади!.." Подшоҳзода бўз отни ана шундай ардоқларди.

...Тўхтамиш ўғлоннинг иккинчи жанги шиддат билан бошланди, лашкар даставвал вазият измини қўлда тутиб, майдон марказини ишғол эта олди. Тўқтакйё қўшини адади негадир кам эди, шунга қарамай биринчи қуни устуналик ҳеч кимга насиб этмади. Иккинчи қуни ёғий қўшини қутилмаганда суст ҳаракат қилди, улар худди чекининин аввалдан мўлжаллаб қўйгандек ҳолатда эдилар. Душманнинг бундай тутумини тушуниб бўлмасди. Душман чекиниши — Тўхтамиш ўғлон зафари!..

Чиндан ҳам, кўп ўтмай майдон узра "Ёғий қочди!", "Ёғий қочди!.." деган музаффар садолар янгради. Тўхтамиш ўғлон қувончдан еру кўкка сиғмай, тепаликдаги қароргоҳидан туриб:

- Зафар ёр бўлсун, йигитлар!.. Ёғий қочди! Қочди-и-и!!!.. Ёғий изидан! Изидан бориб мажариб ташлаш керак!.. Ёғий изидан!!!..- дея қичқириб юборганини билмай қолди. Унинг ўтқир ингичка овози ҳамманинг қулоғига етиб борди.

Шу палланинг ўзида:

- Ёғий изида-а-ан!..

- Ёғий изида-а-ан!..

- Ёғий изида-а-ан!!! Қочди!... Қочди!...Ёв қочди-и-и!..- садолари еру кўкни тутиб кетди.

Амир Улжайту опардий жонҳолатда шитоб келди-да, айюҳаннос солиб бораётган навқарларни кўзларида ўт чақнаб кузатиб турган мамнун Тўхтамиш ўғлонга ёлвориб бундай деди:

- Подшоҳзодам! Чакки бўлди! Бу душманнинг ҳийласидур! Ёғий изидан бормак хатарлидур! Тез фармон қилингиз, аскарлар ортга қайтсунлар! Эртани шу ерда кутмак лозимдур!.. Фармон қилингиз, подшоҳзодам!.. Фармон қилингиз!..

Бироқ кўпни кўрган амирнинг илтижоларга тўла овози отлар дупур-дупури, қолиб лашкар суронлари остида эшитилмай қолиб кетди... Чекинган Тўқтакйё қўшинини қувиб етиб кунпаякун қилишга шайланган зафарқарин лашкар, ортида чанг-тўзонларни муаллақ қолдириб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди...

Тўхтамиш ўғлоннинг қувончи кўпга чўзилмади. Лашкар қайтишини хотиржам кутиб турганда, Тармочуқ бирдан чап томондан, ҳов анови баланд қир ортидан қандайдир қўшиннинг бостириб келаётгани ҳақида хабар қилди. Ҳайрон қолган подшоҳзода қир томонга қараган ҳамоно:

- Ҳай-йо! Ҳай-йо!!!.. Бос! Бо-о-ос!!!.. — садолари қулоғига чалинди.

- Бу қандай қўшин?.. — сўради ҳайрон Тўхтамиш ўғлон...

- Билмадим... — вужудига титроқ кирган Тармочуқ бир нима дейишга ожиз эди.

- Тўқтакйёники бўлса, уни қувиб кетдилар-ку?.. Ҳали замон енгиб қайтишади... — ўзини ўзи овултандек деди подшоҳзода...

Муртига ўпкалаб турганда, соқол чиқди, деганларидай, энди ўнг томондан дара ичидан ҳам бир лашкарнинг ҳайқириқлар ила ёприлиб келаётганини кўриб қолдилар!

- Ҳай-йо! Ҳай-йо!!! Ҳай-йо-о-о!.. Бо-о-ос!..

Дара ичи шиддатли садолардан жаранларди.

Тўхтамиш ўғлоннинг каттиқ кўрқувдан аъзои бадани музлаб кетди! Дакос Тўқтакйё! Бари унинг ҳийласи экан! Амир Улжайту опардий айтганидай бўлиб чиқди. Жангта ташланган қўшин сонининг камлиги, ҳаракат сустлиги, гўё енгилгандек қочиб қолишлар, бари — ёғийни маккорлик ила алдаб узоққа олиб кетиш, тузоққа тушириш, кейин пистирмада

турган баронфору жавонфори сўппайиб ёлқиз қолган Тўхтамиш ўғлон устига ташлаб, асир олиш ва рофил лашкарни халқа ичида қириб ташлаш учун ўйлаб топилган экан! Нега Амир Улжайту опардий сўзига қулоқ солмади, нега?.. Рост айтадилар, ҳали гўр ва думбулбачча экансен, эй Тўхтамиш ўғлон!..

Шу палла Тармочуқ узоқдан қимнингдир шиддат билан от чоптириб келаётганини илғаб, бит кўзлари катта-катта очилиб кетди:

- Подшоҳзодам! Кўрдингизми?.. Ҳов узоқдан қимдир ёмон ниятда келаётир! Ортида бошқа навкарлар ҳам бор! Тезроқ қочиш керак! Қараб турағизми?... Қочмайғизми?... Кетдик!

Кутилмаганда:

- Тўхта, нока! Пир урган!!!. — деган ҳайқирик янгради. Подшоҳзода икки юз қадамлар нарида от қўйиб келаётган суворийни кўрди ва... уч ой аввал бўлган биринчи жангда уни қувиб етолмай аламад қолган Қозончи баҳодирни таниди!

- Подшоҳзодам! Ёлворамен! Отга минингиз! Тез! Тез!.. — куйиб пишарди Тармочуқ...

"Энди афсусдан фойда йўқ, зудлик билан чора топмоқ керак!.. — деб ўйлади Тўхтамиш ўғлон. — Чора — қочиб қолмоқликда! Қочиб қолиш — ҳали енгилш дегани эмас!.."

Подшоҳзода икки кўшин ўртасида хасдек топталишини ҳис этди, беихтиёр, аини шундай қилиш зарур, деган мажбурият остида отига минаркан, Хонўғлоннинг вазиятни англаб турганлигини кўриб ҳайрон қолди. Бевозта тулпор "Ха!.." дейишга мақтал ҳолда, дамбадам қулоқларини қайчи қилиб йироқдан елиб келаётган отларга қараб пишқириб, ер тепиниб қўярди...

Хонўғлон аслида Самарқандни соғинган эди. Пойтахтда эҳтимол Амир Темурни ҳам кўрармиди, одатдагидек, суйқанармиди, қўлидан кишмиш ҳам еярмиди... Самарқанд кўчаларидан малолсиз, сувдай текис йўрғалаб ўтган пайтларида атрофда, йўл бўйларида одамлар унга ҳайрат билан қарашар, қичқириб сўзлашар, Хонўғлон тушунмаса-да, уларнинг чеҳраларидан мақтов ва олқиш айтаётганларини англади.

Яқин ойларда шаҳар кўрмади, фақат қир-адир, дала-сой, нотекис йўллардан ўтишга тўғри келди... Тош-шағаллар туёғига азоблар берди, аммо бировга билдирмади...

Мана энди соҳибининг иши юришмаганини, душманлар кирдикорини, оқибатда бу ердан тезроқ қочиш лозимлигини шуурсиз англаб етган Хонўғлон камчининг учи тегиши билан қуюндай елиб кетди! Йўллар танобини тортишга орзуманда тулпор шу кетишда тоғу даралар, чўлу қишлоқлар оша Самарқандга етиб оладигандай алфозда эди. Арғумоқ еларкан, худди учқур куёнга ўхшаб бутун гавдаси билан чўзилиб борарди. Тўхтамиш ўғлон кумуш юган жилловини маҳкам ушлаб, тилла қошли эгарга ётиб олган, узоқдан қараганда от худди чавандозсиздай кўринар, подшоҳзода қулоғида шамол ҳувиллаб ҳеч нарсани эшитишга қўймасди...

Тўхтамиш ўғлоннинг навкарлари ҳам майдонни ташлаб отларини унинг кетидан бурдилар, аммо ҳар қанча чиранмасинлар, жуфтлаб ташлаб, ирғиб, учиб бораётган Хонўғлондан ортда қолиб кетдилар. Душман отлиқлари уларга етиб олай деб қолишди. Шунда Тўхтамиш ўғлон кўрди: Тармочуқ шерикларига жон ҳолатда: "Тарқал! Тарқ-а-а-ал!!!.." деб бақирди... Навкарлар, ёвни чалғитиш учун бўлса керак, шитоб ўнгга, чапга ёйилиб кета бошладилар.

Қизиқ манзара содир бўлди. Ортда бир тўда аскарлар "ҳай-ё ҳай"лаб отларига зўр бермоқда. Ўртада ҳар томонга сочилган, сочилиб кетаётган отлиқлар. Олдинда эса ўқдай учиб бораётган ягона бўз тулпор...

Амир Улжайту опардий ва бошқа ўн-ўн беш аскарлар ҳам Тўхтамиш ўғлон изидан Довдирсой ёққа қараб от солдилар. Шу палла душманнинг баронфоридан йигирма-ўттиз чоғли аскар ажраб чиқди ва қиялаб подшоҳзода йўлини тўсмоққа чоғланди. Жавонфордаги қўшин эса ялписига Тўхтамиш ўғлонни қувмоққа турди.

Хонўғлон елиб бораётганда, йироқдан яна Қозончи баҳодирнинг таҳдидли болохонадор сўзлари эшитилди. Бу орада Амир Улжайту опардий бошлиқ навкарлар уларга етиб олишган раним лашкари билан савашинга киришдилар. Кучлар тенг эмас эди.

Амир Улжайту опардий қаттиқ жанг қилди, бир неча душман аскарини ер тишлатди. У қилич солганда ёшлардай ҳайқириб қўяр, олдидан келгани ҳам тинчитарди, орқадан келгани ҳам. Қозончи баҳодир уни илғади-ю шартта шу томон бурилди. Отини қаттиқ елдиригандан эгнидаги жавшан шириқлаб борарди. Озгина даҳанаки жангдан кейин, найзабозликка ўтдилар, аммо писточки найзалардан бир иш чиқмади. Навбат қиличбозликка етди. Ажабки, иккиси ҳам бу ҳунарда устозлардан саналарди. Амир Улжайту опардий пайт пойлаб, рақиб бошини мўлжаллаб шиддат билан қилич урар, Қозончи баҳодир усталик билан чап берар, нафасни ростлаб, душманнинг яқинда эканлигидан фойдаланиб силтаган қиличи заранг қалқонга тегиб қайрилуғдай бўларди... Қозончи баҳодирнинг шувиллаб келаётган қиличига Амир Улжайту опардий ўзининг кескир қиличини қалқон қилиб улгурди. Кейин қаттиқ зарба беришга шайланган эди, рақибни орта чекиниб жон сақлаб қолди. Қиличлар ҳар сафар бир-бирига урилганда зорлангандай ингроқ жаранг саси эшитиларди.

- Ўлгинг кепти шекилли... Кел! Кел!.. Жонингдан умидингни узавер, болакай!.. — Қилич соларди Амир Улжайту опардий.

- Кунинг битди, қари қузғун! Гуноҳинг ўз бўйинида! Лошинг шу ерда қоладур!.. Қолмаса, отимни бошқа қўямен!.. — зуғум қиларди Қозончи баҳодир...

Савашиш қизигандан қизиб борарди.

Кутилмаганда Амир Улжайту опардийнинг қилич тутган қўли нечундир ҳолсизланиб қолгандай бўлди: ўн йилдан бери ҳолис хизмат қилиб келган зулфиқор қиличи — уни Исфахондан олдирган эди, — панд бериб, қабзасининг ёнидан чўрт узилиб кетди! Буни кўрган Қозончи баҳодир рақибининг ёшини аяб, раҳм-шафқат этиб ўлтирмади: шартта қилич солиб кекса номдор амирнинг не-не жангларда марғур бўлган бошини танидан жудо қилди...

Қозончи баҳодир энди елдай учиб бораётган Тўхтамиш ўғлон изидан от қўйди. Унинг бу сафар алмаштириб олган пойгачи тулпори чакки эмасди, жайдари отларнинг икки-уч қадамини бир қилиб босарди. Баҳодир дулдулига қамчи солди, кеча ёғиб ўтган ёмғирдан юмшаган ер чопишга халал берса ҳам, жонивор Хонўғлонни мўлжал қилиб ўқдай елиб кетди.

Хонўғлоннинг олдида яна биринчи жангдагидек Довдирсой пайдо бўлди. Бу сафар худо асрагур тулпорнинг шиддати шу қадар тез эдики, агар тўхтайман деса ҳам, хийла жойга бориб секинлай оларди ҳолос. Бўз тулпор буни асло ўйламас, аксинча, суръатига суръат қўшарди! Олдинда катта сойнинг яна кўндаланг келганини кўриб Тўхтамиш ўғлоннинг кўзи қинидан чиқиб кетаёзди! Лекин шу палла у отни тўхтатишдан мутоқ оғиз эди. От устида шавкатли Чингизхон авлоди Тўхтамиш ўғлон эмас, гўё оддий бир жонсиз буюм, балки лаш-луш солиб тўлдирилган, оғзи бўшгина боғланган эски қоп елиб борарди...

Шу пайт подшоҳзода қулоғига: "Тўхта, Тўхтамиш!.. Энди думингни тугиб қўямен, қонингни ичамен, аблаҳ!.." деган сўзлар чалинди. У овознинг хийла яқиндан келганига ҳайрон бўлди. Қараса, ёлғиз қувиб келаётган Қозончи баҳодир билан ораси юз қадамча қолибди!

Ортадаги душман нафасини сезган Хонўғлон кўрқувни писанд қилмай чақиндай шувиллаб Довдирсойга сакради!.. Қозончи баҳодир қирғоққа етиб келганда, Хонўғлон лойқа сув гирдобиде етмиш қадамлар нарида сузиб борарди. Узоқ ўйлаб ўтиришга фурсати йўқ. У моҳир мерган эди, осмондаги пашшанинг кўзидан уради, деб таърифлардилар, тезда камонга ўқ жойлаб Тўхтамиш ўғлоннинг нақ бошини мўлжалга олди... Ёй тортишига бир баҳя қолганда, бирдан олампаҳоқ Урусхоннинг Тўқтакиёга: "Тўхтамишни тирик олиб келасен!.." деб тайинлагани эсига тушди. Ҳа, уни ўлдириб қўймаслик керак, ўқ тегсин, аммо захри қотил бўлмасин. Мерган дарҳол мўлжални ўзгартирди... Чақиндан тез борган ўқ подшоҳзоданинг ўнг билагига тегиб, тирсаги тепасида шапалоқдай этини суягидан ажратиб қўйди. Тўхтамиш ўғлон згарга ётиб қолди. Қўлдан оққан қон сувни қизартириб борарди. "Ханжарни қиздириб босиш керак эди... — инграркан ўйланди Тўхтамиш ўғлон. — қон тўхтарди... Хайриятки, ўқ қўлига тегди, сал чапроққа тегса борми, тамом эди..."

Қозончи баҳодир сувда наҳанг балиқдек сузиб бораётган отнинг бироздан кейин, кифтида суворий, битта-битта юриб нариги ўқ етмас қирғоққа чиқаётганини кўриб турар, танасига номуносиб каттароқ боши хиёл олдинга эгилган эди...

## Ўн биринчи боб

### I

Зиндачашм опардийнинг маъшум воқеаси бутун Самарқандда шов-шув бўлиб кетди. Маҳалла-қўйларда хийла вақтгача одамлар хаёлини банд қилган янгилик вазифасини ўтади. Ҳамма бозорга киришда ҳам, чиқишда ҳам кўрқинчли тулумга қараб ўтарди. Бозордан нарироқда ўнг қўлда пастқам бир ҳовида жойлашган такяхона томон борар эканлар, Ахий Жаббор баҳодир бошлиқ йигитлар дарвоза олдида одатдагидек бир тўп одам уймалашиб турганини кўрдилар. У ерда чоллар, кампирлар, толиби илмлар, турли бозорчиларни учратиш мумкин эди.

"Ажаб қипти!",

"Бадтар бўлсин!",

"Буям кам!..."

"Балога гирифтор бўпти!..."

"Ажалингдан беш кун бурун ўлмай ўл!..."

Одамлар шундай сўзлар билан Шибиргон ҳоқимини айблашар, лаънатлашар, айна пайтада қарашдан кўрқишарди.

— Кўрдингми, Ианал... ёмонлиқни ўзига тилаб олган ноқасни... — деди Ахий Жаббор баҳодир ёнидаги йигитга. — Кимки бировга чоғ қазиса, ўшанга ўзи тушадир...

— Бу пешонадан... — деди барваста Ианалтекин ўзини донишмандлардай тутиб. — Бадбахтнинг пешонасига шу ёзилган экан-да...

— Тўғри айтасен, пешонада ёзилгани бўлади. Ҳеч ким қисматдан қочиб қутула олмайди. Аммо парвардигор бандасига яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам ёзиб қўйгон... — эътироз билдирди Ахий Жаббор баҳодир. — Бир куннинг ярми кундуздан, ярми тундан иборат ахир. Қайси бирисига интилиш эса бандасининг қўлидадир... Зиндачашм опардий фақат ёмонига интилди...

— Қилмишига яраша бўлди, бу ҳам оз эди пир урганга... — сўзга қўшилди Учқора. — Нодон экан-да, отангнинг арвойи. Ўзим Амир Жоку барлос жаноблари қайсар Зиндачашмни олиб келиш учун Шибиргонга борганларида ўша сафдайдим... Кўрганмен, гу-

ноҳимни Амир соҳибқирондан сўраб берингиз, деб роса амирул умарога ялинди, ланна-ти. Бошига қоп ташлаб бўйнига қиличини осиб Амир Темур ҳазратларига сифиниб келди. Ҳимматни кўрунги, худо қаррагани гуноҳи кечирилибгина қолмасдан, унга тўй ҳам қилиб бердилар, туҳфаю тансуҳотларга кўмиб ташладилар! Ана шундай яхшиликлардан кейин... онаси даладан топган Қаросмонда ҳазратта ўқ отишни мўлжалаб ўлтирибдику!... Вой, ношукур банда!..

- Нима учун бошига қоп кийиб, қиличини бўйнига осиб оладир? — сўради Йаналтекин.

- Шунга ҳам билмайсанму, гушна?... — Учқора шеригига кулиб жавоб қилди. — Бўйнига қилич осиб келгани — агар мени ўдирмоқчи бўлсангиз, қилич қидириб юрманг, мана қилич, олингу бошимни кесинг, деганидир. Бошига қоп кийиб олгани — менга кафан излаб юрманг, кафанга арзимамаймен, шу қопга солингу кўмиб ташланг, дегани бўлади...

- Оҳ, оҳ!.. — Ҳайратта тушиб деди самимий Йаналтекин. — Жуда чуқур маъно бор экан-а!

- Ҳазир бўл, ўзингни ҳам бошингга қоп тушиб қолмасин, дастингдан кетай!

- Гапинг ўзингдан бери келмасин, гушна бўлмай ўл! — астойдил хафа бўлди Йаналтекин. - Нафасингни сал иссиқ қил-е!

- Ҳа, ҳа... Бунда теран маъно бор, йигитлар! — тасдиқлади Ахий Жаббор баҳодир. — Ҳеч кимнинг бошига бундай кун тушмасин!

- Агар бошимга шундай кун тушса, ўзимни бир нарса қибқўямен! — чиранди Учқора... Кейин ўзининг яхши кўрган қўшиғини хиргойи қилишга турди:

Ер тўймайди ёмғирга,

Хотин эрга... тўймайди...

Ғалоговур ичида Ахий Жаббор баҳодирлар энди жилмоқчи эдилар, хийла узоқда бозорга келишгаётган Шайх Нуриддин баҳодир билан Амир Шоҳмаликларнинг қоралари кўринди. Улар ўзларини атрофларида ҳеч ким йўғдек бир алфозда тутганларича, бамайлихотири юриб келардилар. Шайх Нуриддин баҳодирга ҳумоюн Ўрдудан бозорлар муҳасиллигини<sup>37</sup> бошқариш вазифаси топширилганди. Чамаси, бозорни айланиб ўз кўзлари билан кўриб нарх-навони назорат қилишга келишмақда. Жаҳонгир Мирзо ўнбошисининг кўп йиғинларда қузатишига кўра, бу шахту шиддати баланд мағрур амирлар салтанатда яхшигина нуфузга эга эдилар. Бироқ кўпинча бирга юрсалар ҳам, бир-бирига дўстдай туюлсалар ҳам, улар аслида бошқа-бошқа одамлар эканликларини Ахий Жаббор баҳодир ич-ичидан сезарди.

Шайх Нуриддин баҳодир жуссаликкина, ўрта бўйли, юмалоқ юзли, сийрак қошли, бурни хиёл яссидан келган, қисик кўзлари ҳамиша чақнаб турадиган жасур ва серғайрат йигит бўлиб, бетакалуф кулганда ингичка овози ҳамманикени босиб кетарди. Кийган чопони қорнида учма-уч турар, қадамни катта ташлаб юрса ҳам кўполлиги билинмас, юрганга чап ёнидаги қиличи, эмин-эркин боғланганиданми, қадам билан бирга бориб келарди.

Ахий Жаббор баҳодир унинг отасини яхши биларди. Амир Сорибуға жалойир гоҳ соҳибқирон ёнида, гоҳ эса унга қарши душманлар сафида от суришлари, танг вазиятларда ташлаб кетаверишлари билан машҳур эди. Умуман, жалойирлар салтанатда беқарорликлари билан ном чиқаргандилар. Хўжаид ҳокими Амир Боязид жалойир, Баҳром жалойир, Одилшоҳ жалойир, Амир Сорибуға жалойир... эҳ-ҳе, улар кўп, — барчасининг ҳам хиёнаткорликлари борасида талай мисоллар келтириш мумкин...

Амир соҳибқироннинг кечиримлиги, кенгфёллиги, меҳру муруввати хато қилган, адашган кишилар такрор сифиниб келсалар асло кўкракларидан нари итаришга йўл бермасди, душмани ҳам дўстга айлантириш йўлида ўз ниятларидан қайтмасди. Ахий Жаббор баҳодир фикрича, Шайх Нуриддин баҳодир ана шундай дўстга айланган душманлардан бири... У ясси бурнини жийириб тикилганда, кўзларида: "Хўш, сиз дўстмисиз, душманмисиз?... Кўнглингизда нима бор? Ҳаммасини кўриб турибмен!..." деган маъно яширингандай эди. Амир Сорибуға жалойир ўғли отасининг тутумларидан хабардорлиги боис, ҳамиша ўзини Амир Темурга фидойи қилиб кўрсатишга иштиёқмандлигини бўрттиришга уринар эди. Буни Ахий Жаббор баҳодир аниқ билади.

Амирлар ўртасида вақти келса ҳеч нарсдан ҳазар қилмайдиган Шайх Нуриддин баҳодир ҳақида ҳар хил нақллар юрарди. Жетага юриш чоғида ўлжага тушган гўзал мўғул қизларидан бирини ёқтириб қолиб, руҳининг пойдорлиги путурдан кетиб, дарҳол бутанинг ортига олиб ўтибди-ю нафсини қондиришга киришибди... Шу палла қайдандир келиб қолган мўғул навқари унга ташланибди. Баҳодир чап қўлини гўзал қизнинг қўймичидан олмай ўнг қўлида қилич тутганча, ҳалиги навқар билан саваша бошлабди. Йкки томонлама жанг авжга чиқибди... Соҳибқирон аскарлари бундан хабар топиб етиб келибдилар ва бир лаҳзада ҳалиги мўғулни орқасидан қилич уриб ўлдирибдилар. Жазавага тушиб қолган Шайх Нуриддин баҳодир атрофдагилардан изо тортмай ишини давом эттирар эмиш...

Машҳур бўлиб кетган бу воқеа кўп ҳазил-мутойибаларга сабаб бўларди. Айримлар, нуфузли амирлардан бирининг бунчалар фосиқлигидан ирганиб гапирардилар, бошқалар буни жасоратта, ботирликка йўярдилар. Орқаворатдан шу ҳақда сўз чиққанини эшитиб қолса, баҳодир гап эгасини албатта топиб орани очиқ қилишга тиришгани тиришган эди.

Амир Шоҳмалик эса Ахий Жаббор баҳодирга нимаси биландир ёқади, нимаси билан-

дир хушбичим, ҳамиша ораста кийиниб юрадиган Амир Сайфиддин некўзга ўхшаб ҳам кетади. Уртачадан баландроқ бўйли, хуш тавозеъ, андишали, жасур, чаққон ва абжир бу йигит, доим одоб доирасида муомала қилади. Сиртдан қараганда нозикроқ, аммо аслида чайир, хушёр, ёш бўлишига қарамай кўзи пишган дейиш жойиз. Овозини кўтариб гапирмайди. Қорамтир юзлари чўзинчоқдан келган, бурни сал каттароқ бўлса ҳам ўзига ярашиб туради. Кўзлари катта-катта, қошлари қуюқдигидан қовоқлари қарийб йўқолиб кетгандай туюлади...

Ахий Жаббор баҳодир улар билан саломлашмоққа чоғланди. Лекин шу палла бозор ичидан чиқиб келган бир тўп одамларнинг шовқин-сурони унинг хаёлини бўлди-ю ўша томонга қаради. Олдинда ўн икки ёшлар чамасида бир бола кўйлаги белигача тушириб қўйилган ҳолда келар, ёнида эркаксабзига ўхшаган, манглайи тиришларга тўла бир одам кўлидаги хипчин билан гоҳ-гоҳда шўрликнинг елкасини савалаб қўяр, ора-орада: "ҳали яна ейсан!.." дер, боланинг эса кўзларидан ёшлар оқарди. Уларга эргашган ўн бешга болага бекорчиҳўжалар ўзларини гўёки ҳеч нарса юз бермаётгандай тутишар, ҳеч ким болани ажратиб олиш ёки ҳалиги эркаксабзига ўхшаган одамнинг таъзирини бериб қўйиш ҳақида қайғурмасди... Фақат текин томошадан завқланишгандай, ҳар хипчин тушганда, "ҳа!..", "ҳа!.." деб қўйишар эди холос.

Ахий Жаббор баҳодир бироз ҳанг-манг бўлиб турди. "Нега ёш болани уради?..", "Ҳеч кими йўқ болани нега уради?..", деди ўзига ўзи! Болалигида Марғинонда бир бойнинг уйида қароллик қилиб юрганида худди шундоқ ноҳақдан калтак егани эсига тушди. Ушанда уни ҳам хипчин билан савалашган, уни ҳам ҳеч ким ҳимоя қилмаганди... Болага тушаётган хипчиндан унинг елкаси ачишаётгандай бўлиб кетди. Ахий Жаббор баҳодир нарироқда келаётган амирларни ҳам, улар билан кўришиш зарурлигини ҳам унутди.

- Тўхтангиз!.. Бу қандай гап? Ёш болани урасиз?.. — жаҳд билан деди Ахий Жаббор баҳодир, изма-из Учқора, Йаналтекинлар ҳалиги одамга яқинлаша бошладилар. — Хипчинни бу ёққа берингиз! Синдириб ташлай, қани!.. Инсоф борми ўзи?

- Ёш болани топганини қаранг! Уришсанг биз билан уриш, дастингдан кетай! — яниб деди Учқора.

- Уялмаганини! Вой, отангни арвойи!.. — қўшилди Йаналтекин.

Атрофда одамлар шовқини тинмасди. Ҳалиги одам дағдаға билан келаётган Ахий Жаббор баҳодирни асилзодалардан деб ўйлади-ю ҳайрон бўлиб тўхтади.

- Ҳовлиқмасинлар, бек... Бекорга калтак емаётир бу... Бекорга эмас... — тушунтиришга ҳаракат қилиб деди у...

- Нима, ўғирлик қилибдимиз?.. Бозордан бирон нарса ўғирлабдимиз? Тутиб олдингизми?.. Уни урасиз...

- Йўқ... Унақа эмас... Мен сизга тушунтирай, бек... Бизлар читгарлармиз...

- Читгарлар?..

- Ҳа, читгарлармиз...

- Хўш... Читгар бўлсангиз нима?..

Эркаксабзига ўхшаган одам босиқ деди:

- Бизлар читгарлармиз... Дасттоҳимиз Чокардиза мозорига етмасдан бериоқда чапдаги маҳаллада жойлашган. Узимизнинг расму русумимиз, қоидамиз бор. Ота-боболардан қолган-да... Касб низомимизда тўғри йўриқлар кўрсатиб қўйилган. Ҳалол бўлиш, инсоф билан ишлаш лозим... Дасттоҳнинг олдига, бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм, деб таҳорат қилиб бормақ керак... Фирромлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ... Бу бола шогирдим, билсангиз... У низомни бузиб қўйди, юзимни ерга қаратди. Тандачилар олдига уялиб қолдим... Чит тўқиётиб тандасига тоза ип ўрнига билдирмай каноп аралаштириб юборибди. Арқоғига сифати паст ипдан қўшибди. Бу харидор ҳақиға хиёнат-да... Читгарлар шаънига иснод... Ҳеч мумкин эмас. Унда егани ҳаром бўлади...

Ахий Жаббор баҳодир ҳайрон бўлиб қараб турарди.

- ... Шундай гуноҳ қилганлар бозор куни елкаси яланғочланиб хипчин билан саваланган ҳолда бозор ичидан олиб ўтилади... Токи унга сабоқ бўлсин, ҳамма кўрсин... Одатимиз шунақа. Биз ор учун курашамиз... Бундан кейин бунақа иш қилмайди...

- Шунақами... - деди Ахий Жаббор баҳодир тарвузи қўлтиғидан тушиб, дам елкалари қавариб кетган болага, дам хотиржам устага қарар экан.

Ҳалиги одам: "Яна ейсан!.." деди-да, шогирдига навбатдаги хипчинни урди ва текин томоша ишқибозларини эргаштириб Шайх Нуриддин баҳодир билан Амир Шоҳмаликлар келаётган томонга қараб йўлида давом этди...

Нохуш воқеадан кейин Ахий Жаббор баҳодирнинг негадир амирлар билан кўришиши келмай қолди ва Учқорага буйруқ оҳангида деди:

- Тез такяхонага кетдик!.. Тез!..

- Устаникига! — деди Йаналтекин.

- Такяхонага, дастингдан кетай, такяхонага!.. — оғзининг таноби қочиб сўзланди Учқора...

Улар бозор ичига ўзларини урдилар.

## II

Одамлар тўпланиб улфатчилик қилиб турадиган такяхонада турли табақадаги кишиларни - амирлару баҳодирлар, аҳди тижорат вакиллари, яширинча келган давлат одамла-

рини ҳам учратиш мумкин эди. Тақяхонанинг кўкнорихоналик вазифаси ҳам бор бўлиб, айримлар наъки тортиш, кўкнори ичиш, таряк тотиш, ҳатто қора дори ейиш учун ҳам кириб ўтардилар.

Гоҳ-гоҳда "шайъанлилло"ни айтиб ридоий муҳаммадийга бурканган, бошига кулоҳи аҳмадий кийган, елкасига кашкул илган белларига анвойи латталар боғлашиб олган қаландарлар ҳам жўшу хуруш ила келиб қолардилар... Бир четда уларнинг ҳам ўз жойлари бор эди.

Одамлар бу ерда ўзларини эркин сезишар, ҳар ким ўз даврасида нақ подшо мартабасига мионарди. Кўлингча, тақяхоналар соҳиблари хориждан келганлардан бўларди. Аммо бу тақяхона ургутлик бир бадавлат одамга қарашли эди, уни ўша одамнинг Уста Шунқор деган гумаштаси бошқарарди. Одатда номини айтиб ўтиришмас, қисқагина қилиб: "Устанинг тақяхонаси" деб аташар, бориш ҳақида гап кетса: "Устаникига!.." деб қўйишарди. Самарқандда бундай жойлар анчагина бўлиб, энг машҳури Ахий Жаббор баҳодирлар йўналган мана шу тақяхона ҳисобланарди. Уста Шунқор исмига яраша тўладан келган, паҳлавон сифат, қайғу-ғамдан кейинроқ турилган жуда ҳам хушчақчақ бир одам бўлиб, каттагина бурнининг учи ҳамиша қизариб юрар, келбатига қараганда қадам олиши чаққонроқ эди. Тақяхона ҳовлиси ёз вақтларида жаннатга айланарди, айниқса, ҳовлидан каттагина ариқнинг оқиб ўтгани бутун атрофни файзли қилиб юборарди. Қиш вақтларида ҳамма бўйи йигирма, эни ўн беш қадам чиқадиган каттагина хонага кириб олар, ўнта сўри доим банд бўлар, атроф ғалоғовурга тўлиб кетарди.

Ахий Жаббор баҳодир шериклари билан тақяхонага кириб келганда хонада бўш сўри қарийб йўқ эди.

- Ассалому алейкум, уста!.. — деди баҳодир.

- Ва алейкум ассалом!

Уста Шунқор одатдагидек хушчақчақ тарзда меҳмонларни қарши олди.

- Ўнг бурчақдаги сўрига ўтаверингизлар, баҳодир жаноблари!.. Тишимни қавагида сақлаб турибмен...

Авваллари тез-тез кириб турадиган Ахий Жаббор баҳодир Оқҳиз билан тўйлари бўлиб ўтгандан бери бу ерга қадам изи босмади. Чунки, унинг бор роҳат-фароғати Боғи Чинордан янги келин-куёвларга теккан мўъжазгина хонада эди. Аммо Учқора, Йаналтекин ва бошқа сипоҳлари: "Муборак бўлсин! Қачон бизга ўтириш қилиб берасиз?.." деб ҳол-жонига қўйишмади. Унинг устига, ўзи ҳам валааматлиги тутиб кетиб: "Зиёфат қиламен!", деб ваъда бериб юборган экан.

Икки сўри нарида уч киши ўлтирарди. Йўзон овозли чап кўзи сал ғилайроқ ориқ одам гап бермоқда, у бошқалар олдида нозик кўринмаслик учун кун иссиқ бўлса ҳам доим учта чопонни устма-уст кийиб юрарди. Ёнидаги пакана хўппасемиз киши дамбадам унга нимадир дейди-да, суҳбатдошининг елкасига енгил уриб, ингичка овозда кулиб кўяди. Учинчиси гапга аралашмайди.

Ахий Жаббор баҳодир орқа ўтириб ўлтирган одамни ҳисобга олмаганда қолганларини авваллари ҳам бу ерда кўп кўрган. Зарофат эгаларидан бўлган Ориқ билан Пакана, давраларда ҳамиша қизик гаплар айтиб атрофдагиларни кулдиришар, янгиликлардан бохабар этиб туришар эдилар.

- ...Мен сенга айтсам, Амир соҳибқирон хотамтойлик кўргизди, бошини силади, тириклик кўзини нурлантиришга ҳаракат қилди... — деди ориқ одам йўзон овозда.

Баҳодир гап Зиндачашм опардий ҳақида эканлигини фаҳмлади. Гапирган киши унинг исмига ишора қилаётган эди. Чамаси, хийладан бери шу ҳақда мунозара бораётган кўринарди.

- Тириклик кўзи нобино бўлди... Қилмиш-қидирмиш... Бас қилайлик бу гапларни! Тагин бизга касофати тегиб юрмасин, ака! — қўлини шоп қилди ингичка овозли пакана одам...

- Галинг тўғри, ука... — деди Ориқ. — Қўй уни. Лекин бошқа нарсадан ташвишдамен...

- Нимадан экан, ака?

- Олтин Ўрда хони билан уруш бўлади-ёв... Уруш бўлса ёмон-да... Ишқилиб, баттолнинг юзини тескари қилсун...

- Рост айтасиз, ака... — тасдиқлади Ориқнинг сўзини Пакана. — Эшитдимки, Қамариддин дуғлат Андижонга бостириб келаётган эмиш...

- Оббо, лаънати-ей! Яна-я?

- Хоразмшоҳ Бухорога ҳужум қилибди. Маҳмудшоҳ Бухорий дарвозани очиб берибди...

- Маҳмудшоҳ Бухорий кетворган ўйинчи эди. — деди Ориқ. — Амир Кайхусравнинг ўғли Султон Маҳмуднинг тўйида роса ўйнаган... Ўзим кўрганмен.

- Барини адабини бериш керак! — деб юборди шу пайтгача гапга қўшилимай орқа ўтириб ўлтирган одам.

Уларнинг нариги ёнидаги сўрида эса беш-олти киши дунё билан ишлари йўқ, иккига бўлиниб берилиб нард ўйнашарди.

Чап томондаги кунжақда энг охириги сўрида Наддофлар маҳалласидан бўлган, Самарқанда таниқли, ёши саксонларга борган аммо ҳали тегик, бақувват Эсон бува улфатлари билан гаштак қиларди. Улфатларнинг бири Зоминдан, иккинчиси Ургутдан бўлиб машҳур нашаваңдлардан эдилар. Улар шакарғуфторлик қилиш учун атай ўша ёқлардан тез-

тез Эсон бува олдига келиб туришарди. Учовлари тўпланишиб дамба-дам чилим тортишиб, кўкнори ичишар, чархи кажрафторнинг шевалари ҳақида мириқиб суҳбатлашишар, дунёнинг нақ тагига етишгандай бўлишарди.

Мана ҳозир ҳам Эсон бувалар улфати чор бўлиб ўлтиришган экан. Эсон бува сархонага тамақи-ю наша солиб наяки тортишга турди, чилим хўриллаб садо берарди. Ҳар тортганда: "Ўҳ-ўҳ! Ўҳ-хў!.." деб йўталиб қўяр, ортидан "Қиршо-о! Қиршо-о-о!.." сўзлари эшитиларди. Бу унинг ёқтирган сўзлари бўлиб, аммо маъносини биров тушунмас, тушунишга уринмасди ҳам. Эсон бува ёнидаги Ахий Жаббор баҳодирларга орқа ўгириб ўлтирган одамга чилимини узатди. У одам ҳам сархонан хўриллатиб бир-икки торттач, шеригига берди... Чилим давра айлана бошлади.

- До-од, поёнсиз дунё!.. Торга тор-у кенга — кенг дунё! — деб юборди навбатдаги наякни тортиб Эсон бува. - Аллоҳ қудратини кўрай десанг — баланд тоғларга бор! Ўҳ-хў-ў!.. Ўҳ-хў-ў!.. Туби йўқ денгизларга бор, такадай сакраб, учқур тойдай ўйноқлаб оқадиган шошқин сойларга бор... Қиршо-о! Қиршо-о-о!..

Ахий Жаббор баҳодирлар дастурхонида ҳам егуликлар пайдо бўлди, кейин бўйи беш қаричча, қорнига айлана қилиб гул солинган қулоқли кўзада бўза ҳам келди. Учқора апила-тапила хизматга киришди. "Хушбод ва нушбод" дея бир коса-бир коса бўзадан отилди. Димовлар исий бошлади...

Ахий Жаббор баҳодир кунжақдаги бангиларга қараб турар экан, нимадир эсита тушиб қолдими, уларга ишора қилиб шерикларига деди:

- Бир куни Эсон бува кўкнорининг ҳали пишмаган кўмкўк кўсакларидан бир нечасини олиб косанинг устига ёпилган дастурмолга солиб ивитибди, кейин дастурмолни яхшилаб тутиб обдон эзиб ширасини чини косага тўлдириб қуйибди... Жигарранг қаҳрабодай тип-тиниқ кўкнорига термилиб хаёлга берилиш — дунёнинг энг ажойиб лаззатларидан бири экан-да... Кўкнорини ичишдан эмас, балки уни ичиш, ичганда қандай завқларга берилиш, энг муҳими, ҳали бу завқлар одинда эканлиги хаёли гашти маст қилади уларни...

- Оҳ, оҳ!.. — деб юборди чап томонда ўтирганлардан бири.

- Алқисса, Эсон бува чинни косани олдига қўйиб кўзларини юмганча, ана шу косадаги кўкнорини ичсам, нечоғлик роҳат қиларкинман, дея хаёлга берилибди... Шу палла бирдан катта семурғ куш учиб келиб, Эсон бувага: "Оёқларимдан ушла!.." дегандай ишора қилибди. Эсон бува апила-тапила қушнинг оёқларидан ушлаб олибди. Семурғ кўтарилмай деганда, қаёқдандир зоминлик улфати пайдо бўлиб қолиб, у ҳам Эсон бува оёғидан тутибди. Осмон-фалакка парвоз қилган семурғ учиб кетаверибди, учиб кетаверибди, ниҳоят бир жойга бориб қўнибди. Қарашса, хумда тилла қайнаб ётган эмиш!..

- Қаердайкин, биз ҳам борардик... — деди кимдир ўнг ёқдан.

- Тагин борсангизлар мени ҳам олиб кетингизлар!.. — қўшилди яна биров.

Гап қизиб, хонада ҳамма Ахий Жаббор баҳодирга қулоқ сола бошлади. Эсон бува бундай ҳазилу тегажохликларга ўрганиб қолган, уларга кулиб қарарди.

- ...Эсон бува улфати билан роса тилладан олишибди, чўнтакларнинг бари тиллага тўлиб кетибди! — давом этди баҳодир. - Семурғ яна парвоз қилибди. Осмон-фалакларга етганда Эсон бува зоминлик улфатига:

"Хумни қара катталигини!.. Бунақасини ҳеч кўрмагандим!.. Во-о-о!.. Худо берди-да!.." дебди мамнун.

"Жудаям катта эмас эди... — дебди зоминлик. — Йўқ... Катта эмас эди... Оддий хумлардан-да..."

"Катта эмас эди, дейсанми? Қўйсанг-чи! Жуда катта эди!..."

"Ўзим кўрдим-ку, хум кичкина эди! — бўш келмабди улфат. — Қў-е! Ҳатто оғзига қўл ҳам сиғмасди... Роса қийналдим-ку қўлим сиғмасдан..."

Баҳс қизиганан қизибди. Эсон буванинг фиғони фалакка чиқиб:

"Ҳай!.. Ие!.. Одамни бундай бўлма!.. — дебди. - Хумнинг катталигини кўра била туриб йўқ дейсан-а! Мен сенга айтсам, хум тандирдай эди, билдингму?.. Ҳа, тандирда-а-ай эди! Ўзинг кўрдинг-ку! Катталиги нақ мана бундай келарди!.." — Эсон бува жаҳл ичида қулочини ёзиб кўрсатаман, деб семурғнинг оёғини қўйиб юборибди! Иккиси ҳаш-паш дегунча осмон-фалакдан ерга қараб шувиллаб тушиб кетишибди!.. Жон ҳолатда кўзини очган Эсон бува ҳушига келиб қараса, олдидagi коса қийшайиб ётганмиш, ичидаги қаҳрабодай кўкнори ерга тўкилиб кетганмиш... Хаёлда туртиб юборган экан...

Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди!.. Овозлар ичида Ориқ билан Пакананики йўғону ингичка бўлиб алоҳида ажралиб турарди.

Эсон буванинг ўзи ҳам яйраб, маза қилиб кулди. Шу палла Ахий Жаббор баҳодирларга орқа ўгириб ўлтирган киши ялт этиб қаради. Баҳодир ҳайратда қолди: у - Амир Мусо эди! Ўнбоши аввал эшитганди: қаршилиқ амир ўзининг жўралари Амир Кайхусрав, Зиндачашм опардий ва бошқалар билан вақти-вақтида чилим тортиб туришар экан. Чамаси, қадимдан ўрганганидан, Шаҳрисабздан пойтахтга келган пайтларида ҳам бу ерга кириб турарди. Амир Мусо ўлига соҳибқирон қизини олиб бергандан кейин хотиржам шундай гаштакларга ружу қўйган шекилли...

Ахий Жаббор баҳодир ўзини кўрмаган олди, дастурхонга эгилиб у-бу еган бўлди.

Шу палла нарда ўйнаётганлар тепасида турганлардан бири сўз очиб қолди:

- Ундан аввал ҳам қизиқ ҳодиса бўлган экан... Бир куни Эсон бува уч-тўрт жўралари билан кўкнорини эзиб косага қуйиб, ўшандай ширин хаёллар оғушида ўтирган эканлар.

Қаёқдандир бир мушук хонага кириб қолибди. Улар "Ҳай! Ҳай!.." деб ҳайдай бошлабдилар. Узини қаёққа уришни билмаган мушук қочиб кетаётиб бир оёғи косага тушиб қолибди! Жўраларнинг бошлари қотибди:

"Ие! Энди нима бўлади? Кўкнори ҳалолми, ҳаромми?.. Ичса бўладими?.." — дебди Эсон бува. Илгари бунақаси ҳеч учрамаган экан.

"Кўкнорини ичиб бўлмаса керак..." — дебди бошқаси.

"Имом домладан сўраш керак, имом домладан!.." маслаҳат берибди учинчиси.

Имом домлага одам юборибдилар.

Имом домла: "Тез ўша мушукни топинглар ва косага тушган оёғини... кесиб ташланглар! Ҳаром бўлди..." деб ҳукм чиқарган экан...

Тавгин гуриллаган кулгу овозлари эшитилди.

Кулгулар таъсириданми Ориқ билан Пакана ҳазил-мутойибани бошлаб юбордилар.

- Сен паканасан, мен ориқман, ука... — сўз бошлади Ориқ...

- Паканаман, ака...

- Худо бизларни шундай яратган-да, буни қара! — деди Ориқ.. — Худди сенга ўхшаган пакана-ю менга ўхшаган ориқ одам бор экан...

- Шунақами... — деди мийиғида кулиб Пакана.

- Шу десанг, Ориқ доим Паканани ўйларкан, шу укамнинг кўнгли чўкмасин, дер экан-да. Бўйи паст-да... Кўнгли чўкмасин, деб доим олдига солиб юраркан...

Кулгу кўтарилди. Пакана ҳам бўш келмади:

- Пакана ҳам анойи эмас экан, ака...

- Шунақами... — мийиғида кулиб кўйди Ориқ..

- Пакана ҳам анойи эмас экан. Бўйи айтганингиздай паст-да... Одамлар сўраса, сен пакана қандай қилиб катта бўлдинг, вояга етдинг, деса, ориқни кўрсатиб, шунга кетидан одам бўлдим, деркан...

Қийқириқ овозлари тақяхонани тутди. Ҳаммага нашо қилгани кўриниб турарди. Одамлар: "Ҳа, Пакана улоқни олиб кетди, олиб кетди!.." дейишарди.

Ориқ дарров жавоб берди:

- Ориқ айтибди: менинг кетимдан одам бўлганинг тўғри, дебди. Энди биров сўраса, тортинма, мени шу одам қилган, деб айтавер!..

Кулгудан барчанинг кўзлари ёшга тўлди. Баъзилар юмалаб қолдилар. Ютқизаётгани сезган Пакана зарифларнинг чорасиз қолганда қўллайдиган усулига ўтди: ҳажв тигини рақибининг нуқсига қаратди.

- Зўр созадан эканлигингизни биламен, ака! — кулгуларни босишга ҳаракат қилиб қичқирди Пакана...

- Зўр созадамен, ука...

- Бу уйда чолғу асбоблари кўп экан, кўзингиз яхши кўрмайди шекилли... — чандиб олди Пакана. - Қўлингизга менинг асбобим тушиб қолганда, ўзимники деб маҳкам ушлаб олиб ҳеч қўйиб юбормайсиз-а, ака...

Тақяхона портлагудек бўлиб кетди. Пакананинг ингичка овози ҳамманикининг ичида баралла эшитиларди.

- Тўғри айтасен, сенинг асбобинг қўлимга тушиб қолибди... — бироз ўйланиб деди Ориқ.. — Айтдим-а, нега чоғроқ деб... Кўзимнинг ғилайлиги бор, яхши кўрмайди-да... Бу уйда чолғу асбоблари чиндан кўп экан, ўнгдаям, чапдаям асбоблар қалашиб ётибди... Мен камонни қидирялман. Кўзим яхши кўрмайди-да... Айтиб юбор-чи: униси камонми, буни-си камонми?..

Яна гуриллаб кулгу кўтарилди. Барчани Ориқнинг закийлик билан берган нозик жавоби қойил қолдирди. Пакананинг бўйи яна ҳам пасайиб кетгандай бўлди. Амир Мусо кулгидан ёшланган кўзларини артарди...

Зарофатлар яна давом этиши мумкин эди-ку, аммо нарда ўйнаётганлар ичида ихтилоф пайдо бўлиб, ҳамма нарсанинг белига тепди. Чамаси, улар хийладан бери баҳслашиб келар эдилар.

- ...Бекор айтибсен! Тўпиқнинг гули мана бунақа эди! — деди биринчиси овозини кўтариб.

- Билиб гапир!.. — сўзини кесди гунгурсдай одам биринчисига. — Унақамас, мана бунақа!

Кўз борми?.. Ёки пўстакнинг йиртиғими?.. Нақши чиройлик, гули тепадан тушиб келган эди...

- Кўрганни эшитган енгибди!... Тавба!.. Сен бундай гапирма-да! Гули пастдан чиқиб келган эди!

- Вей, тепадан эди, деялман сенга!..

- Пастдан эди, пастдан эди!

- Тепадан, деялман!.. Одамни хит қилма!.. Жинними бу...

- Пастдан!.. Мен пастдан деялман!.. Галварсни қаранг!.. Ха-ха!..

- Нима, жиннимисан ўзи?!

- Ўзинг жинни!!! Биддингму?..

Гунгурсдай одамнинг тоқати тоқ бўлиб кетди:

- Астафурилло!.. Амир Темур Кўрагон боши билан қасам ичаманки, тўпиқларнинг нақши чиройлик, тепадан тушиб келган эди!.. — деб юборди аччиқ устида!

Буни эшитиб Ахий Жаббор баҳодирнинг юзига қон тепди! Дик этиб ўрнидан турди-

да, "Хе" йўқ, "бе" йўқ, бориб ҳалиги гунгурсдай одамнинг соқол аралаш юзига тарсаки тортиб юборганини билмай қолди!

- Эй ножинс, кирчи хотиннинг ўғли! — бақирди Ахий Жаббор баҳодир. — Оғзингга қараб гапир! Ажалингдан беш кун бурун ўлоқчимисен?..

Сўридаги одамлар ҳайратда донг қотиб қолдилар. Ҳамма: "Нима гап?.." дегандай шу томонга қаради.

- Ие! Ие!.. — дер эди гунгурсдай одам ҳанг-манг бўлганча юзларини силаб, Ахий Жаббор баҳодир орқасида кезланиб турган Учқора ва Йаналтекинларга қараб қўяркан. — Мен... нима-а дедим?..

Ҳамма ялт этиб уларга қаради.

- Эй, кирчи хотиннинг ўғли, бақирдорнинг валади! — фиғони чиқиб давом этди Ахий Жаббор баҳодир гунгурснинг ёқасидан силтаганча. — Бефаросатлигингни қара, сен бу шаккоклигинг билан худди Мусо алайҳиссаломни Одам отадан аввал қўйгандек бўлдинг! Яҳе алайҳиссаломни сўйиб, Закариёни дарахтга қўшиб арралагандек иш тутдинг! Ҳазрат Амир Темур Кўрагон номларини тилга олишни сен девонага ким қўйибди?.. Қандай журъат этдингки, сен, телба, ҳазратнинг муборак бошлари билан қасам ичасен?.. Сен кимсен ўзи?.. Каллангни олиб қўлингга тутқазиб қўлайми?.. Нотавон кўнғилга қўтир жомашон! Сен ҳатто табаррук изларини ўпишга ҳам нолайиқсен, билдингму? Ул зот шундай олий-мақомадурларки, сену бизнинг лафзимизга асло муҳтож эмаслар! У Мағрибу Машриқ жиловини тутган Искандар Зулқарнайн, Кайхусравдек, Хорунаррашиддек улуғвордир, Бухтаннасуру Шадроддан кўра ҳайбатлироқдир!..

Атрофдан: "Ҳой, урушманглар!..", "Муросага келинглар!..", "Айб бўлади!.." деган овозлар эшитилди.

-Тавба қилдим, бек! Тавба қилдим!.. Тавба қилдим!

Гунгурсдай одам шундай дер экан, Ахий Жаббор баҳодирнинг чангақдай қўлидан ёқасини бўшатишга уринарди. Амир Мусо мийиғида жилмайганча қараб турарди.

Одамлар ўртага тушиб уларни ажратиб қўйдилар.

"Ер тўймайди ёмиғирга,

Хотин эрга тўймайди..." — минғирлади ўз севган қўшиғини Учқора... Йаналтекин эса "Маъкул!" дегандай бош тебратиб турарди.

Ахий Жаббор баҳодир ҳаяжондан ҳали ўзига кела олмаган эди. Улфатларнинг истироҳати бузилиб, ўтиришдан ҳам файз кетганлиги аён бўлиб қолди. Улар такяхонани тарк этдилар.

## Ўн иккинчи боб

### I

Ўрусхоннинг элчиси Идику Самарқандга ташриф буюрганда Амир Темур Бухорода эди.

- Бухорога борғоймиз, Кўка... — деди Идику афсуслангандек Кўкаманга. — Хон тез бориб кел, деган бўлсалар ҳам, Амир Темур ҳазратларини кўриб кетмай иложимиз йўқ....

Кўкаман ичида хурсанд бўлди, чунки Бухорони кўрмаган эди, баҳонада машҳур шаҳарни ҳам томоша қилади. Идику шу заҳотиёқ йўлга тушишга буйруқ берди.

Соҳибқирон Бухорони жуда эъозлар, унда қурилаётган мадраса-ю хонаҳоқларни зиёрат айлаш, фуқаро-ю мискин ҳолидан хабар олиш учун тез-тез бу ерга қадам ранжида қилиб турарди. Маҳди улё Сароймулкхоним туғилган шаҳар... Унинг устига, Бухоро атрофида, Занжирсарой томонлардаги поёнсиз яйлов-ўтлоқларнинг баҳорда ям-яшил майсаларга бурканишини яхши кўрар, қишларда эса бу кенгликларда турли илавасинларни ўраб қамраб келиб шикор қилишни ёқтирарди. Соҳибқирон мамнун бўлди Жўжи улусининг нуфузли амирларидан бири элчи мақомида келаётгани унинг назарида яхшилиқ аломати эди.

Жўжи улусида манғитлардан чиққан номдор амир Идику ҳақида соҳибқиронга баъзи маълумотлар етиб келганди. У ҳақда тинғчиларидан кўп ва ҳар хил гаплар эшитганидан, хаёлида Идикунинг сиймоси шаклангандай ҳам бўлди: бу ниҳоятда маккор, устомон, жасур, тегирмонга ташласанг тирик чиқа оладиган, зийрак ва ақлли бир одам... У ўзини Тўхтамиш ўғлонга яқин олади, лекин Тўхтамиш ўғлон бошида булутлар пайдо бўлса, будутсиз жойга интилиб қолади, аммо устомонлигидан буни подшоҳзодага билдирмайди. У Ўрусхонга суйкалиб келади, лозим вақтда юз ўгириб ҳам кетаверади... Хоннинг ўғиллари Қутлув Буғага, Тўқтақияга, Темур Малик ўғлонларга ҳам бирдай жонқуярдай кўрсата олади ўзини... Агар бошқа бир ҳукмдор жаҳон майдонига қадам қўйса унга ҳам талпиниб боради... Қўчқорларни бир-бирига гиж-гижлаб уриштириб қўйиб, томошасини маза қилиб кўришни яхши кўрадиган фосиқ одамлардан бири... Табиийки, у Амир Темурга ҳам шундай муносабатда бўлишга ҳаракат қилади, деб кутиш мумкин...

Амир Темур Идикуни Бухоронинг шимолидаги хушманзара чорбоғлардан бирида қабул қилди.

Чорбоғнинг атрофида ўн икки минг қилич осган аскар соқчилик қиларди. "Тузуқлар" да белгилангани буйича, қаердалигидан қатъий назар, соҳибқирон бўлган ерда, хоҳ у Кўксарой бўлсин, хоҳ Бояи Баланд, хоҳ Қаросмон, хоҳ Тошкент, барчасида шунча аскар ўнг ва сўл тарафларда посбонликни адо этардилар. Ҳар куни кечаси минг норғул навкар

соқчиликда банд бўларди, ҳар юз қиличли устига бир юзбоши нозирлик қиларди. Келган-кетган одамлар махфий сўзлар, яъни ўронлардан фойдаланар эдилар.

Элчи ва унинг ҳамроҳлари чошгоҳ палласида чорбоққа яқинлашдилар.

- Аллоҳ улуғ, Амир Темур Кўрагон унинг ердаги соясидур! — деб қичқирди дарвоза тагида Идику манғитнинг одамларидан бири...

- Амир Темур Кўрагон Аллоҳнинг ердаги соясидур!.. — деган жавоб бўлди дарвоза ортидан.

- Олтин Ўрда хоқони Ўрусхон элчиси Идику жаноблари киришга ижозат сўрайдилар!..

Мубашшир баҳодир билан Муҳаммад Чурога додхоҳ элчини чорбоғ дарвозасида кутиб олдилар-да, соҳибқирон турган қаср томон йўналдилар..

Қаср эшигида ясовуллар Ўрусхон элчисига белидаги қилич ва шамширини топширишини сўрадилар.

Аслида сипоҳийлар, амирлар, мингбоши, юзбоши, ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларга қулоқчинсиз, этиксиз, сармузасиз<sup>38</sup>, бўрк ёқа чакмонсиз киришлари мумкин эмас. Енларида албатта бўқда<sup>39</sup> ва қилич бўлиши шарт... Лекин Зиндачашм опардий воқеасидан кейин салтанатда саройга, Амир соҳибқирон ҳузурига кирганлар — бошқа мамлакатданми, шу ерданми фарқи йўқ, — тигдан ҳоли бўлишлари лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди. Идикунинг бундан хабари бор эди, у эғнидан пашминасини ечди-да, кўринишхонага кирди, юкунуб бориб заррин тахтада ўлтирган Амир Темурни зиёрат этди ва Жўжи улуси ҳоқони номасини топширди.

- Аллоҳ мартабаларини бундан ҳам улуғ қилсун! — таъзим бажо келтирди эгилиб-букилиб Идику...

Амир Темур гарчи Жўжи улуси амири билан илк бор кўришиб турган бўлса ҳам, ажабки, уни аввал қаердадир кўргандай эди. Идикунинг тутуми унга жуда таниш туюлди...

Соҳибқироннинг икки мулозими ўртасида ўлтирар экан, Идику тахтада савлат тўккан Турон подшоҳига ҳасад билан тикилди. У Амир Темур тахтага мингандан бери шу салтанатга келиш, унинг соҳиби билан учрашиш ниятида эди... Амир Темур шахрисабзлик оддий амирнинг ўғли, у на авлоди Чингиз, на авлоди Искандар, ёлғиз ўзининг теран ақл-идроки билан мамлакат маснадига чиқди, чиватойлардан ҳукмфармоликни олди, она юртини Чингиз элидан тозаллади, энди Турон унинг қўл остида... Ҳеч қаерда тарихда шундай ҳол юз бермаганки, улуснинг ичидан, раоё-бароё орасидан шундай ҳукмдор чиққан бўлсин... Бу варойиб ҳодиса...

Идику ҳам ўшанда ўхшаган, раоё-бароё орасидан чиққан, Жўжи улусида таниқли амир Болтачоқнинг ўғли... На авлоди Чингиз, на авлоди Искандар... У ҳам Амир Темурга ўхшаб жўжийлардан тахтни тортиб олмоғи керак! Аммо, қандай қилиб?... Амир Мамоқ ҳам ана шундай иддаолари борлигини яширмайди. Энди бўлса Тўхтамиш ўғлон ўртага чиқди. Хожитархондаги қурултойда тўс-тўполонда Тўхтамиш ўғлонни Идикунинг ўзи қочириб юборганди. Нима қилар эди ўшанда меҳрибонлик кўргизиб?... Энди билса, ўзига рақиб орттирган экан. Идику бу ҳақда кўпдан афсус чекиб юради.

Узоқ мулоҳазалардан сўнг мангит амири шундай фикрга келдики, у душманнинг ташида эмас, ичида бўлмағи лозим, ўзини Ўрусхон доирасига урмоғи керак экан! Шунинг учун ҳам у Қутлуғ Буғага отабеги бўлиш мансабини тилаб олганди. Ахир отаси амир Болтачоқ ҳам Жонибекхоннинг отабеги эди-да. Отасининг садоқати афсонага айланиб кетганди. Жонибекхон ўлдирилганда душманлари нуфузли амир Болтачоққа: "Агар Жонибекхондан юз ўгириб, бизга қўшилсанг, иззат-икромда бўласен, молу мулк оласен, юртни бошқарасен!", дейишибди. Идикунинг отаси бундай жавоб берибди. "Агар қўлоғимни боғламаганларингда эди, бошқача жавоб берган бўлардим. Жонибекхон ўлди... Аммо мен, фақат унинг навкаримен! Сенларни ҳоқон ўрнида кўргунча бу кўзларим кўр бўлсин, дейман! Фармон қил: шу лаҳзадаёқ бошимни олсунлар! Аммо бир илтимос: подшоҳим бошини бошимга қўй, жасадини жасадим устига жойла, токи ундан кейин ўлган бўлсам ҳам, ерга оддинроқ кирайин!" Болтачоқнинг илтимосини бажо келтирибдилар...

Бу воқеа Жўжи улусида, Туркистонда машҳур бўлиб кетганди. Соҳибқирон элчининг ўша жасур Болтачоқ ўғли эканлигини ҳам яхши биларди.

Амир Темур Ўрусхон мактубини Муҳаммад Чурога додхоҳга узатди. Даромадсиз бошланган қисқагина нома беписандлик намунасига ҳам ўхшаб кетарди, унда такалуфларсиз беш-ўн қаторгина сўзлар битилганди: "Мақсуд буким, сизга қочиб боргон Тўхтамиш менинг суянган тоғим, чақнаган юлдуздек ўғлимни нобуд қилди... Бас, у менинг душманимдир! Ўғлимнинг хуни унинг бўйнида... Уни менга тобшуригиз! Йўқ эса, уруш ерини айтиб юборингиз.."

Амир Темурнинг кўнгли "булк" этди: Ўрусхон ҳам ўғлидан айрилибди!

- Ўғли неча ёшда экан?... — сўради соҳибқирон беихтиёр.

- Йигирма ёшда, Амир соҳибқирон... — кутилмаганда берилган саволдан шошиб қолди Идику. — Яхши ўғли бор эди...

"Унинг отабеги эдим..." демоқчи бўлди, негадир тили айланмади.

"Жаҳонгир Мирзога тенг экан... Худо сабр берсун..." деб қўйди ичида соҳибқирон ва Муҳаммад Чурога додхоҳга юзланди:

- Вазири аъзамга айт, назорат қилсун... Мавлоно Убайд бир нома битсунки, мурувватлилик қоида-русуми ва салтанат арбоблари одатларида бирор давлатдан паноҳ истаб

келган кишини душман қўлига тобшуриш зинҳор раво кўриламайдур. Тўхтамиш ўғлон бизга сийғиб келиб турур. У бизга меҳмондур, меҳмон дахлсиздур. Ани ҳеч кимга бермасбиз! Бундоқ қилмак амримақолдур. Аммо уруш десангиз, тайёр турубтурбиз!..

- Маъзур тутадилар, Амир соҳибқирон! — ўрнидан туриб таъзим қилар экан деди Идику. — Чопар бўлиб шундай ташвишли нома олиб келгонимдан хижолатдамен. Зинҳор буни истамас эрдим... Пошшолиқ ҳукми экан-да... Менга юклаб қўйдилар... Ниятим бошқачароқ эди ўзи...

Идику, соҳибқирон бирон нима дермикин, деб оғиз пойлади, шундай бўлганда ўз-ўзидан гап-гапга уланиб кетарди.

Амир Темур сўзга оғиз очмоқчи эди... Бирдан у нима учун Ўрусхон элчисини қаер-дадир кўргандай бўлаверганлигини, тутуми таниш эканлигини эслади-ю тўхтаб қолди. Ё раббий! Идику ўз саяжияси, рафти-ангори билан... Амир Мусога ўхшаб кетарди! Агар Амир Мусонинг ирғиб қиққандай кўзлари борлигини, Идикунинг эса кўзлари қисик эканлигини демаса, Ўрусхон элчиси айни қаршилиқ амирнинг нақ ўзи эди! Бўй-бастлари ҳам, дўнганглайликлари ҳам бир-бирларига жуда ўхшардилар...

Кўринишхонага жимлик чўқди. Шу палла чап томонда деразадан олисларда қандайдир отнинг, чамаси, қудунини излаб кетма-кет зорланиб кишнагани эшитилди. Амир Темурнинг юраги орзикди, Хонўғлон оти эсига тушиб, негадир ўша от ёнига боргиси келиб кетди...

Ортиқ сўзга ҳожат йўқ эди. Идику ҳали замон таъзим бажо келтириб кетмоқ онлари яқинлашаётганини сезди. Ҳолбуки, у соҳибқирон билан суҳбатлар қурмоқ, шу баҳонада қудратли амир ишончига кирмоқ, унга яқин бўлмоқ орзусида юрарди. Аммо элчиликнинг ўз русуми, чегаралари бор, ундан чиқиш мумкин эмас...

Идику чорасиз қолди. Унинг Сарой-Беркага Амир Темур жавоб номаси билан қайтиши замоннинг икки қурагали подшоши ўртасида уруш бошланганини билдирар эди.

Кўкаман хожасининг қисик кўзлари қисилиб, манглайи яна ҳам дўнграйиб кетгандай кўринганига боқди-ю, яхши кайфиятда чиқмаганини фаҳмлади, билинар-билимас, қалин тук билан қопланган жигарранг холи бор бурнини жийриб қўйди.

## II

Орадан бир неча ой ўтди. Ўрусхоннинг Жўжи улусини йиғиштириб Сияноққа келиб тушгани хабари Амир Темур қулоғига етганда, соҳибқироннинг катта кўшини алақачон Ўтрорга кириб келиб улгурганди. Сияноқ билан Ўтрор ораси йигирма тўрт йиғоч<sup>40</sup> йўл чиқарди.

Келишган кунни ҳаво булутланиб ёмғир ёғишга турди, кечаси қорга айланди. Қаттиқ совуқ тушиб, ерлар музлади. Тунд об-ҳаво юракларни сиқар, лашкарларнинг суръат кўргизишга хоҳиши ҳам, мажлоҳи ҳам йўқдай эди. Ҳеч ким жанг бошлашга журъат этмасди... Икки кўшин бир-бирига рўбарў саф тортганча уч ой ўтиб кетди.

Ниҳоят, ҳут ўрталарида кунлардан бир кун ҳумоюн Ўрдудан Мубашшир баҳодирни беш юз кишига бош қилиб, Ёруқ Темур, Хитой баҳодир сингари жангари, жасур амирларни кўшиб душманга қарши илгор қилиш ва шабихун уриб боришга фармон берилди. Амир Темур омад ҳамиша Қутлуғ яловларга йўлдош эканлигига, бахт-саодат ёрлигига асло шубҳа қилмасди. Туңда шиддатли кечган жанг соҳибқирон лашкарига зафар олиб келди. Душман кўшини парокандаликка юз бурди. Тонг ёришганда Мубашшир баҳодир Жўжи улуси шахзодаси Темур Маалик ўғлонни нишонга олиб ўқ отган эди, ўқ оёқдан ўтиб отта санчилди!..

Афсуски, бу қоронғида тусмолдан бўлган жангда Ёруқ Темур билан Хитой баҳодирлар шахид бўлдилар...

Соҳибқирон отни совутмай Тўхтамиш ўғлон ва жарчилигида<sup>41</sup> Ўрусхонни таъқиб қилишда давом этди. Ўн беш кун деганда Жайрон қамиш мавзеига етдилар. Шу ерда бироз нафас ростлаб турган эдилар, қутилмаганда Ўрусхоннинг дунёдан ўтгани, ўрнига катта ўғли Тўқтақийё тахтга ўлтиргани ҳақида хабар тарқалди.

Соҳибқирон жангни давом эттиришда маъни қолмаганини англади. Тўхтамиш ўғлонга Дашти Қипчоқ подшоҳлигини бериб, фатҳу нусрат, эъзозу икром ила пойтахтга қайтди. Бу тарих етти юз етмиш саккиз илон йили бошида, милодий 1377 йил март ойида юз берди.

Бироқ, Тўхтамиш ўғлон яна вилоятни қўлида ушлаб қололмади. Отаси ўлимидан кўп ўтмай вафот этган Тўқтақийёдан кейин кенжа ўғил Темур Маалик ўғлон Жўжи улуси тахтига минди. У оёридан ўтиб отта санчилган ўқ захмини ҳам, аламини ҳам ҳали эсдан чиқармаган эди. Катта лашкар тўплаб Тўхтамиш ўғлон устига Ўтрорга юриш қилди. Амир Темурнинг тутинган ўғли кўшини пароканда бўлиб, тўртинчи бор валинеъмати олдига қочиб келди...

Турон султони Бори Баландда қаср олдидаги ҳаворанг шийпонда ўлтирар, кўк дафтарга туширилган саҳифаларни Мавлоно Убайдага ўқитар экан, келтирилган фикру мушоҳадаларни таҳлил этар, айрим жойларига ўзгартиришлар киритар, аммо хаёлининг бир четида Тўхтамиш ўғлон турарди. Табиатга куз нуқси уриб қолган, айни пишиқчилик авжида...

Соҳибқирон бу гал Тўхтамиш ўғлонни ҳузурига киритишга шошилмади, илк марта Тўхтамиш ўғлонни ўғил тутиб, унга умид боғлаб қилаётган ҳаракатлари нечоғлик тўғри-

но тўғри эканлиги ҳақида ўйланиб қолди. Нега бирдан шу ҳақда ўйлаб қолди ўзи?.. Подшоҳзоданинг такрор қочиб келганими? Ҳа, дарвоқе, бунга Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг ушбу ҳикояси ҳам туртки бўлди шекилли... Воқеа бундай бўлган экан.

...Тўхтамиш ўғлон Сиғноқ томонлардан қайтганидан кейин ҳеч ким негадир ундан хабар олмади. Гўё уни унутиб юборган эдилар. Одатда Амир Темур дарҳол ҳузурига чорлар, ҳол-аҳволни суриштириб, ҳеч нарса юзига солмай яна қўшин берар, сафарга йўлларди. Аммо бу гал тўрт кун ўтди, ҳали ҳеч кимдан дарак йўқ. Тўғри, Муҳаммад Мирак бир келиб кетди, аммо ундан не наф?.. Подшоҳзоданинг юраги сиқилди. Энди соҳибқирон ёрдам бермасмикин? Тўхтамиш ўғлондан кўнгли қолдимикин?.. Уч марта қўлаб-қувватлади, аммо не қилсинки, омад юз ўтирди. Энди бу ёғи нима бўлади?.. Кеча Муҳаммад Чуроға додхоҳни кўриб қолиб, бутун номаи аъмолини сўзлаб берди, зинҳор тўчитиш учун айтмаётганини, бу аҳволда ўзини бир нима қилиб қўйиши мумкинлигини таъкидлади. Йиғламсираб, агар соҳибқирон ҳузурларига чорласалар, оёғига йиқилиб узрлар сўрашини ургулаб гапирди... Чиндан ҳам унинг аҳволи ночор эди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ "Худо пошшо эгам..."дан бошқа ҳеч нарса демади...

Орадан яна икки кун ўтгач, бирдан Тўхтамиш ўғлонни тенгқурлари Боғи Нақши жаҳонга меҳмонга таклиф этишди, кўнгли сўраб, Жўжи улуси хони билан савашин тафсилотлари ҳақида саволлар беришди. Подшоҳзода мартабасидан паст тушгиси келмай, ўзини гўё ҳеч нарса юз бермагандай тутди, кейин хотиржамлик билан жанг жуда оғир кечганини, душманининг қўшини ўн чақдон кўплигини, шунингдек, ёғий номардларча ҳийла ишлатганини, даставвал камгина қўшин билан жангга кириб биров фурсат ўтгач, қочиб қолганини, буларнинг эса улар кетидан қувганликларини, оқибатда пистирмага тушиб қолиб, лашкар қирғинга учраганини гапириб берди.

Охирида унинг лашкари душманниқидан кўра чўғи паст эканлигини, агар навкарлари икки минг эмас, ўн минг бўлганда, душмани бемалол енгиши мумкинлигини ҳам афсус билан гапга қистириб ўтди...

Тўхтамиш ўғлонни тишини тишига қўйиб эшитиб ўлтирган Умаршайх Мирзо шу ерга келганда ўзини туюлмади қолди.

Умаршайх Мирзо асли подшоҳзодани биринчи кўрган куниданоқ ёқтирмаган эди. Унинг кўнглида, такаббур ва калондимор, устомон подшоҳзода Турон салтанатига ҳеч ҳам суд қилмайдир, фақат зиён келтирадир, деган фикр муқим туриб қолди. Тўхтамиш ўғлоннинг кейинги қадамлари, кетма-кет қочиб келишлар тобора амирзода фикрининг тўғрилигини кўрсатарди. У шундай одамга ишониб қолганидан падали бузрукворига ачинар, айтай деса андиша қилар, подшоҳзодага эса пинҳона нафрати ортиб борарди.

- Сизга қўшин... камроқ берилгон эрканму, подшоҳзодам?... — заҳархандалик билан чўзиброқ сўради Умаршайх Мирзо... У қўйники сингари кўзлари қисилганча Тўхтамиш ўғлонга қараб турарди.

Амир Сулаймоншоҳ ялт этиб Жаҳоншоҳ ибн Жокуга қаради, у шундай бир машмаша чиқмасин, деб чўчирди. Подшоҳзода билан амирзода ўртасида азалдан сирка бор бўлиб, вақти-вақти билан бижғиб турарди, буни ҳамма биларди. Шайх Нуриддин баҳодир Амир Шоҳмалик билан кўз уриштириб олдилар, Муҳаммад Мирак йўқ чап қулогини силар экан, "Ана, бошланди!.. Буёғи қандай бўларкин?.." дегандай Муҳаммадбек ибн Мусога бақрайган кўзларини тикди... Чамаси, улар икки кўчқорнинг бир-бирига калла ташлашларини кўришга ишқибоз эдилар.

Тўхтамиш ўғлон ўзини эшитмаганга олди ва ёрқин кўзларини амирзодага қадаганча талмовсирагандай сўради:

- Нимани... камроқ, дедилар, амирзода жаноблари?.. Эшитолмай қолдим...

Ҳамма подшоҳзоданинг амирзода гашига тегиш учун атай ўсмоқчилаётганини сезди. Амир Шоҳмалик подшоҳзода тутумига афсуслангандай қаради, Муҳаммад Мирак эса, аксинча, ичида: "Бошла, азамат!.." деб қўйди.

- У ҳолда... қулоқларини очиб қўймак керак эркан... — деб юборди ногаҳон Умаршайх Мирзо! Амирзоданинг чап қўли қилич дастасига бориб қолган эди.

Тўхтамиш ўғлоннинг тиниқ юзлари қизариб кетди:

- Шундоқму?... — баъзур жилмайган бўлди Тўхтамиш ўғлон, кейин бирдан жиддий тусга кирди: - Бизнинг қулоғимизни очиб қўядурқон... Ҳали онасининг қорнида ётиб-Аур...

Умаршайх Мирзога тиг теккандай бўлди! Подшоҳзоданинг гаплари унга ботиб кетди, юмалоқ юзларига қон теғди. Бағоят қазабланганидан шарт ўрнидан ирғиб турди-да, қиличини сугурганини билмай қолди!

- Мана, мен очиб қўямен! Очиб қўйишни кўрсатамен сен товукмижоз лапашангга!.. Ҳа-Ҳа-а!.. — деб бақирди бирдан.

- Ҳақорат қилмангиз!! — Тишларини гижирлатиб ўшқирди Тўхтамиш ўғлон, у алақачон қўлида қилич жангга тайёр турарди. — Ҳақорат қилмангиз, деяпмен!!!

- Ноинсоф! — деди яна Умаршайх Мирзо, унинг жиррақилиги тутиб кетди. - Отилмагон солгон ҳам бошга тегадур, ҳам кетга!.. Ҳа!.. Неча марта Амир соҳибқирон қўшини сошлаб бердилар. Барида ҳам маъракаи майдондан тиррақи эчкидай шаталоқ отиб қочиб қолдинг! Уят борму?... Тағин қўшин кам берибди, деб нолийсен! Номуси йўқ, инсофсиз! Қўрқоқ!..

- Бу гапларни кимга сўйлаётгирсиз, ҳей амирзода! Уйлаб гапирингиз! Билингизким,

мен подшоҳзодамен, Чингизхон авлоди! Буни эсингиздан чиқармангиз!.. Эсингиздан чиқармангиз!! Индамаса гапираверасизму?..

- Подшоҳзодалигинг бир дирҳам, билдингму?.. — Қайтмас эди Умаршайх Мирзо. — Сенинг ландовурлигинг туфайли Амир Улжайту опардий, Шодравон найман, Ёруқ Темур, Хитой баҳодир каби шерюраклар, афсуски, нобуд бўлдилар. Тўртта навкарни бошқара олмарон сендай подшоҳзодани қара-ю! Таъзирингни ейсан энди, нодон!

- Пешонасида шундоқ ёзилган! Менда не айб? Менда не айб?.. — ўзини оқлар эди Тўхтамиш ўғлон. — Ие!.. Ҳали мен нодонми?.. Нодонлигимни бир кўрсатиб кўяй сизга!

Унинг аламли овози чинқириб эшитилди.

Икки кўчқорчалар бир-бирига хезланиб кела бошладилар. Ҳар иккисининг ҳам қўлида қилич ўйноқлар эди. Аввал Умаршайх Мирзо қиличи ярақлади, кейин Тўхтамиш ўғлон намойишкорона қиличини кўтариб жангга шайланди.

- Ҳай-ҳай! — қичқирди ҳайратда Амир Сулаймоншоҳ. — Тўхтангизлар!

- Ундок қилмангиз! — аралашди Жаҳоншоҳ ибн Жоку. — Айб бўладир! Айб бўладир!..

- Маъзур тутингиз... Сизларга асло ярашмайду, амирзодам! — уялтиришга уринди Амир Шоҳмалик. — Асло ярашмайду...

Муҳаммад Чурога додхоҳнинг йўвон овози барчани сергаклантирди.

- Тўхтангиз!!! Жаҳл келганда ақл кетаду! Шайтонга ҳай берингизлар! Подшоҳзода жаноблари! Сизни танимай турибмен!.. Лоҳавла вала қуввата! Амирзодам, агар бу гап Амир соҳибқирон қулоқларига етса нима бўладир? Ҳеч оқибатини ўйладингизму?.. Жаноби амирлар! Нега қараб турибсизлар? Уларни тез ажратингиз! Ёки ҳаммамиз подшоҳзода билан амирзодани бир-бирига уриштириб томошасини кўрдилар, деган маломатга қолиб ўлтирайликму? Худо пошшо эгам, деганлар!..

Шайх Нуридадин баҳодир шитоб Умаршайх Мирзо олдини тўсди, Муҳаммад Мирак Тўхтамиш ўғлонга ўзини қалқон қилди. Қолганлар ҳам ҳай-ҳайлашиб ўртага тушдилар ва амирзода билан подшоҳзодани ажратиб қўйдилар. Зиёфат ҳам заҳарга айланди...

- Майли, ҳисоб-китоб кейинга қолди... Ҳисоб-китоб қиламен ҳали сен билан! Ҳали сен билан якка-ёлғиз кўришажакмен, подшоҳзодам! Эсингдан асло чиқарма! — зуғум билан деди алами ичида қолган Умаршайх Мирзо. Шундай дер экан, амирзода пайт топиб бу ҳақда соҳибқиронга мурожаат қилишни кўнглига тутди.

Тўхтамиш ўғлон бир хўмрайиб қараб қўйди-ю, индамаси...

Боғи Нақши жаҳондаги нохуш ҳодиса Амир Темур ўйларини тағин чигаллаштирди. Демак, Тўхтамиш ўғлонни тенгқурлари унча хушламайдилар... Бунга, албатта, унинг тутун сабаби... Лекин Дашти Қипчоқ томонларни тинчитмак керак, бу нарса салтанат учун бағоят зарур... Шу маънода, хўш, Тўхтамиш ўғлонга умид биланб тўғри қилаётирму, йўғми?.. Мушқул жойи шундаки, соҳибқирон Тўхтамиш ўғлон ҳақидаги ўйларини бировга айта олмайди, айтишга уялади ҳам. Ахир сарой аъёнлари олдида уни ўғлимга ўхшайди, ўғлим деб, кўкларга кўтариб, мартабасини осмон-фалакка чиқариб қўйди-ку! Жўжи улауси, Дашти Қипчоқ томонлар ташвишини бартараф этиш мақсадида сопини ўзидан чиқариб, Тўхтамиш ўғлонни ўзининг одамига айлантирмоқчийди. Лекин сопнинг нобоп-роқини танлаб қўйибди шекилли... Не-не уринишлар, саъи ҳаракатлар, лашкарлар, мол-мулклар, умидлар, илинжлар, ниятлар бамисли қумга сепидаган сувдек зое кетди...

Умаршайх Мирзонинг торинганича бор. Наҳотки унда ҳарбий саоҳити йўқ, лашкар бошқариш лаёқатига эга эмас?.. Чингизхон авлоди-ку ахир! Наҳотки, у қўлидан ҳеч иш келмайдургон подшоҳзодалардан бўлса? Амир Темур бу кетган молу мулк, саъи ҳаракатларга эмас, қадрига кўюнадир, қадрига! Умидларига, орзуларига ачинадир. Унинг тутинган ўғли маъракаи майдондан фақат қочишни ўзига касб этиб олган, деган дашноملардан изо тортадир холос!

Ёки... Тўхтамиш ўғлон хизматларидан воз кечиб қўяқолсинму?.. Эҳтимол, ҳеч рўёбга чиқмайдургон ишга уриниб ётрондир?.. Осмондаги юлдузни нарвонсиз олмоқчи бўлаёт-рондир?.. Ундай бўлса, Амир соҳибқирон, сизга ҳазор уят, ҳазор уят!.. "Аттанг!" дея манглайингизга бир урингиз-да, эс-хушингизни ўнглаб олингиз! Умид узиб, чингизий подшоҳзоданинг жавобини бериб юборингиз!

Шундай ёқимсиз хаёлларга гарқ руҳи тушиброқ турганда Ўрунг Темурнинг унинг қошига келаётгани ҳақида хабар етди. Бироқ Тўхтамиш ўғлон амирининг келишидан олдин кутилмаганда гаройиб ҳодиса рўй берди-ю соҳибқирон хаёлларини тум-тарақай этиб юборди:

- Амир соҳибқирон!.. Амир соҳибқирон!.. Хушхабар... — деди Муҳаммад Чурога додхоҳ билан дарвозадан ҳаллослаб кириб келган Ахий Жаббор баҳодир ўзини Амир Темур пойига отаркан...

Изма-из Амир Жоку барлос, Амир Довуд дуғлат ва девон котиби Давлатшоҳ бахши уйғурлар ҳам ташриф буюрдилар. Ҳаворанг шийпон атрофи аста-секин одамга тўла бошлади.

"Илоё, хушхабаридан берсун!.." деб қўйди ичида Амир Темур... Жаҳонғир Мирзонинг ўнбошиси ҳаяжоннинг зўридан гапира олмасди. Барча қандайдир саросимада унга қаради.

- Узингни бос, баҳодир! Ўрнингдан тур! — тинчлантирди Амир Темур. — Сўйла, не хушхабар экан?

Ахий Жаббор баҳодир Амир Темурни фанқулодда меҳр билан ҳурмат қилар, агар

жонингни бер, деса шу лаҳза беришга тайёр эди. Қувончдан йиғлаб юборган баҳодир ўрнидан турди-да, апил-тапил кўз ёшларини артиб, таъзимда орқасига тисарилди:

- Суюнчи берсунлар!.. Суюнчи берсунлар, Амир соҳибқирон!.. Пошшолик осмонида бир ёруғ юлдуз чарақлаб жамол кўргизмиш! Муборак юзлик фарзанд ғайб пардасидан ошкор бўлмиш!...Салтанат сандигидаги дуру гавҳарларга яна бир дурри бебаҳо кўшилмиш!.. Жумла ҳаҳонга маълуму машҳур бўлсинким, муҳтарам Билқиси замон Тағой Туркон оқа ҳазрати олийларига бир ўғил туҳфа этмишлар!..

Бу чиндан ҳам ажойиб мужда эди.

- Ўғил муборак бўлсун, Амир соҳибқирон!

- Шавкатларига шавкат кўшилибдир!..

- Илоё, умри билан берган бўлсун, ҳазратим!..

Ана шундай қутлов овозлари ҳаворанг шийпондан бутун боққа тараларди.

Халлоқ безаволга салламо! Ҳаммаси яхшилиқ аломатидур!

- Худо ўғил ато этибдур, Жаҳонгир Мирзо ўрнига ўғил!.. Аллоҳга шукур!.. — деди қувонганидан амирларга қараб соҳибқирон. - Кўрдингизму, жаноблар! Шоҳнинг руҳи тушиб турганда унга қувват бўлай деб дунёга келган ўғил!..

- Офарин! Офарин!

- Қутлуғ бўлсун! Қутлуғ бўлсун!

- Бонуи Кубро Қутлуғ Туркон оқа эгачи жаноби олиялари, Амир соҳибқирон ша-рафли ўғил исмини қўйиб берсунлар, деб ўтиңдилар... — деди Ахий Жаббор баҳодир.

Амир Темур ҳам худди шу ҳақда ўйлай бошлаганди. Аслида, буни кўпдан ўйлаб келарди-ку.

- Шоҳруҳ бўлсун! Шоҳруҳ Мирзо! Руҳи ҳамиша шоҳлар сингари сарбаланд бўлсун! — хитоб қилди Амир Темур мамнун ва Мавлоно Убайдага ўтириди. — Тарих дафтарига битиб қўйингизким, Шоҳруҳ Мирзо ҳижрий 779 йил рабиус-сонийнинг ўн тўртида<sup>42</sup> дунёга келмишидир!

"Шоҳруҳ Мирзо униб-ўссин!", "Ота ўғли бўлсун!..", "Паҳлавон бўлсун!.." қабилда тилаклар янгради.

- Суюнчисини ол, баҳодир!

Соҳибқирон ёнидан ақча тўла халтача чиқариб Ахий Жаббор баҳодирга ташлади. Шошилиб қолган Ахий Жаббор халтачани ила олмай тушириб юборди. Динорларнинг бир қисми шийпон атрофига ташланган гиламга сочилиб кетди. Ахий Жаббор баҳодир уларни теришга тушди...

Қутловлар тугамай, боғнинг дарвозасида Ўрунг Темур кўринди.

Тўхтамиш ўғлон биринчи марта соҳибқиронга ташриф бузорганида унинг ҳамроҳлари ичида ўзининг кўрқмаслиги билан донг таратган амир Ўрунг Темур ҳам бор эди. Беомон жанг майдонида Қозончи баҳодир уни отнинг тагида йиқилиб қолганидан фойдаланиб асир олди ва Ўрусхон ҳузурига келтирди. Ушанда Ўрусхон унинг гуноҳидан ўтганди. Ўрунг Темур Сигноқда сабр-тоқат этагидан тутиб оғирликка чидаб яшади, кўнгли пинҳона соҳибқирон томонга талпинар эди, чунки кўрилган кўп илтифотлар хумориси тутарди. Ниҳоят қочишга фурсат топди. Тўхтамиш ўғлондан кейин кўп ўтмай у ҳам салтанат остонасига бош уриб келди.

Қайфи чоғ соҳибқироннинг кўнгли яна ҳам ёришиб кетди. Бу йирик гавдали, кўсанамо, садоқатли, тўғрисўз амирни биринчи кўргандаёқ унинг ҳалол одам эканлигига амин бўлганди. Қани, ундан душман томондаги вазиятни яхшироқ билиб олсин-чи, шунга қараб фикр қилсин-чи, худо бир йўлга бошқарар...

- Ҳозир Жўжи уласи Темур Маликхон тасарруфидадур, — деди соҳибқирон одатий ҳол-аҳвол сўралгандан кейин. — Хоннинг ҳолу авзойи нечук?..

Ўрунг Темур даставвал соҳибқиронни ўғил билан муборакбод этди. Кейин бундай деди:

- Тўхтамиш ўғлон енгилиб қочиб келгандан сўнг Темур Маликхон ғурурга берилиб ўзини жуда қўйиб юборди... — Ўрунг Темур жилмайди. — ҳоқоннинг кенжаси-да... Дунё билан иши бўлмай қолди... Қаттиқ айш-ишратга берилаён. Кечаю кундуз шароб ичиш билан баңддур. Чошгоҳгача ухлаб ётадир, дунёни сув босиб кетгюн бўлса-ю сув хон ётгюн ерга киришига оз қолгюн бўлса ҳам унга бирор айтиб уйқусини бузишга журъат этолмай-дир. Салтанат ишлари ўлда-жўлда... Юрту эл ундан батамом умидини узиб қўйгюн. Жўжи уласида, Тўхтамиш ўғлон ундан юз чандон яхшироқ, Тўхтамиш ўғлон келсун, дерлар. Тўхтамиш ўғлонни тиларлар...

Амир Темур эшитиб ўйлиниб қолди... Чиндан ҳам, қайси ҳукмдор салтанат низомига риоя қилмаса, ёлғиз ўз жони ҳузурини ўйласа, мамакат биниси дарз кетмоғи аён-дир. Соҳибқирон шу палла давлати кўлидан кетиб хор-зор бўлган подшоҳлардан бири ҳақида эшитган нақлани эслади. "Салтанатингиз завоқ топишига нималар сабаб бўлди?" — сўраб-дилар подшоҳдан. "Ҳар куни оқшомда шароб ичиш билан банд бўлардим, — дебди подшо. — Май дарё бўлиб оқарди... Тунда айшу ишрат этагидан маҳкам тутардим, ҳурилиқлар билан базм айлаб чиқар эрдим. Куннинг биринчи ярмини, табиийки, ҳориб-чарчаб маст уйқуда ўтказардим... Оқибатда салтанат беқарорликка дучор бўлди, давлатим либоси чок-чокидан сўкилиб кетди..."

Ўрунг Темурнинг сўзлари ҳали ҳануз қайси йўлни тутмоқ мақбул экан, Тўхтамиш ўғлонни қўйиб, ўзи Дашти Қипчоққа отлансинми, дея иккиланиб турган соҳибқироннинг, зуддик билан вазиятни ўнглаш лозим, деган фикрини яна ҳам қатъийлаштирди.

Соҳибқирон Темур Маликхоннинг давлат ишларига қарамай айш-ишратта берилиб кетганлигини эшитгандаёқ, фавқуллода идрок билан толе Темур Маликхондан юз ўтирганлигини фаҳмлади. Ҳа, Тўхтамиш ўғлоннинг бахтиёр соатлари энди келибди! Подшоҳзода ўғли энди Жўжи улуси тахтига минадир! Тўрт марта жангда мағлуб бўлган бўлса ҳам, бешинчисида албатта салтанат тожини бошига киядир! Бу офтоб чиқиши янглиғ муқаррар нарса! Чунки Темур Маликхоннинг тез кунда давлати қўлидан кетган подшоҳ ҳолига тушмоғига шубҳа йўқ! Унинг аҳволи шундан далолат бериб турибди.

Ҳумоюн Ўрдудан, зудлик билан черик йиғилсун, Тўхтамиш ўғлон иззату икромларга сазовор этилсун, Амир Довуд дуглат бошлиқ Амир Ўрунг Темур, Муҳаммадбек ибн Мусо, Фиёсиддин тархон, Муҳаммад Миракларни кўп лашкар билан Сигноққа юборилсун, Тўхтамиш ўғлонни тахтга ўтқазиб қайтсунлар, деган фармон бўлди. Соҳибқирон бу сафар Тўхтамиш ўғлоннинг Оқ Ўрда тахтига минишига асло шубҳа қилмасди, чунки Дашти Қипчоқда ҳозир унга бас кела оладиган куч йўқлиги равшан бўлиб қолганди.

(давоми келгуси сонда)

## ИЗОҲЛАР

- <sup>1</sup> Урал дарёсининг қадимий номи.
- <sup>2</sup> **Мовароуқофқоз** — Закавказие, маъносида.
- <sup>3</sup> **Шавҳар** — умр йўлдоши
- <sup>4</sup> **Қуръони карим**. Ясин сураси, 1-4 оятлар. Мазмуни: Ясин. Ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз, Сиз Тўғри Йўл устидаги пайғамбарлардандурсиз...
- <sup>5</sup> **Ясин сураси**. 83-оят. Мазмуни: Бас, барча нарсанинг эгалиги Уз қўлида бўлган пок зотдир. Елғиз Унгагина қайтарилурсизлар..
- <sup>6</sup> **Тарийқи инзиво(араб)** — жамиятдан чекиниш, хилватда ўлтириш.
- <sup>7</sup> **Буҳом Ойкўл** — ҳозирги Иссиқкўлнинг ғарбидаги жарликлари кўп даранинг номи
- <sup>8</sup> Қирғизистондаги жой номи, ҳозир Қочкорка деб аталади.
- <sup>9</sup> **Мўулистон** — Х1У аср ўрталаридан ХУ асргача ҳукм сурган давлат номи. Унга Кошғар, Еттисув, Или воҳаси ва Иртиш дарёсигача бўлган ерлар қараган.
- <sup>10</sup> **Қаронавс** — **Мовароуннаҳрда яшаган кўчманчи мўвуллари шундай атардилар.**
- <sup>11</sup> **Билқиси Суғро** — Сулаймон пайғамбар хотини Билқис номидан олинган. "Суғро" — кичик маъносида.
- <sup>12</sup> **Кичик Билқис** — кичик маликаларга бериладиган сифат.
- <sup>13</sup> **Тўрқа** — қимматбаҳо катон кийимнинг номи.
- <sup>14</sup> **Занданача** — Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқиладиган машҳур мато
- <sup>15</sup> **Қабо** — енгсиз кийим.
- <sup>16</sup> **Ойин** — тартиб, қоида. Бу ерда: давлат қонунлари, маъносида.
- <sup>17</sup> **Ҳазар** — бир жойда туриш, маъносида
- <sup>18</sup> **Хонсолор** — подшоҳ дастурхонини безатувчи.
- <sup>19</sup> **Кориз** — ер ости сувларини йиғиш ва уларни юзага чиқариш учун қуриладиган ер ости иншооти.
- <sup>20</sup> Яъни, салтанат хазинаси.
- <sup>21</sup> **Харвор** — **уч юз килограммга тенг оғирлик ўлчови.**
- <sup>22</sup> **Мисқол** — Тахминан 4,8 граммга тенг.
- <sup>23</sup> **Рикоб** — узанги.
- <sup>24</sup> **Очун** — Дунё, жаҳон
- <sup>25</sup> **Ҳумош** — қимматбаҳо мато
- <sup>26</sup> **Парқин** — от қўлтиғи.
- <sup>27</sup> **Ўтрор, Саброн** — Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳарлар.
- <sup>28</sup> **Тағор ва укалко** — тағор — лашкар учун овқат; укалко — аскарларга бериладиган пул-инъом.
- <sup>29</sup> **Хатти устиво** — экватор чизиги
- <sup>30</sup> **Қарн** — аср. Алишер Навоий замонида, қарн ўттиз йил маъносида ҳам тушунилган.
- <sup>31</sup> **Пашмина** — жун чакмон.
- <sup>32</sup> **Раоё-бароё** — авом халқ, фуқаро.
- <sup>33</sup> **Маллоҳ** — қайиқчи, кемачи
- <sup>34</sup> **Чағдовул** — лашкарнинг ортки қисми.
- <sup>35</sup> **Манглай** — лашкарнинг олд қисми.
- <sup>36</sup> **Байъат** — аҳд-паймон, ваъда
- <sup>37</sup> **Муҳассил** — солиқ йиғувчи, ундирувчи.
- <sup>38</sup> **Сармуза** — кавушнинг бир хили.
- <sup>39</sup> **Бўқда** — дудам.
- <sup>40</sup> **Йиғоч** — Бир йиғоч салкам олти км.га тенг.
- <sup>41</sup> **Ғажарчи** — йўлбошловчи, маъносида.



Ибройим Юсупов,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири

ВАШАН, СЕНИ СЎЮБ-СЎЮБ  
ЎШАРМАН

### Умр деган оқиб турган бир дарё

Умр деган оқиб турган бир дарё,  
Сурон солиб, асовланиб ҳайқирар.  
Гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб бу дунё,  
Кўнгил баъзан тинчиб, баъзан чарх урар.

Нафас етмай, чиқолмасдан соҳилга,  
Рухлари шод бўлсин кетган дўстларнинг.  
Дош беролсин шул шиддатли оқимга,  
Келажаги обод бўлсин ёшларнинг.

Оч тўлқинлар ила чойдай айқашиб,  
Юрт қатори жон талашиб бораман.  
Гоҳ энтикиб, гоҳ курашиб, чайқашиб,  
Умид дарёсида сузиб келаман.

Шукр қиламан бул кунларга етказиб,  
Сизлар ила туз-намақдош бўлганга.  
Бел боғлашиб, элга хизмат этказиб,  
Илҳом парилари насиб қилганга.

Олатузон тузли шамол ели деб,  
Қирғоқ тепаётган денгиз-кўли деб.  
Эл оралаб, талай эшитганим бор  
Четда қолган қорақалпоқ ери деб.

Ҳақ сўз ила ёлғон аралаш бўлар,  
«Халқинг маъкулми?» — деб сўралмас бўлар.  
Ҳар кимнинг ўз манглайида кўзи бор,  
Менинг кўзим билан қарамас улар.

Эл-юртингнинг қадру қимматин билиб,  
Уни сева билсанг — гул битар тошга.  
Кенг дунёни кезиб, оралаб юриб,  
Бундай яхши халқни кўрмадим бошқа.

Кийиклар болалаб ётган далалар,  
Кенглиги халқимнинг кўнглига кўчган.  
Ҳаким Ота, Берунийдек донолар  
Шул муқаддас ерда туғилиб, ўсган.

Шунда Бердақ — кенг даланинг булбули  
Донсиз жойда тўрғай бўлиб сайраган.  
Офтобда қургаган чўпин гул билиб,  
Сутилмагин Ажиниёзлар куйлаган.

Энг афзали — сиздай яхши инсонлар  
Хур, кенг феълли халқлар яшар бул ерда.  
Бир қизиғи — бунда қиз ҳам жувонлар  
Сулувликда менгзар тоза гулларга.

Бунда ҳеч ким кўз-кўзламас миллатин,  
Юлдуздай яшарлар ойнинг қошида.  
Бузмай асло қон-қардошлик одатин,  
Бир хонада, бир дастурхон бошида.

Томиримиз бир отадан тараган,  
 Курмоқдамиз янги замон дунёсин.  
 Тотувлиқда қил ўтмайди орадан,  
 Бирга татиб Мустақиллик мевасин.

Ўзбекистон — улуг Ватан, онамиз,  
 Жон тасаддуқ ойдин келажагингга.  
 Озодлик деб уйғонамиз, ёнамиз,  
 Булут, яшин келмас осмон тоқиға.

Умр деган оқиб турган бир дарё,  
 Олдимиздан оққан сувда қадр йўқ.  
 Ҳеч бандадан алданмайди бул дунё,  
 Менинг ундан алдангудай ерим йўқ.

Сизни кўрсам — сувга кирган балиқман,  
 Ватан, сени суйиб-суйиб ўтарман.  
 Санокли дам тугагунча чарчамам,  
 Шеърлар битиб, сени мақтаб ўтарман.

Янги аср бўсағасин ҳатлашиб,  
 Биз ҳам сизнинг орангизда бўлғаймиз.  
 Президент билан бирга қувониб,  
 Келажакка қарсак чалиб турғаймиз.

## Бу дунё

### 1

Одам ўғли ўз кўнглингни шод айла,  
 Очилсанг, очилаверар бу дунё.  
 Утганларнинг васиятин ёд айла,  
 Йиғласанг, сочилаверар бу дунё.

Ҳалол меҳнат қилиб топса дунёни,  
 Шу хур ҳаёт — ғўч йигитнинг армони,  
 Ҳийла қилсанг алдайман деб сен ани,  
 Шумлигини ошираверар бу дунё.

Юртдан ортиқ яшайман деб агар сен  
 Қарор қилсанг, ўзинг азоб чекарсан,  
 Тулкининг изидан този юборсанг,  
 Тутдирмай қочираверар бу дунё.

Олтин деб тутганинг — темир-тош бўлиб,  
 Охири панд ерсан ўзинг мот бўлиб,  
 Сен қувсанг, ул айёр паризод бўлиб,  
 Юзларин яшираверар бу дунё.

Дунё аччиқ сабоқ берар — ола бил,  
 Ҳар кўрганда шукрингни айт, тавба қил,  
 Ошиқ Аёз, қовоғингни уймагил,  
 Ёпилсанг, ёпилаверар бу дунё.

### 2

Дунёни «беш кунлик», «ёлғончи» демак  
 Бурунгилар айтган сўзларинда бор.  
 «Ошиқади биздан қолганча», демак,  
 Бевафолик — кулган юзларинда бор.



Тангрим бул дунёни йўқдан бор этди,  
Бандам яйрасин деб лолазор этди,  
Лекин гофил баъда манмансиб кетди,  
Купинда инсоф йўқ, кимларинда бор?

Дунё деб одамлар бир-бирин қирган,  
Шайтон гулгуласи ҳақ йўлдан урган,  
Айб борми дунёнинг бўйнида турган,  
Хар бало — одамнинг ўзларинда бор.

Бу дунё ёлғончи эмас чининда,  
«Нафсингни тий» деб, айтган-ку, бурун-да,  
Бир сиқим тупрокқа тўлган кунинда,  
Очкўзлик одамнинг кўзларинда бор.

Ошиқ Аёз, ҳақ йўлидан юрмасанг,  
Бу дунёнинг гўзаллигин кўрмасанг,  
Бу сўзга вақтида маъни бермасанг,  
Улуғ пушаймонлар изларингда бор...

## Толлар япроқ тўқди

Толлар япроқ тўқди, уруғлар қувраб...  
Ана, отқулоқлар жовдирашади.  
Қағиллаган олақарғалар шувлаб,  
Осмон қора тортиб, ранглар қочади.

Куруқ қамиш дикирлайди навога,  
Эрта-индин совуқ тушиши мумкин.  
Кўпдан исимаган меҳмонхонама  
Сен бир тафт келтирган кун эди бул кун.

Ундан буён баҳор беш марта гуллаб,  
Беш марта жанубга жўнади қушлар.  
Далада беш марта янтоқлар кўклаб,  
Тол бўлдик деб говлаб ётди қамишлар.

Муҳаббат ва ўчоқ беғаразлигин  
Сақлашда сен мардлик кўрсата олдинг.  
Барно қиз вақтингни соғиниб бугун  
Бир нуқтага ғамгин тикилиб қолдинг.

Кўй, бунча толдирма кўрар кўзингни,  
Қайғу, ярашмайди, маликам, сенга.  
Тўлган ойдай халқаланган юзингни  
Пастга букма, жоним қурбон сасингга.

Биламиз қариндош деган кимсани,  
Баъзан сенга жонин суғуриб берар.  
Баъзан тўсат бир нарсага ишониб,  
Фийбат буғдойини пишириб берар.

Аёл — асли эркакнинг тош қайроғи,  
Ул қайраса, қозонпичоқ қил қавар.  
Нодон эр-чи, гина қилиб қайдагин,  
Телпагин терс кийиб, ит бўлиб қоғар.

«Оғайни озади, бузгани бўлмас»,  
Бунинг бари яхши не деган билан.  
«Қарға «қағ» дегандан қиш тушавермас,  
От юришин бузмас, ит хурган билан.

Қара, қанчалар кенг бу ота макон,  
Ота-бобомизнинг олтин мероси.  
Қанча авлод ундан миннатдор ҳар он,  
Ҳаммага етади ризқи — меваси.

Бу элга, бу юртга сенинг ихлосинг —  
Оқар сувдай тоза, равон, соф ва шаън.  
Кучоқ очар қанча тенгу тенгдошинг,  
Мен ҳам шўх кўшиқлар тўқиб берарман.

Борган-кетган улкан дунё бу макон,  
Негадир торайган инсоннинг феъли.  
Кўнгли тор бандага тордир бу жаҳон,  
Кенг феъл одамга-чи — дунё сайили.

Тангрим ҳуркитмасин бу давлат қушин,  
Бир сиқим тупроқ бор тўйимсиз кўзга.  
Кўнглинг тораймасин, дўстим, бунинг-чун,  
Кенглик ярашади сиз билан бизга.

Толлар япроқ тўқди, уруғлар қувраб,  
Ана, отқулоқлар жовдирашади.  
Оғайин гинаси — ит тортган тувлоқ,  
Эртага унутиб, кучоқ очади...

## Чиндан севган кўнгил

Чиндан севган кўнгил асло айнимас,  
Сен ўзингни ўзинг бекор қийнадинг.  
Биздан кўра ҳуснлироқ ҳамда ёш  
Ёр топсам деб, ёт фикрни уйладиңг.

Сотқин тилинг: «Севаман!» деб, уялмай,  
Ёт қулоққа шивирларди ишвакор.  
Аммо тўнғич муҳаббатни қиёлмай,  
Мен томонга қалбинг ундарди такрор.

Менга сўнги мактуб ёзиб, алвираб,  
Кўрқоқ кўлинг хат ташлади почтага.  
Мени деган ҳалол кўнглинг, эҳ, бироқ,  
Менча кўриб, жой бермади бошқача.

Йигитга ҳам енгил эмас айролик,  
Ишқ азоби маълум бошдан кечганга.  
Талай ўтди уйқусиз тун қийналиб,  
Алишлагим келмас сени ҳеч кимга.

Ёшлик ҳаёт сенга менинг жонимни  
Севгининг зар ипи билан бир қилиб  
Тикканлиги шундагина билинди,  
Узолмадим неча марта интилиб.

Этагингда турган чўпдай қалтираб,  
Қалб амрингга мутеъ эди, раҳм этмадинг.  
Бор гўзаллик нури ила ярқираб  
Маккор кулгинг кўз олдимдан кетмади.

Севги беданамас, ҳурккан вақтинда  
Бешиб кетса уя қурган еридан.

Кўп ўқидим ҳижрон дарди ҳаққинда,  
Сенинг макринг ўтди бироқ баридан.

Уйку ўрнига сен жойлашдинг кўзимга,  
Айблаи десам, дил ўртана бошлади.  
Не чора бор, шошқалоқ қиз ўзига  
Амр айласа: «Севасан!» деб бошқани.

Юрдик шуйтиб, мана, бугун дафъатан  
Олдимга сен келдинг яна айланиб.  
Чиндан севган кўнгил қандоқ чидаркан,  
Қалайсиз, ёр, осонмикан айролик?

Мен ўч олар эдим ҳозир, мабодо,  
Ўзга ёрни сева олсам яхшироқ.  
Ўз бахтини ким ҳам ҳайдар? Иуқ, асло!  
Мен ҳам сени ҳайдаб солмадим йироқ.

Тоза юрак тозаликни севади,  
Муҳаббатни алдаганлар — далли, бас.  
Севганда чин севмоқ керак, сабаби —  
Чиндан севган кўнгил асло айнимас!

### **Мен муаллим деган халқни севаман**

Келажакка бораётган ёш авлод  
«Устозим!» деб сийлаб ўтар умрбод.  
Қадим элга билим нурун таратган  
Мен муаллим деган халқни севаман!

Ҳаммалардан ақлли-ю билимли,  
Энг дастлаб кўрсатган юрар йўлингни.  
Ҳамиша кўксимга қўйиб қўлимни,  
Мен муаллим деган халқни севаман!

Аввалда донишманд Арасту ўтган,  
Афлотун ул зотга устозлик этган,  
Искандар Зулқарнайн, Амир Темурлар  
Устозга бош эгиб, ҳурмат кўрсатган.

Устоз кўрган нодуруст иш этмайди,  
Билгирман деб манманликка кетмайди.  
Навоийлар юртда улуғ бўлса ҳам,  
Жомийнинг олдидан кесиб ўтмайди.

Билимли эл, тафаккур бор, кўзи бор,  
Учқур дарё шиддатида ўзи бор.  
«Битта ҳарф ўргатган устозга — қирқ йил  
Хизмат қилгин!» — Халқнинг шундай сўзи бор.

«Билимли эл ўрар», — дейди халойиқ,  
Бу мақолга доим содиқ бўлайлик.  
Бизда шундай донгдор муаллимлар бор,  
Беруний авлоди дейишга лойиқ.

Сиз — мураббий, турган булоқ бошинда,  
Ҳар ўспирин чанқов босар ёшинда.  
Янги замон талабига мос бўлинг,  
Бугун — янги замон бўсағасида.

*Келаётган аср пойдор йўлингга,  
Талпинар у илм-фанга, билимга.  
Келаётган замон сенга тушунмас,  
Сўзлашмасанг компьютрлар тилинда.*

*Боларидай гулдан асал йиғинглар,  
Устозликнинг йўлини юксак қилингллар.  
Мияга илм, юрагига ёшларнинг  
Инсонийлик меҳр нурын қуйингллар.*

*Билим билан идрок эгизга ўхшар,  
Билим — келажакка негизга ўхшар.  
«Билимсиз ҳам яшайман!» деб юрганлар  
Эндиликда сувсиз денгизга ўхшар.*

*Сиз руҳни илм ила суғорар бўлинг,  
Элга олқиш бўлинг, дуолар бўлинг.  
Ҳар ўқувчи тест-синовдан ўтганда,  
Фарзанд кўрган каби қувонар бўлинг.*

*Устозим деб, ёшлар сизга берса тан,  
Олдингизда оқ бошимни эгаман.  
Келажакнинг гулшанига гул эккан  
Мен муаллим деган халқни севаман!*

**Қорақалпоқ тилидан  
Музаффар Аҳмад таржимаси**





Аброр Зоҳидов

## «Бахт» тўйи

Муҳаббат яйловларда, ариқнинг бўйида, баҳорда, лолақизғалдоқ кўзичоқларни кўмгудай бўлган ажиб бир пайтда туғилди. Қизалоқ жамалак сочига қизғалдоқдан чамбарак кўндириб ўйнар, болакай қўлида галтак, кўзлари варрак чир айланаётган самода эмас, қизгинади эди.

Тонглар отиб-отиб, кунлар ботиб-ботиб болакай забардаст йигитга, қизалоқ ой юзли сулувга айланди.

Йигит мактабни битирибоқ шаҳарга, ўқишга отланди. Қиз эса мактабни тутатмагани боис қишлоқда қолаверди. Тутатганида ҳам ўқишга бора олмас, отаси қўймасди.

Йигит ўқиди, астойдил ўқиди, лекин севгилигини ҳам унутмади. Бироз вақт топиши билан у она қишлоғига чопар, қиз билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашарди. Икковининг орзулари осмон-осмон бўлгач, йигит яна шаҳарга қайтиб, илм олишга шўнғиб кетарди.

Шу кунларнинг бирида қишлоқнинг икки хонадонида тўйга тайёргарлик бошланди. Бир хонадон қизники бўлса, иккинчиси эса...

Қишлоқнинг энг гўзали кимга насиб қиларди, раиснинг ўғлига-да.

Тўйнинг довуғи қаҳрамонлар номисиз, шаҳарга йигитга ҳам етиб борди. У келди. Дўсти билан тўйга йўл олди. Йўлда дўсти унга бор гапни айтиб берди. Тўйга меҳмон бўлиб келган машҳур хонанда, муҳаббат куйчиси ширали овозда куйларди:

*Икки ёрти бир бутун  
бўлолмадик, азизам.  
Ишқимизга умрлар  
тилолмадик, азизам.  
Ҳеч бўлмаса бахтим деб  
мени алда, азизам,  
Сочларингни силашга  
қўлим қалта, азизам.  
Бу не синоат...*

Қизнинг исмида Азиза эди.

Хонаданинг кўшиғи йигитнинг қалбига наштардек санчилаверди, кўшиққа ҳамоҳанг сатрлар вужудида кўзғолон қилаверди:

*Йигирма йил гуладим,  
бир он сўлдим, азизам,  
айрилиқ ва ҳижронга  
нишон бўлдим, азизам,  
Энди ҳам карвонининг  
мен сорбони, азизам  
Энди борар манзилим,  
дарғ уммони, азизам.*

Йигит оломонни ёриб ўтиб, келин-куёвга яқинлашди. Ўйин кулги авжида, даврада шодиёна зоҳир эди. Оқ либосли келинчак шовқин-суронда зулматга чўкиб борарди гўё. Кўз-кўзга тупди. Энди йигит. Унинг кўзларидан отилиб чиқаётган олов қизга қадалди. Во ажаб, қизнинг кўзларида ёш қалқди.

Аниқ кўрди, томчи-томчи ёш...

Шунда муҳаббат эмас, муносабат ўлганига иймон келтирди. Ишқ сароб бўлди-я. Яна назм аралашиб, мисралар бош кўтардилар:

Кўзингдан заминга нигоҳ тўқилди,  
Ишқ увол, қалбимга гуноҳ тўқилди,  
Менгамас, ўзгага никоҳ ўқилди,  
Йиғладим, сен фақат йиғлама энди.

Висолми, билмадим ёр-ёр эшитдим,  
Севгимни кўмганим, минг бор эшитдим,  
Нега келдим тўйга?! Бекор эшитдим,  
Йиғладим, сен фақат йиғлама энди.

Йиғлама, кетарман, унутарсан, ҳам,  
Ўқинма, қоларман, ёр кетарсан, ҳам,  
Ёнинггагин бир кун, сен севарсан ҳам.  
Йиғладим, сен фақат йиғлама энди.

Замину замона зулмат, қуёш йўқ,  
Алам, рашк бор, лекин, сабр-бардош йўқ,  
Йиғлайман, кўзимда бир томчи ёш йўқ,  
Йиғладим, сен фақат йиғлама энди.

Энди ўзга инсон эркалар сени,  
Энди ҳар он қалбим тилкалар мени,  
Кўлимдан не келар, «Бахт» тўйинг кун  
Йиғлама, сен фақат йиғлама энди.

Йигит секин ортига қайтди.

Қизнинг кўз ёшлари<sup>2</sup>ю айрилиқ унга эргашган бўлса, қўшиқ уни кузатиб қўйди.

Тилимга бир сўз келди,  
шу аснода, азизам  
Учрашамиз иккимиз,  
у дунёда, азизам...  
Учрашмаймиз...

## Менга сен кераксан

Беш киши эдик. Биринчи бўлиб, қош-кўзлари қоп-қора, барваста йигит каттакон дераза тагига борди. Ҳар қанча уринмасин ичкаридан бирор бир маълумот ололмай асабийлашганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Секин ёнига бордим.

— Нега сиқиласиз? Ҳаммаси яхши бўлади.

— Айтганингиз келсин. Икковимизни ҳам бир ташвиш етаклаб келган шекилли. Санъат, — у мен томон қўлини чўзди.

— Абзор.

Танишиб ҳам олдик.

Энди тўлиб турган кўнгил кичик ирмоққа шитоб билан урилди. Сухбатдошим кўзларини ёниб гапира кетди:

— Ўғил бўлади. Мана кўрасиз, бизники ўғил туғади.

— Биринчисими?

— Ҳа.

— Бўлмаса нима фарқи бор?

— Унақа деманг дўстим! Ўғил бўлади! Бунга ишончим комил. Насиб қилса, бугун ҳаммамизники эсон-омон қутулиб олса, ҳаммаларингизни кабохўрликка олиб бораман. Узимнинг шахсий чойхонам бор. Бориб бир отамлашиб, яхшилаб танишиб оламиз. Машина тайёр.

У туғруқхона оддида турган қип-қизил «Нексия»га ишора қилди.

Мен жавоб бергунимча бўлмай деразадан оппоқ қалпоқчали бош кўринди:

— Қурбонов!!!

— Ҳа.

— Янги меҳмон қуллуқ бўлсин.

Доя деразадан оёқ-қўлларини силкитиб, чинқириб йиғлаётган чақалоқни кўрсатди.

— Қизча!

— Қиз...

Санъатнинг кўнглидаги ўғил бўлмаганлиги туфайли пайдо бўлган оний норозилик чақалоқнинг дераза оша таралиб турган тафти туфайли бетўхтов ўчди.

У қайта-қайта «рахмат» деганича чўнтақларини палапартиш кавлаб бошлади...

Қизалоқни олиб кириб кетганларидан кейин ҳам Санъат бир соатча дераза тагига ўраллашиб юрди. Ниҳоят машинаси эшигини очиб менга юзланди:

— Кўрпачамни бериб кетайми?! Бир ҳафтадан бери шу ўриндиқда ётибман. Сизга ҳам керак бўлиб қолар.

— Раҳмат ҳожати йўқ.

У кетди-ю мен яна ўриндиққа қайтдим. Энди пишиллаб нафас оладиган бақалоқ йигит дераза тагини эгаллади.

Ҳеч ким бошини чиқариб бақирмади. Салобатли шифокор чиқиб, йигитга алланималарни тушунтирди. Йигит у узатган бир парча қовозни олиб, югургилаб кетди. Ҳеч қанча вақт ўтмай бир талай дорини олиб келиб эшиқдан узатди.

Ёнига бордим.

— Тинчликми?!

— Операцияга олиб киришибди. Туғолмабди.

— Биринчисими?

— Ҳа. Ишқилиб яхши чиқсинда, ўғилми қизми, энди фарқи йўқ.

У энди операция хонасининг деразаси остига бориб турди.

Қайтиб келгунимча биз билан ўтирган малласоч йигит дераза тагига кетган экан.

Ёнига борганимизда ҳаяжон билан гапира бошлади.

— Қиз бўлсинда, ишқилиб қиз бўлсинда.

— Биринчисими?!

— Ҳа, бугун кутаётганларнинг ҳаммасиники шунақа. Сизники ҳам биринчиси экан-а?

— Ҳа, — дедим мен. Қиз кутаётган экансиз-да?!

— Қизалоқларни жуда яхши кўраман. Ўғилга улғурамитиз. Қиз бўлса бўлгани.

Яна ўша бош кўринди.

— Шамсиев!

— Ҳа, мен, мен!!!

Доя аввал чақалоқни кўрсатиб, тавтанали овоз билан:

— Ўғилча қуллуқ бўлсин — деди.

— Ўғил,... ўғил эканда. Ўғил...

Малласоч қўлларини чўзди.

— Беринг, менга беринг опажон.

— Қизиқмисиз. Қандай бераман чақалоқни. Ҳали бағрингизга босишга улғурасиз ўғилчангизни.

Энди ўриндиқда катак кўйлакли қотма йигит билан иккимиз қолдик.

— Ҳозирча ҳеч кимники кўнгилдагидек бўлмади. Энди бизники нима бўларкин, — дедим ҳазилнамо қилиб.

— Ишқилиб тинчгина қутулиб олишсинда...

Уйқуга бир лаҳзалик тун имиллаб ўтиб борарди.

Энди ичкаридан бош ҳамшира чиқди ва суҳбатдошимни имлаб чақирди.

Бир оз суҳбатдан сўнг йигит шошилиб кетди.

Дераза тагидаги Бақалоқ шеригимнинг ёнига бордим.

— Нима гап?

— Операция қилишибди. Хотинимнинг устида дўхтирлар овора.

— Ҳаммаси яхши бўлади.

Қотма йигит бир пакет дориларни ичкарига узатиб, сафимизга кўшилди.

— Бизникини ҳам операцияга олиб киришибди.

— Ҳў-ҳў. Ҳали бизники операция хонасидан чиққани йўқ-ку.

— Нимасини айтасиз. Дўхтирлар ҳам ҳайрон, усти-устига операция.

Бу йигитлар билан бўлиб ўзимникининг ҳоли не кечаётганидан беҳабар эдим.

Ичкарига киритишмас, ҳеч ким чиқиб бирор хабар айтмас ҳам эди.

Шерикларимдаги тушкунликни кўриб, ичимда нимадир ямирлади. Ёлғиз қолгандим.

Нима бўлиши ноаниқ эди.

— Зоҳидов!

Овозни эшитиб сапчиб тушдим.

Бу овозда ҳаяжону хавотир зоҳир эди. Ўн қадамча масофани хаёлни минг бир кўчаси орқали босиб ўтдим.

— Ичкарига киринг.

Ним қоронғу коридорда салобатли шифокор турар, ичкаридан менга жуда таниш овоз оҳ-воҳ бўлиб келарди.

— Келин жуда қийналаяпти. Операцияга олмасак бўлмайди. Лекин ҳайронман, операция хонамиз, столларимиз банд.

— Бир иложи...

— Яхши, сиз мана бу дориларни топиб келинг.

Ҳамшира тутқазган қовозни олиб чопдим. Қайтиб келиб дориларни берганимда Бақалоқ ва Қотма шерикларим ҳамон дераза тагида ўралашишарди. Ниҳоят бақалоқ йигитни чақирди. У вазати бўлиб қайтиб келди.

— Ўғил экан. Хотинимнинг аҳволи оғирлашибди.

— Ҳаммаси яхши бўлади.

У худди ҳамма нарса менинг қўлимда-ю, бир пасда хотинини совайтириб юборишим мумкиндек менга умид билан қаради. Қўлимдан келгани икки оғиз илиқликни аямадим.

— Бола сов экан-ку, хотинингиз ҳам шифо топади, мен айтди дерсиз.

Унга тасалла берардим узимнинг кўнглимда ямирлаган ҳис юрагимни аёвсиз силкиларди.

Эшиқдан ҳамшира чиқиб келди. Югургилаб бордим.

— Сизникини олиб киришди. Иккита стол ҳам бандлигидан каталканинг устида операция қилишяпти. Мен Улмасовнинг олдига чиққандим.

— Ким у?

— Дераза тагида турган шеригингизда.

— Ҳа, Улмасов денг — дедим қотма йигит томон тикилиб. Тинчликми ишқилиб?!

— Боласи нобуд бўлди.

— Ух-х...

— Балки сиз ётиги билан тушунтирарсиз?!

— Опажон, қўлимдан келмайди.

Ҳамшира юриб кетаркан ўз-ўзига гапиргандай деди:

— Майли, ўзим айтаман. Муҳими хотини соғ омонку.

— Хотини билладими?!

— Билмайди, нарқозда ҳали.

Ҳамширанинг икки оғиз гапи ўзи шундоғам қотма Улмасовни янаям кичрайтириб юборди.

Улмасов ўриндиққа ўтирмади, сингиб кетди гўё. Олдига боришга юрагим бетламади. Кўнглимдаги гашлик вужудимни гижимлар, ҳаяжон ва қўрқув энтиктирарди.

Ҳамшира чиқиб, Улмасовни чақирди. У яна бориб алақанча дорилар кўтариб келди.

Уни кўриб аҳмоқона ва шайтоний бир фикр баданимни жимирлатиб юборди:

«Боласи нобуд бўлган бўлса дори кўтариб нима қилади!...»

\*\*\*

Ҳамшира чиқиб, бошини силкитиб мени чақирди. Ҳар бири ўн пудлик оёқларимни кўтариб судралиб бордим. У мени ичкарига бошлади. Коридорда целлофан халатига қон сачраган шифокор турарди.

Унинг гапиришини кутардим. Бирор нима дейишидан қўрқардим ҳам.

Кўрган эшитганларим юрагимни олиб қўйганди. Шифокор аёл ҳорғин овозда гап бошлади:

— Операцияни яқунладик...

«Опажон, гашираверинг».

— Операция қилмасак бўлмас экан...

«Гапира қолинг энди!»

— Ҳозирча аҳволи қониқарли.

«Болачи, бола нима бўлди ахир».

— Ўғил экан. Аҳволи яхши. Худди ўзингизга ўхшайди-я.

Кейин нима деди, эшитмадим. Елкамга, оёқларимга осилиб ётган тошлар узилиб тушгандек, бошимни қисиб турган темир қалпоқ ечилиб кетгандек бўлди...

\*\*\*

Эрталаб туяруқхона ёнига Санъатнинг «Нексия»си келиб тўхтади. Санъат олдин дераза орқали қизчасини кўриб, кейин бизнинг олдимишга келди. Учтовимиз ўриндиқда, фақат Улмасовгина нарироқда ёлғиз ўтирарди.

Санъат оғзини тўлдириб бақирди:

— Ҳа ўртоқлар, янги меҳмонлар муборак! Кабобхўрликка қачон борамиз?!

Ҳаммамиз тилимизни тишладик. Улмасов барибир эшитди. Унинг бошқача бўлиб туришини кўрган Санъат кўнгли ниманидир сезди шекилли унга қаради:

— Ҳа, Бахтиёр, тинчликми?!

Исми Бахтиёрлиги маълум бўлган қотма йигит бошини эгиб нари кетди.

\*\*\*

Тақдир экан. Бешовимиздан учтамыз Санъат, Малласоч ва мен болаларни туяруқхонадан бир қуңда олиб чиқдик. Бақалоқнинг хотини ҳалиям соғаймаган, Бахтиёрники ҳам ҳали даволаниши лозим эди.

Болани кўтарганман, хотиним ёнимда, дераза ёнидан ўтарканмиз, Бахтиёрга қўзим тушди. У бизга қарамасликка интиларди. Лекин ойна орқали қараб турган хотини кўзида ёш билан бизни кузатиб турарди. Бу гаплардан беҳабар яқинларим ўз хурсандчиликларини яширишмас, мен эса уларни нима деб тинчлантиришни билмасдим.

Ҳамма шодликка кўмилиб, биз минг хижолатда уларнинг олдидан ўтиб кетдик.

Хайрлашмоқчи эдим. Бахтиёр барибир қарамади.

У хотинига лаблари титраб гапирарди. Олам-олам ҳислар: таскин, ўкинч, ҳаяжон, меҳр, умид йўғрилган бу сўзларда мендан кечган ипайтоний саволга ҳам жавоб мужассам эди:

— Бир йил ўтар, ўн йил ўтар, ниятимизга етармиз. Қўйгин энди...

Менга... Менга сен кераксан!!!



**Куддус Муҳаммадий,**  
Ўзбекистон халқ шоири

## «Табиат алифбоси» китобидан

### Томчивой

Ёмғир ёғишини яхши кўраман,  
Чақмоқ чақишини яхши кўраман.  
Ёмғирдан қочмайман, севаман уни,  
Оғзим очиб тутаман томчи сувини.  
Томчивой, жимитдай жажжи ўртоғим,  
Томчивой бўлади асал, қаймоғим.  
Томчивой томчилаб ўйнар минг мақом,  
Томчивой кўлида ипак нур арқон.  
Томчивой нимани боғлаб олмоқчи,  
Томчивой ўйноқлаб қайга бормоқчи?  
Томчивой йиғилиб ариқ бўлмоқчи,  
Ариқлар йиғилиб анҳор бўлмоқчи.  
Анҳорлар дарёга оқар бўлмоқчи,  
Дарёлар бирлашиб денгиз бўлмоқчи,  
Денгизлар тутшиб уммон бўлмоқчи.  
Шунинг учун томчивой чопар, ўйноқлар,  
Томчивойни кутади шаҳар, қишлоқлар.  
Томчивой кичкина, жажжи миробча,  
Оламни суғорар қанчадан-қанча.  
Оламни суғорар жажжи-деҳқонча.  
Меҳнаткаш пешаю тери томчивой,  
Қанотсиз учади жажжи лочинвой.

### Кўкламжон

Бир кун қишда Ўктамжон,  
Қайдасан деб кўкламжон  
Чиқибди дала боққа,  
Термулибди ҳар ёққа,  
Чақирибди кўкламни,  
Ясантир деб ўлкамни.  
Кўклам, кўклам, кўкламжон,  
Қаёқдасан, кўркамжон?  
Ерда майса — кўк маржон,  
Бойчечак, қоқи ўтжон,

Чучмома, гунафшажон,  
Кўришамиз айт, қачон?  
Айт, кўкламжон, қайдасан,  
Чучмома, гунафшажон,  
Кўришамиз айт, қачон?  
Айт, кўкламжон, қайдасан,  
Тоғлардами, сойдасан  
Ёки катта ўрмонда  
Ва ё балеңд осмонда?  
Соғиниб қолдим узоқ.  
Кўрин кўкламжон тезроқ!  
Ўзи кўринмай бир чок,  
Кўкламжон дебди қувнок:

— Она ерда ётибман,  
Кучлар йиғаётибман.  
Куч олиб ердан, ўртоқ,  
Тўйиб дам олиб, кўпроқ  
Март ойида тураман.  
Олам бўйлаб юраман,

Гулдасталар бераман.  
Йўқлаганингга раҳмат,  
Сизлар билан мен ҳар вақт.  
Яйраб дебди Ўқтамжон:  
— Тезроқ уйғон, кўкламжон!

## Нега офтобнинг нури тугамас?

Ҳадеб қуёш нурини сочаверса,  
Оламга кенг қучоғин очаверса,  
Нур-шуъласи тугалиб қолмасмикан,  
Кучсизланиб, нурсизланиб толмасмикан?  
Шунча нурни қуёш қайдан олиб турар,  
Кенг оламга тинмай шуъла солиб турар?  
Қуёшга нурни ким ишлаб берар,  
Офтобни осмонда ким ушлаб турар?  
Юлдузчалар ҳаммаси боламикин  
Осмон ўзи бўлак бир оламмикин?  
Уларнинг турмушлари қанақайкин,  
Машгулоту юмушлари қанақайкин?  
Ҳаммасини ўзим бориб кўргим келар,  
Осмондаги бор нарсани билгим келар.  
Осмоннинг она бошиси қуёшмикин,  
Ҳамма юлдуз бир-бирига йўлдошмикин,  
Бир-бирига эмиқдошу кўз, қошмикан?  
Апоқ-чапоқ бирлашиб ишлашарми,  
Бир-бирини қўллашиб хўшлашарми?  
Қуёш бобом севинчлари нурмикин,  
Нури битмас хазинаю дурмикин?  
Ё қўйнидан тўкилса кўнжигами,  
Ё кўнжидан тўкилса пинжигами?  
Худди шу халқ мақолин ўзгинаси,  
Қуёш бобом масаланинг кўзгинаси.  
Тугамасдир шуъла-нури хазинаси,  
Чиқай десанг бордир унинг нур зинаси.  
Ҳадеб қуёш нурини сочаверсин,  
Кенг оламга қучоғини очаверсин!

### ЭЪЗОЗ

Қуддус Муҳаммадий ўзбек болалар адабиётининг йирик намоёндаларидан бири. У 1907 йилда Тошкентда туғилган. Шоирнинг қирққа яқин китоби нашр этилган. Беш китобдан иборат «Табиат алифбоси» асари ўзига хослиги билан нафақат шоир ижодида, балки ўзбек болалар адабиётида муҳим аҳамиятга эга. Қуддус Муҳаммадий шеърлари бир қатор хорижий тилларга таржима қилинган. Қуддус Муҳаммадий Ўзбекистон халқ шоири унвонига ҳамда Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. Шоир 1997 йилда вафот этган.



## 101 ёшли эртакчи додо

*Турғунбой Ғойипов 1904 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Бугун у ёзган эртакларни эшитиб улғайган болаларнинг олди 70-80 ёшни қаршиламоқда. Бу йил Турғунбой Ғойипов 101 ёшга тўлди. Назаримизда бутун салоҳиятини болалар тарбиясига бағишлаган бу инсонни яратган ҳам шундай улғу ёшга етказиб қадрлаётгандай.*

*«Унинг болаларга ёқадиган жонли услуби бор, асарларининг тарбиявий ва ахлоқий аҳамияти бор. Бу нарса Турғунбой Ғойиповнинг фольклорни яхши билишидан, ундан ўз асарларида моҳирона фойдаланишидандир. Шу сабабли унинг асарлари эртакларга чанқоқ болалар қалбига жуда мос келди».*

*Ойбек. 1965 йил.*

*«Бу соғда адиб болалар руҳига мос қилиб турли мавзуларда осон ва рагон ёза олади. У болалар адабиёти биносига гишт қўя оладиган талантга эгадир».*

*Музайяна Алавия. 1964 йил*

*«Адабиётимизнинг болалар учун энг зарур ва энг қийин жанрларидан бўлмиш бугунги кун эртакчилиги йўлида Т.Ғойиповнинг қўлга киритган ютуқлари ҳам диққатга сазовордир».*

*Илём Муслим. 1964 йил*

*«Турғунбой Ғойипов адабиёт ва санъатнинг ишқибозидир. Шунингдек болаларни севгувчи ўқитувчи ҳамдир. Унинг келгусида болалар учун янгидан янги замонавий эртаклар ёзиб беришига ишонаман».*

*Қуддус Муҳаммадий. 1964 йил*

*«Эртаклар-яхшиликка етаклар», дейди доно халқимиз. Мурғак ёшиданоқ кичкинтойлар мана шу эртаклар орқали борлиқни англайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, эртаклар болаларни унинг атрофини қуршаб олган ҳайвонлар, уйлар, кўчалар, қушлар билан таништиради. Болалар улғайган сари эшитган эртаклари ёрдами билан сўз бойлиги, тушунча, тасавури кенгайиб боради. Бугунги кунда 101 ёшни қаршилаб турган эртакчи Турғунбой Ғойиповнинг асарлари шу жиҳатдан ҳам катта аҳамият касб этади».*

*Меҳнат мавзуида («Эртаклар дунёсида», «Томчиполвон», «Чубак»,*

«Қўлсиз рассом») хурофот ҳақида («Яширинган қиз»), паррандалар ҳақида («Ҳақиқатнинг хўжайини»), тозалик ҳақида («Учар гилам»), ҳайвонлар ҳақида («Олтин шохли кийик»...), қайсар, ўжар болалар ҳақида («Топқирли, ўт-ўланлар», «Маккажўхори»), мардлик ҳақида («Ҳунарли йигит...»), янгилик билан эскилик ҳақида («Жонли тарих»), инсонийлик ҳақида («Гилосхон», «Парилар макони...»), камтарлик ҳақида («Ким ботир», «Бахмал камзулча», «Қобил»), ялқовлик, дангасалик ҳақида («Валининг ҳийласи», «Миттивой») ва бошқалар.

Мазкур мавзуларда ёзилган эртақларнинг тил бойлиги, услуб раволиги, халқчиллиги кичкинтойлар тарбиясига таъсир этадиган маънавий-эстетик қимматини таъмин этади.

Халқ озаки ижодидан унумли фойдаланган муаллифнинг деярли ҳамма эртақларида ва эртақ-пьесаларида яхшилик ёмонлик устидан, тўғрилиқ эгрилик устидан, вафодорлик ҳиёнат устидан, меҳнатсеварлик дангасалик устидан галаба қозонади. Шунингдек, у кўп эртақларида болаларнинг орзу-ўйлари, интилишларини қизиқарли ҳикоя қилиб бера олган. Чунончи, «Қўлсиз рассом» эртагида меҳнатсеварлик, касбга меҳр тақдирланади, дангасалик, ялқовлик қораланади.

Бир замонлар гўзал бир қиз бўлиб, ота-онаси унинг қўлини совуқ сувга урдирмай ўстиришади. Натижада у жуда ялқов, ишەкмас бўлиб вояга етади. Қизини ёшлигидан ишга ўргатмагани учун қаттиқ афсусланишади...

Камбавал этиқдўз оиласи узоқ вақт фарзанд кўрмайди. Ниҳоят улар ўғил кўришади-ю, лекин бу фарзанд уларга севинч келтирмайди, чунки у икки қўлсиз туғилган эди. Она уни меҳр билан парвариш қила бошлайди. Бола эс-ҳушини таниганда ўзининг аҳволидан жуда хафа бўлади. Бир куни сой бўйида расм чизиб ўтирган рассомни кўриб қолади-ю, унинг кўнглида умид учқунлари ёнади. Энди у ҳар куни бориб рассомнинг ишини кузатади. Унинг фикр-зикри қандай бўлмасин расм чизишда бўлиб қолади. У аввалига тишлаб, сўнг ўнг оёғининг икки бармоғи орасида қаламни ушлаб расм чизишни машқ қилабошлайди. Ниҳоят, узоқ машқ натижасида орзусига эришади.

Эртақ мазмунидан кўриниб турибдики, тўрт мучаси бут бўлиб тўриб меҳнат қилмаслик, ногирон қўлсиз боланинг эса, қунт, меҳнат, ирода, машқ қилиши натижасида ажойиб рассом бўлиб етишиши «қўли қовушмаган» болаларга ибрат қилиб кўрсатилади.

«Эртақлар оламида» эртагида ҳам илм саройи тасвирланади. Саройда сирли ойна бўлади. Шу ойна орқали келувчининг кимлиги, юрагининг пок, нопок эканлиги аниқланади. Профессор илм олишга келган Олғирвойни текшириб кўриб: Сен илмхонага лойиқ эмассан дея, таёқ учини Олғирвойга томон ўқталади. Таёқ учидан ўт чақнаб кўринади. Олғирвой орқа томонга йиқила бошлайди. У илмхонани битирганлик ҳақидаги гувоҳномани топиш йўлини қидиради. Ниҳоят, у илмхонани муваффақиятли тамомлаган Озоджон деган йигитнинг гувоҳномасини олиб қочади. У одамларни «даволаб» бойимоқчи бўлади. Лекин охири-оқибатда сири фош бўлиб шарманда бўлади.

«Хакка» ҳақидаги эртагида эса, болани ўйлашга, фикрлашга даъват этувчи маънавий озиқ мавжуд. Айниқса, эртақда хакканинг ирвоғарлиги, чақимчилиги туфайли ҳаммани уриштириб, жанжал чиқариши, ёлғон сўзлаб фош бўлиши болаларни ирвоғарларнинг гапларига учмасликка, ҳушёр бўлишга ўргатади. Шундай қилиб, болалар тўғри, одобли, ҳалол бўлишга даъват этиладилар.

Хуллас, эртақлар муаллифнинг ўзи айтганидек: қуруқ гап бўлмай, балки зарур мақсадларга интиладиган, одобга ўргатадиган муҳим ижодий маҳсулотдир. Шунинг учун ҳам болалар уни «Эртақчи бобо» деб бежиз айтишмайди.

**Соҳиба Ирисхўжаева**



# Йиллар, тақдирлар, воқеалар

Сирожиддин Аҳмад

## ҚАЮМ РАМАЗОН АРМОНЛАРИ

*Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар?*

Хароботий

Истиқлол шарофати ила шўро ҳукумати томонидан жабран йўқ қилинган маданият, адабиёт ва санъат арбобларининг номлари тикланди. Атоқли тилшунос олим, журналист, мунаққид ва актёр Қаюм Рамазон ана шундай сиймолардан биридир.

Қаюм Рамазон 1900 йилда Тошкент шаҳрининг Каллаҳона маҳалласида Рамазонбой ва Мастура отин оиласида дунёга келди. Онаси Тошкент шаҳридагина эмас, ҳатто кўшни ўлкаларда ҳам номи чиққан Абдуқодир аъламнинг қизи бўлиб, ниҳоятда, илмли аёл эди. Шу боис, Мастура отин ўғлини кичкиналигидан хат битишга, китоб ўқишга ўргатди. Кейин мактабга берди. Домлалардан кўнгли тўлмади шекилли, ўғлининг ўқишини ўша даврда эл орасида шов-шувларга, қаршилиқларга сабабчи бўлган усули жадид мактабига ўтқазди. Ёш Қаюм Каллаҳона маҳалласидан Девонбеги маҳалласига — Эшонхўжа Хоний мактабига қатнай бошлайди. Унга маҳалладош ўртоғи Салимхон ҳамроҳлик қилади.

Икки ўртоқ устозларидан илми зурурия — охират сабоғини ҳамда илми кифоя: тарих, жуғрофия, ҳисоб, жамиятшунослик фанларини, ҳамда араб, форс тиллари, она тилини ўргандилар. Устозлари келажак маънавияти бой, илмлик кишиларники эканлигини, Оврупа илми билан устунлигини ўқтиради. Шу боис, ҳаёт ҳикмати илм ўрганишда эканлигини ўқиб оладилар. Абдуқаюм Хоний мактабини тугатгач, мадрасада таҳсил ола бошлайди. Уртада «Қуръони Карим»ни хатм қилиб, ҳофизли қуръон бўлади. Эл орасида «Абдуқаюм қори», баъзан «Рамазон қори» деб атала бошлайди. Лекин мадраса у кутган, истаган билимини бермайди. Чунки, илм маънавият мағзи эканлигини онгли равишда тушуниб етган эди, шекилли, Мунаввар қори Абдурашидхонов мактабига келиб ўқишни давом эттиради. Ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов «Турмуш уринишлари» китобида 1912 йил воқеаларини баён қилиб, Мунаввар қори мактаби ҳақида гапирар экан: «Шул чоқда Абдуқаюм Рамазонийлар шул мактабнинг сўнгги синфларида ўқур эди», деб ёзади. (306-бет).

Қаюм Рамазон устози тавсиясига биноан, 1916 йилда дўстлари Салим Тиллахонов ва Абдуваҳоб Муродий билан Бокуга йўл оладилар. У ерда педагогика техникумига ўқишга қирадилар.

Маълумки, 1909 йилда Тошкентда «Жамияти имдодия» («Хайрия жамияти») ташкил этилгач, истеъдодли ўзбек болаларини Туркия, Татаристон, Озарбайжон ва Русиянинг марказий шаҳарларига ўқишга юбориб, Оврупа талаби ва ҳаёти зарурати даражасидаги мутахассисларни тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи юзага қалқиб чиққан эди. Шу боис, жамият кўпгина талабаларни Боку, Уфа («Олия» ва «Хусайния» мадрасалари) ўқув юртларига юборган эди. Қаюм Рамазон иқтисодий таъминланган бўлса ҳам, аммо унинг четга чиқишига Мунаввар қори

ва Эшонхўжа Хонийдан ташқари, подахоналик муаллим Одил қозининг ҳам таъсири бор, деб ўйлаймиз. Чунки, бу киши ёшларни илм-маърифатга тарғиб қилгани маълум. Қаюм Рамазон техникумнинг тил-адабиёт, Салимхон Тиллахонов эса, иқтисод бўлимини битириб, 1917 йил май ойида Тошкентга қайтиб келади. Қаюм Рамазон Тошкент ва Бокуда ўқиш чоғида устозларининг илм ҳақидаги фикрлари, ниҳоятда, тўғри эканлигига бир неча бор ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун илмни танлайди.

## УСТОЗ-ШОГИРД

Юқорида Қаюм Рамазон 1912-1916 йилларда Мунаввар қори мактабида ўқиганлигининг шохиди бўлган эдик. Хўш, буларнинг кейинги муносабати қандай бўлди?

Мунаввар қори Абдурашидхонов ўз шогирдларига илми зарурия ва илми кифоядан таълим берад экан, уларнинг мустақил, комил инсон бўлиб етишуви учун зарур бўлган билимини ҳам берган. Ёш шогирди ҳаётда қоқилиб қолмаслиги учун муаллимлик маҳорати билан бирга илм сирларини ҳам очган эди. Энг асосийси, талабасига дўст сифатида қараб, унинг қаламини чиқарган эди. Бунга ўн олти яшар ўсмирнинг Боқуга бориб, бировнинг жисмоний суянчигисиз ўқиб келиши мисол бўла олади. Буюк муаллим ўз шогирдларига ижтимоий ва сиёсий, маърифий тўғри йўл кўрсатиш билан бирга уларга ихтисос танлашда ҳам катта ёрдам берган. У 1918 йилда ташкил этган ўқитувчилар тайёрлаш курсида ҳам икки шогирдига муаллим сифатида иш бериши фикримизни бир карра далиллайди. Таниқли журналист Аъзам Айюб 1937 йил 6 ноябрда берган сўроғида: «Мен 1918 йилда Хадрадаги мактабга кирдим. Маъшхур адиб Фитрат ва Қаюм Рамазон ўқитувчи эдилар», дейди ушбу курсни назарда тутиб.

Гап шундаки, инқилобий талотум даврининг ўз талаб ва эҳтиёжлари бор эди. Салимхон Тиллахонов ва Қаюм Рамазон техникумни битириб келганлари боис, улар институтлар, курслар, ҳатто ўша вақтдаги «Халқ университет»ида дарс бериш ҳуқуқига эга эдилар.

Салимхон Тиллахонов ва Қаюм Рамазон ҳам имкониятдан унумли фойдаланар эдилар. Мунаввар қори эса, Қаюм Рамазонга қаттиқ ишонар, унинг тилшуносликка қизиқишини эътиборга олиб, кўпроқ илмга йўллар эди. У 1919-1922 йилларда Фитрат, Шоҳид Эсон Мусаев, Иброҳим Сулаймонов каби билимдон кишиларнинг таъсирига тушиб қолган ва Мунаввар қоридан четлашган эди.

Шоҳид Эсон Мусаев 1922 йилда Тошкентга Истамбулдан қайтиб келган ўзбек тил-адабиёт мутахассиси. У Истамбулда, дорилфунунда дарс берган, билими ниҳоятда кенг инсон эди. Шу боис, у Наримонов номли педагогика техникумига мудир этиб тайинланади. Кўпгина ёшлар унинг таъсирига берилдилар.

Салимхон Тиллахонов юқорида зикр этилган кўрсатмасида қуйидагича сўзлайди: «Ҳақиқатан ҳам улар — Эсон ва Иброҳимлар маълумот жиҳатдан олардан кучли бўлганликлари учун оларни ўз таъсирларининг остига олиб қўйгонлар ва шунинг учун кейинги вақтларда олар — Эсон ва Иброҳимсиз тура олмайдургон бўлуб қолгонлар. Абдуқаюм Рамазоний ҳам сўнгги вақтларда жуда кучли миллатчи бўлуб, кўп ерларда мен ва Мунаввар қорининг қилган ҳаракатларини ёқтирмасдан танқид қилуб юрган ва энг охирида Мунаввар қори ва Шорасул Зуннун ила бирлашуб, бирга ишлашуб кетганлар. Мунаввар қорининг сўзига қарағонда, китоб ёзишгонларида бир қанча яхши миллий мазмун берадургон ҳикоят ва шеърларнинг Абдуқаюм Рамазоний томонидан топилгонини сўзлагон эди». Ёш олим Шоҳид Эсон Мусаевдан тил-адабиёт фанини ўрганиш билан бирга, болаларда миллий руҳни кучайтириш усулини ўқиб олади. Шу сабабли, у дарс ўтганда миллий руҳни кучайтирувчи мисоллардан кўп фойдаланган.

Абдуқаюм Рамазон фаолиятини кузатар эканмиз, унда Салимхон Тиллахонов айтган «миллатчилик»ни кўрмаймиз. Балки, унда миллий ифтихор туйғуси кучли бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, ўша даврда унинг замондошларида кенг тушунчадаги «ифтихор» туйғуси устивор эди, хусусан Мунаввар қорида.

Ҳа, Мунаввар қори бағри кенг, асосий мақсад-маслаги элга хизмат қилиш бўлгани учун қочқоқ шогирдини сира иккиланмасдан ўз паноҳига олган эди.

Узи узоқ йиллар мобайнида олиб борган изланиш ҳосиласи — «Ўзбекча тил сабоқлиги» дарслигини тайёрлаш ишига жалб этди. Шогирдига наҳв-саҳф дарслиги тузиш сирларини ўргатди. Асарни тайёрлаш жараёнида гап бўлақларига хос бўлган, бироқ, миллат болаларининг қалбига тез жо бўла оладиган, миллий руҳ билан суғорилган адабий парчалар топишни буюрди. Абдуқаюм Рамазоний бу ишни шараф билан уддалади. 1925 йилда дарсликнинг уч жилди нашр этилди. Мунаввар қори ўз хотираларида терговчиларни чалғитиш, Абдуқаюм Рамазонни муҳофаза қилиш ниятида «Ўзбекча тил сабоқлиги»нинг тўртинчи қисми босилма-



Дўстлар даврасида: чапдан (ўтирганлар) Санжар Сиддик,  
Абдулла Қодирий, Шокирхон Раҳимий, Қаюм Рамазон ва бошқалар.

ди, дейди ва сабабини айтиб ўтади. Тўртинчи жилди 1926 йилда нашр этилди. Бироқ бу нашрда китобдан муаллифларнинг номи мутлақо олиб ташланди ва қисқагина қилиб «Қоллектив» деб ёзиб қўйилди. Фақат қавс ичида «Қ.Рамазон таҳрири остида», «Ўзбекистон илмий марказининг тасдиғидан ўтган», деган маълумот бериш билан чекланилди. Юз бетли бу китобча аввалги форматда нашр этилган бўлса-да, кўпгина шоирларнинг ижодидан олинган бутун-бутун шеърлар олиб ташланиб, унинг ўрнига ихчам, икки қатор-икки қатор мисоллар бериш билан кифояланилган эди. «Ўзбекча тил сабоқлиги»нинг дастлабки қисмлари мутахассис ва ўқувчилар қўлига теккач, матбуотда олдинма-кейин Элбек, Фитрат ва бошқаларнинг тақризлари эълон қилинди.

Қаюм Рамазон фақат Элбекнинг тақризигагина жавоб берди. Асарни шерикларисиз ёлғиз ҳимоя қила олди. Сабаби, бу даврда Мунаввар қори учун матбуот йўллари умуман бекитилган эди. Ўзбекистон фирқа марказқўмидаги айрим шахслар топшириғи билан у гоҳ очиқ, гоҳ ёпиқ танқид қилинар эди. Улка хўжайинлари ва уларнинг малайлари учун Мунаввар қори шахси танқид нишонига айлантирилган эди. ГПУ эса, аранг кун кўраётган миллатпарварнинг юриш-туришини тамом назорат остига олган эди.

Шорасул Зуннун эса, матбуотдаги чиқишларини умуман тўхтатиб қўйган эди. У асосан мактаб ва Наримонов техникумида дарс берар, матбуотда айтолмаган гапларини сабоқ пайтида сўзлар эди. Шу боис, танқидчиларнинг ноўрин ҳамлаларини танҳо Қаюм Рамазоннинг ўзи қайтаришга мажбур эди.

Муаллифлар номи олиб ташланган тўртинчи жилд ҳақида бир оғиз сўз айтувчи киши топилмади. Ўзбек зиёлилари гоҳ фирқа, гоҳ сиёсий идора томонидан уюштирилаётган ҳужумлар остида гангиб қолиб, сиёсий ишлардан безган, ўз дардларини илм оқимига ташлаган эдилар. Уларнинг турмуши тез оқар дарёни сарпойчан кечаётган киши аҳволига ўхшарди.

### «ЧИГАТОЙ ГУРУНГИ»

Бухоро жадидлари Колесов воқеасидан сўнг, Тошкентга бошпана излаб келадилар. Файзулла Хўжаев бир неча ой Комил Норбековнинг боғида яшириниб ётади. Фитрат Мунаввар қори ёрдамида у ташкил этган мактаб ва курсларда, «Халқ дорилфунуни»да муаллимлик қилади, афғон элчихонасида, таржимон сифатида фаолият олиб боради. Бу билан кифояланмай, «Чигатой гурунги»ни туза-

ди. «Иштирокиюн» газетаси бу ҳақда қуйидагича маълумот беради: «Фитрат афанди билан ўзбек ёшлари тарафиндан «Чигатой гурунги» исминда янги бир жамият тузилиб, миллий ишлар кўмиссариати тарафидан тасдиқ этиллуб, ишга киришилган.

Бу жамиятнинг мақсади: «Туркистондаги эски ва янги туркий асарларни жамъ қилиб, турк тилини ихё қилмоқ ҳақинда материал ҳозирламак, луғат ва адабиёт дунёсини бойитмоқдир» («Иштирокиюн», 1919 йил, 21 феврал). Ҳукумат томонидан расмий рухсат билан иш бошлаган бу жамият тез орада илмий-ижодий ишлари билан эл оғзига тушади. Туркия, Олмония, Ҳиндистонда яшаб, адабиёт, фан, сиёсат, тараққиётдан яхши хабардор бўлган Фитрат асарлари орқали янги ғояларни тарғиб этгани боис, ёшлар қалбидан жой олган эди. Туркистон ёшлари унинг шахсига катта ҳурмат билан қарар эдилар. Кексалардан Мунаввар қори Абдурашидхонов, Солиҳхўжа Муродхўжаев, Садриддин Шарифхўжаевлар ҳам лойиқ иззат-ҳурмат кўрсатишар, унинг динга қарши гапларини қулоқларидан ўтказиб юборишарди.

Фитрат муаллимлик ва таржимонлик билан кифояланмай, дарсликлар ёзар, таржима қилар, «Турон» театри ишида ҳам қизгин иш олиб борар эди. Ҳозир Юнус уни иқтисодий қўллаш учун бир неча асарларини ўз хусусий матбаасида чоп этиб берган эди. Фитрат эски шаҳардаги собиқ Ясуниннинг фирмасида жойлашган «Гурон» театрида Мирмулла Шермуҳаммад, Ҳозир Юнус, Мирмуҳсин Шермуҳаммадов, Ҳозир Олим, Маннон Уйғур каби адабиёт, санъат намояндalари билан бақамти иш олиб борар эди. Қайом Рамазонни Фитратнинг араб ва форс, усмонли турк тилларини, ўзбек шеваларини яхши билиши ҳайратта соларди. «Чигатой гурунги» ҳам ўз фаолиятини адабиёт, санъат, фольклор, адабий тил масалаларига қаратгани Қайом Рамазон хоҳишига мос бўлгани учун у жамиятнинг ташкилий ишларига фаол аралашди. Мунаввар қори айтганидек, «Фитрат ёшларнинг «вожди»га айланган» эди. Қайом Рамазон у билан аравани баробар тортгани учун ёшлар ўртасида жамият ташкилотчиларидан бири ҳисобланар эди.

## МУАЛЛИМ ҚАЛБИ

Ёш олимнинг асосий фаолияти Тошкент эски шаҳар маориф бўлимида кечди. У назоратчи сифатида мактаблардаги тил-адабиёт дарслари методикасини ишлаш, мактаблар фаолиятини назорат қилиш вазифасини бажарар эди. Шу билан бирга янги алифбо кўмитасида ҳам хизмат қиларди. У «Ўзбекистон Марказий ижроия кўмитаси қошидаги, янги ўзбек алифбоси Марказий Кўмитаси» аъзоси сифатида фаол иш олиб борди. (Шу кўмитанинг 1919 йил, 3 феврал № 1308 сонли маълумотномасига қаралсин. С.А.)

Тиниб-тинчимас олим ўрта мактаб ўқувчиларига дарслик яратиб бериш масаласи устида шахсан ўзи иш олиб бориш билан кифояланмай, бошқаларни ҳам бу ишга жалб этишга уринди. У «Мактабларимиз ва ўзбекча дарслик», («Туркистон», 25.ХI-23) мақоласида бу масалани жиддий кўтариб чиқди. Жумҳурият «Илмий ҳайъати» эътиборини ушбу ишга жалб қилди. Мазкур мақолада «Ўзгаришнинг еттинчи йилидами, шу кунгача мактабларимиз неча-неча, қандай-қандай даврларни кечирди, кундан-кунга туза, тугаллаша келди. Ҳали ҳам кўб юзадан, моддий ва маънавий ёқдан камчилиги кўб. Лекин бу камчиликларни маҳаллий маориф назоратлари, вақф бўлимлари, ижрокўмларнинг ташаббуси ва ўқитувчиларнинг чолишмоқлиги орқасида тўлдира бермоқ мумкин», деган фикрни олға суриб, дарслик тайёрловчиларни моддий қувватлаш кераклигини уқтиради. Шу билан бирга Фитрат, Ашурали Зоҳирий дарслик ваъда қилганларини эслатиб, «Илмий ҳайъат» моддий ёрдам кўрсатса, иш илгарилашини чертиб ўтади. Нашрдан чиққан «Билим йўллари», «Ёзув йўллари» китоблари фақат имлодан баҳс этишини эслатади.

Мактаб ўқув тизимининг «жон томири» «Тил қоидалари отиға шу кунгача бир асар чиқмади», деб шикоят қилади. Грамматикадан дарслик йўқлиги учун «болаларни(нг) руҳи тушишини кўринг, ўз тилидан умидсиз бўлуб кўнгли қайтишини томошо қилинг! Бу — уят, бу — жиноят! Бу тарбиячиликка хиёнат!» — дейди.

Ушбу мақола босилгач, Элбекнинг «Отилмаган сопқон» мақоласи чоп этилади. «Илмий комиссия» бошлиғи бўлган Элбек кўрсатилган камчиликларни ўз шахсига олиб, Қайом Рамазон таклифларини нотўғри тушунади. Лекин Қайом Рамазон «Шошқон ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан» жавобини эълон қилиб, масалани ойдинлаштиради. «Бизга ўзбек тили учун грамматика керак», деб асосий масалани эслатиб қўяди...

У фақатгина илмий-услубий ишлар билан чекланмас, мактабларга билимдон,

ахлоқли, миллат тақдирига ачинадиган кишиларни жалб этиш ишига жиддий киришган эди. «Ўқитувчилар элни порлатувчилар. Ўқитувчиларнинг бошлайдургон йўллари ҳам дунёдаги йўлларнинг энг яхшиси бўлгон билим топиш, юксалу (илм, маориф, тараққиёт) йўлидир. Шу йўлларга юрмагон элни дунёда бор, деб сонолмас. Унинг борлигидан тилак гавдаси, нуфузи, асоси, балким дунёда кўрсатган иш-хунари. инсонлар дунёсига еткурган фойдасида бошқаларга ўрнак бўларлик колдиргон изидур». деб ёзади «Ўқитувчиларимиз» мақоласида («Қизил байроқ», 1921, 5 феврал).

Ўқитувчи зиммасида шунча вазифа борлигини таъкидлаган Қажом Рамазон болаларнинг қалби, дунёқараши, нафсонияти, номуси заррача бўлсин жароҳат олмаслиги, мактабдан комил инсон бўлиб чиқиши учун уларни ҳам, мактабни ҳам баднафс, тасодифий кишилар тажовузидан асрашга интилади.

«Бизнинг ўқитувчиларга (хоҳ муаллим, хоҳ муаллима, хоҳ ерли, хоҳ ташқаридан келувчилар) кўз солсақ, чин армонига тушунгон ва бу йўлда ишлайдургонлари оз топилур. Ҳатто шундай ўқитувчилар ҳам бор, ўз фойдаси билан эл иши қарши келуб қолгонда, эл ишини ўз фойдасига қурбон қиладур. Элига маънавий зўр-зўр зиёнлар етқарадур. Бундай кишиларнинг бу муқаддас йўлга кириб қолурларининг сабаби эса, бурундан тайёрланиб келмаганимиз, илмий кишиларимизнинг озлиғидир, — деб ёзади Қажом Рамазон. —... бу маълумотсизлигидан ташқари, болаларнинг номуси билан ўйновчилар ҳам кўрилди. Боланинг номуси билан ўйновчи ўқитувчилар мактаблардан қувилди. Бундан сўнг ҳам қувилурлар», — дейди куюниб, мактабга тасодифан келиб қолган саводсиз, ориятсиз, билимсиз кишилар ҳақида гапирар экан.

Қажом Рамазон ўқитувчиликни ниҳоятда улуғ, покиза ҳамда масъулиятли касб деб биледи. Шу сабабли ўқитувчилар ўзлигини танишлари лозимлигини уқтиради. У «... ўқитувчилар ўзларининг ким эканликларини билиб, буюк жавобли ўрун тутганларин тушуниб иш қилулари, маълумотларин ортдиришга, ўқитувчилик йўли билувга чолишувлари, армонларин муқаддас эканин эсда тутулари керак», дейди.

У мактаб, ўқитувчи, дарслик, тил-имло масалаларига катта бир маърифатпарвар инсон сифатида ёндошди. Унинг «Урта Осиё ўзбекларининг имло конференцияси муносабати билан» (24.10.1923 й.), «Тилимизнинг шаклланиши» (11.04.1923 й.) ва бошқа мақолаларида ўқитувчилик касби, дарслик яратиш масаласи жамият олдида турган муҳим ишлардан эканини айтиб, жамоатчилик эътиборини ушбу масалага қаратади.

## БАЖАРИЛМАГАН ВАЗИФА

1920 йил сентябрь ойининг бошида Бухоро амири тахтдан қувилиб, Бухоро Ҳалқ Республикаси тузилгач, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан бошпана топган «Ёш бухороликлар» фирқаси аъзолари ватанларига қайтиб, орзуларидаги давлатни кўрмоқчи бўладилар. Шу боис, ўзлари билган ва яхши таниган, қўлидан иш келадиган кишиларни Бухорога тақлиф қилиб, жойу лавозим билан таъминлайдилар. 1920 йил ноябрь ойида Қажом Рамазон ҳам Мунаввар қори Абдурашидхоннов, Тангрикул ҳожи Мақсудов, Чўлпон, Абдурахмон Исмоилзода, Саид Аҳрорий, Ғулом Зафарий, Маннон Уйғур каби қадрдонлари қатори Бухорога боради. Салимхон Тиллахонов юқоридаги хотирасида: «Бухоро инқилоби «Чигатой гурунги»га ҳам таъсир қилди. Бир томондан, эски ёшлар жўнаган бўлсалар (яъни, Мунаввар қори ва сафдошлари. С.А.), иккинчи томондан, «Чигатой гурунги» ҳам Фитрат ила Бухорога жўнаб кетган, Тошкентда бир-бири билан сўжишуб юрган ёшлар Бухорога борганларида жуда топишуб кетганлар ва, ҳаттоки, Бухорода ташкилотнинг бутун аъзолари бир-бирларини тонийдургон бўлгонлар. (Салимхон Тиллахонов бу сўзи билан киноя қилиб, яқин-яқинларгача Мунаввар қорини ўзлари учун йўлбошчи деб билиб, кейин Фитратга ён босиб кетганларни назарда тутмоқда. С.А.) — Мана шундай қилиб Бухорода Абдуқажом Рамазоний ва бошқалар бутунлай очиқ ишлаб кетганлар», дейди.

Бухорода инқилоб содир этилгач, қисқа муддат Файзулла Хўжаев, Фитрат, Ота Хўжаев, Усмонхўжа, Мусо Саиджонов каби «Ёш бухороликлар» давлатни бошқаришга тушадилар. Аммо уларга Н.Хўсаинов, Г. Сафаров, Шаҳобилдинов каби Масков қаровуллари қўйилади. Айниқса, Сафаровнинг ўзбошимчалиги ошиб кетди. Бухоро ҳукумати Масковга бу ҳақда норозилик билдиради. Аммо бу воқеа изсиз кетмайди. Орадан бир муддат ўтгач, ҳукумат таркибидан Файзулла Хўжаевнинг Фитрат, Ота Хўжаев, Мусо Саиджонов ва бошқа сафдошлари бирин-кетин шармандали баҳоналар билан ишдан четлаштирилади. Бухоро театрига ўт қўйилиб, кўп одам нобуд бўлади. Мунаввар қори зудлик билан Тошкентга қаҳириб олинади. 1921 йил март ойида Садриддинхон, Каримий ва бошқалар иши бўйича

Мунаввар қори ва Салимхон Тиллахоновлар қамоққа олинадилар.

Қаюм Рамазон ҳам Бухорода кўп тура олмайди. Тошкентдан борган кишилар ортидан «ЧК» кузатув қўйган эди. Шу боис, у она шаҳрига қайтиб келади.

У Тошкентга қайтгач, яна ўзининг сеvimли соҳаси-ўқитувчиликни давом эттира бошлайди ва қўшимча равишда «Қизил байроқ», сўнг бир оз муддат «Туркистон» газеталарида ишлайди. «Ўзбек билим ҳайъати» комиссиясида фаолият олиб боради. 1922 йил март ойида Фитрат ва Булат Солиев билан бирга «Эски тарихий материалларни текшириш» комиссияси таркибида Бухорога боради. У ерда тарихий ёдгорликларни ўрганиш, фольклор материалларини тўплаш ишида қатнашади.

## ИККИ КЎЗГУ

Оврупа театри нухасидаги миллий театр ўша даврда худди телевизор илк пайдо бўлганда одамларни ҳайрон қолдиргандек ҳайратлантирган эди. Бунинг устига «Турон» труппаси оддий театр эмас, балки алланечук бир юксак олам эди. Айрим одамлар уни таҳқир қилса, бошқалар унга илоҳий нарсасидек қарашарди. Кўпчиликнинг оғзида «Падаркуш», «Мусибати Фахриддин», «Тўй», «Қотили карима», «Бахтсиз куёв», «Бахтсиз шогирд» ва бошқа асарларнинг мазмуни айланарди. Томошага бир борганлар яна бир кўришни орзу қилардилар. «Турон»нинг маърифатпарварлик мақсади эл оғзига тушган эди. Шу боис, қаттаю кичик, эр-аёллар томошага боришга орзуманд эдилар. Бу ҳолатни сезган «Турон»чилар труппага янги кучларни тортишга интилар, ҳар бир аъзо ўзи билан бирга бир кишини театрга, актёрликка жалб этишга интилар эдилар. Труппага янги қўшилганлар маромномада «Янги», «А», «В» деб белгиланар эди. Шу боис, бу рамзлар ортида кимлар турганини билиш жуда қийин. Лекин Қаюм Рамазон номи ҳам ана шундай рамзлар билан белгилангани сир эмас. Унинг бу даргоҳга қизиқиши, театр санъати билан талай йиллар боғланишида устози Мунаввар қори ва маҳалладош ўртоғи Салимхон Тиллахоновнинг ҳам ҳиссаси бор, деб ўйлаймиз. Аммо икки ўртоқнинг театрга ёндошуви икки хил эди.

Салимхон Тиллахонов ўртоғидан уч ёш катта, театрда ҳам олдинроқ иштирок эта бошлаган. У 16 ёшидан «Турон» спектакларида турли ролларни ижро этар эди. Аммо у артистликка касб эмас, балки халқни маърифатлантирувчи бир кўзгу, ўзига эса бир овунчоқ деб қарар эди. Шу боис, муҳим ролларни ижро этмас эди.

Қаюм Рамазоннинг эса театр санъатига муносабати мутлақо бошқача эди. Сабоби 1918-1920 йилларда Туркистонда, хусусан, Тошкентда театрчилик ҳаракати шу даражада авж олдики, ҳамма мактабларда, даҳаларда бир-иккитадан театр тўғараклари пайдо бўлди. Биргина Эски шаҳарнинг Маҳсидўзлик маҳалласида «Турон» театри, «Шарқ» саҳнаси очилган эди. Аввалига Бадриддин Аъламов, Низомиддин Хўжаев, сўнг Маннон Уйғур раҳбар бўлган «Турон» труппасининг спектакллари томошабин шиддат билан киришга интилар эди. Қизиқиш шу даражада зўр эдики, 250-300 ўринга мўлжалланган хонага мингга яқин одам ур-йиқит кириб, тирбанд ҳолда, бошидан чакки ўтиб, устига лой сувоқ кўчиб тушганига қарамай, спектаклни томоша қилар эди. Эртасига газетада Мирмулла Шермуҳаммаднингми, Ғози Юнус-Ишчинингми ёки Чўлпоннингми мақоласи босилар эди. Қаюм Рамазон устози Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг «театр масхарабозлик эмас, юзига ун суртиб, саҳнага чиқувчи артистлар — ҳоziқ табиб, муаллим», деган сўзларини онгига сингдирган эди. Қаюм Рамазон театр санъатига ўзига хос бир мактаб, актёрлик санъатига ўзига хос бир муаллимлик, деб қарар эди. Шу боис, 1919 йил октябрда актёрлик санъати сиридан тўла огоҳ бўлиш учун «Турон» билан бирга Актюбинск фронтига бориб келади. Шундан кейин у ишга чуқурроқ киришади. Бўш қолди дегунча «Турон» театрига югурар, биронта спектаклдан рол олишга интилар эди. Аҳён-аҳёнда бошқа труппаларга ҳам жалб қилинар эди. Хусусан, у «Турон кучи» труппаси томонидан саҳналаштирилган Тангриқули Мақсудийнинг «Туркистон ватанпарварлари» асарида Арслонбек ролини ижро этади. Ватан учун кураш олиб борувчи йигит роли шошилинич тайёрланган шекилли, мунаққид Мирмулла Шермуҳаммад «Арслонбек ролидаги Рамазон қори ўртоқнинг грими, ҳаракати бузуқ эди», деб ёзганди «Иштирокиюн» газетасида.

Шунингдек, унинг Фитратнинг «Турон» театрида қўйилган «Уғузхон» тарихий асарида Чол, «Темур сағанаси» драмасида Ватанни суйгувчи йигит, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасида Қози ролларини ижро этгани маълум. Хуллас, Қаюм Рамазон барча ролларга яхши бир тақлидчи сифатида ёндошган ва томошабину дўстларида яхши таассурот қолдирган.

Қаюм Рамазон «Турон» театрида ўтадиган барча мажлисларда, ички кўрсатувларда (ҳозирги замон тили билан айтганда асарни бадий кенгашга кўрсатишда) фаол иштирок этган, спектаклдан сўнг Мирмулла Шермуҳаммад, Чўлпон, Фит-

рат, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, баъзан Ғамза ва Элбек иштирок этадиган йиғилишда театр билимдонларининг фикр-мулоҳазалари, таклифларини тинглар эди. Уларнинг театр санъатининг вазифаси, актёрлик, режиссёрлик маҳорати, театр иқтисодиёти ҳақидаги фикрларини, қандай янги асар ёзганликларини ёки қандай асарлари бисотларида борлигини ёзиб олар эди, айниқса, театр танқидчилигида ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлган Мирмулла Шермуҳаммаднинг гапларига жиддий аҳамият берарди. Уни «Янги адабиётимиз кўмакчиси, қоронғуда қолган халқимизнинг етакчиси, фидокор, қийматли бир киши», деб ҳисоблар эди. Маъбуотда: «Тўғри бир танқидчимиз эди... Шунинг танқиди орқасида кўп пьеса ёзувчилар, лаёқатсиз кўп артист номини олиб юрганлар сахна теварагида йўқолмоққа бошлайдилар, лаёқатлилари тузала бошлайди. Яроқсиз пьесаларимиз сахнадан тушди. Бунинг интиқод кўзи ғоят тўғри ва одилона кўрар эди», деб ёзган эди (З.Х. 1923). Аммо ўзининг сахнага ҳаваскор сифатида қатнашишдан ўзга чораси йўқ эди. Асосий вақтини муаллимлик, газетадаги фаолият олиб кўяр эди. Шунга қарамай, роль ўйнар, сахна асарларини таржима қилар (масалан, Андреевнинг «Хизматга маҳфия» драмаси) эди. Имконияти даражасида театр танқидчилиги билан шуғулланар эди. Қаюм Рамазон кўпинча «Уктам», «Турғунбой», «То-мошачи» тахаллуслари билан адабиёт, сахна асарлари ҳақида мақола ва тақризлар ёзар эди. Театр танқидчиси сифатида «Фарҳод-Ширин», «Лайли-Мажнун», «Абул-Ғайдухон», «Саҳна адабиёти» мақола ва тақризлари эътиборга молик.

Ўзбек театри репертуари, драматурглар ёзган асарларни тавсифлашда унинг «Саҳна адабиёти» мақоласи муҳим аҳамият касб эди.

Уктам театр санъатининг ажралмас бир қисми — драматургияни «сахна адабиёти» деб атайди. Бу билан драматургия театр ва адабиёт билан боғлиқ ўзининг талайгина вазифаларига эга бўлган махсус адабиёт эканлигини, Оврупа адабиёти ва театри орқали миллий адабиётга қўшилган мутлақо янги бир соҳа эканлигини таъкидлайди. Унинг мазмун-моҳияти ниҳоят теран эканлигини уқтиради. Хусусан, драматург миллат турмуши, тарихи воқеаларини акс эттириш билан чекланмай, тафаккуроти маҳсулини омма муҳокамасига (биз чиздик. С.А.) «жонли равишда» кўювчи эканини, яъни, халойиқни ўз муаммолари билан тўқнаштирувчи ва ундан мутлақо янги бир тушунча, ўй, орзулар, бадийий ҳис туғилишини айтади. Шу боис, у пьесага қуйидагича таъриф беради: «ҳам ўқуғонлар ва ҳам ўкумагонлар учун ўзи ва бошқа миллатнинг турмушини, тарихини, ҳаётини тасвир этиб, жонли равишда омма муҳокамасига ташлағувчи, унга бадийий ҳис берувчи адабиётнинг бир қисми бордирким, у-да, сахна адабиёти — пьесалардир».

Қаюм Рамазон ўзбекларда сахна тарихи 1912 йилдан Бехбудийнинг «Падарқуш» асари билан бошланишини айтар экан, Фитрат, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Абдулла Авлоний, Абдулла Бадрий, Абдулла Қодирий, Ғамза, Хуршид, Уйғурнинг ўша даврда босилган ва босилмаган асарлари ҳақида фан учун муҳим, янги маълумот беради. Муаллифнинг маълумотига қараганда, Чўлпоннинг бизгача етиб келмаган «Чўрининг кўзголиши», «Ғалил фаранг», «Узунқулоқ бобо» (кулги), булардан бошқа 5-6 таржима ва тадбир этган асарлари бор. Ғеч бири босдирилмагон»лиги ҳақида хабар беради. Шунингдек, шоир ва драматург Хуршиднинг бизга етиб келмаган «Асмо», «Қарбало воқеаси», «Ворқа ва Гулшоҳ», «Жувонбозлик қурбони», «Туганмас бойлиқ», «Ғамият ҳамда хиёнат», «Заволли ватан», «Ялқовлар жамияти», «Аввалига ҳой, охири вой», «Қайси бири яхши», «Шаҳзода ва тиланчи» каби оригинал, озарбайжон ва усмонли туркчадан таржима қилган «Иблис», «Шайх Санъон», «Отелло», «Босмачилар» каби «20 хил пьесаси бор»лигини айтади. Ғулом Зафарий асарларини санар экан, «Ғалима» ҳақида алоҳида тўхталиб, «...Туркистонда ва Бухоро сахналарида неча марталаб ўйналгон, ҳар вақт халқнинг диққатини ўзига жалб этиб келган»ини алоҳида таъкидлайди. Ғатто айрим асарларнинг қайси нашрда босилганини айтади. Шунингдек, Рафиқ Мўмин («Гулёр»), Боқи Ориф («Яфтоҳ»), Маннон Рамз («Туркистон хонлиги»), Маннон Уйғурнинг «Фанний уй», «Кова» асарлари оригинал ва тадбир борлигини айтarkan, булардан бошқа «Уттизлаб таржима ва таълиф этилган инқилобий-тарихий асарлар бордирким, сахнада неча мартабада ўйнолиб, халқ ҳиссиётига ёқишгон бўлсалар-да, босдирилмогон», дейди.

Қаюм Рамазон халқ манфаати учун ишлаш вақти эканлигини уқтирар экан, содда тил билан «...янги бир дунё кўргач, турмуш шартларин, тириклик оқимларин ўзгартиришни сеза бошлағоч, олонғоб қолдик: дунё улуғ, ёғду қуюқ, йўл ялон, ҳар ким учун текислик... очиқ туриб кўра олмагон кўзлар кўрмакка бошладди, иш ишлаш, замон оқими билан бирга иш керак», дейди. У давр билан ҳамнафас бўлиш масаласини замондошлари олдига кўяр экан, ўзбек театр санъати янги бир поғонага кўтарилганини, театр энди ўз жанрларини шакллантираётганини маълум қилади. Хусусан, сахна адабиёти ва театрда инқилобий-тарихий жанр қад ростлаганини маълум қилади. Бу эса Қаюм Рамазоннинг театр санъатининг сирла-

рига ошно ижодкор эканлигини кўрсатади.

Қаюм Рамазон 1924-1929 йилларда «Яланғоч эшон», «Абу Муслим», «Уйғониш» («Хотин-қизларда уйғониш тўлқини») «Шайх Санъон», «Фарҳод ва Ширин», «Маликаи Турандот», «Хужум», «Ҳалима», «Коваи оҳангар» спектакллари ҳақида тақризлар эълон қилади. Ушбу тақризлар ўзбек театршунослик фани учун гурӯҳлар репертуарларини аниқлашда муҳим манбалардан ҳисобланади. Чунки, шу кунгача 1919-1927 йилларда ўзбек драма театри, ҳаваскор тўғарақлар таркиби, репертуари ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Танқидчининг тақризлари ҳақида гап кетганда шуни очиқ айтиш керакки, унинг ёзганлари Чўлпон, Фози Юнус танқидчилигининг узвий давомидир. Унинг тақризларида авлодлар алмашинуви, либос, безак, декорация каби спектакль унсурларига эътибор бериш кўзга ташланади. Мунаққид актёрларнинг юриш-туришларини нозик кузатади. Турк драматурги Ш.Сомийнинг «Коваи оҳангар» асари ҳақида фикр юритар экан, М.Уйғур раҳбарлигидаги бир гуруҳ «Турон» актёрлари Масковга кетиб, улар труппаси заминида тузилган «Эски шаҳар ўзбек профессионал театри»нинг ушбу спектакли ютуқ ва камчиликларига тўхталиб, «иккинчи ва тўртинчи пардалар бошда узоқ пауза, уюшиқсиз, қовушмаслик билан ўйналди. Сўнгги кўриниш йўқ қилиниб, ибодатхона пардасида тож кийдиришлар, йўқ тахтни қасам билан қабул этишлар ёлғондакам ўйинчоққа ўхшайдур. Заҳҳок-Зиё (яъни, Зиё Саид. С.А.) чапанича, якка кифт билан яғрин ташлаб юришлари бир оз келишмаса ҳам умуман дуруст ўйнар. Фарҳод-Сайфи қори баъзи жойларда ёширин ҳаракатларни идора эта олмаслик каби жузъий келишимсизлик бўлса ҳам, Сайфи қори бугунгача шу ролда бу кундагидек яхши ўйнағон эмас».

Қаюм Рамазон ўз тақризларида актёрлик маҳоратига оид «пауза», «яғрин ташлаб юриш», «яширин ҳаракат», «ҳаяжонни яхши тасвир эта олиш» каби ибораларни қўлайди. Саҳна тили муаммосини давр талаби даражасига кўтарадики, бу юқоридаги фикримизни яна бир қарра тасдиқлайди.

Ушбу тақризнинг яна бир эътиборга лойиқ жойи шундаки томошабин артист парда олдида кўриниши билан чапак чалиб қарши олганини маълум қилади. Бу ўша давр томошабинининг театр санъати ав актёрлик касбининг мазмун-моҳиятига етганини кўрсатувчи далилдир.

Ушбу масалалар мунаққиднинг Маъсума Қориева томонидан саҳналаштирилган «Лайли ва Мажнун» спектаклига ҳам хос. Тақризни ўқиган киши бу асар машҳур озарбайжон композитори Узеирбек Ҳожибеков асарининг шоир Хуршид томонидан «шева жиҳатдангина» табдил этилганини, Маъсума Қориева (Лайли), Аброр Ҳидояттов (Мажнун) ўз ролларини яхши ижро этганидан огоҳ бўлади. Бу тақризда ўқувчи «саҳна мезони» деган иборага дуч келади. Муаллиф бу ибора билан умумспектаклга хос бир бадиий мезондан ташқари, тимсолнинг ҳар бир ҳолатини кўрсатишда ҳам саҳна мезони мавжудлигини томошабинга уқтириб, уни саҳнанинг ўзига хос яна бир талаби, шарти билан таништиради.

Қаюм Рамазон ўз ҳамкасблари каби режиссёр Маннон Уйғур ижодини синчковлик билан кузатар. Унинг «Шайх Санъон» спектаклига ёзган ихчам тақризи шундан далолат беради. У ушбу асар қўйилгани ҳақида хабар берад экан: «Бу галги яхши ўйналишда ўртоқ Уйғурнинг бир мунча ҳиммат сарф этганлиги кўриниб туради...

...Уйиндан халқнинг жуда розилигини шундан билиб бўладикки, шундай кеч қолинса ҳам охиригача ўтурди, ҳам узоқ чапаклар билан артислар, айниқса, режиссёр Уйғур қаршиланди», дейди.

«Абу Муслим» (Фитрат асари) спектаклига бағишланган тақризида аввалги мақола ва тақризларида кўрилган анъана — томошабинни саҳна атамалари билан таништиришни давом эттиради. У томошабин эътиборига «амплуа» атамасини ҳавола этаркан, «Абу Муслим рўлида Сайфи қори, бунинг тўғрисида қисқагина шуни айтаминки, бундай тарихий ботирлар рули Сайфи қорининг амплуасидан ташқариридир», дейди. Бинобарин, бу рол С.Олимов қобилиятига ва маҳоратига тўғри келмаслигини таъкидлайди. Шунингдек, Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаси ҳаваскорлар томонидан саҳналаштирилгани ҳақида жуда кескин фикрларни билдиради. Спектаклни безаш, ижро, саҳналаштириш жиҳатларини асосли далиллар билан танқид қилади. Ишлатилган қуйларни (масалан, «Наво» ўрнида «Ироқ»нинг ишлатилиши) ноўрин қўлланилганини очиқ маълум қилади. Бинобарин, бу мисол билан ўзининг мусиқадан ҳам хабардор эканини таъкидлайди.

Юқорида келтирилган мисоллар театр санъати ўша даврдаги илғор зиёлилар ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутган бўлса, Қаюм Рамазон маънавий ҳаётида ҳам шунчалик катта аҳамият касб этганини ва у бу соҳага билимдонлик билан ёндошганини кўрсатади, дейишга асос беради.

Қаюм Рамазон матбуотчилик, театр танқидчилиги соҳаларида қалам тебра-

тиш билан бирга ижтимоий мавзуда ҳам мақолалар ёзди. Унинг 1924 йил 14 февралда «Туркистон» газетасида босилган «Хотинлар масаласи» (мувоҳаса йўли билан) мақоласи Ўзбекистон сиёсий-маънавий ҳаётида катта акс-садо берди. У хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини кенг таҳлил қилади. Қадим замонда турк хотин-қизлари ниҳоятда эркин бўлганликлари, турмушнинг барча жабҳаларида, ҳатто урушда ҳам эркаклар билан бир сафда турганликларини маълум қилади. Адиб аёллар эрлар билан тенг ҳуқуқда яшаётган мамлакатларда «миллатлар турмушини осонлаштирмоқда, маориф ва маданият дунёсида илгариламакда ва масъуд яшамоқдалар», деб ёзар экан, «Бизда хотинлар қандай даврни кечирди?» деб савол қўяди ҳамда «Исломиётдан бурун Туркистонда яшағувчи турклар яшамоқ учун лозим бўлган ҳар бир йўсинда эр-хотин шерик эдилар. Эр билан хотин рўзгор, тирикчилик, уруш ишларида текис ҳуқуққа эга эдилар. Бизда араблар, ҳиндларда қоролғондек хотинларга таҳқир кўзи билан қаралмас эди», дейди. Ўзбек хотин-қизларининг аҳволини теран таҳлил қилиб, уларни ижтимоий-маърифий ҳаётга тортиш масаласини давлат ва жамият олдига алоҳида масала қилиб қўяди.

Қаюм Рамазон сақкиз масалани дарҳол амалга ошириш лозимлигини айтади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Қизлар маорифига йўл очиш;
2. Дорулмуаллимотга яхши аҳамият, муаллим ва мураббиялар тарбиялаш;
3. Умум хотин-қизлар учун савод ва тарбия курслари;
4. Хотинлар озодлиги йўлида ишловчи жамият тузиш;
5. Хотин шўъбалари яқинидаги... ахлоқсизлик билан курашиш;
6. Хотинлар саноатхонаси уюштирилсин;
7. Хотинлар учун махсус ҳунар мактаби очилсин;
8. Ҳар қайси ерда ўзбеклар учун бир неча чақалоқ (бувак) болалар уйи очилсин, ўқишга, ишга кетганда боласини боқиб турсин.

Ўқтам таҳаллуси билан эълон қилинган ушбу мақола зиёлилар орасида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Май ойида бир гуруҳ ўзбек зиёлилари янги шаҳарга оилалари билан кўчиб чиқиб, тарихий бир мажлис ясайдилар. Бу мажлисда ўзбек аёллари эрлари билан бирга, паранжи-сочбонсиз, очиқ юз билан иштирок этадилар. Ўзбек матбуоти бу кунни «Ўзбек элининг тарихидаги биринчи кундуз» деб атади.

1923 йил 16 майда бўлиб ўтган ушбу мажлис музокараларида Усмоҳўжа Эшон-хўжаев, Саидахмад Назиров, Абдураҳим Инъомов, Маннон Рамз, Лазиз Азиззода, Носир Саидий, Шокиржон Раҳимий, Неъмат Ҳаким, Юсуф Алиев, Салоҳиддин Хўжаев, Низомиддин Хўжаев, Қудратилла Маъзумов, Хосият Тиллахонова, Бурнашева нутқ сўзлаб, хотин-қизлар турмуши, ҳақ-ҳуқуқи, таълим-тарбияси ҳақида фикр билдирадилар.

Қаюм Рамазон хотин-қизларни очилиш, ижтимоий ҳаётга жалб қилинишини миллат ҳаётидаги бурилиш нуқтаси эканлигини тушуниб етгани учун ҳам бу масалага ўзбекларнинг умум миллий байрами деб қаради.

## СЎЗ СЕҲРИГА МАФТУН

Олим Қаюм Рамазон матбуотдаги чиқишлари ҳам олимона бўлишини хоҳларди. Шу боис, у журналистика, театр танқидчилигидан кўра кўпроқ сўзнинг сеҳрига, яъни, тилшунослик соҳасига маҳлиё бўлган эди. Устозлари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саидрасул Азизий, Абдуҳолиқ домла Усмонов, Низомиддин Ҳусайнов, Рустамбек Юсуфбеков каби кекса авлод вакиллари ёзган дарсликларини ўрганар, Туркияда босилган наҳв-сарфга оид китобларни таҳлил қиларди. Ўзбек тили таркибидаги товуш ва ҳарфларни, янги замон имлоси, ўзбек тили граматиқаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўйлар, бу соҳада йирик бир иш, қўлланма йўқлиги учун ўзи шундай бир асар яратишни орзу қилар эди.

Фитрат томонидан ёзилган наҳв-сарф ҳам уни қониқтирмасди. Бунинг устига, Фитрат билан яқинлашиши туфайли устози Мунаввар қоридан узоқлашиб қолган эди. Бироқ юқорида айтилганидек, уни Мунаввар қори Абдурашидхонов очиқ чехра билан кутиб олади. Ҳеч иккиланмасдан еб турган нонига шерик қилиб, «Ўзбекча тил сабоқлиги» китобига учинчи муаллиф қилади, ҳатто биринчи китобда унинг номини биринчи ўринга қўяди.

Қаюм Рамазон устози Мунаввар қори ва Шорасул Зуннун билан ушбу тўрт қисмдан иборат асар устида ишлаш жараёнида катта илмий-амалий тажриба орттирди. Худди араб тилидаги каби ўзбек тилида ҳам товушларнинг ўзаро сингиш (сингармонизм) хусусияти бор эканлигини теран англаб етди.

Бунга яна 1918, 1921 ва 1923 йилларда Тошкент ва Бухорода ўтган тил-

имло қурултойлари, йиғилишлар, 1929 йил 15 майда Самарқанд шаҳридаги тил-имло, янги алифбога ўтиш ҳақидаги конференция, 1936 йилда Ашхободда ўтказилган ана шундай анжуман таъсирини қўшмоқ керак. Қаюм Рамазон бу йиғинларда рус олимларидан Самойлович, Шерба, Пурра, Поливанов, кавказлик А.Тоқизода, қримлик Б.Чўпонзода, татарлардан А.Саъдий, О.Келдиев, бошқирдистонлик Чувашев, ўзбек олимлари А.Зоҳирий, М.Абдурашидхонов, Фитрат, Абдулла Алавий, Ғози Олим, қозоқлардан Сарибоев, Хўжанов, Ҳ.Дўстмуҳамедов ва бошқалар билан илмий-ижодий мулоқотдан қаттиқ таъсирланди. 1929 йилги конференцияда ҳайъат раёсатига аъзо қилиб сайланди.

Ашхобод шаҳрида ўтказилган конференцияда туркшунос олимлар билан учрашиб, истилоҳ ҳақида фикр алмашди. Истилоҳлардан фойдаланиш, атамалар яшаш техникаси, адабий тил қоидалари, туркий халқларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида билмаганларини суриштириб билди, фикр, тажриба алмашди.

Ўзбек адабий тилининг ишланиши ниҳоятда оғир жараённи бошдан кечирди. Мадраса тизимида асосан араб ва форс тили наҳв-сарфи ўқитилар эди. Туркий-ўзбек тили таркибини араб ва форс тилидан кириб келган атамалар, сўзлар босиб кетгани туфайли Мунаввар қори Абдурашидхонов илгарироқ, «Чигатой гурунги» кейинроқ кураш бошлаган эди. Хусусан, матбуотда Элбек ва С.Аҳрорий томонидан тузилган луғатлар пайдо бўлган эди.

«Ҳамроҳим» китобининг муаллифи, педагог олим Йўлдош Абдуллаев маълумотига қараганда, «Туркистон жумҳурияти Халқ маориф комиссарлиги ўзбек маорифчиларининг 1918 йил августда бўлиб ўтган биринчи қурултойида арабча ҳарфларни ислоҳ қилиш юзасидан қуйидаги қарорга келинган: «Ҳарфларнинг икки хил шаклда, яъни, алоҳида ёзилиш шакли ҳамда сўз бошида ёзилиш шаклигина бўлиши лозим». Ана шу қурултой муҳокамаси таъсирида Қаюм Рамазон 1919 йилда илк асари — «Билим йўллари» имло қўлланмаси ёзиб, чоп эттиради.

Тошкентда чақирилган тил-имло қурултойида алифбони ислоҳ қилиш, унли ҳарфларни олиб кириш масаласи қўйилади. шу билан бирга маориф ва маданият, санъат масалалари ҳам муҳокама қилинади. Ушбу қурултойда ҳам Қаюм Рамазон ёш мутахассис сифатида иштирок этади. Ўзбек маориф ходимлари, хусусан ўқитувчилар янги имло устида узоқ муддат баҳслашдилар. Ана шундай мунозарали анжумандан бири 1923 йилда Бухоро шаҳрида ўтади. 1921 йили Тошкентда ўтган қурултойда бошланган янги имлочилар билан эски имлочилар ўртасидаги курашни бироз бўлса-да, тўхтатиш ва йўқотишни кўзда тутган бу конференция (1923 йил, 3-9 октябрь)да Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Мусо Саиджонов, Бекжон Раҳмонов, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Халил Дўстмуҳамедов, Айний, Элбек, Шоҳид Эсон Мусаев ва бошқалар иштирок этадилар. Бироқ бу конференция натижалари қутилган ҳосилани бермади. Айрим товушларни аниқ ўқиш учун белгилар қўйишга келишиб олинди, холос.

1926 йил июн ойида Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасининг IV сессиясида лотин алифбосига ўтиш масаласи кўриб чиқилди ва махсус қарор қабул қилинди. Қарорга кўра, янги алифбони ҳаётга жорий этиш масаласини амалга оширувчи «Янги ўзбек алифбо қўмитаси» тузилди. Қўмита ишига Қаюм Рамазон ҳам жалб этилади.

1926 йил 27-29 август кунин Самарқанд шаҳрида ушбу қўмита ва илмий марказ ҳамда тил соҳаси мутахассислари иштирокида конференция чақирилади.

Ушбу конференцияда ўзбек тилшунос олимлари билан бир қаторда Бекир Чўбонзода, А.Саъдий каби Қрим ва Қозон вакиллари ҳам иштирок этадилар. Конференция, педагог олим И.Абдуллаев берган маълумотига қараганда, 1926 йил май ойида маъқулланган алифбо лойиҳасини бекор қилади. Янги алифбода унлилар тўққизта, ундошлар 23 тага етказилади.

## ЎРОҚ-БОЛҒА ИСКАНЖАСИДА

Кундалик содир бўлаётган сиёсий воқеалар, суд жараёнлари Қаюм Рамазонни талотум ахволга солар, воқеалар ривожини нима билан тугашини илғашга ожизлик қиларди. Яқин таниш-билишлари ўртасидаги баҳслардан ҳам зериккан эди. Айниқса, ГПУга чақириб парhezига тўғри келмайдиган вазифа топширилгани уни тамом чўктириб қўйган эди. У ҳам барча шўро зиёлилари каби Лениннинг Уншлихига: «Ревтрибуналларнинг ошқоралиги ҳар доим эмас, уларнинг таркибини ўз одамларингиз билан кучайтиринг, ВЧК билан (ҳар қандай) алоқани кучайтиринг, уларнинг тезлигини ва уларнинг репрессив кучини оширинг, бунга МК эътиборини кучайтиринг», деб берган махфий кўрсатмасидан беҳабар эди. Шу

боис, шахмат усулида олиб борилаётган оммавий сиёсий жазолаш сабабларини идрок этишга ожизлик қиларди, мафқурани, зулмни ҳайрон бўлиб кузатар эди. Аммо парҳезини бузишга зўрлаш унинг кўзини очган эди.

1921 йилдаги қурултойга қисман тайёргарлик ва сиёсий босимсиз келган Қаюм Рамазон 1923, 1926, 1929 йиллардаги тил-имло масаласидаги анжуманларга ўз соҳасида маълум илмий-амалий тайёргарлиги тажрибаларга эга ва тан олинган олим сифатида етиб келди. Қаюм Рамазон қўл урган «Ўзбекча тил сабоқлиги» Мунаввар қори Абдурашидхонов, Шорасул Зуннун қамалганларидан сўнг умуман истемоддан олиб ташланди... Бу 1926 йил эди.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас, 1928 йилда Истамбул университетининг домласи бўлиб ишлаган, 1922 йилда Тошкентга қайтиб келгач, Наримонов номи техникумда мудир бўлиб ишлаган Шоҳид Эсон Мусаев ва у билан бирга дарс берган бир гуруҳ ўқитувчиларнинг, сўнг 1929 йил ноябрда «Мунаввар қори ва Салим Тиллахонов иши», «Қосимовчилар жараёни» ва, ниҳоят, «Наркомпрос иши» (Халқ маориф комиссарлиги) номи остида Маннон Рамз, Боту, Олтой, Саидахмад Назиров ва бошқаларнинг қамалиши Қаюм Рамазонни чуқур ўй ва қайғуга ботирди.

Баъзан матбуот саҳифалари золим подшоҳларнинг ҳукмқушт фармонларини эслатар эди. Ҳар куни кимдир саваланар, абгор қилинарди. Мақолалар, тақризлардан илм-фан иси эмас, қон ҳиди анқирди. Инсон у ёқда турсин, ҳатто кабутару итларгача қиргин қилинган бу жамият ҳар бир ақли расо зиёлининг, хусусан, Қаюм Рамазоннинг шоиртабиат юрагига қутқу солиши табиий эди. Шу боис, у серғалва, гап ташувчилар сероб матбуот ва мактабдан четлашиб, фаолиятини ўзгартиришга мажбур бўлади. 1934 йилда Ўзбекистон Давлат Фан кўмитаси ва унинг қошида Тил ва адабиёт институти ташкил қилинади. У институтга доцент вазифасига таклиф этилади.

Олим 1934-1937 йиллар мобайнида Тил ва адабиёт институтида доцент лавозимида илмий тадқиқот олиб боради. Ўзбекистон халқ маориф комиссарлиги қошидаги тил-термин Давлат комитети ва комиссарлик билан дарслик масаласида ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон Халқ маориф комиссарининг ўринбосари А.И.Кожухов ўзбек зиёлилари билан яқин алоқада бўлган. У 1937 йил 23 ноябрда ўтказилган сўроқда таржима ва дарсликлар асосан Қаюм Рамазон, Фитрат, Чўлпон, Элбек маслаҳати билан тайёрланишини айтадики, бу ҳам юқоридаги фикрни бир қарра тасдиқлайди. Ушбу ҳамкорлик натижасида Қаюм Рамазон 1931 йилда лотин ҳарфида «Ўзбек тилининг имло қоидалари» китобини ёзиб нашр эттиради. У ушбу китобини 1929 йил 15 майда Самарқанд шаҳрида бўлган I тил-имло конференциясида имло ҳақида қабул қилинган қарор асосида ёзади. Муаллиф товуш туркумлари, айрим ҳарфлар имлоси, бўғин тузилиши, сингиш, ўзак, феъл турловчилар каби қоидаларга жиддий аҳамият беради.

1937 йилда авж олган қатли нуфуснинг иккинчи босқичи ўзбек зиёлиларининг орасига низо солиб, уни кундан-кунга кучайтира бошлади. Низо ва васвасалар бошлангич, ўрта махсус ва олий мактаблар, корхоналар, ҳатто колхозлар оша илмий тадқиқот ўчоқларигача етиб келади. Тил ва адабиёт институти ҳам бундан четда қолмади.

Институт фаолияти, унинг раҳбарияти ҳақида мақолалар матбуотда тез-тез кўзга ташлана борди. 30-йилларнинг хунвейбинлари ўзлари билан бир жойда ишловчи ҳам-қасблари, устозлари, раҳбарларини матбуот орқали кескин қоралашга ўтдилар, Институтнинг ўзида ҳам ходимлар бир-бирини фош этиш, ўз-ўзига бўҳтон қилдириш мақсадида уюштирилган мажлислар қаторлашиб кетади. Ана шундай даҳшатли мажлислардан бири 1937 йилда бўлиб ўтади. Бу мажлис «Правда» газетасида ўз-ўзини танқид қилиш масаласида босилган бош мақолага ҳозиржавоблик руҳида ташкил қилинган эди. Асосий маърузачи Отажон Ҳошимов эди. Маърузачи «Ўзига хослик ва сингармонизм» мавзусида гапириб масалани илмий нуқтаи назардан ёритади, институт олиб бораётган тадқиқотлар самарадорлигини ошириш хусусида фикр юритади. Аммо биронта ходимнинг шаънига тегадиган гап қилмайди. Бу эса душман излаш, уни ушлаб кўрсатиш кайфиятидаги кишиларга мутлақо маъқул келмайди.

Институтга тасодифан келиб қолган, ёшлиги ниҳоятда қийин шароитда ўтган, ўз сўзи билан айтганда, Самаранинг Эски Кулатин туманида, татар оиласида дунёга келиб, онаси отасидан ажрашгач, «1921-1923 йилларда гадоийлик қилиб юриб, сўнг» Тошкентдаги ўғай опаси Фотима Бегматова уйдан паноҳ топиб, шу ерда олий маълумот олган И.Аҳмедов ана шундайлардан бири эди.

У институтга етакчи лавозимни эгаллаш учун юқори ташкилотларга тинмай ёзади. Ўзбекистон КПМК инструктори Данилова, ВКП(б)нинг Ўзбекистон бўйича фирқа назорати комиссияси Ризаев номига ёзган хатлари шундан далолат. Ана шундай хатлар ҳосиласи ўлароқ институтда катта мажлис ўтказилади.

Барча ходимларнинг юрагига қамоқ ва ўлим гулгуласи тушади. Ҳамма ўзини чин большевик кўрсатишга интилади.

Отажон Ҳошимов нутқидан сўнг мажлисда маърузада тилга олинганларга бирин-кетин сўз берилади. Фитрат қисқа қилиб «Уртоқ Ҳошимовнинг айтгани маъқул, мен ҳам шунга қўшиламан. Лекин мен ҳақиқатдан ҳам миллатчи эдим», дейди. И.Аҳмедовнинг қаттиқ босими остида келаётган балони чуқур ҳис қилган Қаюм Рамазон ўтмиш ва вазиятни тушунтиришга уриниб кўради. Стенографчи Тиллабоев унинг қуйидаги сўзларини узук-юлуқ ёзиб қолдирган: «Мен аввал ўзим тўғримда сўзламоқчиман, — дейди Қ.Рамазон. — Мен «Чигатой гурунги»нинг аъзоси ва ташкилотчиси бўлганлигимни иқрор қиламан, бу — бир, иккинчи — зиёлилар қурултойида ёзганим каби ҳамма ерда ҳам айта оламан. Ҳатто талабаларимга дарс бераётганимда ҳам ўзимни шу ташкилотнинг аъзоси ва ташкилотчиси эканлигимни айтаман...

...Мен Октябрдан кейин аксилинқилобий реаксионий союзга иштирок этдим. Демак, Октябрдан кейингина бу ташкилотга иштирок эта бошладим. Ундан кейин Ашхобод фронтига борганман. У ерда сиёсий идора бор эди. Шу идорада агент бўлимида ишладим. Унда мен полит(рук)...лар тайин қилиш ишларига ўринлаштира бошладилар. Бу ерда мен самимий ишладим. Ундан кейин РКП(б)нинг Муслмон Бюросига аъзо бўлиб келдим. Унинг раиси Рисқиев (стенограф хатоси — Рискулов) эди. Мен эсам масъул котиб эдим. Бироқ биз шу вақтда эски миллатчилигимиздан тамом қутулмоғон эдик».

Савол (И.Аҳмедов): Шулардан қутулмай, қандай ишлар эдингиз?

И.Аҳмедов бу саволи билан сени Тил ва адабиёт институтида ишлашга ҳаққинг борми, сен халқ душманисан, демоқчи бўлади. Бу заминдор саволга Қаюм Рамазон қуйидагича жавоб беради.

Қаюм Рамазон: У вақтда пролетар халқиға хиёнат қилиш йўқ эди. Бу йўл шўро ҳокимиятига зарарлик эди, албатта. Биз Туркистон жамиятида большевикларнинг ҳоким бўлишини сезамиз. Бироқ бу бир-бирларидан олиш-бериш қилғонда балас билан берсин. Бизнинг ўзимизда сиёсий конселария бўлсу, деганмиз. Мана бунинг ўзи хиёнат. Бу — коммунистлар партиясининг раҳбарлигига ишонмаслик. Бу ўзи эски миллатчилиكنи ашаддий бир нарса бўлишлигини биз англамаганмиз. Буни битта мен эмас, Рискулов ҳам англамагон. Бу ерда Фрунзе ва Куйбишевларнинг иштироки билан мажлис бўлди. Бу ерда тугатилган турк... (муслмон бюроси — С.А.), унинг зарарли эканлигини кўрсатди».

Ушбу қовушмаган гаплар ҳушёр Қаюм Рамазоннинг оғзидан чиққанига ишониб қийин, аммо, ҳақиқат. Лекин улар бу мажлисга қандай жисмоний руҳий аҳволда олиб қирилгани номаълум. Ҳар ҳолда, Лениннинг 1921 йилда Юстиция комиссарига: «Албатта, ушбу кузда ёки 1921-22 йил қишида Москвада, судда Москвадаги сансалорчилик ҳақида «ёрқинроқ» ҳодисаларини танлаб 4-6 ишни кўриш ва ҳар бир судни сиёсий ишга айланттириш керак», деган кўрсатмаси авж олиб келаётганига бу мажлис катта мисол эди.

Муҳокамада И.Аҳмедов етакчи олимларни, хусусан, Фитрат, Ғози Олим, айниқса, Қаюм Рамазонни кескин танқид қилди. Мажлис қайдномаларига 3-7-29-31 смена деб ёзилиши вазиятнинг қанчалик оғир кечганлигини далиллайди, холос.

Эътибор берайлик:

«Тил секториди халқ душманлари — Поливанов, Сафо Зуфарий, Элбек кабилар тахминан икки йилгача ҳеч бир маҳсулот бермасалар ҳам, катта пул олиб келганлар. Ботманов, Долгов, Решетов, Суккерваник, Бабаев каби ҳам кўп вақтгача бекорга пул олиб юрушган. Халқ душманлари — Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазон, миллатчи Турсун Иброҳимов ва Собиржон Иброҳимовлар эса миллий ходим ҳисобланиб профессорлик (600), ҳатто катта ходим маошини (500) олиб келишган».

Зикр этилган шахслар маҳсулот бермасликда айбланди. Ушбу мажлисда Қаюм Рамазон Аҳмедовни эмас, балки бошқаларни аспирантурага қабул қилишда айбланди. И.Аҳмедов сўзиди давом этиб: «масалан, халқ душмани Элбекнинг хотини Шермухамедова, халқ душмани Фитратнинг синглиси Раҳимова, миллатчи Зиёутдинов, Шайхзода, савдогар боласи Қаюм Рамазон кабиларнинг ҳамфикрларидан бўлган Халил Қаюм, миллатчи Аюб Фулом ва бошқалар аспирантурага қабул қилинди», дейди.

«Биз ўзимизни(нг) синфий ҳушёрлигимизни оширишимиз керак. Ҳушёрликни оширмас эканмиз, биз катта жиноят қилгон бўламиз. Шу соҳада бўлган синфий душманларга қарши бўлишимиз керак», дейди И.Аҳмедов (биз чиздик — С.А.) ўз чиқишида. У номлари зикр этилажак олимларга гўё имконият бераётгандек гапирди — «Ғози, Фитрат, Қаюм шундай шароитда яшайдиларки, буни боболари ҳам бу шароитни тақдир қилолмайди (тасаввур эта олмайди, демоқчи — С.А.).

Булар самимий ишласа, ҳар бир шароит бор. Лекин самимий ишламасанг, ўзингга ўпка қил, кераклигича ёрдам берамиз. Мен ўйлайманки, буни кўп кишиларга қилмаймиз...»

«...Партия ўзининг ўнлаб, юзлаб кадрларини етиштирди. Буни менимча мажлисдан кейин ўзимизга хулоса чиқарар эканмиз, эски қора турмушда бўлган, самимият кўргазмаган кишилар яхши ўйлаши керак. Мана, на Ғози, на Фитрат, на Қаюм бизнинг умумий ишларимизга қатнашмайди».

Учинчи сменадаги мажлисда у ўз фикрини давом эттириб, гўё Қаюм Рамазон сафдошларига сийлов қилгандек, «Камчиликларни тузатамиз. Лекин ичимизда Қаюм акани ҳамма билади. Фитрат, Ғозини ҳамма билади, булар яхши ўйлаши керак. Булар самимий суратда ишлаб, ҳақиқатдан яхши ишлар қилар эканлар, биз қўлимиздан келганча имконият берганмиз ва берамиз». Бу оддий илмий ходимнинг эмас, балки О.Ҳошимовнинг курсисини вақтинча тортиб олган И.Аҳмедовнинг сўзи эди. Нотикнинг чиқишида мафкуравий бир ёқламаликдан ташқари, ички аламзадалик ҳам сезилиб туради. Шу боис, ўзбек ва рус олимларига баробар ёпишади. Унинг нутқини оддийгина ғаразўйлик, чандиш, яниш дейиш қийин, чунки нутқда ёвузлик бор. Унинг Фитрат, Ғози Олим, Қаюм Рамазон, Ойбек, Ҳоди Зарифга ёпишгани шундан далолат. «Тил ва адабиёт институтида, — дейди у, — унинг биринчи иш бошлаган вақти (1934 й.)дан тортиб, то сўнгги пайтгача фош қилинган халқ душмани Отажон Ҳошимов хўжайинлик қилиб келган. У ўз атрофига Фитрат, Ғози Олим, Қ.Рамазон, Ойбек, Ҳоди Зарифов каби миллатчи, аксилинқилобчиларни тўплаб олган ва улар билан биргаликда катта зарарку-нандачилик қилган».

Тил ва адабиёт соҳасига ўзини қози деб билган шахслар матбуот орқали ўз рақибларини, айниқса, аср бошида дунёқараши шаклланган, ватанпарвар, миллатпарвар кишиларни нишонга олишар эди. Бинобарин, Қаюм Рамазоннинг ҳам ўзига хос бир нишонга айлангани бежиз эмас эди. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» газетасида (1937 йил, 23 ноябрь) Ҳусан Ғози, Фаҳри Камолнинг «Тил-имло соҳасидаги контрреволюцион ғояларни томири билан қуритайлик» мақоласи босилади. Муаллифлар тил ва адабиёт институтида тил соҳасида олиб борилган тадқиқот ишларини танқид қиладилар. Уз қаҳрамонларини морфологик принципни бузганликда айблайдилар: «Бу ҳаракатлар (яъни, аксилинқилобий ҳаракат — С.А.) бошида халқ душманлари, контрреволюцион миллатчи О.Ҳошимов, Ғози Олим Юнусов, Фитрат, Қаюм Рамазон кабилар бўлдилар». Муаллифлар тилшунос олимларни 1934 йилда қабул этилган қоидалар 1929 йил августда қабул қилинган қоидаларнинг такрори бўлиб қолганликда айблайдилар.

Улар Қаюм Рамазонни сингармонизмга эътибор қаратганликда гуноҳкор қиладилар: «Сингармонизмга ёпишиб олган Қаюм Рамазон Халил Қаюм билан ёзган «Сарф» китобида ва бошланғич мактабнинг «Грамматика ва имло»сида 1937 йилда ҳам сингармонизмнинг бутун сўзда ҳукм суришини айтди. Оммани фикрини заҳарлайди. Бу эса бутун асарлари орқали изчилик билан олиб борганини кўрсатади».

Фаҳри Камол бир неча ой олдин қамалган ҳамкасби ҳақидаги бу қаҳрли мақолага нима мақсадда имзо чеккани бизга номаълум. Аммо бу ўлганнинг устидан тепиш эди. Мустабид тузумнинг оддийгина ўйини кўпчиликка маълум эмасди.

## ИНТИҲО

Воқеани илдамлатмай бир оз орқага чекинайлик. Юқорида айтилган ўттиз алмашувдан кўпроқ бўлган стенографчиларнинг қўли ҳам, асаби ҳам толган машғум мажлисдан кўп ўтмай, 1937 йил 12 июлда Қаюм Рамазон ва сафдошларининг барчаси бирин-сирин қамоққа олинди.

Унга Ўзбекистон ҳудудида шўро ҳукуматини ағдаришни мақсад қилган аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи, сўнгроқ кўпорувчи ва диверсион-зараркунандачилик ташкилотининг аъзоси деган айб қўйилади.

У сўроқларда Элбек, Мунаввар қори, Фитрат, Мусо Саиджонов, Комил Алимов, Санжар Сиддиқ, Бекжон Раҳмонов ва бошқалар билан бир қаторда 1923 йили Бухорода ўтган тил-имло йиғилишида иштирок этганини, ушбу йиғилишда алифбога турли китоб ва сўзларда ишлатилувчи алифбони жорий этишни келишиб олингани (?), ўша ернинг ўзида «махфий равишда аксилинқилобий пантуркча адабиётни нашр этиш» (?) ҳам айтилгани ҳақида гапиради.

1930 йилда Хивада Бекжон Раҳмонов билан учрашгани, 1933 йилда Фитрат билан бирга Москвага боргани, 1932 йилда Б.Раҳмонов билан яна бир қарра қуришгани-ю, Б.Раҳмонов ҳовлисини 12 мингга сотиб Тошкентга кўчиб келиб, Ғози Олим ҳовлисида яшагани, кейин чет элга чиқиб кетгани, Ҳоди Зарифов

Хоразмга бориб, Б. Раҳмонов кутубхонасини олиб келганини айтади.

1936 йилда Ашхободда истилоҳ масаласида ўтказилган конференцияда иштирок этиб, озарбайжон, бошқирд, чуваш олимлари ва бошқалар билан учрашганини тан олади.

Ўз бетдан ортиқ «жиной иш» саҳифаларида Қаюм Рамазон оғзидан ёзиб олинган сўзлар юқоридагилардан иборат. Асосий қисми бошқаларнинг кўрсатмаси ташкил қилади. Бу кўрсатмалар ҳам даҳшатли қийноқлар остида терговчи манфаатига мослаб тузилган ва маҳбуслар томонидан катта босим остида қўл кўйдириб олинган. Агар тадқиқотчи 20-30 йиллар воқеаларидан яхши хабардор бўлмаса, дастлабки тергов вақтида тузилган айбнома, сўроқ, юзлаштиришдан иборат жин кўчада (лабиринт) адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Биргина мисол: Қаюм Рамазон ва Бекжон Раҳмонов муносабатини олайлик.

Бекжон Раҳмонов Хоразм ҳукуматида муҳим вазифалардан бирини бажарган инсон. У 1887 йилда Хивада дунёга келган, илк таълим-тарбияни ҳам шу ерда олган. Кейин 1914-17 йилларда Истамбулда ўқиган. У ердан қайтиб келгач, Хоразмда маориф ишлари билан шуғулланган, «Инқилоб куёши» газетасига муҳаррирлик қилган, Хоразмлик шоирларнинг шеърларини тўплаб, «Ўзбекча инқилоб шеърлари юғруғи» (1923) тўпламини, Муҳаммад Юсуф Девонзода билан бирга «Хоразм музика тарихи»ни (1925) уч минг нусхада чоп эттирган. 1921 йилда Хоразм бошқарувида ўтириб олган мустамлакачилардан бири — РСФСРнинг Хоразмдаги вакили Бикнинг фаолиятини кескин танқид қилгани учун таъкибга учраб, отишга ҳукм қилинади. Аммо мўъжиза билан қутулиб қолади. Саъдулла Турсунхўжаев 1937 йил 10 октябрда берган кўрсатмасида: «Биз Москвадан Хоразмга қайтаётган Бекжон Раҳмоновни Бухорода ушлаб қолдик. Чунки у Хоразмга келиши билан оқ қамоққа олиниши тахмин қилинган эди», дейди.

Қаюм Рамазоннинг Б. Раҳмонов билан учрашуви, мулоқоти масаласида шуни очиқ айтиш керакки, уларнинг алоқаси асосан ўзбек тил-имло қондаларини ишлаш масаласида бўлган. Чунки қўшилиши кундан-кунга равшанланаётган уч ўлка учун ягона адабий тил, ягона имло қондаси зарур эди. Бунинг устига, Бекжон Раҳмонов ниҳоятда билимдон одам бўлгани учун унинг исмига доимо «Мулла» сифати қўшиб айтилар ва ёзилар эди. Афсуски, Мулла Бекжон Раҳмоновнинг фаолият олиб бориши учун Совет ҳокимияти имконият бермади. У тарихчи Қаҳрамон Ражабовнинг берган маълумотига қараганда, 1936 йилда Амударёда кемада номаълум шахслар томонидан калтаклаб ўлдирилган. У «Миллий иттиҳод»нинг азоси бўлгани учун Қаюм Рамазоннинг айбини атайлаб оғирлаштириш мақсадида ишда унинг номи ва у билан учрашувлар махсус тилга олдирилган.

Йўқ ердан айб топиш НКВДчиларнинг маҳорати эмас, балки уларнинг миллий зиёлиларни бирин-кетин нобуд қилиш учун ишни давомли олиб бориш ва ҳар даврда қамалганларни ўз атрофидагилар, таниган ва танимаганлар ҳақида маълумот олиш, бўҳтон қилдириш мақсадида режалаштирган ишлари эди. Қаюм Рамазон ҳақида Салим Тиллахонов, М. Абдурашидхонов сўзлари, С. Турсунхўжаев, Ҳ. Тожиев, Қ. Сорокин, К. Кожухов кўрсатмалари шундан далолат беради. Келинг, яхшиши, айримларининг сўзларига разм солайлик.

Халқ маориф комиссари ўринбосари А. Кожухов 1937 йил 21 ноябрдаги кўрсатмасида: «Мен таржима ва дарсликлар тузишда Чўлпон, Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий... каби ашаддий миллатчиларни тасдиқлар эдим. Улар топширилган ишни зараркунандачилик билан бажаришар эди», деса, Қосим Сорокин «Таржима ва дарслик тизими ишларига шўро кадрлари мутлақо яқинлаштирилмас эди. Бу ишни машҳур миллатчилар: Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий... бажаришар ва дарсликларга миллатчилик қарашларини олиб киришар эди», дейди 1937 йил 8 октябрда берган кўрсатмасида. «Мен 1929-1930 йилларда Ўзбекистон давлат нашриётининг раиси эдим, — дейди Ҳ. Тожиев — шахсан Икромовнинг таклифига мувофиқ, Ўздавнашрга Қаюм Рамазон, Ўлбек, Санжар Сиддик ва бошқа машҳур миллатчилар жалб этилган эди» (14.Х1.37).

Қаюм Рамазонга йўқ ердан айб топиш учун ушбу кўрсатмалар ҳам ишга тиркалган. Аммо Қаюм Рамазон айбнома-сўроқларга оғир қийноқлар остида мажбуран имзо чеккан бўлса-да, судда айбни инкор этган. Бироқ НКВД ходимлари унинг гапларига қулоқ солишмаган.

«Айблов хулосаси»дан:

Рамазонов Қаюм — 1900 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, фирқасиз, йирик бой оиласидан. Қамоққа олингунча ўзбек тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг доценти, айни вақтда ўзбек Маориф комиссарлигининг дарсликлар бўйича доимий автор.

Қуйидагиларда айбланади:

а) Ўзбекистонда капиталистик тузумни ўрнатиш учун совет ҳукуратини мажбурий равишда ағдаришни истовчи аксилшўро, миллатчилик ташкилотининг фаол

аъзосидир;

б) СССР Иттифоқи миллий республикаларида фаолият олиб борган аксилшўровий, пантуркчи бирлашган марказ мавжудлиги ва таркибини билган;

в) Ташкилотнинг топширигига кўра, шўро ҳукуматини қурол билан ағдариб, буржуа тузумини жорий этишни хоҳловчи ғайришўровий буржуа-миллатчилик «Чигатой гурунги»ни ташкил этишда иштирок қилган;

г) 1933 йилда ВКП(б)дан ўчирилганлар ўртасида ташкил этилган аксилинқилобий, аксилшўровий миллатчилик ташкилотида қатнашган;

д) Ташкилот топшириги билан тил қурилиш соҳасида зарарқунандачилик ишларини фаол олиб бориб «Билим йўллари» ва «Тил сабоқлари» каби аксилшўровий дарсликларини ёзган;

е) Қамоққа олинган аксилшўровий кадрларни тайёрлаш ва жалб этиш ишини системали тарзда олиб бориб, Даламухамедов, Боқи Даудов, Санжар Сиддиқов, Муҳитдинов, Орифхонов кабиларни ёллаган;

ж) Чет эл жосуслари Ғози Олим Юнусов, Фитрат, Мусаев Шоҳид Эсон билан ўзаро яқин алоқада бўлган, яъни Ўзбекистон ЖК. 63, 64, 67 ва 58-моддаларида кўрсатилган жиноятларда айбланади».

НКВДнинг Тригулов, Матвеев каби терговчилари мазкур айбларни қўйиб, ишни СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегиyasi ҳукмига ҳавола қиладилар.

Ҳарбий Ҳайъатнинг 1938 йил 5 октябрдаги ёпиқ мажлиси протоколидаги қуйидаги жумлалар эътиборга молик:

«Судланувчининг ҳеч қандай илтимосларга ва суд таркибига эътирози йўқ.

Ўзининг дастлабки терговдаги кўрсатмаларини тасдиқламайди. 1920 йилдан кейин ғайришўровий ташкилотларда бўлмаган ва аксилинқилобий ишларни олиб бормаган».

Суд соат 13.20 минутда бошланиб, соат 13-у 40 минутда тугаган. 1938 йил 5 октябр куни суд ҳайъати ўзи келтирган далилларга қарши ўлароқ Қаюм Рамазонни олий жазога ҳукм қилган.

Маълумотномада эса «Рамазонов Қаюмни отиш ҳақидаги ҳукм 1938 йил 4 октябр куни Тошкент шаҳрида ижро этилди», дейилади. Демак, олдин ўлдирилиб кейин ҳукм чиқарилган экан.

Шафқатсиз тузум малайларининг маккорлигини, зolimлигини фoш қилишнинг кераги йўқ. Юқоридаги мисолда уларнинг жинояти ёрқин кўриниб, ўз-ўзини фoш қилиб турибди.

Қаюм Рамазон шахсий ҳаёт нималигини билмади. Оила, фарзанд, оталик унга насиб қилмади. У бутун умрини илм-фанга бахшида этди. Вақти келиб халқимиз ёруғ кунлар кўришига ишониб яшади. Узидан кейинги авлодларга «Ўзбекча тил сабоқлиги» (1925-26, ҳаммуаллифликда), «Ўзбек тилининг имло қоидалари» (1931), «Адабий тил ва имло тўғрисида мақола, қарорлар» (3 серия, 1934), «Сарф» (Х.Қаюмий билан бирга, 1937), «Ўзбек тили иш китоби» (Ш.Шамсий билан бирга, 1935, 1936), «Ўзбек адабий тилининг бирлашган имлоси қоидаси» (1934), Поливанов билан ҳамкорликда ёзилиб, «Аланга» журналида босилган «Тилларнинг ўзгаришидаги иқтисодий омиллар» (1930), «Ер юзидаги тиллар орасида ўзбек тили» (1930) асарларини мерос қолдирди. Мероси борнинг келажаги бор, деб шуни айтсалар керак. Илоҳи, охирати обод бўлсин.





# ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО



**Доктор Магди Муҳаммад Мурси,**  
Миср Араб Республикасининг  
Ўзбекистондаги элчихонаси  
маданият ишлари маслаҳатчиси

## МИСР ШЕЪРИЯТИ

Ушбу мақолам Миср ва Ўзбекистон маданиятлари ҳамда цивилизациялари орасини борлаш каби вазифамни бошлашда биринчи қадам. Қоҳира ва Тошкент ораси жуғрофий масофа жиҳатдан узоқ бўлса-да, лекин маданият, цивилизация, адабиёт жиҳатдан жуда яқин.

Агар шеър ҳаётнинг руҳи ва халқларнинг девони бўлса, шоирлар ушбу руҳни ҳаракатта келтирувчи юрак уриши ва ушбу девоннинг манзилдир. Сўзларга ҳаёт руҳини киргазгувчилардир, уларнинг қўлларида ожиз, ўлик сўзлар ёрқин маъноли, ҳаёт ва даҳолик барқ уриб турган сўзларга айланади. Айтиш мумкинки, ҳақиқатда шоирлар маъно даҳоларидир.

Умуман араб шеъриятига ва, айниқса, Миср шеъриятига назар солсак, унинг тарихимиз тирик рўйхати эканлигини кўрамиз, чунки, у муҳаббат ва уруш орасида, мадҳ ва ҳажв орасида, сиёсат ва санъат орасида, камбағаллик ва бойлик орасида, қаср ва халқ орасида боғлаб турувчи узун чизиқ бўйлаб чўзилган. Шундай экан, шеър — бу сўзнинг назиклиги, маънонинг гўзаллиги, мақсаднинг комиллиги билан ҳаётнинг барча маъноларини ўзаро бирлаштириб турувчи тўқимадир.

Мазкур мақолада биз Мисрда шеъриятнинг классикадан то замонавий шеъриятгача бўлган ривожланиш босқичларини кўриб чиқамиз.

Биринчи, ҳозирги замон Миср шеъриятининг классик босқичи (1830-1925 йиллар).

Ушбу босқич учта энг йирик мисрлик шоирларни ўз ичига олади. Биринчиси — Маҳмуд Сомий ал Барудий (1839-1904).

Ал Барудийнинг лақаби «қилич ва қаламли шоир» эди, чунки, у Ал Хидиви Саид даврида, 1854 йили ҳарбий билим юртини битирган зобит эди. У энг қизиққан шеърият-бу куч, қаҳрамонлик ва жасоратни куйлайдиган шеърият эди. Бироқ, у ҳарбий бошлиқ сифатида ўз халқи интилишларини рўёбга чиқара олмаслигини англаб етди, Миср кўшинлари заиф эди, айниқса, Лондон шартномаси Муҳаммад Алининг кўзлаган Миср қуролли кучларини барпо этиш орасини вайрон қилгач Ал Барудий армияни ҳам, умуман Мисрни ҳам тарк этди ва Туркияга кўчиб ўтиб, турк ва форс адабиётлари билан алоқасини мустаҳкамлади. Ал Хидиви Исмоил даврида Мисрда қайтгач, унинг шеърияти икки йўналиш орасида тақсимланди: ўзининг олий сифатлари ҳамда аслзодалигидан фахрланиш ва боғу роғлар гўзаллиги, муҳаббат изтироблари мавзуси. Шу йўсинда ўз севгилисига мурожаат қилиб шоир шундай ёзади:

*Гар сени фақат машаққатли аҳволим рози қилса,  
Қониққин, орзуинга етдинг.  
Сўзимни маккорнинг ёлғони деб ҳисоблама,  
Вафоли аҳдига хиёнат қилмайди.*

Ал Барудий Крит инқилобини бостиришда ҳарбий кўмондон сифатида иштирок этди, бу ҳолат уни Ал Хидиви Исмоил тарафидан ўгли Тавфиқ ёрдамчилари (адъютантлари) бошлиғи этиб тайинлашига олиб келди. Шунга қарамай, подшоҳ қасридаги бузуқликларни, Ал Хидивининг халқ мулкини қандай исроф этаётганини кўргач, зулм ва фасодга қарши инқилобга чақирди. Шу хусусда дейди:

*Эй халқ, кўзгал умр жаннатдир,  
Замонда йўллар ва фойдалар кўп.  
Узишга лойиқ бўлган бошларни кўрдим,  
Қаерда, ҳеч қаерда кескин қиличлар.*

Аҳмад Ҷурбий бошчилигидаги Миср армияси инқилобидан кейин Ал Барудий Мудо-фаа вазирлигидан воз кечди. Шундан сўнг, араб уробий инқилоби етакчилари билан бирга сургун қилинди. У сургунда 17 йил қолиб кетди. Шу хусусда, уни сургун қилган Ал Хидиви Тавфиқга қарата шундай дейди:

*Эй ўз мулкига зolim зот,  
Туғаб битадиган мулкинг сени чалышди.  
Бизга хоҳлаган шафқатсизлигингни қил,  
Аллоҳ оғилдир, учрашув эса эртага.*

Ал Барудий шеърга сиёсий, миллий тус берди, у заифлик, ожизлик, жаҳолат, ҳаракатсизликдан йироқлашди. Унинг аксарият шеърлари, одамларнинг орзуларини, озоодлик ва адолат ҳақидаги умидларини акс эттирар эди. Унинг шеърлари халқнинг ўз қонуний ҳуқуқларини талаб қилиш учун ундов эди. Ал Барудий аббосийлар даври янги шеърияти шаклидан таъсирланди ва илҳомланди, Абу Нуввос, Ал Бахтарий, Абу ал Атохийя, Ал Муганаббий, Аш Шариф ар Розийлардан иқтибослар келтирди. Бу иқтибослар билан у ўз шеъриятини аслий ҳолатга қайтаришни, сўнг шаклини янгитдан яратишни истади. Бу билан у бир томондан ўша қадимий шеъриятга ўсиш имконини берган бўлса, иккинчи томондан қадимий санъат шаклини барча сўзларию маънолари билан сақлашга ҳаракат қилди.

Иккинчиси — Аҳмад Шавқий (шоирлар амири) (1829-1932).

Ал Барудийдан таъсирланганлар орасида энг аҳамиятлиси Шавқий бўлиб, унга тўлиқ тақлид қилган. Шавқий учун Ал Барудий устоз бўлиб, уни шеъриятга янги йўналишга илҳомлантирди. Шавқий фиръавн, ислом ва араб йўналишидаги Миср миллий шоирга айланди. У театрга оид шеърят майдонида биринчиликни қўлга киритди, бирин-кетин пьесаларини нашр қила бошлади.

Шавқий 1887 йили ҳуқуқ факультетининг таржима бўлимини битириб, ҳаётини Ал Хидиви Тавфиқнинг шоири сифатида бошлади. Сўнг, Ал Хидиви уни ўқишга кетаётган гуруҳ билан Францияга жўнатди. У ерда унинг ақли ва қалби француз адабиёти билан сурорилди, театр ва опералар томоша қилди, қонун ва адабиётга оид китоблар ўқиди, Виктор Гюгони, Ламартинни, Де Муссени мутолаа қилди. Мисрга қайтгач, 1892 йилдан 1914 йилгача подшоҳ қасрида Ал Хидиви Аббоснинг маддоҳи бўлиб, байрамлар ва маросимларда унинг ишлари, шон-шавкати мақтаб мадҳиялар ўқир эди. Бу пайтда у халқдан узоқ, миллат изтироблари ва унинг орзулари билан иши йўқ эди. Ҳатто ўзининг дўсти бўлмиш миллий етакчи Мустафо Комил вафот этганида унга марсия ёзишга шошилмади. Аммо, бир оз вақт ўтгач, ўзининг энг гўзал марсиясини ёзди:

*Машиқлар сени деб йиғламоқда,  
Узоғи ҳам, яқини ҳам сенга мотамга.  
Одамнинг юрак уришлари унга айтади,  
Ҳаётнинг дақиқалар ва сониялар эканлигини.*

Ҳақиқатда ҳам, Ал Хидиви Аббоснинг Шавқийга яккахокимлик қилиши, уни сарой хизматкорига айлантириш, унинг ўзига ҳам, шоирга ҳам, миллатга ҳам зулом бўлди. У барчани мислсиз шеърый иқтидордан маҳрум қилган эди. Аслида, у Европа подшоҳлари ўз шоирларига қилган муомалани қилиши керак эди, улар ўз шоирларига мол-дунё бериб, уларга санъатда ижодий ҳурриятни кафолатладилар. Қирол Аугустус шоир Фиргилга, малика Елизаветта Шекспирга, Луис XIV ўз замонидаги санъат аҳлига, Хабсбурглар Хайден, Моцарт ва Бетховенга шундай муомала қилганлар.

Биринчи жаҳон уруши мобайнида Шавқийнинг бошига Ал Барудийнинг куни тушди. Инглизлар уни 1914 йили Испанияга сургун қилдилар. Сургун азоб ва қийинчиликлари Шавқийдаги шеър иқтидорининг қаср қамовидан отилиб чиқишига қулай фурсат бўлди. У Мисрга (ҳокимга эмас, Ватанга) бўлган муҳаббатини ўз қасидаларида куйлай бошлади.

*Дарахт ўз булбулларига ҳаромми,  
Ҳар турдаги қушлар учун ҳалолми?  
Абадийлик (шон-шухрат) мени Ватандан маҳрум қилса,  
Рухим у билан курашиб, мени унга қайтарар.*

Бу ерда у Ватанни серсоя гўзал бир дарахтга ўхшатади, унга барча ерлардан келган қушлар тўланади, фақатгина у дарахтга яқинлашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ягона қушдир.

Сургундан қайтгач, Шавқий қаср шоири бўлиб эмас, балки халқ шоири бўлиб ижод қилди, унинг орзулари ва умидлари билан бирга бўлди. Унинг шухрати уфуқларни тўлдирди. 1926 йили уни буюк ҳинд шоири Тагор зиёрат қилди, сўнг Шавқий сенат аъзоси қилиб сайланди. 1927 йили унинг «Аш-Шавқийёт» номли девони қайта нашрдан чиқарилди. Унинг шаънига катта кеча уюштирилди. Бу кечада барча араб давлатлари ва чет давлатлар вакиллари иштирок этдилар. У ерда «Нил шоири» Ҳофиз Иброҳим ўз номидан ва араб шоирлари номидан Аҳмад Шавқийга «араб шоирлари амири» номини олганиги ҳақида байат берди. Ҳофиз Иброҳим ўз қасидасида дейди:

*Эй қофиялар амири, мен сенга байат бердим,  
Мана бу шарқ вакиллари ҳам мен билан байат берди.*

Шавқий шеърларининг ўзига хослиги бу улардаги ширин жарангдор мусиқий оҳанг бўлиб, бунга эришишда унинг юксак тил маданияти асқотди. Шунингдек, у жуда бой тасаввурга эга шахс бўлиб, суратга қандай жисм бериш ва тузишни, унинг қисмлари ва унсурларини тўплашни яхши билар ва шў йўсинда ажойиб санъат асари пайдо бўлар эди.

Унинг «Нахжул Бурда» қасидаси тарихда энг буюк қасида бўлиб, унда пайғамбаримиз САВ мадҳ қилинади. Қасида бошланишида шоир дейди:

*Ҳидоят тутилди, борлиқ чароюн бўлди,  
Замон табассум қилиб, сано ўқийди.*

Ушбу қасидадан қалблар таъсирланди, уни араб кўшиғи саййидаси Умму Кулсум куйлади ва ўзининг ажойиб овози билан унга абадийлик ато этди.

Учинчиси — Ҳофиз Иброҳим — «Нил шоири» (1872-1932).

Ҳофиз Иброҳим меҳнат фаолиятини адвокатликдан бошлади, аммо бу соҳада ютуққа эришмади, чунки адвокатлик меҳнати қонунарни ўрганишни, ёзма изоҳлар ёзишни талаб қилар, унинг эса бу нарсаларга сабри йўқ эди. Шундан кейин у ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Бу билан у ўзи учун энг юқори намуна бўлган Ал Барудий изидан боришга ва ўзи учун доимий ойлик маошга эришишга ҳаракат қилди. Ўқишни битиргач, 3 йил Мудофаа вазирлигида ишлади. Сўнг, Суданга зобит бўлиб хизмат сафарига борди. Унинг Судандаги ҳаёти оғир ва машаққатли эди. Сийсий сабабларга кўра, у заҳирага чиқарилди. Бу ҳолат унинг руҳиятини аччиқланиш ва хафалик билан тўлдирди. Шу хусусда, у ўлимни орзу қилиб дейди:

*Эй қалб, сени ҳам тишласа, кўрқма,  
Бу кундан кейин ҳеч оғриқ сезмассан.  
Кел, эй ўлим шамоли фалокат олиб,  
Ўчир ҳаётим чироғини, синишидан олдин.*

Солиштирганда кўриш мумкинки, Ҳофиз Иброҳим ҳаёт қийинчиликларига дучор бўлиб яшаган бўлса, Шавқий подшоҳ қасрида тўжин-сочинликда яшаган, шунинг учун Шавқийга нисбатан «орзида тилла қошиқ билан тутилган», дейдилар. Ҳофиз Иброҳим ўз шеърларини Ал Хидиви Аббоснинг розилигига эришиш учун мадҳ қилишдан бошлаган.

*Лекин сенинг байрамларинг мени сўзлашди,  
Ширин овозли булбулни тўлин ой гапиртирганидек.*

Ҳофиз Иброҳимнинг ҳаётида аёл киши бўлмаганлигини эслатиб ўтиш даркор. У бир марта уч ой муддатда уйланган бўлиб, бундан сўнг уйланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган. Шундай бўлса-да, у аёл кишини қўлаб-қувватлаган, унинг ҳақ-ҳуқуқини ва озодалигини ҳимоя қилган, аёл кишининг Ватан уйғонишидаги ўрни ҳақида шеър ёзиб, дейди:

*Ким менга аёл тарбиясини ўргатади,  
У Шарқда муваффақиятсизлик муаммосидир.  
Она мактабдир, агар уни тарбияласанг,  
Аслзода, яхши халқни тарбиялабсан.*

Ушбу тўртликдаги иккинчи байт ҳақиқатда фалсафий ҳикматнинг бир туридир. У эслатиб ўтилган Шавқий байтидан қолишмайди:

*Одамнинг юрак уришлари унга айтади,  
Ҳаётнинг дақиқалар ва социялар эканлигини.*

Бу байт ҳикматта айланди.

Ҳофиз Иброҳимнинг шеърятги қирраларига келсак, айтиш мумкинки, у сўзнинг гўзаллигига катта эътибор берган, маъносига унча аҳамият бермаган. Бунинг сабабини танқидчилар шундай тушунтирадилар: у халқ шоири бўлган, уни доим оддий одамлар қуршаган, у ҳар қандай йиғинларда шеър ўқишга, келганларнинг эътиборини қозонишга ҳаракат қилар эди. Ҳофиз Иброҳим ўз устози Ал Барудий каби қадимгиларга тақдид қилар эди. У иккиси маданият жиҳатидан қадимги араб адабиётининг сатҳий унсурларидан нари ўтмаганлар. Шавқий эса, аксинча, ўз билими ва идрокини турк, форс ва андалус адабиётини ўқиш билан кенгайтирган.





## ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР



**Рузи Қодирий**

ИСПИКИ БОЛ ИЛИ ОЧИБ, ШИЖАРА  
БАСИЮНИНГ БАРҚАРОР

\*\*\*

*Хурриятим! Сенга етдим, қалбда жўш урди ижод,  
Ҳар лаҳзангни ардоқлайман, эъозлайман эркин, шод.  
Ёшлигимдан сени излаб оқибат бунда топдим,  
Ватан ҳурдир, мен ҳам ҳурман, олган дамларим озод.  
Хурриятим! Сени асраш, авайлаш қиёмат қарз,  
Йўкса жоҳиллар туфайли бўлгинг охири барбод.  
Кетди нодонларнинг даври, жаҳаннамга улоқди,  
Турфа миллат бирлигида қайнар бунёд, иттиҳод.  
Хурриятим! Жонимгаю қурбимга оташгоҳ сен,  
Ҳар бир тонгга ярашар хос ёзгумдир янги қанот.  
Гурсиллаган юрагимдан жўшар хур ҳис-туйғулар,  
Камолимга камол қўшиб, ҳар зумда кучгум мурод.  
Кунлар, ойлар, йиллар сайин руҳан яшариб боргум,  
Муқаддас бурчимдир этмоқ хурлик мулкани обод.  
Бу истиклол гулшанида барқ урмоқда Қодирий,  
Қалбга ўзбек парвариши бахш этди сўнмас сабот.*

\*\*\*

*Шайдо қилиб хуснингга, эй ёр, суйдирдинг ажаб,  
Ўз ҳолимга қўймадинг, дилдор, куйдирдинг ажаб.  
Мен қачон кўрдим сени, мафтун бўлдим шул соат,  
Уйқум қочди тунларда, бедор, куйдирдинг ажаб.  
Ўтда куймас эди жон, куйди сенинг ишқингда,  
Беқарор айлаб мени, тақрор, куйдирдинг ажаб.  
Билмадим, оташларинг кучи бунча муқаддас,  
Ловуллаатиб юракни, гулнор, куйдирдинг ажаб.  
Вужудимни қиздирди муҳаббатнинг ёлқини,  
Кезар қоним томирда, узор, куйдирдинг ажаб.  
Шуёла сочиб чеҳрангдан, гоҳ чарақлаб, гоҳ балқиб,  
Қуёш билан баҳслашиб, гулёр, куйдирдинг ажаб.  
Асир этиб кўнглимни, тортиб олдинг майлимни,  
Банди айлаб ўзимни, бекор, куйдирдинг ажаб,  
Илож йўқдир куймасга, йўқ ўзимда ихтиёр,  
Мен, каромат сеҳрингда, абгор, куйдирдинг ажаб.  
Гул кўрдим кучоғингда, чиройингда нур, офтоб,  
Дедим: Баҳор, баҳорим, баҳор, куйдирдинг ажаб.  
Боғлаб дилим риштасин, ишқ йўлига бошладинг,  
Севги жангчиси бўл деб, сардор, куйдирдинг ажаб.  
Кўзим тушди кўзингга, боқдим тўймай ўзингга,*

Сўниб висол ўтлари, рухсор, куйдирдинг ажаб.  
Сени суйиб, фахридан, азобидан, бахтидан  
Абадий ризо Рўзини эй ёр, куйдирдинг ажаб.

\* \* \*

Заҳматда фароғатинг, бахтинг, давронинг барқарор,  
Зафаринг эрур қанот, юксак жавлонинг барқарор.  
Ҳар жабҳа, ҳар майдонда шонлар кучмоғинг одатдир,  
Шон чорлар манзил бўйлаб буюк карвонинг барқарор.  
Мақсаду умидларинг, омад, иқболинг ҳамроҳдир,  
Истикбол гулин очиб тутар бўстониңг барқарор.  
Қайси қалб ловулламас, барида чўғлар лиммо-лим,  
Дилларга завқ ўтини солар замонинг барқарор.  
Ким шодлик рубобин чертмас, юрт рағбати чертилмаса,  
Хушнудликдан тўлқинланиб тошар уммонинг барқарор.  
Нурсимон порлаб сузар қўшиқ тўқигил бир умр,  
Шай эрур нима десанг, буткул имконинг барқарор.  
Қодирий фароғатинг, фахринг улғаяр кун-бакун,  
Ушалур армонларинг, мурод, армонинг барқарор.

\* \* \*

Қачонки боқсам, хуснинг чаманда,  
Шундан ишқингга бандаман, банда.  
Сенга афсунда қўшиқ тўқийман,  
Меҳринг шарори кезади танда.  
Ёқмоқда қалбни жилою жилванг,  
Лаъли лабингда оташин ханда.  
Ҳар тонг тераман умид чечагин,  
Ўзинг бахшида этган гулханда.  
Куйибу пишиб, ёниб, товланиб,  
Васлий орзумни кучаман санда.  
Бахтимга тагин очилу сочил,  
Ошиқ шайдолар сардори мен-да.  
Фаҳрим, гурурим кўзгуси сен, сен,  
Менга васлингни этма ҳеч қанда.  
Ҳамроз, ҳамнафас, ҳам жоним ўзинг,  
Оламда якто қутлуғ Ватанда.  
Шоиринг қайта туғилди эрк-ла,  
Раббим қўллаган, шу ҳур масқанда.  
Рухан абадий яшнар Қодирий,  
Тангрим амринда куйловчи банда.

\* \* \*

Гуллар завқи, меҳри, ишқи кўнглумни ром қилибдир,  
Тоза гулга жонни фидо этмоқ насиб бўлибдир.  
Туғилдимки, гулга шайдо, гуллар танлаб терарман,  
Менга, гард кўнмаган гулга етмоқ насиб бўлибдир.  
Гулга қиёс, ерга қурбон, жон олиб, жон берарман,  
Мушки анбар гул васлида ўтмоқ насиб бўлибдир.  
Дилимни ёқди гулнурлар, яшолмам гулнурларсиз,  
Гулнурларимга бир қўшиқ битмоқ насиб бўлибдир.  
Бунчалар орли, ҳаёли, иболи дилоромлар,  
Уларни қалбим тўрида кутмоқ насиб бўлибдир.  
Сўйлаяпман раънолар-чун ғазаллару дostonлар,  
Ҳар қайсига меҳрим сатрин битмоқ насиб бўлибдир.

Мўъжизалар яратмишким, тенгсиздир бир-биридан,  
Бунёдкор қўлларни кўзга суртмоқ насиб бўлибдир.  
Фасоҳату нафосатда баҳордайин тенгдошсиз,  
Кашфиётчиларга салом айтмоқ насиб бўлибдир.  
Озод, жўшқин салоҳият намоиши эрур бу,  
Қодирийга эркнинг тотин тотмоқ насиб бўлибдир.

\*\*\*

Мен жононим жонидаман, ўзга жонон не керак.  
Мен висол бўстонидаман ўзга бўстон не керак!  
Мен камол гулшанидаман, ўзга гулшан не керак!  
Сўйла аҳдимни танбурим, сўйла дейди эй юрак.  
Йўқ ишим, қуруқ ҳавас-ла, маъносиз шовқин билан,  
Ташлайман юксакга қадам каттакон дуркун билан,  
Чақнасам дейман ҳамини муаззам учкун билан,  
Дўстларинг жисмин илит деб, ёлқинлади бу юрак!  
Кўклам бунча мўъжизакор, ранго-ранг гуллар пайдо,  
Мен унинг туғма ошиғи, кўркига қалбим шайдо,  
Хуснига кўзим хуштордир, файзига жоним фидо,  
Гар нафислик тилга кирса, нима дейди, бу юрак?  
Тонг жилоси гулга кўчган, гулзорда туғилганман,  
Гулни севиб жон-жаҳдимдан ишқида чўнг бўлганман,  
Баҳор иси, иштиёқи, шавқидан ҳам тўлганман,  
Хурлигу ўзликни сўйлаб гурсиллайвер, эй юрак!

\*\*\*

Ватаним, ёндирган, сен меҳри ўтлуғ Ватаним,  
Азал даҳо машъаллари ёнган қутлуғ Ватаним.  
Эътиқодим, имонимга сўнмас муҳринг ингандир,  
Хусни нурдан, эғни зардан, сиёқи чўғ Ватаним.  
Қадимлардан фану ҳикмат, турфа санъатга маскан,  
Минг бор ахтарса топилмас, қиёси йўқ Ватаним.  
Ипак йўли изми бирла шарқу ғарбни боғлаган,  
Карвонларга мудом пешвоз, қалби ёниқ Ватаним.  
Жами тилда, харитада Ўзбекистон ягона,  
Буткул иқлим аро танҳо, ўхшаши йўқ Ватаним.  
Нимайки бор, бахам кўрмоқ аждодлардан меросдир.  
Қизганмоқ нелигин билмас, кўзлари тўқ Ватаним.  
Юзлаб миллат аҳил, иноқ, қувноқ оға, инидир,  
Меҳнат, захмат шонларидан улашар завқ Ватаним.  
Маънавият ҳам диёнат жабҳасин жадаллиштир,  
Кўнгли қаро бадбахтлардан бўлгил фориг Ватаним.  
Мустақиллик, тенглик қурин шиммоқдасан, Қодирий,  
Икки олами мунавар, йўли ёруғ Ватаним.





Хожаназар Хувайдо

*Қаро қошлар су бўлди раҳм  
этиб оҳу фиғонимға*

\*\*\*

На қилдим санго ман, ёрим, жамолингдин жудо қилдинг,  
Бошимда гарди ғамни чун чароғи осие қилдинг.

Ҳамиша куйдуруб шамъи фироқинг бирла жонимни,  
Мани парвонани хокистарини зери по қилдинг.

Жудолиқ айлар эконсан, оё Лайливаши Ширин,  
Не деб аввал ўзунгға ман ғарибни ошно қилдинг.

Нигоро, бори ғам бирла фақиру нотавон айлаб,  
«Алиф»дек қоматимни «лом алиф» янглиғ дуто қилдинг.

Фироқинг осмонидин солиб бир барқи олам сўз,  
Вужудим хирманин ўртаб, адо қилдинг, адо қилдинг.

Ўшал рўзе: «Билурмусан мани?» деб айтдинг, эй ёрим,  
«Бале» дедим, сани суйдим, балога мубтало қилдинг.

Аё дилбар, Хувайдодек балокашни эшикларда,  
Солиб кўздин бенаво, зору гадо қилдинг.

\*\*\*

Сабо еткур саломимни қадди сарви равонимға,  
Қаро кўзлук, қаро кокул ўшал ширин забонимға.

Ўтибдир бир ғариби зор ўлиб оғиштаи туфроқ,  
Бу ҳолимни бориб айтғил мани оромижонимға.

Мани бошим ани йўли ароға ҳар бало келса,  
Боқарман, эй биродарлар, қачон суду зиёнимға?

Фалак чархи узилди-ю, йироқ солди мани андин,  
Қачон қўшгай худовандим анингдек меҳрибонимға?

Ани дарду фироқи ўлгуча мандин жудо бўлмас,  
Таралмиш жисмима жондек тамоми устихонимға.

Хувайдони фироқига они ҳеч келмади раҳми,  
Қаро тошлар су бўлди раҳм этиб оҳу фиғонимға.



## «...Театр санъатининг қитъаси»

Санъат аҳди Шукур Бурҳоновни «бу актёр ўзбек театр санъатининг қитъаси» деб эътироф этган. Шукур Бурҳонов ҳеч қандай санъат дорилфунунини тугатмаган. У саҳнага Шукур Бурҳонов бўлиб келган. Ўзбекона кучли ва чексиз эҳтирос билан, залворли овози, важохатли кўриниши ҳамда содда юраги барчага қадрдон бўлди.

Шукур Бурҳонов инсоннинг нозик кечинмаларини, дард-аламини, айниқса, инсоннинг фоживий ҳолатларини улкан виқор, илоҳий санъати билан намойиш қилган. Ҳар бир ролни ўта берилиб ижро этган. Шукур Бурҳонов Фармонқўрғон қишлоғим аҳли севган, ота-онам суйиб эъзозлаган актёр, диёримга ошно бўлиб қолган санъаткор, муаллим бўлиб мени санъат боғига чорлаган борбон эди. Тушларимга кирган, санъат осмонига парвоз қилдирган актёрим эди у. Бундай санъаткор ҳар кимнинг ҳам тушига кирмайди. Тушим ўнгидан келди. Шукур Бурҳонов 1978 йил Маннон Уйғур номидаги Санъат институтига қабул қилинганимда, биз талабалар билан учрашувга ўқув театримизга келганлар.

Учрашувдан сўнг кўнглимдан 5-6 ой қандайдир ралаён, фахр, ҳаяжон, ширин хайралиқ ва ўзим билиб-билмаган таассуротлар нари кетмасди. Ўзимнинг бахтиёрлигимни, ҳар жойда, ҳар кимга билдиргим, уларга Шукур Бурҳоновни шундоққина ёнларидан кўрганимни, овозларини эшитганимни, бошларидаги беретка шапкаларию рангли кўзойнақлари билан биз талабаларга ижодий парвоз тилаганларини мақтаниб гапиргим келарди.

Ана шундай ҳаёллар билан ўқидим. Домлам Абдурахим Сайфутдинов ҳам: «Бўлсанглар Шукур Бурҳонов бўлинглар, бўлмасанглар қишлоғингларга қайтиб кетаверинглар», деган гапни кўп такрорлардилар. Домлам Шукур Бурҳонов ҳақида берилиб гапирардилар. Ўша кезлар «Шоҳ Эдип» трагедиясида Шукур Бурҳонов шов-шувларга, санъат оламида тарихий воқеага сабаб бўлгандилар. «Спектаклга кириш амри маҳол эди, лекин биз ҳам бир амаллаб кириб кўрардик! Болаларим, бу улук актёрнинг бирорта спектаклини кўрмай қолманглар. Кейин жуда афсусланасизлар», деб домлам Шукур Бурҳонов ўйнаган роллардан монологлар ўқиб берардилар. Овоз тембрлари сал Шукур Бурҳоновникига ўхшаганлиги учун ҳам, домламдан кўзимизни узоқмасдик. Фалакнинг гардиши айланиб 1982-1983 йиллар Шукур Бурҳонов ишлайдиган театрда гирдикапалак бўлиб қолдим. Ҳар кун кечки пайт мен ўша театр саҳнаси атрофида эдим. «Қиёмат қарз» деган спектаклни тез-тез намойиш этишарди. Нима қилсамки, шу табарруқ актёр билан гаплашсам, суҳбатларини олсам. Бу қизиқувчанлигимни режиссёр цехида ишлайдиган қоп-қора қошли, баланд бўйли отахон Тўйчи ака кузатган эканлар. Кунларнинг бирида: «Ҳой йигитча, қани бери келчи», деб Тўйчи ака мени саҳна орқасидаги хоналарига олиб кирдилар. Саҳнага чиқадиган режиссёр нарсалар олма, нок, узум, сават, ҳар хил ширинликлар бирин-кетин чиройли таҳданга кўрпачаю ва бошқа керакли нарсалар хонани безатиб турарди. Беихтиёр қўлим қовунга таллинди. «Булар ҳақиқий эмас, пунчаки саҳна учун ясалган. Мана бу ҳақиқийси — деб Тўйчи ака нон ушатдилар. — Анча пайтдан бери кузатаман сени болам. Баъзилар санъат институтида ўқишингни айтишди. Ол, ноңдан ол! Уялма, талабасан, ол, еявер. Жуда саҳнани яхши кўрар экансан, менга ёрдам берасанми? — дедилар қалин қоп-қора қошларини силаб. «Ҳа отахон, албатта, ёрдам бераман», дедим ўрнимдан туриб. «Ўтир, ўтир болам! Ҳовлиқма, ма, чой ич, — деб чой қуйилган пиёлани менга узатдилар. — Агар сидқидилдан саҳнани севсанг, бирром ишлатмасанг мен сени ишга оламан». Бу кутилмаган сўзни эшитиб довдираб қолдим. Қўлимдаги пиёла тушиб кетди. Пиёла синди... Озгина сукунатда мен бутунлай ўзимни йўқотдим... Юзларида нур балқиб менга қарадилар. «Ҳечқиси йўқ, болам, ойлик олганингда битта пиёла олиб келарсан —



деб яна қўшиб қўйдилар. — Ҳамма фалокатлар шу синган пиёлага урсин, — дедилару кулиб ўрчиларидан турдилар. — «Ия-ия, келинг Шукур ака, марҳамат ўтиринг, бир пиёла чойимиз бор», дедилар стулни тўғрилаб. Бу киши ўша, тушларимга кирган забардаст инсон, сирли актёр. Шукур Бурҳонов эдилар. Деворларга урила-сурила ташқарига отилиб чиқдим. Шукур Бурҳонов антрактага чиққан эканлар. Шу-шу мен ўша улур актёрнинг

меҳри, кўнглимга солган муҳаббати, актёрлик эътиқоди билан ушбу даргоҳда 0,25 маош билан ишлай бошладим.

Кунларим ана шундай мароқли кайфият билан ўтарди. Шукур Бурҳонов билан оз-моз салом-алик қила олардим, холос. Театрда суфлёр ҳам ишларди. Бир кун шу суфлёр келмай қолиб, ёрдамчи бўлиб ишлайдиган Ҳожиакбар Комилов менга суфлёрлик қилишни айтиб қолди. Кутилмаганда бу гапдан кўрқиб кетдим.

— Ия, нима деяпсиз Ҳожи ака! — дедим томоғимга бир нарса тикилгандай. Йўқ, деб довдирадим. Бу гапимни Шукур Бурҳонов эшитиб қолдилар.

— Ҳа, бу ишдан ор қиялпсизми? Бўйнингиз ёр бермаяптими? — дедилар саҳнани бошларига кўтариб.

— Йўқ, сиз тушунмаяпсиз Шукур ака! — дейман йиғламсираб. Шукур Бурҳонов эшитмайдилар. Бошларини силкитиб менга қўлларини бигиз қилдилар.

— Яхши актёр саҳнанинг чангини меҳр билан ялаши керак. Агар бирдан юдуз бўлман десангиз, ҳеч қачон бўлмайсиз. Саҳна фидойиликни талаб қилади. Ҳали сиз менга сўз бериб туришдан ор қилдингизми? Ҳа, аттанг!... — деб саҳнанинг нариги томонига кета бошладилар.

— Шукур ака мени тушунмадингиз! — дейман гапим қовушмай. — Ҳожиакбар ака, мен сўз бериб туришдан ор қилмайман. Фақат шундай актёрни уялтириб қўйишдан, сўзни вақтида ва қандай беришни билмай довдираб қолишдан кўрқаман, — дейман йиғлаб. — Ахир, Шукур ака мендан хафа бўлдилар-ку, энди нима қиламан? Шукур ака мени кечирмайдилар! — деб ёрдамчи режиссёрга мингилладим. — Хафа бўлма, тўғриси вақти келиб тушунтирасан. Мен ҳам ёрдам бераман. Ҳозир бориб ишингни қилавер. Спектаклдан кейин Тўйчи ака билан кўнгилларига қараб кечирим сўра! — деб кўнглимни кўтарди ёрдамчи режиссёр. Шундан кейин анча пайт Шукур аканинг олдидарига боролмадим. Ўсар Абдусайдов деган актёрдан ҳар кун илтимос қилавериб, охирида Шукур аканинг уйларига олиб боришга кўндирдим.

Садаф№ 2. Мени бу даргоҳга Ўсар ака олиб кирдилар. Анор шигил солган, пишган, баъзилари ёрилиб, қарасангиз оғзингизнинг сўлаги оқади. Шукур Бурҳонов ичкаридан чиқдилар. Спорт формасида эканлар. Бошларида ўша беретка-шалпа. Кўзларида ўша рангли кўзойнак.

— Ассалому алайкум Шукур ака — деб Ўсар ака югуриб бориб сўрашди.

— Ваалайкум ассалом Ўсарбек, келинглр. Бу оғайнинг сўрашмайдимми? — дедилар менинг анқайиб турганимни кўриб Шукур ака.

— Ассал... рўдурадим.

— Қўрқаяпти сиздан, Шукур ака! — деб Ўсар ака вазиятни юмшатмоқчи бўлди.

— Қўрқма, кўрқма келавер — дедилар Шукур ака эътиборсизгина. Бизни ичкарига таклиф қилдилар. Хоналар ичидан бир-бирига ўтадиган эшиклардан эсанкираб кириб борапмиз.

— Ўзингни тут. Шукур ака кек сақламайдилар. Очилиб ўтир, уйларида кувиб солмадилар-ку, демак кечиришларига умид қилсак бўлади — деб Ўсар ака елкамга уриб қўйди. Креслода ўтирибман. Хонадон шинам безатилган. Суратлари туширилган ҳар хил чинни кўзалар. Столдан кичикроқ, хонтахтадан каттароқ нарсада дастурхон. Чиройли патнисда чилон жийда, нон, чиройли хрустал идишларда ширинликлар.

— Ўсарбек, шу Ўлмас «Қиёмат қарз»нинг киносини ўйнайсиз — деб қўймапти. — Лекин сценарийси менга ёқмаяпти. Шунини бошқатдан кўриб чиқишимиз керак. Унча кўнглимга ўтирмапти-да. Спектаклдан яхши чиқмасов киноси — дедилар нонни ўзлари ушатиб. Чойни қуяркан Ўсар ака гапга аралашди.

— Зўр чиқадиган қиламиз Шукур ака. Сиз ўйнайсизу зўр бўлмайдимиз? Мен ўқиб бераман, Сиз ёқмаган жойини айтасиз, ўша жойларини сиз айтгандай қилиб ўзгартирамиз. Мана, Боир ҳам ёрдам беради, — деди Шукур акага чой узатиб. Мен ҳамон саргарангман.

— Бу бола ким? Ўқийдимиз? — деб қолдилар кутилмаганда Шукур ака, менга кўзойнакларни устидан қараб.

— Бу Боир Холмирзаев. Узоқ қишлоқдан келиб Санъат институтида ўқияпти. Мусиқали драма бўлимида. Театрни ва, айниқса, сизни жуда-жуда яхши кўради. Шунинг учун ҳам театримизга келган... — деди Ўсар ака мени мақтаб.

— Биламан, биламан, театрда кўргандайман бу болани — дедилар жиддий оҳангда Шукур ака. — Хўш, институтда кимда ўқийсиз? — деб менга тикилдилар. Мен сал ўзимга келгандай бўлдим шекилли дадил жавоб бердим:

— Кимда?

— Сайфутдинов деган домла борлар, нутқ кафедрасида мудир...

— Ҳа, ҳа, Раҳим пачағдами? Бўлди, бўлди, домлангиз ёмон эмас — дедилар кулиб. — Мен уни пачағ дейман.

Шу пайтда, энг бахтли инсон мен эдим. Чунки, Шукур ака мен билан ҳазиломуз гаплашдилар. Домламни эркалаб гапиришлари эса, янада кўнглимни кўтарди.

— Санъат даргоҳига кирдингми, театр саҳнасига меҳр қўйдингми? Юракдан ишла. Театр бирромни кечирмайди. Саҳна мардани суюди. Юрагингни шу саҳнага бағишласанг, у сени қўллайди. Актёр ўзини билиши керак. Кучинг етмаган ролга уринма. Ўзингнинг диапазонингни беш қўлдек билишинг керак. Баъзи артистлар бўлмагур ишлар қилиб театр санъатининг салобатини йўқотяпти. Мана, мен, Отеллони ўйнамадим. Чунки, Аб-рор акадан кейин ўйнаб бўлмайди-да. Тан беришниям билиши керак яхши актёр. Мен Шоҳ Эдипни ўйнадим...

— Уғлим, сиз ўтирган креслода Шароф Рашидов ўтирган. Билдингизми, 60 ёшга кирганимда Шароф Рашидов хотинлари билан кириб келганлар. Билдингизми, ҳа болам, бу хонадонга кўп катта одамлар келишган.

Шундай катта, улкан актёрнинг болаларча бегуборлигини кўриб, ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам бирдай куюнчак, илиқ қалб, самимий юрак, буюк фазилат, камтарона хислат эгаси эканлиқларига тасанно айтаман. Ана шундай буюк ўзбек актёрининг дуосини олганлигим, суҳанларидан баҳраманд бўлганлигим, йигирма уч йилдан бери Муқимий номидаги Мусиқали театрдаги актёрлик фаолиятимда асқотяпти. Санъат олийгоҳида бўлажак мусиқали актёрларга таҳсил берарканман, буюк актёр Шукур Бурҳоновнинг сўзларини тез-тез такрорлайман. Ҳеч қачон саҳнага хиёнат қилмайман, қилмаганман ҳам. Талабаларга ҳам шундай фазилатни сингдиришга интиламан. «Шукур Бурҳонов — ўзбек театр санъатининг қитъаси» эканлигини ҳар доим айтишдан чарчамайман.

**Боир Холмирзаев**





# УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!

Асқад Мухтор

## Бош сатрлар

Қаламга маҳқумдир ҳар шай, ҳар ҳодиса:  
Дахшату муҳаббат, илоҳ, газанда...  
Аммо, она-Ватан хусусида эса,  
Ё ёзмаслик керак, ёки ёзганда —

Китобхон орзулар қанотида учсин,  
Вужуди титрасин муқаддас дарддан.  
Хайратдан нафаси ичига тушсин,  
Билмасин қайси зум уни ўзгартган.

Мен-чи, юрак ютиб, бу сафар фақат  
Ватаннинг йўлларин тилга оламан.  
Руҳан уфқларга талпиниб қат-қат,  
Узоқ-узоқларга назар соламан.

Ватаним йўллари гўё жонли, илиқ,  
Юракка туташган қон томирларим.  
Уларга ўйларим пойидор қилиб,  
Умрим йўлларини мен муҳрладим...

Бир кун улар бутун бўйи билан  
Жангларию рангли салютлари,  
Соғинчлари, сўнмас қалб ўтлари,  
Тақдирлари, қатор қабрлари,

Фожиалар, бахтли онлари,  
Висол, фироқ, азиз инсонлари,  
Ўйчан, мўйсафиду шўх норасталар,  
Орзу, қувонч, армон, ўйи билан —

Хуллас, бир кун бутун бўйи билан  
Кўз ўнгимга келиб ястанар.

Унинг узоқ, эзгу манзилларига  
Ҳазин гурур билан боқарман.  
Ҳаёт йўлларимнинг сўнгги гулханида  
Мен қалбимни яна ёқарман.

Эҳтимол, ўшанда келар тошиб-жўшиб,  
Бир умр қийноқда бош қотирганим —  
Ватан ҳақидаги кичик бир қўшиқ —  
Бир умр излаган бош сатрларим...

1984



## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### Насрда руҳият тасвири

Бадиий ижод — тасаввурлар дунёси. Тасаввурни янгиламай туриб, адабиётни янгилаб бўлмайди. Адабиётимиз, хусусан, ўзбек ҳикоя ва қиссачилигидаги бутунги «янгилик»лар ҳам ҳаёт ҳодисаларини бадиий идрок этиш — тасаввурга сиғдириш ва тасвирлашда биз кўниккан усулларни эмас, улардан бошқачароқ воситаларни қўллашда кўринмоқда.

Дарҳақиқат, бутуннинг ҳикоя ва қиссаларида фикрнинг бадиий ифодаси ўзгарди. Бирок, метафорага йўғрилган фикр тасаввурнинг метадорасига айланади, фикр қилинадиган метафора ҳис-туйғуларга уйғун идрокнинг ҳосиласи. Шу боис, бадиият эҳтиросли фикрдан тузилади, ижодкор эса ўз тасаввуридаги гўзалликни бадиий кашф этади, яратади.

Аммо, фожиадан гўзаллик яратиш мумкинми? Бу саволга ёзувчи Назар Эшонқулнинг «Тун панжаралари» номли қиссасидан жавоб топиш мумкин. Қиссада шундай тасвир келтирилади: «Она-бола беўхшов қилиб ёзилган «Ф» ҳарфига қуйиб қўйгандай ўхшайди, гўё «Ф» ҳарфига улардан андоза олишгандай. Улар менга ўхшаб бировга фойдаси тегмаётгани ва умуман тегмаслиги ҳақида эзилиб ўйлаб ўтирмайдилар, лекин чироқни белгиланган вақтдан ортиқчароқ ёқиб юборсанг, бошингда туриб олиб, қаргадай қавиллашни жуда яхши билишади. Уйда ифлос, бесаришга бир ҳолат ҳукм суради, менинг улар билан ҳатто қўшилиб чой ичгим ҳам келмайди; нодонлик ва ялқовлик ўтириб олган юзларига қараб, тоқат қилиб туролмайман. Шу сабабли улар мени ёмон кўришади — умуман улар тушиқдан бошқа яна нимани яхши кўришаркан?» (Назар Эшонқул, «Тун панжаралари», Қисса, «Ёш куч» журналы, 2004 йил, 6-сон.)

Фақат ейиш-ичиш ҳирсига тобе одамларнинг лоқайд, фикрсиз, ҳиссиз ҳаётини ёзувчи ботқоқликка ўхшатади. Ботқоқлик — бу мақсадсизлик, эзгу ҳиссизлик, идроксизлик, фаҳмсизлик, бекфарқлик... Уша ботқоқлик ўз устидаги умиддаги одамларни қомига тортиши аниқ. Нима учун одамлар тундан кўрқишади? Тун ҳам инсон умрининг бир қисми-ку? Ёзувчи бизга ана шу тунни тасаввур қилдиради, ҳис эттиради. «Атрофимизга вафлат туни чўккан. Ичимиздан чиқаётган ҳид эса, вафлат мосликларининг ҳидидир. Ҳафсаласизлик ва кўрқоқлик — булар вафлат тунининг ҳибсхоналари».

Ёзувчи туннинг белги — аломатларига рамзийлик воситасида фалсафий-ҳаётий, мушоҳадаталаб маъноларни жойлаган. Тасаввуримиздаги тун ўзига хос белги сифатлари орқали кўз ўнгимизда намоён бўлади, аммо ёзувчи бизнинг тасаввуримизга ҳис қилинмаган, ҳали англалмаган бадиий умумлашмаларни сиғдиришга зришади. Аниқроғи, тасаввуримиз миқёсларининг кенгайишига таъсир, туннинг янги маъноларини, белги-хусусиятларини ифодалайди. Туннинг муаззамлигини, бепоён, қудратли, сеҳрли, маънос ёки жозибали эканини ҳар ким ўзига хос тарзда идрок этади, ҳис қилади. Қисса қаҳрамонлари: «Тун — менинг умрим», дейди. Зеро, умримизнинг тунлари чексиз — чегарасиз эмас, уларнинг «темир панжаралар»и бор. Ёзувчи «фикр ўйини» воситасида (тун панжаралари — оддий тасаввур; «юрагим зим-зиё чоғга ўхшайди, мен айтиб берганларим эса бу чоҳнинг панжаралари» — кўчим ҳосил қилиш орқали тасаввурга янги маъноларни жойлаш; «Ҳаётни кашф қилганинг сайин ўзингга ўзинг панжара қуриб борсан» — ҳаёт ҳақиқатини метафора усулида кашф этиш, тасаввурнинг олий нуқтаси) ана шуни ҳис қилиб, бу ҳақиқатнинг моҳиятини англашимиз учун ўз тасаввурларини: шайтон, тун, Сулаймон, кампир ва унинг қизи сингари рамзий образларга кўчириб ифода қилади. Шуни идрок этамизки, тасаввуримиз туллори метин панжаралардан ҳатлаб ўтиб, бизни юксақликка, хаёлотнинг тубсиз осмонига элтади. Уша юксақликдан қарасанг, «...сендан токи уфққача қип-қизил водий ястаниб ётибди. Водийда худди ўтиб бўлмас чўққи каби савол аломатлари қад кериб турибди, улардан ҳар бирининг тагида биттадан одам бош қўйганча ўлиб ётибди — гўё бутун умрларнинг худосаси шудек, гўё бу ўзлари ҳосиб ўтган йўлнинг рамзидек. Ўнгда ҳам, чапда ҳам шу манзара — савол харсанглари ва уларга бош қўйиб ётган жасадлар билан тўлган қип-қизил водий. Фарбдан ҳам, жанубдан ҳам, шарқдан ҳам, шимолдан ҳам одамлар бу ажр водийсига қараб бошларини қуйиб солганча секин кириб келяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол кўнъяроқлари чор-атрофга мотам бонгидек муҳҳиш садо таратиб турибди. Бу нима? Шуми дунё?! Нега у бунчалик тушуниксиз ва аянчли?!».

Асардан келтирилган ушбу парча орқали ҳаёт ҳақиқатини тасаввуримизга сиғдира бошлаймиз. Инсон ҳаёти давомида хилма-хил саволларга жавоб излайди. Юрт равнақи,

халқ фаровонлиги йўлида улкан орзу-мақсадлар учун курашиб яшаган инсонлар ҳаётини ёзувчи «қип-қизил водийда савол ҳарсангларига бош қўйиб ётганлар» тимсолига жойлаган. Ҳар икки дунёда улар энг мушкул саволларга жавоб бериш масъулиятини олган буюк инсонлардир. Аммо инсоният рўбару келган саволларнинг охири йўқ, қанчадан-қанча умрлар уларга жавоб излаб ўтган, ҳатто охиратда ҳам ечилмаган муаммолар савол аломатига айланиб, одамлар бўйнига илинган. Манзарага эътибор қилинг: «Ҳар тарафдан одамлар ажр водийсига қараб бошларини қуйи солиб кириб келаяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол қўнғироқлари чор-атрофга мотам бонгидек мудҳиш садо таратиб турибди». Бу тасвирлардан мен ўз тасаввуримга шуларни сиғдира олдим: ечилмаган муаммолар ёки ҳаёти давомида ҳеч бир эзгу иш қилмаган, лоақал биргина саволга жонини қойитиб, озгина эзилиб жавоб топишга эришмаган одамлар бўйнидаги қарз — савол қўнғироқлари мотам бонгидек атрофга садо таратиб турибди, яъни, «машҳарда улар яратган қаршисида, унинг ҳақ саволларига қай тарзда жавоб беришларини билмай бўйинлари эгиқ, уларнинг аросатда ўтган маънисиз ҳаётлари ҳақида бўйинларидаги қўнғироқчалари сўзламоқда...»

Ёзувчи шу тариқа рамз — тимсол; (савол ҳарсанглари, савол қўнғироқлари), ранг-рамз; (қора тун панжаралари, қип-қизил водий)дан фойдаланиб тасаввуримиз миқёсларини кенгайтиришга интилади, ҳис қилиб, тасаввур этганларимиздан эса, янги маънолар, маънавий умумлашмалар чиқаришга ундайди. Бинобарин, ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, «тасаввур — идрок, заковат ҳидидир».

Ёзувчининг ўзига хос тасаввурлар дунёсига сингиб кетган гўзаллик аломатларини «Озод қушлар» номи ҳикоясидаги «Сен» ва «у» орқали янада ёрқинроқ ҳис қилиш мумкин. Ҳикоя қуйидаги тарзда бошланади: «XX аср мўъжизалар асри эканлигига сен ҳам ишонардинг. Сен ҳам бу асрдан мўъжиза кутиб яшардинг... Сен мўъжизасиз ҳам бахтли эдинг. Ер юзидаги миллионларча одамлардек осойишта ҳаёт кечирардинг. Ҳар ҳафтанинг сўнггида ўртоқларинг билан чойхоналарга, истирохат боғларига борардинг. У ердан кайфиятнинг кўтарилиб, баҳри дилинг очилиб қайтардинг. Бироқ негадир ўз ҳаётингни ўзгартирадиган, шавку завқ олиб келадиган мўъжиза кутиб яшардинг». (Назар Эшонқул, «Озод қушлар», Ҳикоя, «Ёш куч» 2004, 6-7-сонлар.)

Ҳа, қандайдир вайриоддий мўъжиза юз бериб, барча орзу-истаклари бир зумда амалга ошиб қолишни истайдиган одамлардан кўра, мўъжизани ўз қўлларим, интилишларим, заҳматли меҳнатим, азоб-уқубатларим билан яратаман, дегушларим озлиги, аини ҳақиқат. Ҳаётини ўша саробга тўла ширин орзу-умид билан ўтказувчилар эса кўпчилик. Фақат бу сароб хаёллар пардасини ҳаётимизда рўй бергувчи жиддий ҳодисаларгина тўзатиши мумкин. Ҳикоя қаҳрамони ҳам ўзига тегишли мўъжизагина уйдан айрилгач, ўша кичик кулаб унинг ватани бўлганлигини англаб етади, ўша ўзиники бўлган Ватан қадрини ҳис қилади, ёлғизлик, ватансизлик оғриқларини кечиради.

«Сен бу ватансиз қушларга қараб нималарни ўйлаган эдинг? Балким, сен уларнинг бежирим ва кескир қанотларига қараб озод қушлар ҳақида ўйлагандирсан? Балки уларга боқиб Ватан ҳақида ўйлагандирсан? Балки туйғуларингни қаптарларга айланттириб, узоқ-узоқларга учуриб юбормоқчи бўлгандирсан? Балки сен ҳеч қушларга қараб, уйсиз фақат ўзинг эмаслигингни, оламда миллионлаб уйсиз ва ватансизлар борлигини ўйлаб, ўзингни овутиргандирсан?».

Афсуски, биз ҳаёлимизни жамлаб, ҳаётимиздан майда, ўткинчи, маънисиз жиҳатларни юлиб ташлаш учун имкон берилган лаҳзаларда ҳам ўзимизни алдаб, юпатиш учун баҳона излаймиз. «Бу кўргуликни кечираётган фақат мен-ми?», қабилида ўзимизни тинчлантираемиз. Ҳолбуки, ҳеч бўлмаганда, хом хаёлларимиз алдамчи рўё эканини тан олаккина, юз берган ҳодиса сабабларини излаб, одил хулоса чиқариш имконига эга бўлар эдик.

Ёзувчи Назар Эшонқулнинг биз таҳлил қилган ҳар икки асариде ҳам муайян бир фикр илгари сурилмайди, балки ҳодиса, ҳолат тасаввур қилдирилади, аниқроғи, манзара бизнинг тасаввуримизга жойланади, физикларга эса йўналиш берилади. Мазкур асарлардаги тасвирлар сермаъно, сероҳанглиги билан диққатни тортади. Энг муҳими, ёзувчи қўллаган тасвирлар, таъриф тавсифлардаги мажозлардан қаҳрамонларнинг сирли, жозибали, мураккаб ва бетакрор руҳий дунёсини ёритишда фойдаланган. Шу жиҳати билан у яратган асарлар мустақиллик даври ўзбек ҳикоя ва қиссачилигининг айрим хусусиятларини намоён этади.

Ёзувчи Шодиқул Ҳамронинг «Қора кун», «Қақнус қанотидаги умр» қиссаларини ҳам мустақиллик даври ўзбек насрида яратилган яхши асарлар сирасига киритиш мумкин. Мазкур қиссалар ҳам ўзбек адабиётига 80-йилларнинг иккинчи ярмидан кўриниш бера бошлаган рамзий-тахайюлий тасвир услубига мансуб. Бутунги кунда Шодиқул Ҳамро ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул каби ушбу йўналишда асарлар битмоқда. Шодиқул Ҳамронинг «Қора кун» қиссасида кўпроқ бутунги Лотин Америкаси адабиёти аъёнларининг таъсири сезилиб туради. Ҳатто, асарнинг баъзи ўринлари колумбиялик машҳур ёзувчи Габриэл Гарсия Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» асарини эслатади.

Шодиқул Ҳамронинг бу қиссасидаги воқеалар тасвири реалликдан йироқ. Асар сюжети тахайюлий воқеалар асосига қурилган.

Қиссада воқеалар тизимининг уч силсиласи мавжуд. Биринчиси, бир йил аввалги қаҳратон ва очарчилик. Иккинчиси, тобутнинг йўқолиши билан боғлиқ воқеалар. Учинчиси, жинни қизнинг ҳаёти. Ҳар уччала қизиқ бир-бирини тўлдиради. Улар алоҳида-алоҳида ҳолда ўз маъносига эга бўлгандек, умумлашган ҳолда ҳам ўзгача бир маъно касб этади.

Асосий сюжет чизиги тобутнинг йўқолиши билан боғлиқ воқеалар тизимидан ташкил топган. Чекка тоғ қишлоқларининг бирида тобут йўқолади. Бу қишлоқ дунёдан узилиб қолгандек чеккада ва дунёдан деярли беҳабар эди. Қишлоқда ҳеч қандай ғайриоддий ҳодисалар бўлмаган ҳисоб. Фақат, анча олдин ўз-ўзидан ўт чиқиб тегирмон ёниб кетган ва яна ўша йўқолган тобут турган масжиднинг етти устунидан бири ўз-ўзидан қулаб тушган. Энди эса тобут йўқолди. Тобутнинг йўқолиши бутун қишлоқни саросимага солиб қўйди. Ҳамма тобутни кимдир ўйирлаб кетган деб ўйлайди. Бироқ: «Шу кун қишлоқ ҳар доимгидек тинч ва осуда эди. Одатдан ташқари, кўнгилга шубҳа ва рулғула соладиган бирон воқеа содир бўлмаган, четдан ҳам қандайдир нотаниш кишилар келиб кетганига ҳеч кимнинг кўзи тушмаган эди». (Шодиқул Ҳамро, «Қора кун», Қисса, «Ёшлик» журнали, 1995 йил, 5-сон.)

Хўш, ёзувчи бу воқеаларни келтириш билан нима демоқчи? Келинг, бу саволга жавоб бериш учун рамзларнинг замирида қандай маънолар яширин эканлигини билиб олишга ҳаракат қилайлик. Тегирмон — бу ун чиқарадиган, яъни, нафс эҳтиёжларини қондирадиган восита, унинг ёниб кетиши нимани ифодалайди? Шу ўринда халқимизнинг «Нафсингга ўт тушин!» ва «Нафсингга ўт кетганими?» каби ибораларини эслаш лозим. Нафсга ўт кетиши, нафснинг ҳақкалак отиши — нафсни жиловлаб олмаслик демакдир. Иккинчи рамз бевосита бу рамзни тўлдирди, яъни, масжид — Оллоҳнинг уйи, кўнгил ҳам Оллоҳнинг уйи. Масжид устунининг йиқилиши кўнгилдаги иймоннинг қулаши. Зеро, кўнгил иморатининг устуни — иймон ва эътиқоддир. Юқоридаги иккала рамз ечими топилганидан сўнг, учинчи рамз ўз-ўзидан ечилади. Нафсга ҳирс қўйиш имоннинг сушлашишига олиб келади.

Қиссада нафснинг ҳақкалак отиб, иймоннинг сушлашуви, жинни қиз ва унинг тоғаси ўртасидаги муносабат тасвири орқали ёритилган. Қиссада тоға ўзининг жиянини зўрлайди. Қишлоқ ҳаёти кундан-кун ғайриинсоний ҳаракатлар билан тўлиб боради. Жувозчи ёр сотишда қаллоблик қилади, тобуткаш тобут ясашни обрў деб билади. Болаларнинг ҳаракатлари эса ҳаммасидан ўтиб тушади. Улар Оқтепа деб номланган тепаликка чиқиб ҳамма қушларнинг тухумларини ййиб олишади. Сўнгра қушларни ўз тухумлари билан уришади. Оқибатда қушлар бу қишлоқни тарк этадилар.

Қиссадаги жинни қиз билан боғлиқ воқеалар таъсирчан ёритилган. Шодиқул Ҳамро жинни қиз орқали қишлоқнинг фожиасини кўрсатиб берган. Қишлоқда ёлғиз жинни қизгина эътиқоди ва руҳиятини пок сақлаб олган. У бунга соф инсоний муҳаббат орқали эришган. Жинни қиз чексиз меҳр ва муҳаббат билан яшарди. Қишлоқнинг болалари одам суякларини хор қилишганда, одамзоднинг бош чаноянини ёқибганда жинни қиз ўз ситирининг тўлақ азобларига қараб изтиробга тушади, ҳаттоки, ўзининг номусини поймол қилган кишига муҳаббат қўяди. Ҳамма қишлоқни ташлаб кетганда ҳам жинни қиз қишлоқда қолади. Чунки, офатга қишлоқнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Ҳамма бало одамларнинг ўзиде, уларнинг қалбларида яширинган тубанликда эди.

Қисса охирида ҳамма қишлоқни тарк этади. Биринчи бўлиб мулла, мурдашўй ва фолбин кетади. Қисса ниҳоясидаги оқсоқол ва хотинининг ҳолати ҳам таъсирчан манзараларда тасвирланган. Қишлоқни ҳаммадан кейин оқсоқол тарк этади. Оқсоқол қишлоқдаги энг яхши кишилардан бири. Тобутнинг йўқолиши бежиз эмаслиги, бунда қандайдир илоҳий бир ҳислат борлигини биринчи бўлиб оқсоқол тахмин қилади. Қолаверса, тобутнинг йўқолганини ҳам биринчи бўлиб у сезади. «Аммо оқсоқол бу гал унга (хотинига) дом-мим деб жавоб бермади, зеро, унинг ўзи ҳам қаёқни қора тортиб боришини билмасди. У чуқур хўрсиниб қўйди-да, бошини ҳам қилиб кунчиқар томонга қараб имилаб йўлга тушди. Хотини ҳам чор-ночор унинг изидан юрди». Шодиқул Ҳамронинг «Қора кун» қиссаси қатор фазилатларга эга бўлиш билан бирга, камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, қиссада сюжет қурилиши айтирлича муваффақиятли чиқмаган. Аниқроғи, қаҳратон қишдаги очарчилик воқеаси асосий воқеа билан етарлича боғланмаган. Натижада, бу қусур асарнинг равон ўқилишига халақит беради. Қолаверса, қисса, айтиш шу ўринда ҳам юқорида эслатилган «Ёлғизликнинг юз йили»ни ёдга солади. Шунингдек, асарнинг баъзи ўринларида рамзлар етарлича бадий сайқал топмаган.

Эзгулик қанотидаги умр юксакликни забт этади, эзгулик эзгуликни яратади. Аксинча бўлсачи? Ёвузликдан эзгулик ёки эзгуликдан ёвузлик дунёга келиши мумкинми? Нима сабабдан? Саволларга берилажак жавоблар бизни саволларнинг ўзи каби хайратга солади, ҳаёт ҳақиқатининг, инсон дунёсининг англаб идрок қилинмаган жиҳатлари ҳақида фикрлашга йўллайди, тасаввурларимизни кенгайтиради. Аммо, чинакам санъат асари даражасини забт этиш учун бунинг ўзи етарли эмасдай туюлади. Таниқли мунаққид Норбой Худойберганов сўзлари билан айтганда: «Кўраяписизми, сезаяписизми, ҳаёт ҳақиқати, ниҳоятда, мураккаб, бой, ранг-баранг, хилма-хил мазмун касб этиб, ҳатто, ўзига хос илоҳийликни ҳам қамраб олиши, шубҳасиздир... Зотан, жаҳон миқёсидаги бадий тараққиётга мосу хос кашфиётлар яратишга энди киришилмоқда. Уларнинг ... «соя»ларини дундириб ташлаш қийин эмас..., бироқ, бу сифат эмас, сон, миқдор ўсишини таъминлайди. Бунга қарши кескин кураш олиб бориш керак».

Адабиётшунос олим ва мунаққид Умарали Норматов эса: «Чинакам санъат намунаси даражасига кўтарила олган асарлар ҳар доим кам бўлган, ҳозир ҳам шундай. Бу фикр фақат анъанавий реализм эмас, янгича йўналишга ҳам даҳддор. Санъат ва адабиётдаги янгича изланишлар ардоқда, ҳимояга муҳтож. Тўғри, ижод, изланиш ҳамиша ҳимояга муҳтож, бироқ охир-оқибат бу соҳада бош ҳимоячи — изланиш самараси бўлмиш янги

асарнинг ўзи. У чин бадий кашфиёт, юксак санъат намунаси бўлса, унга ҳеч қандай куч панд беролмайди...», дейди.

Дарҳақиқат, бугуннинг ҳикоя ва қиссалари ранг-баранг услубий изланишлар натижасида эпик кўлам миқёсларини кенгайтириб, ўзбек насри тараққиётини таъминламоқда. Мустақиллик даврида яратилган ҳикоя ва қиссалар ижтимоий воқеликни тасдиқлаш ёки инкор қилиш эмас, уни бор зиддиятлари билан ҳаққоний тасвирлаш тенденцияси барқарор ижодий тамойилга айланганлигини кўрсатмоқда.

**Малика Рустамова**  
ТДТУ тиллар кафедраси  
ўқитувчиси

## Шеърятда тарихнинг бадий талқини

**Шоир Хуршид Даврон ижоди мисолида**

Буюк аждодларимизнинг тарихи бугунги ҳаётимиз ва маданиятимизнинг туб илдизидир. Ёш авлодга тарихимизни ўргатишда 80-йиллар шеърятти, хусусан, Хуршид Даврон ижоди муҳим аҳамиятга эга.

Хуршид Даврон ўзининг илвор сафдошлари билан биргаликда, шеърятга янги руҳ олиб кира олди. Шоирнинг ижоди 70-80 йиллардаги кўпдан-кўп қарама-қаршиликларни ва мураккабликларни ўзида ёрқин акс эттирди. Хуршид Даврон ўша йиллардаги мураккабликларни «Жангчи ҳақида ривоят» шеърида ишоралар тарзида кўрсатган.

*Ёв лашкари қадим тепадан  
Ўққа тутар экан шаҳарни,  
Жангчи ҳулаб тушди жангтоҳда  
Қонга бўяб яшил ўтларни.*

Шоир бу ерда жангчи мисолида ўзига ишора қиляпти. У мавжуд тузумга қарши курашда енгилмоқда. Чунки, у оғир ярадор. Шунда унинг олдига аввал онаси, опаси, ёри, кейин отаси келиб уни ҳаётга қайтариш учун уринадилар. Лекин, ўғлидан бошқанинг сўзлари унга ҳаёт бағишлай олмайди. Ўғлининг сўзлари жангчини ҳаётга қайтаради ва у қайта жангга киришга аҳд қилади.

*Жангчи ота кўзини очди,  
Юрак тўлди яна нугога.  
У ўғлини бошлаб, қиличчи  
Баланд тугтиб кирди жангтоҳга.*

Ушбу шеърда шоирнинг келажак авлод ҳақида қайғураётганлигини сезиб олиш қийин эмас. Фақатгина бу шеърда эмас, шоирнинг бошқа шеърларида ҳам виждон ҳаракатга айланган. Шунинг учун унда ҳаётга инқилобий муносабат туғилган. Хуршид Даврон шонли тарихимизнинг қаҳрамонлик саҳифаларига мурожаат этганда, ўзида ҳаёт ва дунё ишларига шундай инқилобий муносабатни шакллантириш ҳамда устувор қилишни назарда тутаяди, шу билан бирга, Ватанни англаш ва севиш туйғусини кучайтиради. Ватан фидойилари бўлган эл қаҳрамонларини улуғлайди.

*Мен кўксингга бошимни кўйдим,  
Сен чеккан ям, ҳасратга кўйдим.  
Сўйдим сенинг Оқдарёнгни ҳам,  
Ҳамда Қорадарёнгни сўйдим.  
Эй қалбимнинг онаси, Ватан!*

Хуршид Даврон шеърларида ўзига хос сокинлик, юракни титратадиган дард яширинган. Бироқ, бу сокинлик жунбушта келиб, ниҳоят, ҳақиқат ойнасида ўзини кўрсатади. Китобхонни дунёга, ижтимоий воқеа-ҳодисаларга ҳушёрроқ қарашга, мушоҳада қилишга ундайди.

*Озодлик!  
Тилингда ҳайқириқ бўлган  
Ким ўчирар қабртошлардан?!  
Уйқусиз кўзингга тўлган  
Тердай аччиқ, қонли ва шўр ёшлардан  
Ким юзин ўтирар,  
Ким кечади воз,  
Ким уларсиз, битар тарих варагин?*

**Бобалар қошингда тиз чўкиб ўлган,  
Улар фақат сенга тиз буккан, холос!**

Эътиқод инсон фарзандини азал-азалдан курашга чорлаб келган. Спитамен, Широқ, Муқаннинг қалбларида эрк ва жасоратнинг ўчмас алангасини ёққан ана шу эътиқоддир. Хуршид Даврон аксарият, шеърларида халққа, Ватанга эътиқод қўйган қаҳрамонлар тимсолини яратишга ҳаракат қилган. Бу жиҳатдан унинг «Спитамен кўшиғи» шеъри диққатга сазовордир.

Александр Македонский истилосига қарши Сўғдиёнада кўтарилган халқ кўзғолони (милоддан аввалги 329-327) раҳбари Спитаменнинг номини ким билмайди, дейсиз? Спитамен анча вақт гоҳ ўнг, гоҳ чап томондан душманга ҳужум қилиб тинчлик бермаган, жангларда алоҳида жасорат кўрсатган халқ қаҳрамонидир. Истеъдодли йўлбошчи ва оташин ватанпарвар, Спитамен бошлиқ кўзғолончилар гарчанд мавлублиятга учраган бўлсалар-да, улар инсон қулликда яшай олмаслигини босқинчиларга намоён этишган.

Хуршид Даврон «Спитамен кўшиғи» шеърида Спитаменнинг тилидан қуйидаги сатрларни айтади:

**Қўлимда бир қилич бор эрди,  
Ул қилич қонимга зор эрди.  
Айро бўлдим ўз қиличимдан,  
На бўлайдур аҳволим энди?**

Спитаменнинг ҳайбатида душман саросимага тушарди. Боиси, у ана шу қиличи билан душманга қирон соларди.

**Қўлимда бир қилич бор эрди,  
Тилида ёв қони хор эрди.  
Айро бўлдим ул қиличимдан,  
На бўлайдур аҳволим энди?**

Спитамен қиличидан айрилганига чидай олмайди. Бундан кўра ўлимни афзал деб билади.

**Ёт қилич қонимга зор энди,  
Ёт қиличда қоним хор энди,  
Ул хўб қиз ўзгага ёр энди,  
Қўлимда бир қилич бор эрди.**

Хуршид Даврон шеърларида Тўмарис, Широқ, Спитамен, Қурбонжон она, Намоз ботир каби халқ қаҳрамонлари, Маҳмуд Қошғарий, Навоий, Бобур каби алломаю шоирлар, Абдулла Қодирий, Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Файзулло Хўжаев каби миллатимиз, истиқлолимиз истиқболи учун курашган фидойи инсонлар тимсоли ёрқин ифодаланган.

Хуршид Даврон тарихнафас шоирлар сирасига мансуб ижодкор. Унинг шеърларида тарихий ҳақиқат ўзининг бетакрор бадиий ифодасини топа олган. Бу шоирнинг тарихимизни яхши билишининг, тарихий воқеаларни одилана таҳлил этиб, адолатли ҳукм чиқара олиш иқтидорига эга эканлигининг далилидир.

Бетакрор ифодалар, зиддиятли кечинмаларнинг турли хил кўринишлари тарихийлик мезонида маҳорат билан қаламга олинган. Хуллас, Хуршид Даврон гоҳ Маҳмуд Қошғарий, гоҳ Чўлпон, Гоҳ Фитрат, гоҳ Усмон Носир бўлиб, ўз тили, она халқи, Ватани ҳақида куюниб-куюниб сўзлайди, уларнинг эртаси учун чин маънода қайғуриб яшайди. Чунончи, унинг «Ватанга қурбонлар қайтса» шеъри бутунги кун кишиларини эрк ва озодликнинг қадрига етишга чорлайди.

**Қодирийнинг терговчиларин,  
Айтиб беришг номма-ном халққа,  
Йиқинг ёлгон тирговчиларин,  
Токи халқим етишсин ҳаққа.  
Токи силқиб куймасин бавир,  
Токи шодмон кутайлик тонгни,  
Токи олиб бормайлик, ахир,  
Келажакка қонни, ёлгонни.**

Умуман олганда Хуршид Давроннинг тарихий мавзудаги барча шеърлари роявий-бадиий мухаммаллиги ҳамда кенг қамровлиги билан эътиборга лойиқдир.

**Нилуфар Мирзаева,  
аспирант**



Носир Фозилов

## ҲАЁТЎҲ ҲАНРОМАЛАР

### САҲРОЙИ

Олтмишинчи йиллар. Қорақалпоғистонда ўзбек адабиёти ва маданияти кунларини ўтказиб бўлиб, вакилларимиз Тошкентга қайтаётган пайти.

Нукус аэропортининг кутиш зали гавжум. Фафур ака, Собир Абдулла, Миртемир ака, Рамз Бобожон, Ҳамид Фулом... Уларни кузатиш учун чиққан қорақалпоқ дўстлар, қўйинг-чи, барча-барчаси ўша залда. Тахминан ярим соатлардан сўнг меҳмонлар самолётта чиқишлари керак.

Фафур ака залда чиройли форма кийиб олиб шипиллаб юрган хушқомат аэровокзал ходимасини олдига имлаб қақирди-ю, қулоғига бир нималар деб шивирлади. Аёл ўнг қўлини кўксига қўйиб: «Хўп бўлади!» деди-да, ичкарига кириб кетди. Сўнг Фафур ака бир чеккада турган пастаккина стол ортидаги креслога бориб ўтирди. Ҳалиги аёл ичкаридан тақсимча кўтариб чиқди-ю, тавозе билан Фафур аканинг олдига қўйди. Тақсимча устида бир стакан сув. Аёл кетди. Фафур ака аёлга ташаккур билдириб, чўнтақларини ковлай бошлади.

Миртемир ака бу манзарани узоқдан кузатиб турган экан, секин Фафур аканинг олдига бориб:

— Фафур ака, бу нима? — деб сўради тақсимча устида турган стаканга ишора қилиб.

Стакандаги оддий сув, шунчаки Фафур ака бош оғриқ дори ичиш учун олдирган сув эди.

Фафур ака Миртемир акани яхши кўрарди. Унинг соддалигини, ишонувчанлигини ёқтирарди. Уни туркистонлик бўлгани учунми ё табиат ҳақида, далаю дашт ҳақида кўп ва хўб ёзгани учунми, баъзан «саҳройи!» деб эркаларди ҳам. Миртемир аканинг ҳалиги саволидан кейин Фафур аканинг шумлиги тутди. Гўё, ҳеч ким йўқми, дегандай теварак-атрофга аланглаб сирли қараб қўйди-да, «ўтир!» деди ёнигинасидаги бўш креслога ишора қилиб. Миртемир ака дарҳол креслога чўқди, ўнг қулоғига кафтини қўйиб, Фафур аканинг оғзига тикилди.

— Санга ишониб бир гапни айтиб бўладими ўзи? — деди Фафур ака янада сирлироқ қилиб.

— Айтинг, Фафур ака, ҳеч кимга айтмайман, — деди Миртемир ака илтижол и оҳангда.

— Э-э, йўқ, — деди Фафур ака ўзини яна ҳам тарозига солиб, — санга ишониб бўлмайди, оғзинг бўш.

— Айта қолинг, Фафур ака, бу нима ўзи?! — деди Миртемир ака ялингандай бўлиб. Икки кўзи Фафур аканинг қафтида турган таблетка билан стакандаги сувда эди.

— Ия, ҳали хабарлари йўқми? — деди Фафур ака қувлик билан.

Миртемир акани яна ҳам ишонтириш учун тагин бир бор, ҳеч ким йўқми, дегандай атрофга сирли қараб қўйди-да, гапида давом этди:

— Бу ароқнинг таблеткаси. Яқинда кашф этилган. Уни мана бундай қилиб оғзинга соласан-у, орқасидан мана бу стакандаги сувни мана бундай қилиб ичиб юборасан. — Фафур ака ҳозир қаңдай тушунтириш бўлса, худди шундай қилиб таблеткани оғзига ташлади-да, орқасидан стакандаги сувни култ-култ қилиб ичди. Сўнг бошидаги дўпписини олиб ҳидлаб-ҳидлаб, гўё газак қилди. Ютиниб, тамшаниб турганидан маълумки, Миртемир ака бу ҳолатга мутлақо ишонди.

— Фафур ака, менга ҳам битта беринг.

— Э, йў-ўқ, санга бўлмайди... Ҳаммага билдириб қўясан.

— Жон Фафур ака, ҳеч кимга билдирмайман, — деб ялина бошлади Миртемир ака.

— Қўймадинг-қўймадинг-да, сахройи... Ма, ол, бировга кўрсатма. Ҳув анови жойда сув бор. Мана бу стаканни олвол, — деди Фафур ака худди ёш болага гап уқдираётгандай. Миртемир ака авайлаб таблеткани кафтига қисиб ушлаганича сув қидириб кетди. Фафур ака Миртемир аканинг ортидан қичқирди: — Ҳўв сахройи, тагин стаканни ўшаққа ташлаб келма!

Орадан уч-тўрт дақиқа ўтар-ўтмас Миртемир ака қўлидаги стаканни олиб келиб Фафур аканинг олдидаги стол устига аста қўйди-да, оқсоқолга сирли жилмайиб миннатдорчилик билдирди. Фафур ака ҳам Миртемир акага нимтаъзим қилиб, илжайди. Бу илжайишда бир дунё маъно бор эди.

Тахминан орадан ўн-ўн беш дақиқалар ўтгач, мезбонлар меҳмонларни самолётга чиқариб, кузатиб қўйишди.

Самолёт мўлжалдаги баландликка кўтарилиб олгач, ҳамма енгил тин олиб, ўриндиқларига ястандилар: баъзилар кўзларини юмиб пинакка кетишган, баъзилар ёнидагилар билан гурунг қилишар эди. Бир пайт Миртемир ака ўрнидан туриб, чайқала-чайқала Фафур аканинг олдига келди.

— Фафур ака... Қалай жойлашдингиз?

Фафур ака бундоқ кўзларини очиб қараса, тепасида Миртемир ака турибди. Кўринишидан жуда хурсанд, икки юзи қип-қизил. Жиңдек, йўқ, жиңдекмас, ажабтовур кайфи бор. Дафъатан Фафур аканинг хаёлига шу гап келди: «Қаёқдан топиб ичақопти бу сахройи?! Жуда кайфи чоғ-ку». — Нафсиларини айтганда Фафур аканинг Миртемир акага жуда-жуда ҳаваси келди. «Ҳўв бола, бор бўлса жиңдек олиб кел!» — деворгиси ҳам келди-ю, бироқ, зум ўтмай боя ўзи берган «ароқ таблеткаси» эсига тушиб ўйлаб қолди: — Епирай, оддий бош оғриқ дори ҳам кайф қилдирар экан-да, а?! Ҳойнаҳой, руҳан таъсир қилган. Ишонгани учун таъсир қилган...

— Ҳа, сахройи тушмагур-а!

Фафур ака маза қилиб кулар, Миртемир ака эса хурсанд, нуқул илжаяр эди.

## **БУНИНГИЗ СЪВЕТНОЙ ЭКРАН-КУ, ТОГА!**

Муҳаммад Режаб нашриётдан кетганидан сўнг анча вақтгача кўринмай юрди. Нимаям бўлди-ю, дам олиш кuni уйда ўтирсам, келиб қолди. Кўргим келди, дейди. Телба бўлса ҳам ўрганиб қолган эканмизми, мен ҳам анча соғиниб қолгандим — кучоқлашиб кўришдик. Чой ичиб ўтириб, ҳол-аҳвол сўрадим:

— Қаерларда юрибсан? Кўринмайсан?

— Кино оляпман, тога, — деди кўзларимга тикилиб туриб.

— Ие, бу янгилик-ку, — дедим таажжубимни яширолмай. Қизиқ, кино қаёқда-ю, Муҳаммад Режаб қаёқда? Ҳеч ҳам қовушмайдиган гап! — Қанақа қилиб оляпсан? — деб сўрадим унинг бу гапи қизиқ туюлиб.

— Қандоқ қилиб бўларди? Шундоқ қилиб-да, — деди кўлларини кўзларига дурбин қилиб.

— Жиннимисан? — дедим бўвилиб. Ҳақиқатан ҳам шу онда унинг жиннилиги хаёлимдан кўтарилган экан. — Кино оладиган одамнинг сурат оладиган аппарати бўлиши керак.

— Мана, бор, — деб у чўнтагини ковайи бошлади. Бир маҳал: «Мана!» — деб кўлимга бир нарса тутқазди. Қарасам, ҳаваскор сураткашлар тутадиган арзон фотоаппаратнинг бураб олинадиган олдинги ойнаси!

— Бу билан қанақа қилиб суратга оласан?

— Жуда оддий, — деди у ҳалиги ойнани кўлимдан олиб. — Тоққа чиқаман-у, шундай олавераман.

— Ҳўв овсар, кино олиш учун артистлар бўлиши керак, киносценарий бўлиши керак,

билдингми? — дедим мен бир оз қизишиб. — Шундай олаверармиш-а! Ҳов, ҳеч бўлмаса киносценарий бўлиши керак. Ҳа, айтгандай менда бир тайёр сценарий бор эди... Бир кўрасанми?

— Қаний? — деди у худди бир ёмби топгандай.

Ҳақиқатан ҳам «Адашганлар» деган бир киносценарий ёзиб, пасон қилиб муқовалатиб қўйгандим, ўшани қидириб топиб, унинг қўлига бердим. Муҳаммад Режаб сценарийни очиб varaқлаб кўрди, бошдан бир-икки жумлани ўқиган бўлди. Сўнг жиддий деди:

— Йўқ тоға, буни суратта олиш менинг қўлимдан келмайди!

— Ие, нега?

— Бунингиз светной экан-ку, тоға. Светнойни қилолмайман...

Сценарийни қўлимга олиб бундай қарасам, «киночи»нинг гапи тўғри экан. Сценарий «Кўм-кўк далалар...» деб бошланган экан. Ҳақиқатан ҳам светной қилиб ёзган эканман.

## ХҲРОЗ ТАРЖИМОН

Экстрасенс деган гаплар энди эшитила бошлаган кунларда қорақалпоқларнинг Ўрозбой Абдураҳмонов деган ёзувчиси қорақалпоқдан чиққан Мирзабой деган экстрасенс ва унинг кирдикорлари ҳақида «Чангалзор йўлбарси» деган китобча ёзган эди.

Уша китобчани мен ўзбекчага аудариб, «Ёш гвардия»да чоп эттирган эдим. Китоб катта шов-шувга сабаб бўлган кунларда муаллифнинг ўзи уйимизга ташриф буюриб қолди. Жиндай отиб қизишиб олгач:

— Ова, мана бу китобингизга бир дастхат ёзиб беринг, — деб қолди.

— Ҳўв, Ўрозбой, бу китоб меники эмас, сеники, — дедим ҳайрон бўлиб. — Мен фақат ўзбекчага аудардим, холос.

Кайфи ошиб шундай деяётган бўлса керак, десам, йўқ, жиддий.

— Йўқ, китоб сизники, ова, — деб оёғини тираб туриб олса бўладими. — Илтимос, ёзиб беринг.

Бўлмади, ёздим:

«Қорақалпоқнинг Ўроз ёзувчисига, ўзбекларнинг хўроз таржимонидан!

Носир оғанг».

## АСАРНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ЁЗСА

Олтмишинчи йиллар. «Ёш гвардия» нашриётининг энг гуллаган пайтлари. Илёс Муслим, Қудрат Ҳикмат, Эркин Воҳидовлар ҳам шу нашриётда ишлашади. Ишлар ниҳоятда тартибли, саранжом. План, график, норма деган гаплар авжида. Буларга итоат қилмасанг, мажлис муҳокамасига тушиб қизаришинг ҳеч гапмас.

Камина ҳам шу нашриётда катта редактор бўлиб ишлайман. Қардош тилларни яхши билганим учун бўлса керак, менга қорақалпоқ ёзувчиси Аденбой Тожимуродовнинг «Саркопли ботир» деган қиссасининг таҳририни топширишган эди. Қиссани шу нашриётда ишлайдиган Абдуқодир ака деган киши таржима қилган. Ниҳоятда одамохун, маданиятли киши. Узи Қашқардан келган уйғурлардан. Ҳали тилини тўғрилаб олишга улгурмаган, аралаш-қуралаш гапирадиганлардан. Таржимани ўша иллатлардан тозалайман, деб бир оз графикдан кечикдим. Интизом қаттиқ бўлгани учун навбатдаги мажлисда бир оз қизаришимга тўғри келди. Узингиз биласиз, нашриётимиз директори Сотволди ака Йўлдошев ниҳоятда қаттиққўл, жиддий одам.

— Қани, ўртоқ Носир Фозилов, ўрнингиздан туриб жавоб беринг-чи, — дедилар. Қарасам, жуда жиддий, қовоқларидан қор ёғиб турибди. Алай-балай деб чалғитишнинг сира ҳам иложи йўқ. Нима бўлса ҳам у кишига бир жўяли гап айтиб, чалғитмасам бўлмайди. Аста ўрнимдан турдим. — Гапиринг, қулоғимиз сизда. Нега ундай бўлди?

— Асарни қорақалпоқ ёзса, уни ўзбекчага уйғур таржима қилса-да, таҳрирни қозоқ қилса... кечикади-да, ака, — дедим директорга тик қараб.

Ўтирганлар кулиб юборишди. Унча-бунча гапга тишининг оқини ҳам кўрсатмайдиган Сотволди ака ҳам ўзини тўхтата олмади.

— Бўпти, — деди у кулдан аранг тўхтаб. — Ҳақиқатан ҳам асарнинг таҳрири оғир. Тагин бир ҳафта муҳлат берайлик.

Шу билан мажлиснинг юзи бошқа масалага бурилиб, танбехдан қутулиб қолдим.

## ҚАНИ, ЧОЙГА ҚАРАНГ

Ижод кишилари жуда валати одамлар бўлишади-да. Бир хаёлга чўмиб кетсалар, ўзи ижод қилаётган оламга шўнғиб кетиб, теварак-атрофида нималар бўлаётганидан хабари бўлмай қолади. Раҳматлик Юнус Ражабий домла ҳам ўшанақалар тоифасидан эдилар. Йўлда кетаётиб ҳам хиргойи қилиб, хаёли ёзаётган мусиқасида бўларди.

Бир куни чойхонада чой ичиб ўтириб ҳам қўлларини галати ҳаракатга келтириб, хиргойи қилаётганини сезмай қолибди. Шунда ёнгинасида ўтирган таниши у кишидан сўрабди:

— Нима қиялпсиз, Юнус ака? Дам солаяпсизми?!

— Ҳа, дам солиб, дам олиб ўтирибман, — деди қувланиб кулиб. Сўнг бир пиёла чой қуйиб, ҳалиги одамга узатибди. — Қани, чойга қаранг, тақсир.

## ТУШУНДИМ

Миртемир ака умрининг сўнгида докторларга кўп иши тушадиган бўлиб қолган эди. Бир куни доктор минг хижолат бўлиб, Миртемир акага маслаҳат берибди:

— Домлажон, энди илгариги соғлигингиз йўқ, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Иложи бўлса, анавини ичишни тўхтатинг.

Миртемир ака ўйлаб туриб.

— Сираям иложи йўқми, доктор? — дебди илтижоли оҳангда.

Ичиб ўрганган одамга бирдан қатавон шарт қўйиш яхши эмаслигини тушунган шинаванда доктор сал юмшаб:

— Майли, домла, — дебди, — бир пиёла чойга тўрт томчи коньяк томизиб ичинг.

Тушунарлими?

— Тушундим.

Бир ҳафтадан кейин Миртемир ака докторнинг олдига келиб, тагин соғлиғидан шикоят қилибди.

— Доктор, айтганингизни қилсам ҳам бўлмаяпти...

— Нима қилдингиз?

— Ўзингиз бир пиёла коньякка тўрт томчи памил чой томизиб ич, девдингиз-ку...

— Э, саломат бўлсинлар-э... — деб шарақлаб кулибди доктор.

## ЭНГ БОЙ РАЖ

Устоз Абдулла Қаҳҳор элигинчи йилларда бир гуруҳ маданият ходимларига бош бўлиб, Ҳиндистон сафарига бориб келди.

У пайтларда бундай сафарлар унча русум бўлмагани учун ёзувчилар сафар таассуротларини Абдулла аканинг ўз оғзидан эшитиш иштиёқида уюшмага йиғилишди.

Абдулла ака Ҳиндистон сафаридан олган таассуротларини ёзувчининг кўзи билан қаҳҳорона гапириб, ҳаммани ўзига қарата олди. Гап ўртасига яқинлашиб қолганида:

— Ҳиндистонда одамларнинг бойлиги — улар уйланган хотинларининг оз ё кўплигига қараб белгиланар экан, — деди Абдулла ака жиддий.

Устознинг бир хусусияти: унинг гапига бошқалар қотиб-қотиб кулар эди-ю, ўзи миқ этмай гапирарарди. — Бир Раж бор экан. Ҳиндистонда энг бой одам ўша Раж ҳисобланаркан. Никоҳида икки ярим мингта хотини бор экан..

Зал бир қалқиб тушгандай бўлди. Одамлар ҳаяжонда, бу гапга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасдилар.

— Об-бо...

— Ола-а!

— Вой-вў-ўй... Шунча хотинни қаңдай қилиб эплар экан-а?!

Бу саволларга Абдулла ака кулгичлари ўйнаб жавоб берди:

— У Ражнинг моддий бойлиги ҳам чакана эмас-да, — деб одамларни чалғитмоқчи бўлди-ю, лекин барибир, «қаңдай қилиб эплар экан», деган сўроққа жавоб бермасликни ўзига эл кўрмади. — Ҳа энди, ойидами, йилидами бирров эшигини авайлабгина қия очиб:

— «Қалай яхши ўтирибсанми?» — деб тезгина жўнаворса керак-да.

Зал кулгидан ларзага келди.



## МУНДАРИЖА

<b>НАЗМ</b>	
Абдулла Орипов. Шоирнинг даъватномаси . . . . .	3
Махмуд Тоиров. Огоҳ бўл, дунё! Достон. . . . .	4
Жуманийз Жабборов. Сен омон бўл, сен абад бўл, бул жаҳон гулзорида. . . . .	20
Анвар Юнус. Навоийхонлик. . . . .	30
Илҳом Аҳор. Ой осмонда қолди барибир. . . . .	33
Файрат Мажид. Бир мунис ифорлар. . . . .	35
<b>БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ</b>	
Зомин қалдирғочлари. . . . .	27
<b>УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР</b>	
Пиримқул Кодиров. Яшашнинг маъноси. . . . .	37
<b>НАСР</b>	
Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Роман. . . . .	44
<b>АМУ ОҲАНГЛАРИ</b>	
Ибройим Юсупов. Ватан, сени суюб-суюб ўтарман. . . . .	111
<b>КИЧИК ҲИКОЯЛАР</b>	
Аброр Зоҳидов. Ҳикоялар . . . . .	117
<b>БОЛАЛАР ДУНЁСИ</b>	
Куддус Муҳаммадий. «Табиат алифбоси» китобидан. . . . .	121
<b>ЭҲТИРОМ</b>	
Соҳиба Ирисхўжаева. 101 ёшли эртакчи бобо. . . . .	123
<b>ЙИЛЛАР, ТАҚДИРЛАР, ВОҚЕЛАР</b>	
Сироҷиддин Аҳмад. Қаюм Рамазон армонлари. . . . .	125
<b>ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО</b>	
Доктор Мағди Муҳаммад Мурси. Миср шеърияти . . . . .	140
<b>ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР</b>	
Рўзи Қодирий. Истикбол гулин очиб, тутар бўстониң барқарор . . . . .	143
<b>БУ ИШҚ СИРРИН КИТОБ ЭТДИНГ</b>	
Ҳожаназар Хувайдо. «Қаро тошлар су бўлди раҳм этиб оху фигонимға». . . . .	146
<b>ЁДНОМА</b>	
Боир Холмирзаев. «...Театр санъатининг қитъаси». . . . .	147
<b>УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ</b>	
Асқад Мўхтор. Бош сатрлар. . . . .	150
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Малика Рустамова. Насрда руҳият тасвири. . . . .	151
Нилуфар Мирзаева. Шеъриятда тарихнинг бадиий талқини. . . . .	154
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Носир Фозилов. Ҳаётини хангомалар. . . . .	156

---

**Компьютер таъминоти: Манзура Файзиева**

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. \* Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. \* Обунага монъелик кўрсатилса ёки журнал ўз вақтида етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Теришга берилди 20.12.2004 й. Босишга рухсат этилди 22.08.2005 й. Қоғоз бичими 70x108<sup>1/16</sup>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1400 нусха. Буюртма № 1724

---

**ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.  
700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41**



1994 йили «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компаниясининг ташкил этилиши мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган режалар сирасида янги йўллар қуриш алоҳида ўрин тутарди. Чунки шундагина мамлакат буйича ягона транспорт тизimini яратиб, янги қазилма конларни тезроқ ўзлаштириш, товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, пиروвардида мустақил Ўзбекистон аҳли учун муносиб турмуш шароити яратиш мумкин бўларди.

1996 йилда янги Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши ана шу мақсадлар ижроси бошланганини билдирди.

2004 йилнинг баҳори нафақат йўл-созлар, балки Ўзбекистон темирйўлчилари учун ҳам тарихга айланган йирик воқеаларга бой, омадли йил бўлди, десак арзийди. Амударё узра улкан автомобил ва темир йўл кўприги қуриб битказилди. Унинг очилишида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Мустақиллик байрамининг 13 йиллиги арафасида юртимиз темирйўлчилари қўшалоқ байрамни нишонлашди. 20 август куни мамлакатимизнинг энг олис гушаларидан бири бўлмиш Қашқадарёнинг Тошгузардан Деҳқонободгача бўлган 56,8 километрлик янги йўлида илк бор поезд қатнови очилди. Шу муносабат билан Мустақиллик куни арафасида илк ташкил этилган — темир йўл фахрийлари, ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари тушган йўловчи поездни деҳқонободликлар зўр шодиёна билан кутиб олишгани ҳам барча юртдошларимизнинг ёдида ўчмас хотира бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўл қурилишини жаддалаштиришга доир қўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан 2005 йилдан қурилишга бош пудратчи этиб «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компаниясининг Йўл ҳўжалиги бошқармаси белги-ланди.

Ҳозирда Деҳқонободдан Бойсун томонгача бўлган 29 километрлик масофада ҳам қурилиш ишлари қизгин давом эттирилмоқда.

Янги темир йўл қурилишини тезлаштиришга оид ҳукумат қарорига асосан, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарининг буйруғига кўра, компаниянинг Йўл ҳўжалиги бошқармаси таркибида янги — махсус йўл машиналари станцияси ташкил этилди.

Бойсундан Пулҳакимгача бўлган масофадаги янги йўлнинг бунёд этилишида «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига қарашли 203-тажриба йўл машиналар станцияси, Навоийдаги махсус йўл машина станцияси, 214-йўл машина станцияси жамоалари, йўл ҳўжалигига қарашли барча ташкилот ишчи-хизматчилари иштирок этмоқдалар.

Ҳозирги пайтга келиб ушбу йўлнинг Сурхондарё вилоятидаги қурилишларида 562 та қурилиш техникаси ишламоқда. Умуман, ушбу йўл қурилишида шу кунларда 4000 га яқин ишчи ишга жалб қилинган бўлиб, уларнинг 3214 нафари темирйўлчилардир.

Махсус мухбиримиз

# ПАХТА БАНК



**«Пахта Банк» сўм пластик карточкаси бу Сизнинг доимий даромад келтирувчи ҳамёнингиздир! «Пахта Банк» замонавий сўм пластик карточкаларидан фойдаланинг!  
«Пахта Банк» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ калитидир!**

## **1. Пластик карточка — ўзи нима?**

Пластик карточка бу барча тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган замонавий, қулай тўлов воситасидир.

АТ «Пахта Банк» томонидан сўм пластик карточка эгалари учун карточкадаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2 фоиз, ойма-ой капитализацияси билан эса йиллик 30 фоиз устама даромад ҳисобланади.

## **2. Мен пластик карточкага эга бўлишим учун нима қилишим керак?**

Сиз энг аввало, шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти) билан Акциядорлик тижорат «Пахта Банк»нинг исталган филиалига мурожаат қиласиз. Банк бошқарувчиси номига ариза ёзасиз ва бир неча дақиқа ичида Сиз учун банк ходимлари томонидан номингизга «Янги пластик карточка» расмийлаштирилиб берилади.

## **3. Бу пластик карточка орқали қандай ҳисоб-китоб тўловларини амалга ошира оламан?**

Бугунги кунда республикамыз бўйлаб ўрнатилган барча терминаллар орқали «Сўм пластик карточкаси» билан Сиз — ўз ҳисобингиздаги маблағлардан коммунал тўловларни (газ, электр-энергия, иссиқ сув ва совуқ сув), барча турдаги солиқлар, почта, телефон, телеграф ва интернет алоқаларидан фойдаланганлик учун тўловларни, йўл қира ва юк ҳақлари (Самолёт, поезд, метрополитен)ни, шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини амалга оширишингиз мумкин.

Шунингдек, умумий овқатланиш жойлари — ресторон ва кафеларда, маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга ёқилги куйиш шахобчаларида, савдо дўконлари ва турғун савдо шахобчаларида ҳисоб-китоб тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга ошириш имконияти мавжуд.

## **4. Борди-ю менга нақд пул керак бўлиб қолса, нима қилишим керак?**

Бундай ҳолатларда Сиз — пластик карточканингиздаги маблағларингизни истаган вақтда бутун республика бўйлаб ўрнатилган банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.

## **5. Пластик карточка орқали тўловларни амалга оширган чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига ҳукуматимиз томонидан қандай имтиёзлар берилган?**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300- қарорига асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмига нисбатан ялпи даромад солиғини 20 фоизга кам тулайдилар.

## **6. Пластик карточкадан қандай фойдаланилади ва унинг қандай афзаллик томонлари мавжуд?**

Сиз ўзингизга танлаган ва пластик карт хотирасига киритилган пароллардан фойдаланиб, банкомат ёки терминал тугмачаларини босасиз. «Пахта Банк» сўм пластик карточканинг ҳисоб-рақамига республикамызнинг исталган бурчлага ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кувайтиришингиз мумкин.

Шунингдек, товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ туланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

## **7. Тасодифан пластик карточкам йўқолиб қолса, нима қилишим керак?**

Унда Сиз тез орада АТ «Пахта Банк» филиалларидан бирига бориб, пластик карточка йўқолганлиги тўғрисида хабар берасиз. Шунда банк ходимлари йўқолган пластик карточкани ҳисобдан чиқариб, бекор қиладилар ва Сизга бошқа янги пластик карточка расмийлаштириб, ҳисобингиздаги пул-мблағларни янгисига тўлиқ ўтказиб беришади. Пластик карточканингиздан ўзга шахслар фойдалана олишмайди, сабаби, Сиз танлаган ва киритган паролни бошқа шахслар билмайдилар.

## **8. Миջозларга мавжуд «Пахта Банк» сўм пластик карточкалари тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланиши кафолатланганми?**

АТ «Пахта Банк» сум пластик карточканингизга доир маълумотлар сир сақланишига ва ҳар ойнинг биринчи кунига фоизли даромадингизни қўшиб боришига кафолат беради. Шу билан бирга, маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

**Бунга қўшимча «Пахта Банк» пластик карточка хизмат турини кенгайтириш мақсадида юридик шахслар учун корпоратив ва жисмоний шахслар учун кредит пласткартларни жорий этади.**